

# **ЧОРВАЧИЛИК**

Т. Х. ИКРОМОВ

# ЧОРВАЧИЛИК

*Ўзбекистон ССР Маориф министрилиги педагогика  
институтларининг агрономия-биология ва биология-химия  
факультети студентлари учун дарслик сифатида тавсия  
этилган*

ТОШКЕНТ “МЕҲНАТ” 1985

Ушбу дарслик педагогика институтлариниң агрономия-биология ва биология-химия факультети студентларн **учун** мүлжалланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг **биологик хусусиятлари**, уларни боқишиш, ташқи муҳит шароитига мослаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, наслчилик ишларини яхшилаш, ҳозирги замон технологияси талаблари **асосида** маҳсулот етиштириш, механизация ва автоматизация воситаларидан **унумли** фойдаланиш, чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш каби бир қанча тадбирлар баён этилган.

Дарсликдан қишлоқ хўжалик институтларининг ва чорвачилик фани ўқитиладиган олий ўқув юртларининг студентлари, шунингдек, чорвачилик ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Рецензент Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг профессори  
Н. О. МАВЛОНОВ

И37

**Икромов Т. Х.**

Чорвачилик. Пед.институларининг агрономия — биология ва биология — химия фак. студентлари учун дарслик. — Т.: Мехнат, 1985. 248 б.

Икромов Т. Х. Животноводство. Учебник для студ агропедагогических н химико-биологических фак. пед.нн-тов.

ББК 45я 73

.МЕХНАТ" нашриёти, 1985

**3804000000 — 9 И М 359 (04) - 85 50 - 85**

## **СЎЗ БОШИ**

Дарслик чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорлари, фан янгиликлари, илгорлар тажрибаси ва авторнинг чорвачилик соҳасидаги илмий кузатишлари асосида ёзилди.

Ҳар бир боб республикамизнинг зонал хусусиятларини, ўлка шароитини, маҳаллий зотлар, етиштириладиган ем-хашак турлари ва бошқаларни ҳисобга олган холда ёритилди.

Ушбу дарсликдан чорвачилик фани ўқитиладиган бошка олий ва ўрта таълим ўқув юрглари студентлари ҳам қўшимча адабиёт сифатида фойдаланишлари мумкин.

Дарслик қўлёзмасини диққат билан кўриб чиқиб. ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган профессорлар: Н. О. Мавлонов, Ф. М. Мажидовга, доцентлар: З. Т. Тўрақулов, А. А. Абдурашидов, Ш. Х. Ақбархўжаев, А. Г. Авизов, А. З. Мухторов, Н. И. Бисероза, У. Б. Облоқулов, У. К Избосаров, М. Р. Рашидов, П. М. Кулангиеев, С. Д. Дўстқулов, Ю. А. Сувонқулов ва бошқаларга автор ўз миннатдорчилигини билдиради.

## КИРИШ

Чорвачилик соҳаларини ихтисослаштириш чорва моллари сонини кўпайтиришни тезлаштирди ва чорвачиликнинг кўпгина тармоқларини, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш учун замонавий машиналар билан қуроллантириш имконини берди.

Чорва молларининг янги зотларни яратиш ва мавжуд зотларини яхшилаш, чорвачиликнинг турли соҳаларини бошқаришнинг назарий ва амалий методларини ишлаб чиқиш ва шу асосда чорва моллари сонини кўпайтириш ҳамда бошқаришнинг рационал усулларини жорий этишда зоотехника фанига катта ўрин берилган.

М. И. Придорогин, П. Н. Кулешов, Е. А. Богданов, М. Ф. Иванов, И. С. Попов каби олимлар зоотехника фанини ривожлантиришга катта ҳисса кўшдилар. Уларнинг асарларида ҳозирги чорва моллари зотларининг келиб чиқиши, тарқалишига, молларнинг зотини яхшилашга, ҳайвонларнинг экстеръери, конституцяси, маҳсулдорлигига, танлаш ва кўпайтириш методларига, ем-хашак ресурсларини ўрганиш, озиқ нормалари ва молларни норма асосида боқишиш усулларини ишлаб чиқишга доир кўпгина материаллар берилган.

Чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш жамоат чорвачилигини ва аҳоли ихтиёридаги шахсий молларни хилма-хил ем-хашак билан етарли миқдорда таъминлашни талаб қиласиди.

Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим вазифани муваффақиятли ҳал этишда малакали кадрлар катта роль ўйнайди. Шунинг учун чорвачилик бўйича маҳсус курсни ўрганиш агроном-биологлар малакасини оширишга ва уларнинг назарий билимларини амалда жорий қилишга ҳар томонлама ёрдам беради.

## ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлиб, ха<sup>л</sup>қимизни озиқ-овқат (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари), енгил саноатни турли хом ашё билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга,

Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, чорва моллари ва паррандаларни ҳар хил сервитамин озиқлар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш бу тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан хисобланади.

Ғаллачилик, мевачилик, сабзавотчилик, пахтачиллик ва боғдорчилик каби соҳаларнинг ривожланиши чорвачиликнинг равнақ топиши учук ижобий аҳамиятга эга. Чунки ғаллачиликада етиштириладиган дон маҳсулотларн ва ғалла экинлари пояси чорва моллари учун қимматли озиқ ҳисобланади. Мевачилик ва сабзавотчилик чиқиндилари ҳар хил ҳайвонлар учун серсув ва сервитамин озиқ сифатида фойдаланилади. Пахтачиликда чигит кунжараси,

шулха, ва ғўзапоя кабилар чорва моллари учун тўйимли озиқ ҳисобланади ва ҳоказо.

Хозирги вақтда чорвачилик энг сертармоқ соҳалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий тармоқлари: қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, паррандачилик, ййлқичилик, туячилик, қўёнчиллик, асаларпчиллик, инакчиллик бўлса, сўпгги пилларда унинг таркиби янги тармоқлар: мўйнабоп ҳайвон турлари, кўл балиқчилиги ва ҳоказолар билан бойитилмоқда.

Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантиришнинг яна муқим омилларидан бири уларни ихтисослаштириш, концентрациялаш (йириклаштириш) ва интенсивлаштиришдан иборат. Бунинг учун мустаҳкам ва барқарор ем-хашак базаси яратиш ва ем-хашакдан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, уларнинг тўйимлилиги ва сифатини ошириш, айниқса таркибидаги оқсил миқдорини кўпайтириш, сунъий усулда витаминалар, амино кислоталар, микроэлементлар, антибиотиклар ва ўстирувчи моддалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилади. Шу билан бирга омихта ем, донадор ва брикет озиқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Барча турдаги чорва моллари ва паррандалар учун жуда муҳим ҳисобланган дағал ва серсув озиқлар (беда пичани, сенаж, силос, маккажўхори, оқжўхори, хашакли лавлаги, озиқбоп полиз экинлари)ни янада кўпроқ этиштириш, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сугориладиган, маданий яйловлар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Чорвачиликни интенсивлаштириш кўп жиҳатдан чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигига боғлиқлиги учун аввало, наслчилик ва селекция ишларини жадаллаштириш, янги сермаҳсул зот ва группалар яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жиддийлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади! Бу борада наслчилик ишлари билан шуғулланадиган барча район, область ва республика ташкилотлари жонбозлик курсатишлари ва қатъий назорат қилишлари лозим.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан фан янгилларни, амалиёт, илғорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқ. Фан янгиликлари эса колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш тармоқлари прогрессив усулда маҳсулот этиштиришида асосий йўлланмадир.

Чорвачилик йил сайин кенгайиб, бойиб бормоқда ва камолот йўлига ўтмоқда. Бинобарин, зооинженерлик касби халқ хўжалигига муҳим, хаётий аҳамиятга эга бўлган мутахассислик бўлиб бормоқда ва бу борада барча биология фанлари қатори, технология, инженерлик ва иқтисод фанларининг ҳам тутган ўрни салмоқли ва беқиёсдир.

**Чорвачиликнинг чор Россияси давридаги аҳволи.** Октябрь революциясига қадар Россияда чорвачилик жуда қолоқ, кам тармоқ, маҳсулдорлиги паст соҳа ҳисобланар эди. Қорамолларнинг гўшт чиқими 40—45%, сути 700—1000 кг, тирик вазни эса 200—300 кг атрофида эди. Қўйлардан олипадиган маҳсулотлар ҳам оз ва сифатсиз бўлган, маҳаллий

жайдари дағал жунли қўйлардан иборат эди. Майин жунли қўйлардан атиги 2 кг жун қирқиб олинса, товуқларнинг бир йиллик тухуми 40—50 донадан ош.мас эди. Қорамолларнинг ҳам маҳсулдорлиги жуда паст даражада эди. Украина, Шимолий Қавказ, Сибирь ва Қозоғистон ерларида асосан гўшт учун қорамол боқилар ва уларнинг энг сермаҳсулн украина қул ранг зоти, қалмоқи ва қозоқи моллар ҳисобланарди. Урта Осиё республикаларида асосан жайдари, қоракўл ва ҳисори қўйлар боқилар ва барча ишлар экстенсив ҳолда олиб борилар эдн. Йилқиларнинг асосан рус юк тортувчи отларидан ахалтака, кабардин каби зотлари бўлган,

Россияда бўлганидек, Ўрта Осиё ўлкаларида ҳам айрим бойлар, қулоқлар ва хукмрон табақадагилар қўлида чет мамлакатлардан келтирилган оз миқдорда зотли, сермаҳсул моллар ва паррандалар бўлсада, улар халк кўлидаги хайвонлар зотини яхшилаш учун берилемас эди.

Йил мобайида етиштириладиган чорвачилик маҳсулоти жуда оз ва сифатсиз эди. Масалан, 1913 йили бутун Россия бўйича (сўйилган вазнда) 5 млн тонна гўшт, 29,4 млн тонна сут ва 11,9 млрд дона тухум етиштирилганлиги маълум.

Шундай қилиб, чор Россияси даврида ва умуман революцияга қадар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори чорвачилик ҳам қолоқ, маҳсулдорлиги паст ва ривожланмаган соҳалардан ҳисобланган.

1940 йили ҳар бир соғин сигирдан ўртacha 1124 кг дан сут соғиб олинган бўлса, 1975 йилга келиб 2353 кг га тўғри келди. 1930 йилнинг бошларида мамлакатимизда кўплаб Давлат наслчилик ташкилотлари қурила бошланди. Моллар зоти тубдан яхшиланиб борди. Бинобарин, 1970 йилга келиб, жами 60 дан ортиқ маҳсулдор чорва молларининг янги зотлари яратилди. Масалан, 12 та қорамол, 22 та қўй, 12 та чўчқа, 10 та от ва кўплаб парранда зотларини яратишга эришилди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда зотсиз моллар йўқ даражада эканлиги совет селекциячиларининг катта ютуқларидан далолат беради.

Лекин чорвачилик қанчалик ривожланганлигига, маҳсулдорлиги ошганлигига қарамай, ҳозирги вақтда халқимизнинг гўшт, сут, тухум ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаётир. Шунинг учун, янги технология ва саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, кўплаб йирик чорвачилик комплекслари қуриш, фермаларни йириклаштириш ва такомиллаштириш ишларини амалга ошириш каби муҳим тадбирлар асосий масала қилиб қўйилган.

**\*\*\*Зооинженерлик бўйича умумий тушунча.** Зооинженерлик бир қанча биологик (анатомия, гистология, эмбриология, физиология, биохимия, генетика, зоология ва ҳоказо), технологик (гўшт ва сут маҳсулотлари бўйича), инженерлик (механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш бўйича) ва иқтисод (қишлоқ хўжалиги бўйича) фанларидан ташкил топган. У чорва моллари ва паррандаларни боқиши, асраш, парвариш қилишга, зотини яхшилаш, янги зотлар яратиш ва улардан кўплаб сифатли ва арзош маҳсулот етиштириш асосларини, қонуният ва амалий тадбирларни ўргатувчи муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган мутахассисликдир.

Бинобарин, барча қишлоқ хўжалик олий ва ўрта. ўқув юртларида чорвачиликнинг хар бир тармоғи мустақил ҳолда ўргатилса, педагогика институтларида бу фан умумий ҳолда ва асосан назарий билимлар ва мухим қонуниятларни ўргатиш билан чекланилади.

Чорвачилик асосан икки қисмдан: умумий ва хусусий қисмдан иборат.

Умумий чорвачилик асосан чорва моллари ва. паррандаларни боқиши, асраш, парвариш қилиши, урчишиши ва зоогигиена конуниятларининг қўлланилиши ва бажарилиши керак, бўлган тадбирларни умумий ҳолда ўргатади. Хусусий чорвачилик хар бир тармоқни (корамолчилик, қўйчилик, чўчқа-чилик, паррандачилик, нилқичилик, туячилик, мўйпабоп ҳайвонлар, асаларичилик, ипакчилик, кўл балиқчилнги ва ҳоказоларни) мустакил ҳолда турлари, зотлари, маҳсулот йўналиши ва тарқалиш хусусиятларига кўра кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш,, боигқариш техникаси ва технологиясини ўргатади.

Чорвачилик қадим замонлардан (эрамиздан аввалги IV аср) ҳатто Аристотель давридан мавжудлиги адабистлардан маълум.. Лекин бу соҳа XVII—XIX асрлардаи бошлаб камолот йўлига ўтган ва чорвачиликда боқиши, асраш, урчишиши, болаларини парвариш қилпш бўйича илмий далил ва қонуниятлар яратила бошланган.

Чорвачиликни ривожлаятиришга катта ҳисса қўшган олимлар жуда кўп. Улардан М.Г.Ливанов, В.И.Вееволодов, А.Ф.Миддендоф, Н.П.Чирвинский, С.Н.Кулешов, И.И.Калугин, М.И.Придоропш, Е.Ф.Лискун, Е.А.Богданов, М.Ф.Иванов, И.И.Иванов, И.С.Попов, С.Н.Боголюбский, В.М.Юдин, Е.А.Арзуманян ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ўзбекистонда чорвачиликнинг асоси ҳисобланган зооинженерлик касбиниг равнақ топишида ва кўплаб юқори малакали мута-хассислар тайёрлашда кўпгина олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмокдалар. Улар орасида. А.А.Рахимов, П.Ф.Қияткин, В.А.Шчекин, А.А.Атбашъян, С.З.Жалилов, Ш.А.Акмалхонов, И.Н.Дъячков, М.А.Кошевой, М.И.Котов, И.А.Тапильский, Н.О.Мавлонов, У.Н.Носиров ва. бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчи қисм**  
**УМУМИЙ ЧОРВАЧИЛИК**  
**I б о б. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ**  
**БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (МОРФОЛОГИЯСИ ВА**  
**ФИЗИОЛОГИЯСИ)**

Чорвачиликни саноат асосида ривожлантириш барча мутахассислар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг биологик хусусиятларинн пухта билишларини такозо этади. Бу эса уларни боқиш, серпуштлиги ва маҳсулдорлигини ошириш, улардан унумли фойдаланиш, оз меҳнат сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш ҳамда уларни йирик чорвачилик комплекслари шароитида тўғри бошқариш имкония беради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг биологик хусусиятларини ўрганишда морфология ва физиология фани муҳим ўрин тутади. Морфология организмнинг шакли формасини ва тузилишини ўрганадиган фан бўлгани ҳолда, анатомия, цитология, гистология ва эмбриологияни ўз ичига қамраб олади. Физиология организмнинг ҳаёт фаолиятини, система ва органларининг вазифасини ўрганадиган фандир. Бунда чорва мол-ларидан (маҳсулдорлигини пасайтирмаган ҳолда) имкони борича узоқ йиллар давомида фойдаланиш, кўпроқ соғлом насл етишти-риш, уларнинг соғлиғига салбий таъсир этувчи факторларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари амалга ошири-лади.

Биохимия ва биофизика фанлари ҳам чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки биохимия тирик организмнинг ҳаёт фаолиятида юз берадиган микдор ўзгаришла-ридаги моддалар таркиби ва хусусиятларини аниқлашга имкон 'берса, биофизика тирик организмда юз берадиган физик ва физик-химиявий процессларни ўргатади,

**ОРГАНИЗМНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯСИ ТУҒРИСИДА  
ҚИСҚАЧА ТУШУНЧА**

Барча ҳайвон ва паррандаларнинг танаси ҳужайралардан ва ҳужайрасиз (синтиций, симпласт ва ҳужайралараро) моддалардан ташкил топган (1 таблица).

1 Синтиций — ўсимталари ўзаро бирлашиб кетган тўрсимон структура (ретикуляр тўқима),

Симпласт — протоплазма ва ядродан ташкил топган бўлиб, ҳужайра синфатида аннклаб бўлмайди (масалан, скелет, мускул толалари).

Ҳужайралараро моддалар — асосан аморф моддадан ва турлн, хил толалардан нборат.

Организмдаги барча тўқималар ҳужайрали ва ҳужайрасиз структуралардан ташкил топган бўлиб, моддалар алмашинуви,, келиб чиқишина тузилишига кўра, ўзига хос тарихий ва индивидуал ривожланишига эга. Ҳар бир тўқима эмбрион каватларидан вужудга келади.

Тўқималар асосан 4 группага; эпителий ёки қопловчи тўқима; таянчозиклантирувчи тўқима (қон, лимфа, тўрсимон тўқима, биректирувчи тоғай ва суяклар); мускул тўқимаси ва нерв тўқимасига бўлинади.

Эпителий ёки қопловчи **тўқима** эмбрионнинг учала (экто, мезо ва зидодерма) қаватидан ҳосил бўлади. Эктодерма қаватидан терини қопловчи эпидермис; эндодермадан нчак, нафас олиш органлари ва снийдик пуфагининг шилиқ қаватини копловчи эпителий; мезодермадан ички бўшлиқ, зардоб парданинг юзаси, кўкрак ва юрак олди бўшлиғи деворини қопловчи эпителий ривожланади.

Эпителий тўқимаси организмнинг ташки муҳит билан алоқасини таъминлайди ва ҳимоя вазифасини бажаради. У организмнинг ташки муҳит билан бевосита алоказор бўлган найсимон органлариниаг ички қаватига жойлашган. Баъзан секреция, экскреция ва шимиш вазифаларини бажаради,

Эпителий тўқималари бир-бирига зич ҳолда жойлашган. Қаватларнинг сонига кўра, бир қаватли (яssi, кубсимом, цилиндрсимон) ва кўп қаватли (яssi ва оралиқ) эпителий бўлади.

Таянч- озиклантирувчи тўқима асосан ҳужанралар ва хужаликларо моддалардан ташкил топган бўлиб, озиклантириш, таянч ва ҳимоя вазифасини бажаради. Катта ёшдаги ҳайвонларнинг таянч-озиклантирувчи тўқимасига қон, лимфа ва ҳар хил тўрсимон бириктирувчи тўқималар {тоғай, ёғ ва суяклар} киради.

Мускул **тўқимаси** кисқарувчан миофibrillл толалардан ташкил топгани ҳолда, кўзғатувчи импульслар таъсирида харакатга келади. Мускул тўқимаси келиб чиқиши, физиологик хоссалари ва тузилишига кўра уч группага: силлиқ мускул, кўндаланг-тарғил мускул ва юрак мускулига бўлинади.

Силлиқ мускуллар асосаи қон томирлар деворида, шунингдек, найсимон ички органлар (ошқозон, ичак, бачадон)нинг девор қисмида, терида учрайди.

Кўндаланг-тарғил мускулларидир; тил мускули, кўз соққасини ва ҳикилдоқии ҳаракатга келтирувчи мускуллар ҳам шу группага киради. Улар тез қисқариш хусусиятига эга.

**Юрак мускуллари муҳим** қават — миокардни ташкил қиласи. Улар автоматик равишда ишлайди. Юрак мускулларининг кўндаланг-тарғил мускуллардан фарқи шундаки, юрак мускули толаларининг ўзаги уларнинг қисқарувчи қисмига, миофibrillлар эса ўзак атрофига, яъни сарколеммага яқин жойлашади. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг атипик мускул толалари яхши ривожланган, миофibrillлари кам бўлади.

Нерв тўқимаси организмда нерв системасини ташкил этади ва икки хил (нейрон ва нейроглия) ҳужайрадан иборат бўлади. Лекин н е й р о н нерв тўқимасининг асосий бирлиги хисобланади. Узун ўсимтали нейрон нейрит (аксон), қисқа ўсимталилари д е н д р и т дейилади. Нейроглиялар ҳужайра синфатида мия ва унинг қисмларида ҳамда барча нерв толаларида учрайди ва ахборотни сақлаш вазифасини бажаради.

Тўқималар тананинг турли қисмларида бир-бири билан бирлашган ҳолда органни ташкил этади (II таблица). Орган организмнинг бир қанча тўқималардан ташкил топган ва маълум функция бажаришга мослашган, ўзига хос шаклга эга бўлган қисмидир (масалан, жигар, ошқозон, буйрак, юрак ва ҳоказолар).

Организм барча ва турли хилдаги органларнинг оддий бирлиги бўлмай, балки анча мураккаб ҳисобланган органлар системасидан ташкил топган бўлади.

Органлар системаси турли шаклга эга бўлган, маълум бир мураккаб вазифани бажаришга қаратилган органлар группасидир. Бинобарин, ҳар бир ҳайвон организми: ҳаракат органлар системаси, қон ва қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, айриши, урчиш ва қўпайиш, нерв ҳамда ички секреция органлар системасидан иборат бўлиб, улар бир-бири билан боғлик ҳолда функция бажаради ва яшайди.

Организмнинг ҳаёти моддалар алмашинуви, муҳитга мослашиш, урчиш, қўпайиш ва ўз-ўзини бошқариш каби хусусиятлари билан белгиланади. Организмнинг бир бутунлик хусусияти асосан қон ва нерв системаси ёрдамида таъминланади. Бошқариш вазифасини нерв системаси бажаради. Бинобарин, барча ҳайвонлар организмининг турли муҳит шароитига мослашишида нерв системасининг роли ва вазифаси бсниҳоя катта ва муҳимдир.

Ҳайвон танасининг таркибин асосан турли химиявий элементлардан ташкил топган бўлиб, икки катта (органик ва анорганик) қисмдан иборат, Органик қисми оқсил, углевод ва ёғлардан ташкил топган. Анорганик қисми асосан сув (50—80%) ва турли хил минерал моддалардан иборат. Бунда кальций, фосфор элементлари кўпроқ учрайди, Бу моддалар бошқа минерал моддалар каби ҳаётий аҳамиятга эга. Улар қон ва тўқималарда ҳам учрайди. Агар уларнинг микдори нормадан камайса, ҳайвон касалланади рахид бўлади, маҳсулдорлиги пасаяди.

**Ҳаракат органлари.** Скелет ва мускуллар ҳаракат органларини ташкил этади. Скелет маълум тартибда жойлашган суюклар ва пайлар ёрдамида бирлашган бўғимлардан иборат. Уни шартли равишда уч (тана, бош ва оёқ) қисмга бўлниш мумкин. Бош суюги ва қўқрак қафасига жойлашган қовурға суюклари мияни ва ички органларни ташки таъсиrlардан сақлайди.

Скелет суюкларига мускуллар бириккан ҳолда, уларнинг қисқариши ва ёзилиши туфайли ҳаракат вужудга келади. Доим ҳаракатда бўлган мускуллар қон билан кўпроқ таъминланади ва уларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи ҳам юқори бўлади.

**Овқат ҳазм қилиш органлари.** Қабул қилинган овқат оғизда майдаланади, механик ва химиявий жиҳатдан ўзгаради, сўнг ошқозон ва ичакларда ҳазм бўлади. Бунда овқат ҳазм қилишга тааллуқли бўлган бсзлар (сўлак, ошқозон, ичак, ошқозон ости безлари) ва жнгарнинг роли бениҳоя катта (III-таблица). Чунки улар овқат ҳазмланишида иштирок этадиган ферментлар ишлаб чиқаради. Бу ферментлар мураккаб органик моддаларнинг парчаланишини жадаллаштиради, содда ҳолга келтиради ва шимилишини осонлаштиради. Бунда оқсил, ёғлар, углеводлар каби озиқ моддалар маълум ферментлар томонидан парчаланади. Шимилган озиқ моддалар қонга ўтади ва у орқали бутун организмга тарқалади. Органлар ана шу йўл билан озиқланади.

Чорва молларинипг овқат ҳазм қилиш органлари оғиздан бошланади, сүнг ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ингичка ичак, йўғон ичак келади. Шунингдек, бу системага қулоқ олди, жағ ва тил ости сўлак безлари ҳамда ошқозон ости бези ва жигар киради.

Озиқ оғизда тишлар ёрдамида майдаланади, сўлак билан аралашади ва қизилўнгач орқали ошқозонга тушади. Ошқозон турли чорва молларида турлича тузилган. Кавш қайтарувчиларда (қорамоллар, қўйлар, эчкилар ва туяларда) у тўрт бўлимдан (сиқма ски оддий корин, тўрқорин, қатқорин ва ширдондан) иборат. От ва чўчқаларнинг ошқозони бир камерали бўлгани учун овқат бир жойда ошқозон шираси ферментлари ва ундаги бошқа моддалар таъсирида парчаланиб, шимилишга тайёр ҳолга келади. Ошқозондан озиқ ичакка ўтади, у ерда ошқозон ости бези ва жигардан ажралиб чиқадиган ўт суюқлиги билан аралашгани ҳолда унинг ҳазм бўлиши ва шимилиши давом этади. Ингичка ичақда шимиilmай қолган моддалар ва айниқса сув йўғон ичақда шимилади. Қолдиқ моддалар эса тўғри ичак орқали ташқарига чиқариб юборилади. Ошқозои кўп камерали бўлган чорва моллари дағал ва серсув озиқларни яхши ўзлаширади. Чўчқаларга бериладиган ем ва серсув озиқларга дастлабки ишлов бериш (майдалаш, буғлаш, намлаш ва хоказолар) уларнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради.

**Нафас олиш органлари.** Организм ҳаёт фаолияти процессида донм кислород қабул қилиб, карбонат ангидрид чиқаради. Бу вазифани асосан ўпка бажаради.

Нафас олингданда, ҳаво бурун тешиги орқали ҳиқилдоққа, ундан кекирдак ва бронхларга ва ниҳоят ўпкага боради. Чорва моллари ўпкаси кўкрак қафасиға жойлашган бўлиб, кўп миқдорда майда пуфакча (альвеола) лардан ташкил топган. Шу альвеола-лар орқали қон кислород билан таъминланади ва карбонат ангидрид чиқариб юборилади.

Чорва молларининг нафас олиш тезлиги турлича. Масалан, қорамоллар минутига 10—30 марта нафас олса, қўйлар 12—20, чўчқалар 8—18, отлар 8—16, туялар 5—12, қўёнлар 10—15, товуқлар 22—25, буғулар 8—16 марта нафас олади. Нафас олиш тезлиги ҳайвонларнинг ёши, жинсига, физиологик ҳолатига, ташқи муҳит температураси ва ҳоказоларға боғлик.

Нафас олиш тезлиги ҳайвонларнинг ташқи муҳит шароитига мослашганлигига, зотига ва маҳсулот кўрсаткичларига ҳам боғлик эканлиги аниқланган. ёзниг иссиқ кунларида (ҳаво температураси 40—41° бўлганда) Қорақалпоғистонпинг махаллий қорамолларида ва Тошкент областидаги жайдари ва бушуев зот молларда нафас олиш тезлиги 35—37 мартағача ортгани ҳолда, эрталабки кўрсаткичдан 8—10% га кўпайса, четдан келтирилган қора-ола зот ҳайвонларда 40—42 мартағача, яънн эрталабкисидан 15—18% га ортганлиги автор томонидан аниқланган.

Сигирларнинг нафас олиш тезлиги сут маҳсулдорлигига боғлик эканлиги ҳам неботланган. Масалан, қора-ола зот сигирларнинг сутн қанча кам бўлса, нафас олниш тезлиги ҳам шунча пасг бўлади ва аксинча, маҳсулдорлиги ошиб бориши билан нафас олиш тезлиги ҳам муайян ҳолда ортиб борган. Бу эса серсут сигирларни боқишида кўшимча тадбирларни

амалга оширпшни тақозо этади, акс ҳолда уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

**Қон айланиш органлари.** Қон айланиш органларн юрак, қон томирлари ва лимфадан ташкил топган бўлиб, улар орқали қон организмнинт хужайра ва тўқималарини кнслород ва озиқ моддалар билан таъминлайди. Кон ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Масалаи, организмга кириб қолган касаллик кўзғатувчи ёт модда ёки микробларни заарсизлантиради ва организмдан чиқариб юборади. Қон организм бўйлаб доим ҳаракатда бўлади. Бинобарин, хайвонлар танасида терморегуляция процесси вужудга келади. Тананинг юза кисми иситилса, ички органлар совитилади ва кизнб кетишдан сақланади.

Тана температурасининг доимиийлнги, биринчидан, организмда иссиқлик хосил бўлиши ҳисобига бўлса, иккинчидан, тер, чиқарилган ҳаво, сийдик ва ахлати орқали вужудга келади. Бинобарин, турли хилдаги чорва моллари танасининг температураси ҳар хил бўлади. Масалан, сигирларники  $37,5 - 39,5^{\circ}$ ; чўчқаларники  $38 - 40^{\circ}$ ; қўй ва зчкиларники  $38 - 41^{\circ}$ ; отларники  $37,5 - 38,5^{\circ}$ ; паррандаларники  $41^{\circ}$  атрофида бўлиши аниқланган. Така температураси тунда пастроқ, кундузи ва айниқса ҳаракатланган вақтда юқори бўлади.

Қон юрақдан йирик аорта қон томирлари орқали чиқарилади, майда томир ва капиллярлар бўйлаб (худди дараҳт шоҳлари каби) тарқалади. Улар орган, тўқима ва хужайраларни ўз таркибидаги озиқ моддалар билан таъминлайди ва колдиқ вена капиллярлари, сўнг улар бирлашмасидан вужудга келган вена кгон томирлари ёрдамида яна юракка қайтади. Ундан ўпкага ўтади, карбонат ангидриддан тозаланади, кислородга бойийди ва шу туфайли мавжуд бўлган кичик ва катта доирадаги қон айланиш процесси ўз фаолиятини давом эттиради.

Турли хилдаги чорва молларида ва паррандаларда юрак уриш тезлиги ҳар хил бўлгани ҳолда, у кўпгина ички ва ташқи факторларга боғлиқ. Масалан, отларда минутига  $24 - 44$ , қорамолларда, қўй ва эчкиларда  $60 - 80$ , қуёнда  $140 - 160$ , товуқда 300, итларда  $70 - 120$  марта юрак уриши (пульс) аниқланган. Юрак уриш тезлиги худди нафас олиш каби, ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига, маҳсулдорлигига, ҳавоннинг температураси ва ҳоказоларга боғлиқ. Температура  $39 - 41^{\circ}$  бўлганда («Санзар» совхозида) наслдор буқаларнинг сантагертруда ва қозоқи оқбош зотида юрак уриши  $60 - 61$  марта, герефорд зотида  $69 - 70$ , aberdin-ангус зотида  $77 - 78$  ва ундан ҳам кўпроқ бўлган. Бинобарин, молларни иссиқдан сақлаш, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетмаслиги ва саломатлигин юқори даражада бўлиши имконини беради.

**Айириш органлари.** Айириш органлари бир жуфт буйрак, сийдик пуфаги (қовуқ) ва сийдик каналидан ташкил топган. Организм учун заарли ва кераксиз ҳисобланган суюқ колдиқ ана шу органлар орқали ташқарига чиқариб юборилади. Буйрак қизил-пушти рангли ёки жигар ранг, қўйларда ловиясимон, юзаси текис; сигирларда бўртмали, чўчқаларда бир қанча айрим бўлакларга бўлинган бўлади.

Бир суткада сигирлар 6—25 л, отлар 5—6 л, қўйлар 1—2 л, чўчқалар 5—6 л сийдик ажратади. Агар сийдик ажралиб чиқиши тўхтаб колса, ҳайвон нобуд бўлади.

**Жинсий органлар.** Урғочи ҳайвонларнинг жинсий органи тухум ҳужайралар етиладиган иккита тухумдондан, тухум йўли (найи), бачадон ва қиндан иборат бўлади (II рангли таблицага қаранг). Эркак ҳайвонларнинг жинсий органи уруғ ҳужайра (сперматозоид)лар етиладиган иккита уруғдондан, уруғ йўли (найи) ва жинсий ўсимтадан иборат.

Янги организм (эмбрион) вужудга келиши учун тухум ҳужайра билан уруғ ҳужайра бир-бирига қўшилиши керак. Бу процесс уругланиш деб аталади. Уругланган тухум ҳужайрадан муртак. (эмбрион) вужудга келади ва она организми (бачадони)да ривожланади.

Чорва молларининг жинсий жихатдан етилиши турлича муддатларга тўғри келади. Масалан, биялар 12—18 ойлигига, ғунажинлар 8—12, кўн ва эчкилар 7—8, чўчқалар 5—8 ойлигига жинсий жихатдан етилади. Лекин уларни куюккан вақтида қочирниш яхши натижа беради.

Чорва молларининг куюкиш муддати бир канча вақт: сигирларда 1,0—1,5; қўй, эчкиларда 1—2; чўчқаларда 2—3; бияларда 5—7 кун давом этади. Агар улар шу вақтда қочирилмаса, маълум. вақт ўтгач, яна қайтадан куюкади. Бия, сигир ва чўчқалар 14—28, қўй ва эчкилар 14—17 кун ўтгач қайта куюкади.

Чорва молларининг бўғозлик даври ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, бияларда 11 ой, сигирларда 285, қўй ва эчкиларда 150, чўчқаларда 114, туяларда 365, буйволларда 307, буғуларда 225 кун давом этади.

Парранда (товук, ўрдак, ғоз ва курка)ларнинг тухумдонида жуда кўп микдорда (3500 тагача) турли хил катталиқдаги фолликула (тухум ҳужайраси бўлган ўсимта)лар бўлади. Фолликулаларда ҳар 24—28 соат ичида овуляция (ёрилиш, пўстлоғининг очилиши) юз беради. Бунда фолликуладан ажралиб чиқсан тухум ҳужайралар, тухум йўлига (найига) тушади ва ўша ерда уругланади. Уругланган тухум ҳужайраларнинг атрофи оқсил модда билан ўралади ва улар бачадонга ўтади, ташқи томондан охак симон пўстлоқ билан қопланади ва қин орқали клоакага ва ундан ташкарига чиқарилади.

**Нерв системаси.** Организмдаги барча процессларни, органлар системасининг бир-бири билан алоқадорлигини ва ташқи муҳит таъсиридан сақлашдаги барча бошқарнш ишларини нерв системаси бажарэди. Ҳайвонларнинг нерв системаси нерв тўқнмасидан ва кўп микдордаги нерв ҳужайраларидан ҳамда уларнинг ўсимталаридан — нейронлардан ташкил топган. Нерв системаси марказний (бош ва орқа миядан чиқувчи нервлар) ва вегетатив (юрак, овқат ҳазм қилиш ва бошқа органларни бошқарувчи нервлэр) қисмларлан иборат.

Организмда нерв системаси рефлекторлик хусусиятига эга. Организмни ташқи таъсиrlарга нерв системаси орқали жавоб бериш реакцияси рефлекс деб аталади. Рефлекслар шартли ва шартсиз бўлади. **Шартсиз** рефлекс ирсий хусусиятга эга, яъни наслданнаслга ўтади, Масалан, эмниш, курк бўлиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. **Шартли** рефлекс

молларшшг ҳаёти процессида, машқ қилдириш, озиқлантириш, маълум нарсаларга ўргатиш натижасида вужудга келади.

Нерв системаси туфайли ҳайвонлар ташқи муҳит шароитига мослашади. Мослаша олмаганларн нобуд бўлади. Шундай қиляб, нерв системаси организмда бениҳоя катта роль ўйнайди.

**Сезги органлари.** Чорва моллари ва паррандаларнинг сезги органлари кўриш, эшитиш, хид билиш, там билиш, қисмларидан иборат. Шу органлари ердамида олган таъсирни улар марказий нерв системаси (бош мия пўстлоғи) га етказади ва у қандай ва қанақа эканлиги сезилади. Сезги органлари ҳайвонлар ва паррандалар ҳаётида жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга.

**Ички секреция безлари.** Ички секреция безларининг маҳсус чиқарув йўли бўлмасдан, улар ўз маҳсулотини қонга қуяди ва организм бўйлаб тарқатади. Ички секреция безларига қалқонсимон, қалқонсимон олд бези, буйрак усти безлари, гипофиз бези, ошқозон ости бези, эпифиз ва жинсий безлар кнради. Ошқозон ости ва жинсий безларнинг чиқарув тешиги бўлгани ҳолда улар ўз маҳсулотини қонга қуйгани учун аралаш секреция безлари ҳисобланади. Уляр чиқадиган суюқлик **гормон** деб аталади.

Барча ички секреция безлари ўзаро бир-бирига боғлиқ. Айрим безлардан ажралиб чиқадиган гормон бошқа без фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади; бинобарин, организм нормал вазифа башқақришида, айниқса моддалар алмашинуви процессида улар муҳим аҳамиятга эга.

**Тери қатлами.** Тери организмни ташқи муҳит таъсиридан сақлашда, қисман бўлсада, газлар алмашинувида, айриш оргакига ўхшаш кераксиз моддалар — тер ва ёф ажралишида муҳим аҳамиятга эга. У асосан уч қисмдан ташқи — эпидормис, ўрта — асл тери ёки дерма ва ичкн — терн ости ёф қаватидан иборат.

Терининг қалинлиги ҳайвонларнинг ёши, жинсига, конститудияси ва қайсан мақсадда боқилишига боғлиқ бўлади. Қапи ва эркак молларнинг териси ёш ва урғочи молларнидан қалинроқ бўлади. Гўшт учун боқиладиган моллар териси қалин бўлиши аниқланган. Чорва моллари терисида жун, паррандаларда пар ва пат бўлади.

**Сут безлари.** Сут безлари маҳсус секрет ҳисобланган сут ишлаб чиқаради. Сут безлари (ёки йелин) турли хил ҳайвонларда ўзига хос шаклда ва катталиқда бўлади. Масалан, сигирларнинг елини тўртта сўрғичдан иборат бўлса, бия, совлиқ ва эчкиларда иккита, чўчқаларда 10—14 та сўрғичли бўлиб, қорин қисмига икки қатор жойлашган.

Сигир елинининг анатомик-гистологик тузилиши IV таблицада ифодаланган. Кузатишлардан маълумки, сут безлари асосан уч хил тўқимадан: без тўқимаси, ёф тўқимаси ва бириктирувчи ёки мускул тўқимасидан иборат бўлади. Серсут сигирларда без тўқимаси яхши ривожланган бўлса, камсут снгиirlарда ёф ва бириктирувчи тўқима яхши ривожланган бўлади (IV таблица).

**Молларда моддалар ва энергия алмашинуви.** Моддалар алмашинуви процесси ҳаётниг асоси ҳисобланади. Барча тирик организмларда ассимиляция ва диссимилияция процесси давом этади. **Ассимиляция** деганда,

моддаларни қабул қилиш ва ҳужайралар ёрдамида ўзлаштириш, **диссимиляция** деганда, кислороднинг оксидланиши натижасида озиқ моддаларнинг парчаланиши ва қолдиқ қисмининг организмдан чиқариб гоборилиши тушунилади. Бу икки процесс бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда моддалар алмашинувини ташкил этади.

Моддалар алмашинувида ҳамма вақт энергия ажралади, ҳужайра ва тўқималар фаолияти жадаллашади, улар яхши ўсиб ривожланади.

Оқсиллар алмашинуви организмнинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Озиқ моддаларнинг тури, келиб чиқиши ва хусусиятлари-дан қатъи назар, улар таркибида маълум миқдрда оқсил бўлади. Айрим озиқ турлари (гўшт, балиқ, тухум, творог, дон: ловия, нўхат, соя кабилар)да оқсил кўпроқ бўлади. Таркибида организм учун зарур барча аминокислоталар (лейцин, изолейцин, метионин, треонин, фенилаланин, триптофан, валин ва лизин) бўлган оқсиллар тўла қимматли оқсиллар дейилади. Таркибида аминокислоталар тўлиқ бўлмаган оқсиллар тұла қимматли бўлмаган. оқсиллар деб аталади. Агар моллар узоқ вақт маълум бир тўла қимматта эга бўлмаган оқсилли озиқ билан боқилса, уларда моддалар алмашинуви процесси бузилади ва ҳайвон нобуд бўлади ва аксинча, агар рационига етишмайдиган айрим аминокислоталар қўшилса ижобий натижага эришилади.

**Ёғлар алмашинуви.** Ёғлар организм ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, энергия манбаи ҳисобланади. Ёғ мой кислоталардан ва глицериндан ташқари, организмда оқсил ва углеводлар синтезланишидан вужудга келади. Еғ таркибида эриган ҳолда А, Д, Е, К витаминлар учрайди.

Ҳайвон организми айрим ёғ кислоталарни (линолен, линоль, арахидон кабиларни) углеводлар ва оқсиллардан синтезлай олмаганлиги учун улар озиқ билан бирга берилиши керак. Агар организмда ёғлар алмашинуви бузилса, ҳайвон нобуд бўлади.

Углеводлар алмашинуви ҳам организм учун жуда муҳимдир. Глюкоза қоннинг таркибий қисми ҳисобланади ва энергия манбаи сифатида ҳужайралар томонидан ўзлаштирилади. Бинобарин, ҳанвонларнинг нормал ҳаёти ва фаолияти учун қон таркибидаги глюкоза миқдори етарли бўлиши керак. Агар у камайиб кетса, моллар титрайднган, қалтирайдиган бўлиб колади ва нобуд бўлади.

Углеводлар нормал организмда кескин ҳолда камайиб кетмайди, чунки жигарда 300 г атрофида гликоген запаси бўлади. Ҳайвон эҳтиёжига кўра, ана шу гликоген парчаланиб, глюкозага айланади ва қон таркибига ўтади.

Минерал моддалар ва сув алмашинуви ҳам барча тирик организмларда муҳим аҳамиятга эга. Сув цитоплазманинг таркибий қисми бўлиб, тўқималарда кўп миқдорда бўлиши барча химиявий реакцияларнинг нормал бориши учун зарур муҳит ҳисобланади. Минерал моддалар етишмаслигидан организмда айрим касалликлар келиб чиқади. Масалан, кальций етишмаслиги қоннинг ивишини бузади, ёш моллар скелети учун у жуда муҳимдир. Иод — бўқоқ бези фаолияти билан боғлиқ; темир етишмаслиги камқонликка (анемияга) олиб келади; кобальтнинг камлигини жигар ошқозон

ости бези фаолиятини бузади. Мис моллар миясида моддалар алмашинуви нормал бориши учун муҳим модда хисобланади.

Бўгоз ва ўсаётган ёш молларнинг барча турдаги минерал моддаларга эҳтиёжи кучли бўлади. Шунинг учун уларни озиқлантиришда рацион таркиби алоҳида эътибор бериш керак.

Витаминлар организм учун оз миқдорда етарли бўлгани ҳолда, барча озиқ турларида учрайди. Улар яхши ўрганилган. Ҳозирги вақтда витаминларнинг икки хили: ёғларда эрувчи (А, Д, Е, К) ва сувда эрувчи (С, В) турлари маълум. Витаминлар моддалар алмашинуvida, озиқ моддаларнинг парчаланишида, цитоплазманинг синтезланишида, айrim озиқ элементлари таъсирини оширишга хизмат қилади. Рационда витаминлар этишмаслиги турли хил касалликларга олиб келади.

Ферментлар биологик катализаторлар сифатида моддалар алмашинуви процессида муҳим вазифа бажаради. Улар ўсимликлар ва ҳайвонлар организмида бўлгани ҳолда деярли барча продессларда (овқат ҳазм қилиш, гемоглобин етиштириш газлар алмашинуви ва ҳаказоларда актив иштирок этади). Ҳозирги вақтда медицинада "ферментлар ёрдамида турли хилдаги вакцина (зардоб) лар ишлаб чиқарилмоқда.

## II б о б . ЧОРВА МОЛЛАРИНИ БОҚИШ

Чорва моллари ва паррандаларни тўғри боқиши уларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиришда ҳамда маҳсулдорлигини кескин оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Химиявий таркиби кўра тўла қимматли ва тўйимли озиқлар билан боқиши ҳайвонларни **тўғри озиқлантириш** дейилади. Физиологик жиҳатдан тўла қимматли деганда, ҳайвонларнинг физиологик ҳолати (бўғозлиги, соғин даври, сутдан чиқарилганлиги, маълум мақсад асосида боқилиши ва ҳоказолар) га кўра ва уларнинг ёши, вазни, жинси, маҳсулдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда озиқ миқдорига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш тушунилади. Агар моллар сифатсиз озиқ билан иотўғри боқилса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади соғлиги ёмонлашади, еш моллар ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди.

Тўла қимматли озиқлар ҳайвон маҳсулдорлигини оширади, ўсиш ва ривожланишини тезлаштиради, серпуштлигини яхшилайди ҳамда соғлом ва иирик насл олипишини таъминлайди.

Чорва молларига озиқлар норма (рацион) асосида берилиши керак.

Ҳайвон организмининг озиқ моддаларга бўлгай талабини қондириш учун сарфланадиган ем-ҳашак миқдори **озиқ нормаси** дейилади. **Рацион** озиқ нормаси асосида ҳайвонларга бир суткада бериладиган ем-ҳашак миқдоридир. Рацион ҳайвон организмининг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган ва маҳсулдорлигини оширишга, физиологик ҳолатини яхшилашга қаратилгап бўлиши керак.

Рацион тузишда ҳар хил ва биринчи галда арzon ем-хашакдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, рацион хайвонларнинг тури, ёши, наслдорлигига, физиологик ҳолатига (бўғозлиги, ориқ-семизлиги ва ҳоказоларга), маҳсулот йўналишига ва биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда тузилади. Булардан ташқари, ҳар бир хўжаликнинг табиий-иктисодий, ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Рацион барча турдаги моллар ва паррандалар учун тузилади ва вақти-вақти билан таркиби ўзгартирилиб туради. Рацион 10 кунга, 1 ойга ва бир фаслга мўлжаллаб тузилади. Бунда хўжаликларда етиштириладиган ем-хашак турларидан кўпроқ ва унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Чорва моллари учун рацион тузишда улар группасики, маҳсулдорлиги йўналишини, ёши ва физиологик ҳолатини ҳисобга олиб, ем-хашак таркибидаги протеин, кальций, фосфор, каротин каби муҳим элементлар микдорига алоҳида эътибор берилади. Молларга бериладиган ем-хашак турлари озиқ бирлиги (яъни 1 кг сулининг ҳайвон организмига берадиган энергияси — қуввати) асосида белгиланади.

Бўғоз бўлмаган молларнинг озиқ моддаларга бўлган минимал талаби асосида озиқ нормаси 2-жадвалда кўрсатилгандек бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, молларга бериладиган ем-хашак уларнинг ўсиши, ривожланади, урчиши ва қўпайишини ҳамда маҳсулдорлигини тобора оширишга қаратилган бўлиши керак.

## **2- жадвал**

### **Бўғоз бўлмаган молларнинг суткалик озиқ нормаси (100 кг тирнк вазни ҳисобига)**

Ҳайаонлар тури	Озиқ бирлиги (кг)	Ҳазм бўладиган протеин (г)	Кальций (г)	Фосфор (г)	Каротин (мг)
Сигирлар	1,0	70	5	2,5	20
Чўчқалар	1,3	100	10	7,0	20
Кўй ва эчкилар	1,5	110	5	5,0	15
Биялар	1,1	75	5	5,0	16

## **ЕМ-ХАШАКНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАРКИБИ, БИОЛОГИК ҚИММАТИ ВА АҲАМИЯТИ**

Чорва моллари ва паррандаларни хилма-хил ем-хашак билан таъминлашда улар таркибидаги химиявий моддаларнинг микдори, тўйимлилиги ва биологик қиммати катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бериладиган ем-хашакнинг таркиби турли хил фойдали химиявий элементларга бой, сифати ва ҳазм бўлиш хусусияти қанча юқори бўлса, унинг самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Сув ҳайвон ва ўсимликлар организмида муҳим физиологик функция бажаради. У организмда озиқ моддаларни бир жойдан иккинчи жойга етказишда воситачи бўлиши билан бирга, овқат ҳазм қилишда, тана

температурасини бошқаришда, қолдик моддаларни ажратиб чиқаришда муҳим роль йўнайди.

Ем-хашак таркибида сув қанча кўп бўлса, унинг қиммати шунча паст бўлади. Илдизмевалар, қўк ўт, сут маҳсулотлари, пиво заводи чиқиндилари (барди) да сув кўп бўлади.

Куруқ моддалар асосан минерал (кул) ва органик бирикмалардан иборат. Минерал моддалар бирикмалари организмда муҳим физиологик функция бажаради. Масалан, улар ҳужайраларнинг озиқ моддалар шимишида ва ўзлаштиришида, осмотик босимини сақлашда муҳим вазифа бажаради (1-расм).

Минерал моддалар иккита катта группани (макро ва микрозлементларни) ташкил этади, **Макроэлементлар** кальций, фосфор, натрий, хлор, калий каби моддалардан ташкил топган. **Микроэлементлар** темир, мис, марганец, кобальт, йод ва ҳоказолардан иборат. Бу моддалар ҳайвон организми учун жуда муҳим ҳисобланади.

Органик моддалар азотли, азотсиз моддалардан ва витаминалардан ташкил топган.

Азотли моддалар, яъни аралашмали протеин таркибида азот бўлган, оқсилсиз бирикмалардан иборат **аминлар** ҳисобланади. Ем-хашак таркибида протеин турли миқдорда бўлади. Масалан, дуккақдош ўсимликлар поясида 15%, донида 25—30%, балиқ уни-да 50—60% атрофида бўлиши аниқланган.

**Оқсил** ҳайвонлар организмида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ем-хашак таркибида турли миқдорда учрайди. Масалан, кунжара ва шротда 30—45%, дуккақдош ўсимликлар донида 25—30% бўлиши аниқланган.

**Азотсиз** моддалар ёғлар ва углеводлардан ташкил топган. Усимликлар таркибида ёғлар оз (0,1—6%) миқдорда учрайди. Лекин таркибида ёғ моддаси бўлган ўсимликлар донида ва унинг чиқиндилари (кунжара, шрот) да у кўпроқ бўлади. Ёғ ҳайвонлар организмида энергия манбаи ҳисобланади.

**Углеводлар** асосан клетчатка (целлюлоза) ва азотсиз экстрактив моддалардан ташкил топган. Уларнинг ичидаги қимматлиси қанд ва крахмал ҳисобланади. Углеводлар ҳайвонлар организмида ёғ, гликоген, қон шакарига айланади. Углеводларнинг химиявий ўзгариши натижасида иссиқлик энергияси ажралиб чиқади ва организмнинг ҳаракати учун сарфланади.

**Клетчатка** ўсимликлар ҳужайраларининг пўсти ҳисобланади. Унинг ҳазм бўлиши ва организм томонидан ўзлаштирилиши анча мураккабdir. Бинобарин, ўсимликлар таркибида клетчатка қанча кўп бўлса, унинг озиқлик қиммати шунча паст бўлади. Лекин барча турдаги ҳайвонлар (айникса, кавш қайтарувчилар) нинг овқат ҳазм қилиш процессида клетчатка салмоқли ўрин тутади, Дағал озиқлар таркибида клетчатка кўпроқ бўлади. Масалан, бошоқдош ўсимликлар поясида 35—45%, пичаида 22—33%, донида 2—10%, илдизмеваларда 0,8—1,7% клетчатка бўлиши аниқланган.

**Азотсиз** экстрактив моддаларнинг юқори даражада озиқлик қимматига эга бўлгани крахмал ва қанд ҳисобланади. Крахмал картошка, бошоқдош ўсимликлар допида кўпроқ бўлади. Уларнинг поясида ва баргода оз (2%)

бўлади. Қанд лавлагнда (24%), маккажўхори, оқжўхори ва полиз экииларида (қовун, қовоқ, тарвуз ва ҳоказоларда) кўпроқ, сутда камроқ; (3—5%) бўлади,

**Витаминлар** ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Улар етишмаса, ҳайвон ориқлайди, маҳсулдорлиги пасаяди ва турли касалликларга чалинади. Шунинг учун улар озиғида витаминлар бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ем-хашакнипг озиқлик қиммати таркиби муҳим ҳаётий элементларга бой бўлиши ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан белгиланади. Бунинг учун ем-хашак маҳсус химия лабораторияларида анализ қилинади.

Ем-хашакнинг айримлари тез ҳазм бўлса, бошқалари суст ҳазм бўлади. Бинобарин, уларнинг химиявий таркиби ҳазм бўлиш ху-сусияти ва барча моддаларнинг организмга тўла сингишнни тўла асослаб бера олмайди. Шунинг учун ем-хашакнинг ҳазм бўлиши, ҳайвонлар организмига сингиши процснти ҳисобида юритилади ва коэффициент даражасида бслгиланади.

Ем-хашакнинг ҳазм бўлиш коэффициенти организм томонидан сингдирилган (ҳазм қилинган) озиқ қисмнинг истеъмол қилинган ем-хашакнинг умумий миқдорига бўлган нисбатидир. Ем-хашак қанча яхши ҳазм бўлса, у шуича қимматли ҳисобланади. Щу билан бирга, бир турдаги ем-хашакни барча ҳайвонлар ва паррандалар ҳар хил тезлиқда ҳазм цилади.

Ем-хашакнинг ҳазм бўлишига бир қанча факторлар таъсири этади. Уларнинг энг муҳимлари: ҳайвон ва паррандаларнинг тури, ёши ва маҳсулот йўналишидир. Бундан ташқари, рацион таркиби, ем-хашакнинг тури, химиявий таркиби ва ҳажми ҳам муҳим факторлардан ҳисобланзди.

## ЕМ-ХАШАК ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ҳозирги замон классификациясига кўра, ем-хашак ва умуман ҳайвонлар ва паррандаларга бериладиган озиқлар уч группага (ўсимликлардан тайёрлападиган, ҳайвон ва паррандалардан олинадигап ва минерал кўшимчаларга) бўлинади ва кенг тарқалган қисми биринчи группа, яъпи ўсимликлардан тайёрланадиган озиқ-лар ҳисобланади. Уларнинг асосий турлари: кўк ўт, дағал озиқ (пичан, сомои), сенаж, силос, илдизмевалар, ун тортиш ва озиқ-овқат саноати чикиндиларидан нборат.

**Кўкат озиқла.р.** Табиий ва сунъий ҳолда ўстириладиган барча турдаги ўсимликлар кўкат озиқ ҳисобланади. Масалан, ҳар хил ўтлар; бошоқдош (арпа, сули, буғдой), дуккакдош ўсимликлар (беда, нўхат, ловия), илдизмеваларнинг пояси, барги шулар жумласидандир. ^Бу озиқ турларн асосан баҳор, ёз ва куз ойларида чорва молларига кўпроқ берилади.) Улар таркибида сув, протеин, каротин, витаминлар (А, Д, Е, С) каби моддалар кўп бўлиши би-лан қимматлидир. Булар ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, семприши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсири кўрсатади.

**Дағал озиқлар.** Дағал озиқлар асосан: пичан, сомон, турли хилдаги ўсимликларнинг (маккажўхори, ғўзапоя, оқжўхори, кунгабоқар ва ҳраказоларнинг) пояси, сўтаси ва чиганоғидан иборатдир. Мамлакатимизнинг

барча зоналарида чорва молларини озиқлан-тиришда улардан кенг фоF<sup>^</sup>даланилади.

**Пичан** барча турдаги дағал озиқлар ичида күпроқ фойдаланилади. Айниқса беда пичани от, қўй ва қорамоллар учун муҳим озиқ ҳисобланади. Унинг химиявий таркиби бедани ўстириш процессида қўлланилган агротехника тадбирларига ва шоналаш (гуллаш) вақтида ўриб олинишига, қуритиш ва сақлаш технологиясига боғлиқ бўлади. Бошқа турдаги барча ўсимликлар поясидан ҳам пичан тайёрланади.

Пичаннинг химиявий таркиби унинг сифатига кўра турлича бўлади. Масалан, 4—26% протеин, 3—7% ёғ, 20—35% клетчатка, 28—49% БЭВ, 3—11% кулдан иборат. 1 кг сифатли беда пичанида 0,5 кг гача

Ут (беда) уни қўк ўтлардан, кўпроқ бедадан тайёрланади. Унинг 1 кг таркибида 170—200 г оцсил, 200—250 г каротин бўлади. Аралаш озиқ тайёрлашда у кўп ишлатилади.

Ут уни қоғоз қопларда сақланади. У кўп жой эгалламайди. Ле-кин орадан 6—7 ой ўтгач, унинг таркибидаги каротин камая бо-ради. Ут уйи чўчқа ва паррандалар учун қўшимча витамины озиқ сифатида хизмат қилади. Бузоқларга емга қўшиб бериш яхши натижаларга олиб келади.

Ут уни асосан АВМ-0,4 ва СБ-15 маркали қуриткич агрегатларда тайсрланади. Бунда бир соатда 0,4 ва 1,5 т масса 700—900° да бир неча ўн секунд ичида қуритилиб майдаланиб, ун ҳолига келтирилади. Бинобарин, бу процесс тез борганлиги учун унинг таркибидаги тўйимли ва қимматли элементларнинг атиги 2—3% камайиши аниқланган. Умуман, ўт унининг 1 кг да 0,7—0,8 г озиқ бирлиги, 80—130 г ҳазм бўладиган оқсил, 250 мг каротин бўлиши аниқланган. Томон ўз хўсусияти, таркиби ва қандай ўсимлик поясидан тайёрланганлигига кўра турлича бўлади. Масалан, кузги жавдар сомони таркибида 35—45% клетчатка, буғдой сомонида 10 дан 20 гача озив; бирлиги ва 0,8 кг ҳазм бўладиган оқсил борлиги аниқланган.

Бошоқдош ўсимликлар сомони таркибида 4—5%, дуккақдош ўсимликлар сомонида 6—7% протеин бўлади. Унинг таркибида каротин, кальций ва фосфор каби моддалар ҳам оз бўлади. Бинобарин, сомошибнг тўйимлилиги паст, ҳазмланиши қийин бўлади.

## ДАҒАЛ ОЗИҚЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ

Сифатли пичанни молларга маҳсус ишловсиз бериш мумкин. Айрим ҳолларда юқори сифатли сомон ҳам шу усулда берилиши мумкин. Лекин сомон рационда салмоқли ўринга эга бўлмаса, акс ҳолда унга маҳсус дастлабки ишлов бериш талаб этилади.

**Биринчидан**, у майдаланади ва баъзан ем билан ёки майдаланган илднзмевалар билан аралаштирилади. Ана шунда уни моллар иштаҳа билан ейди.

Сомон отлар учун 1,5 см кавш қайтарувчи ҳайвонлар учун 2,5 см узунликда қилиб майдаланади. Жуда ҳам мандалаб юборилган сомон ҳайвонларда ҳазм қилиш органлари фуикциясини сусайтиради.

**Иккинчидан**, сомонни буғлаш керак. Бунда моғорлаган, зах ерда қолган сомон зарарсизлантирилади, сифати яхшиланады, таъми оширилади.

Кузатишларга қараганда, юқори босимда буғлантирилган сомоннинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлиш хусусияти деярли икки марта ошар экан.

**Учинчидан**, сомон ўз-ўзидан қиздирилади. Бунинг учун деворлари нам ўтказмайдиган қилиб ишлангап махсус ўралар тайёрланади. Майдаланган сомон ана шу ўраларга 20—30 см қалинликда солиниб, кучсиз намакоб билан намланади (100 кг со-монга 70—80 л ҳисобидан) ва устига кепак сепилади. Шу тариқа бир неча қават қилиб ўра тўлдирилади. Унинг устига сим тўр, тахта ва ҳоказо қўйиб, оғир тош ёки бошқа нарса билан бостириб қўйилади. Орадан 3—4 кун ўтгач, сомон таркибида органик моддалар ва кислоталар ҳосил бўлади, натижада унинг мазаси ва ҳазм бўлишн яхшиланади.

**Туртинчидан**, химиявий моддалар ёрдамида ишлов берилади. Бунда унинг тўйимлилиги 1,5 марта ортади. Ишлаб чиқаришда кўпроқ сода ( $\text{Ca}_2\text{CO}_3$ ), аммиакли сув ва сўндирилган оҳакдан фойдаланилади.

Сомонни ишқорлаш учун 2—3 ли  $\text{Ma}_2\text{CO}_3$  дан фойдаланилади ва аралашма 5—6 соат мобайнида тайёр бўлади. Сомоний молларга беришдан аввал тоза сувда чайилади. Оҳакли сувдан фойдаланишда майдаланган сомон яшикларга солиниб, устидан иситилган сув қўйилади, сўнгра оҳакли сув эритмаси солинади. 3—5 кун ўтгач, масса тоза сув билан ювилади ва молларга берилади. Аммиаклн сувдан фойдаланишда, махсус ўралар бўлмасада, ғарамлардаги сомон устига у яхшилаб сепилади ва полиэтилен плёнка билан беркитиб қўйилади. 4—5 кун ўтгач, очилади ва аммиакнинг ҳиди тарқалиб бўлгач молларга берилаверади. Бу усуслан фойдаланганда ферма хизматчилари химоя қўзойнаги, противогаз, фартук, қўлқоп ва резина этиклар кийиб олишлари мақсадга мувофиқдир.

## **ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Республикамиз пахта саноати корхоналарида ҳар йиши чигитли пахтани тозалаш процессида ўртacha 20—25 минг тонна ўлик пахта чигити; 18—20 минг тонна янчилган пахта барги, 200—250 минг тонна чиқиндилар аралашмаси тўпланиб қолади. Бу чиқиндилар молларга берилса, ўртacha 25 млн сўм қўшимча даромад олиш мумкин. Бу соҳада Узбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институтида кўплаб кузатишлар олиб борилган. Пахта савоати чиқиндилари химиявий таркиби бўйича донли экинларнинг дала чиқиндилари ва пахта шулхасидан қолишмайди, органик кислоталар (шу жумладан, олма, лимон кислоталар) кўпроқ бўлади.

Янчилган пахта баргидаги 15—30 мг/кг каротин борлиги аниқланган. Улик пахта чигити, пахта барги ва янчилган қўсак чаноқларидан 10—20% миқдорда моллар емига қўшиб бериш ижобий натижалар берган. Чунки улар таркибида бир қанча фойдали элементлар бўлади (3-жадвал).

**Пахта тозалаш саноати чиқиндилари ва бошка емлар табиий  
моддасининг химиявий таркиби (% ҳисобида, Ю. Г. Ионов маълумоти,  
1970)**

Чиқиндилар	Протеин	Оқсил	Ёғ	БЭФ	Клетчатка	Кул
Ўлик пахта чигити	9,48	7,90	3,50	36,35	26,46	10,31
Янчилган пахта барги (тозаланмагани)	7,86	6,24	2,62	29,6	18,74	38,49
Пахтанинг аралаш чиқиндисн	5,11	4,47	2,44	40,37	33,96	4,50
Пахта шулхаси	5,06	4,47	1,80	36,42	44,11	2,61
Маккажӯхори пояси	9,57	7,95	3,87	36,35	32,76	7,15
Маккажӯхори сўтаси (донсиз)	5,15	3,65	1,38	52,72	25,29	3,37
Арпа похоли	8,66	7,66	1,24	36,20	35,93	6,93

Ем асосан дондан, ёғ-мой саноати чиқиндиларидан (кунжара, шротдан тайёрланади ва биологик хусусиятларига кўра (ҳамма вақт бир хил даражада бўлмасада), тўйимлилиги ва яхши ҳазм бўлиши билан қимматли ҳисобланади.

Дон озиқлар турли бошоқдош (сули, арпа, буғдой, маккажӯхори) ва дуккақдош (соя, нўхат, мош, ловия) ўсимликлар дони ва ёрмасидан тайсрланади. Улар таркибида углеводлар ва айниқса крахмал кўп бўлади. Дон озиқлар тўйинмли, оқсилга бой ва биологик жиҳатдан тўла қимматлилиги билан катта аҳамиятга эга.

Донни турли хилдаги чорва молларига ёрмамайданган ҳолда бериш фойдалидир. Чунки бу ҳолда улар тез ва тўла ҳазм бў-лади. Лекин ёрма ҳолига келтирилган доп кўпи билан 2—3 кун сақланиши мумкин, акс ҳолда унинг таркиби бузилади ва фойда-си камайиб кетади. Айрим вақтларда эса маҳсулот сифатини пасайтириб юборади. Шуинг учун молларга бсриладиган донни олдин майдалаш керак.

Саноат чиқиндилари ҳам чорвачиликда кенг фойдаланилади. Масалан, ун тортиш саноати чиқиндилари — дон ёрмаси, ун гарди, кепаги ва ҳоказолар, қанд саноати чиқиндилари — лавлаги турпи, пўстлоғи, ёғ-мой саноати чиқиндиси — кунжара, шрот; пиво заво-ди чиқиндилари —барди ва дон чиқиндиси, мева-консерва заводи чиқиқдилари —дени, пўсти, барги, ўзаги ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Кепак турли хил дон (буғдой, арпа, сули, лозия, шоли ва ҳоказолар)нинг пўстидан тайёрланади. Унинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлиш коэффициенти сомонникидан юқори бўлади.

**Сенаж** озиқларнинг энг самаралиси ҳисобланади. Намлиги 50—55% га келтирилиб сўлитилган ўтлардан тайёрланиб, майдаланган ва герметик шароитда консервалаштирилган қўк масса **сенаж** дейилади. Сифатли қилиб тайёрланган сенаж пичанга караганда гектарига қўшимча равишда 1000—

1500 озиқ бирлиги беради. Сенаж таркибида углеводлар, еғлар, протеин, минсрал моддалар ва витамиилар кўпроқ сақланади. Молларнинг маҳсулдорлигинн оширишда сенаж муҳим роль ўйпайди.

Сенаж тайёрлашда беда, йўнғичка, эспарцет, оқсўхта (тимофеевка), судай ўти, ёввойи нўхат, сули, соф тариқ ea улар аралашмаси анча қўл келади.

Дуккакдош ўтлар шоналаган ва гуллай бошлагандаги, ғалладошлар бошоқлагандаги, табиий ўтлар гуллагандаги семаж учун ўриб олиш катта самара беради. Сенаж тайёрлашда минора тиридаги сенажхоналар анча қулайдир. Агар улар етишмаса, бетон ётки-зилган чукур ва саёзроқ траншеялардан фойдаланиш мумкин. Траншеяларни жадаллик билан тўлдириб, яхшилаб шиббалаш ва дарҳол устини ҳаво ўтмайдиган қилиб зич ёпиш яхши натнжа бсрэди.

Сенаж тайерлаш технологияси силос тайёрлашдагига қисман ўхшаб кетади. Лекин ўсимлик массасида юз берадиган физиологик-биохимиявий процесслар силос бостиришдагидан кўра фарқ қиласи. Асосий фарқ шундаки, ўриб олинган кўк масса намлиги-ни тезда 40—55% га кадар камайтириш керак. Бу эса массани майдалашга қадар сўлитиш эвазига юз беради. Усимлик намлиги-ни қуритиш шкафларида 105° иссиқликда аниқлаш мумкин:

Сенаж тайёрлашдан аввал барча тайёргарлик ишлари амалга оширилиши керак. Масалан, кўк массасини ўриб олиш вақти, ҳосилдорлиги, жами иеча тоннани ташкил этиши, сақлаш жойи, транспорт, ёрдамчи ишчи кучи шулар жумласидандир.

Узбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти тавсияла-рига кўра, кўк масса маҳсус минораларга жойлаштирилса, узоғи билан 5—7 куида, траншеяларга бостирилса 3—4 кунда барча ишлар якунланиши керак.

Кўк массани ўриб олиш учун КЭН-2,1 ёки КНҚ-1,4 маркали прицепли ўзиюрар ўт ўрувчи механизмлардан фойдаланиш мумкин. Урилган массани тўплаш ва майдалаш учун КНҚ-1,4, КУФ-1,8, ППВ-1,6 ёки СҚ-1,08 Вихрь комбайнини ишга солиш мумкин. Айрим хўжаликларда («Чиноз» совхоз техникуми, «Красный водород» экспериментал базасида) СҚ-2,6 маркали силословчи комбайндан ҳам фойдаланилади. Унинг ишлаб чиқариш цуввати соатига 8—10 т ни ташкил этади. Траншеядаги массани зичлаш учун ДТ-54, Т-74 ва С-100 маркали тракторлардан фойдаланиш мумкин. Ҳаво кирмаслиги учун масса устини 80—100 см қалинликда майдаланган, лекин сўлитилмаган кўк ўт билан ёпиш ҳамда плёнка — материал билан зич беркитиш мумкин. Қейин Э-153 маркални экскаватор билан 30—50 см қалинликда нишаб қилиб туп-рок; босилади. Минора типидаги сенаж сақланадиган хоналардан фопдалакиши учун ПСН-1, ва ПСН-1 М агрегатларидан фойдаланиш мумкин. Бундай технологик процесслар «Красныш водопад» эксперименталь базасида ва кўплаб бошқа илғор хўжаликларда тўғри йўлга қўйилган.

Сенаж тайёрлаш технологиясига тўғри амал қилинса, унинг ҳар килограммида 0,30—0,36 озиқ бирлиги, 40 г каротин, 60 г ҳазмланадпгап

протеин бўлади. Ҳозирги вақтда республикамиз хўжаликларида ҳар йили 2,5 млн тонна атрофида сенаж тайёрланмоқ-да.

**Серсув озиқлар.** Таркибида 70—92% суви бўлган озиқлар сер-сув ҳисобланади. Лекин уларнинг таркибида ёғ ва протеин оз бўлади. Серсув озиқларда витамин, фермент, микроэлементлар кўп бўлади. Тиз ҳазм бўлади, пархез озиқ ҳисоблапади ва моддалар алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, кўк ўт ёки беда таркибидаги 70%, маккажўхори пояси ва силосидаги 70—75% ва илдизмеваларнидаги 80—90% органик моддалар яхши ҳазм бўлади.

Илдизмевали озиқлар тиз ҳазмланиши, таркибида углеводлар ва витаминалар бўлиши билан характерланади. Уларда протеин, кальций ва фосфор жуда оз бўлади. Илдизмевалар қуруқ озиқлар яхши ҳазм бўлнишида муҳим аҳамиятга эга. Илдизмевали озиқлар хилма-хил (хашаки лавлаги, турнепс, сабзи, нимширин ва қанд лавлаги қабилар) бўлади.

Полиз мевалар (хашаки қовоқ, тарвуз, кабачки ва ҳоқазолар) химиявий таркиби ва физиологик хусусиятларига кўра илдизмева-ларга яқин ва ўхшаш бўлади. Полиз мевалар майдаланган ҳолда бсрилади. Баъзан емга қўшиб ҳам берилади.

**Силос.** Силос асосан маккажўхори ва оқжўхори думбуллигига ўриб олиб майдаланган поя ва сўталаридан тайёрланади. 1 кг сифатли силосда 0,20—0,25 озиқ бирлиги бўлади. Силос тайерлана-диган массанинг ўртacha намлиги 70—75% бўлиши керак. Улар 4—5 см узунликда майдалаб бостирилади, зичланади ва ҳаво кирмайдиган қилиб шиббаланади. Силос бостиришда бетонланган траншея ва миноралардан фойдаланиш мумкин. Силос барча турдаги чорва моллари учун қиши ойларида бериладиган асосий озиқлардан бири ҳисобланади.

Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқлар. Ҳайвон маҳсулотларидан бир неча хил озиқ (сут, сутдан тайсрланадиган маҳсулотлар, сут чиқиндилари ва ҳоқазолар) тайёрланади. Шу-нингдек, кушхона чиқиндилари (қон уни, суяқ уни, ҳайвон ички органлари), балиқ консерва заводлари, паррандачилик фабрикалари, инкубация станциялари, мўйна тайёрлаш хўжаликлари чиқиндилари ҳам қуритилиб, ун қилинган ҳолда фойдаланилади. Сўнгги йилларда пилла ғумбаги, моллюскалар, сувда яшовчи бўғимоёқлилардан фойдаланиш ишлари синааб кўрилмоқда. Бу хилдаги озиқлар таркиби прогеинга, витамин ва минерал элементларга бойлиги билан қимматлидир.

100 г гўшт-суяқ унида ўртacha 60—80 озиқ бирлиги, 15—35 г ҳазм бўладиган протеин, 100 г балиқ унида 50—90 озиқ бирлиги ва 20—50 г протеин; 100 г гўшт унида 90—100 озиқ бирлиги, 40 г протеин ва ниҳоят ёғи олинган 100 г сутда 13 озиқ бирлиги ва 3 г протеин бўлиши аниқланган. Бундан ташқарн, 1 кг гўшт-суяқ унида 52 г кальций, 32 г фосфор, 1 кг балиқ унида 67 г кальций ва 32 г фосфор бўлади.

**Сунъий усулда тайёрланган аралаш озиқлар.** Карбамид, яъни синтетик мочсина кавш қайтарувчи ҳайвонлар рационида протеин миқдориин ошириш учун ишлатилади. Карбамид асосан таркибида азот

моддаси оз бўлган ем-хашакка қўшиб берилади. Ёш моллар уни ёмон ўзлаштиради. Сигирларга суткасига 100 г гача ёки оқсилга бўлган умумий талабининг 15—20% миқдорида кар-бамид бериш мумкин. Ярим ешдан катта бузоқларга умумий та-лабига кўра 40—50 г, яъни 20—25%, бўрдоқига боқилаётган йирик молларга 50—90 г, яъни 25—30% миқдорида берилади. Умуман карбамид рациондаги қуруқ моддаларнинг 1% дан ошмаслиги керак. Қўйларга суткасига 13—18 г дан бериш мумкин. Қарбамидни соф бермасдан, кўпроқ емга аралаштирилиб ёки сувда эритилиб пичанга сепиб, намлантириб бериш тавсия этилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган омихта ем таркибида 2,5—3% га яқин карбамид бўлади.

Витаминли препаратлар чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, саноатда маҳсус витаминылар ишлаб чиқарилмоқда. Бу препаратлар кукун ва суюқ ҳолда тайёрланади ва чорва моллари озиғига аралаштириб берилади.

Антибиотиклар чорвачиликда кенг қўлланилади. Улар молларни касалликлардан сақлашда, соғлинини мустаҳкамлашда еа ай-ниқса ёш моллар жадал ўсиши, ривожланиши ва семириши учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, пснициллин, биомицин, тстрацик-лин, синтомицин каби антибиотиклар кўп, стрептомицин, полимик-син, эритромицин, грамицип С, нистатин, неомицин, лсвомицин кабилар камроқ ишлатилади.

Биопрепаратлар ҳам ветеринария соҳасида, айниқса чорва молларнинг айрим юқумли касалликларини даволашда, соғлигини яхшилашда, ўсиш ва ривожланишини тезлаштиришда катта аҳамиятга эга. Бундай препаратлар юқумли касалликлар қўзғатувчи бактерия, вирус, замбуруғлар ва уларнинг озиқ муҳитидаги фаолияти натижасида кўпайтириб тайёрланади. Сўйилган соғлом моллар тўқималаридан биологик стимуляторлар (ёш молларнинг жадал ўсишига срдам берувчи препаратлар) тайерланади.

**Минерал қўшимчалар.** Минерал озиқлар умумий рацион таркибида айрим химиявий моддалар миқдори кам бўлгапида қўшимча ҳолда берилади. Бундай қўшимчалар ичida кўл қўлланадиганлари: кальций, фосфор, натрий ва айрим микроэлементлардпр. Минерал қўшимчаларни барча турдаги моллар ва паррандалар ра-ционига киритиш ижобий натижа беради.

Аралаш озиқлар маҳсус рецепт асосида тайёрланади, бунда ҳар қайси турдаги ва маҳсулот йўналишидаги хайвонларнинг барча хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, Бутуниттифоқ Чорвачилик институти олимлари томонидан соғин сигирлар учун тайёрланган (60—4) рецепт қўйидагича: 20% ўт уни, 28% ёрма маккажўхори ёки қора буғдой, 35% арпа ёки сули ёрмаси, 7% қунжара, 5% лавлаги турпи, 2,5% мочевина, 1,5% фторсизлантирилган фосфат ва 1% ош тузидан иборат.

1 кг аралаш озиқда 0,92 озиқ бирлиги, 165 г ҳазм бўладиган протеин, 10,5 г кальций, 6,8 г фосфор бўлиши мумкин. Шунингдек, аралаш озиқларга витаминалар ва темир моддаси, мис, рух каби микроэлементлар қўшилади.

Донадор (гранулаланган) озиқлар ўт уни, ем ва витаминалардан ҳамда турли хил минерал моддалар қўшиб таъёрланади. Улар қуруқ сочма ҳолда

бўлганлиги учун узоқ вақт сақланади ва молларга механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин бўлади.

Донадор озиқлар чорва моллари ва паррандалар турини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил йириклиқда тайёрланади. Масалан, паррандалар учун 1—2 мм дан 5 мм гача, чўчқа болалари учун 7 мм, катта ёшдаги чўчқалар учун 9—10 мм, бузоқлар учун 16 мм, сигирлар учун 25 мм бўлади. Айрим ҳолларда таркиби оқсил, витаминлар, минерал моддалар ва антибиотиклар билан бойитилади. Брикетланган озиқлар пичан, сомон, кунжара, дон ва ҳоказо лар аралашмасини майдалаб, прессланган ҳолда тайёрланади. Шунга кўра, сақлаш учун жой талаб этилади. Қуруқ бўлганлиги учун узоқ вақт сақлаш ва механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин. Қорамолларга бериладиган брикетланган озиқлар таркиби қуйидагича бўлиши мумкин. Масалан, маккажўхори сўтаси ёки бошоқли дон пояси 40—90%, қора буғдой ёрмаси 5—15%, шунингдек, кунжара, шрот, қанд лавлаги турпи, фторсизлантирилган фосфат, ош тузи, карбамид бўлиши қабул қилинган. Отлар учун тайёрланганда: 40—45% пичан, 27—35% арпа ва бошка қўшимчалар бўлади.

### **ОЗИҚЛАРНИ МОЛЛАРГА БЕРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

Ҳар хил озиқлар (сомон, пичан, кепак, картошка, илдизмевалар, дон, кунжара ва ҳоказолар)нинг тўйимлилигини ва ҳазм бўлишини яхшилаш мақсадида уларга турли усусларда ишлов берилади.

**Сомон** майдаланади. Қорамоллар учун 3—4 см, отлар учун 1,5—2,5 см бўлиши керак. Молларга беришдан олдин унга кучсиз намакоб сепилади, сўнгра дон ёрмаси, барди, силос ва майдалангандар илдизмевалар қўшиб аралаштирилади. Айрим ҳолларда умумий миқдорининг 1 —1,5% атрофида карбамид қўшилади. Маккажўхоридан силос тайёрлашда хам бир тонна кўк массага 5— 6 кг ҳисобидан карбамид қўшилади. Бунинг натижасида силос тар-кибида ҳазмланувчи протеин миқдори 1,5—2 марта ортади.

**Ачитқилар** (хамиртуруш) ҳам ем-хашакни молларга беришга тайсрлашда салмоқли ўрин тутади. Масалан, кепак, дон ёрмаси, кунжзра, шрот кабиларга ачитқи қўшилса, таркиби витамин, оқсил моддаларга бойийди ва таъми яхшиланади. Агар 0,5—1 кг хамиртурушни 5 л сувда эритиб, 100 кг қуруқ озиқка қўшилса, у ҳайвон-лар учун (айниқса қорамоллар ва қўйлар учун) жуда яхши озиқ ҳисобланади.

### **III боб.**

## **ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ АСОСЛАРИ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

Қорамоллар Bos кенжа уруғига мансуб бўлган уч тур ёввойи буқадан келиб чиқсан бўлиб, уларнинг икки тури ҳозирда ҳам Жанубий Осиёда яшайди, тур деб аталган учинчи тури тамомила қирилиб кетган.

Сүнгги маълумотларга қараганда, хонакилаштирилган кўпчилик қорамол зотлари қадим замонларда Осиё, Европа ва Шимолий Африкага кенг тарқалган ва ҳозирда эса қирилиб битган ёввойи буқа — тур (*Bos primigenius*) дан келиб чиқкан. Турнинг сўнгги авлод вакиллари бундан 300 йилча аввал Польшада тугатилган. Уларнинг топилган бир қанча бош склести ва гавда скелетига қараганда жасади катта, шохлари узун, бақувват ва ўткир учли, рангги эса қора, тўқ жигар ранг бўлган.

Тур кучли, серҳаракат, эпчил ва асов ҳайвон хисобланган.

Аниқланишича, хонаки қорамол зотлари шу турларнинг икки-тасидан: жанубий рус тури (*Bos primigenius primigenius*) билан хинд-туркистон тури (*Bos primigenius nomadicus*) дан келиб чиқкан. Биринчи турдан узун бошли Европа-Олд Осиё қорамол типи, чунончи, ёввойи аждодига ўхшашигини маълум даражада сақлаб қолган украина кул ранг қорамоли, иккиичисидан эса асосан з е б у типидаги калта бошли ҳинд қорамоли кслиб чиқкан.

Тур Осиёда ҳам, Европада ҳам эрамиздан тахминан 8000 йил аввал хонакилаштирилган. Инсон уч мақсадда: иш ҳайвони си-фатида, сут ва гўшт маҳсулотлари олиш учун фойдаланган ҳамда ҳайвонлардаги бу хусусиятлар ривожлантирилган. Улардан эса янги зотлар яратилган. Ҳозирда Иттифоқимизда шу молларнинг 50 га яқин зоти кўпайтирилмоқда.

Малайя архипелаги билан Ҳинди-Хитойга тарқалган бали қорамоли (номи Бали оролиининг номидан олинган) ва Ҳиндкстон-да яшайдиган гаял бутунлай бошқа ёввойи аждоддан келиб чиқкан. Уларнинг сввойи аждодлари: бантенг (*Bos banteng*) бали қорамолинимг ёввойи аждоди ва гаур (*Bos gaurus*) гаялнинг ёввойи аждоди хисобланган.

Қорамоллар қандай ёввойи аждоддан келиб чиқсанлмғандан қатъи назар, бир-бiri билан бемалол чатиша олади ва насл беради.

Қўтос ва буйвол ҳам қорамоллар қаторига киради ва уй ҳайвони сифатида улардан фойдаланилади. Лекин буйвол сигир би-лан чатиштирилганда насл бсрмайди. Ҳинд буйволи ҳозир ҳам X<sup>+</sup>дистонда ёввойи ҳолда яшайди.

**Қўйлар.** Европа ёввойи қўйи (қўчкор — *Ovis ammon*) дан келиб чиқкан. Улар асосан Марказий, Ўрта, Олд ва Қичик Осиёнинг тоғли ерларига-]тарқалган. Қўйлар Ўрта денгиздаги — Кипр, Корсика ва Сардиния оролларида тоғларда ҳам яшаган. Шарқий Сибиръ тоғларида ва Шимолий Америкадаги Кордильера тоғла-рида яшаган иккинчи ёввойи тури — тоғ қўйи (*Ovis nivicola*) дан хонаки қўй зотлари кслиб чиқмаган деган далиллар бор.

Умуман, хонаки қўйлар, асосан учта марказ (Европа, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё)да қўлга ўргатилган. Дастреб Олд Осиёда яшаган осиё муфлони (*Ovis ammon orientalis*) эрамиздан 9000 нил аввал қўлга ўргатилган деган маълумотлар бор. Е в р о п а муфлони (*Ovis ammon musimon*) ҳам қўлга ўргатилган. Учинчи марказ хисобланган Марказий Осиёда шохлари спирал шаклида буралган йирик қўй — а р г а л (*Ovis ammon ammon*) қўлга ўргатилган. Бинобарн, хонакилаштирилган айрим қўй зотларида бу белги сақланиб қолган.

Хозирги вақтда дунёда қўйларнинг 150 дан кўпроқ зоти бўлиб, улар асосан 4 хил типга мансубдир: 1. Калта думли қўйлар типи — буларнинг дум сакраш бўғимигача етмайди, жуни калта, дум умуртқаси 13—14 та. Масалан, СССРда романов зот қўйлар шу типга киради. 2. Узун думли ёки орнқ думли қўйлар типи — бу типга мансуб қўйларнинг думи сакраш бўғи-мидан пастга тушиб туради, умуртқалари 14 тадан 23 тагача булади. Лекин уларда ёғ қатлами бўлмайди. Улар асосан Европа, Австралия, Америка ва қисман Африкага тарқалган бўлиб, жуни учун кўпайтирилади. СССРда бу типга меринос қўйлар киради. 3. Мой қўйруқли ёки кенг қўйруқли қўйлар ти-пи — бу типдаги қўйларнинг умуртқаси 13—22 та, ёғ тўқимаси яхши ифодаланган бўлади. Улар асосан Марказий Осиё, Урта Осиё ва Жануби-Шарқий Европага тарқалган. СССРда бу типга ман-суб қоракўл қўйлар кўпайтирилади. 4. Д у м б а л п қўйлар типи — бу типдағи қўйларда қўйруқ бўлмайди, думининг скелети 4—7 та умуртқадан ташкил топган, думбадан пастга осилиб туради, унда қўп миқдорда ёғ тўпланган бўлади. Думбали қўйлар Марказий ва Урта Осиёда, Шарқий Европа чўлларида, Эрон, Ара-бистон билан Африкада ҳам кенг тарқалган. Улар асосан гўшт ва ёғ олниш учун кўпайтирилади. СССРда ҳисори қўйлар бу типга мансубдир. Уларнинг шохи бўлмайди.

Эчкилар асосан Олд Осиё ва Жануби-Шарқий Европада ёввойи ҳолда ншаган. Бурама шохли (*Capra falconeri*) эчкилар Ғарбий Ҳимолай тоғларида, Сулаймон тоғларида, Кашмир ва Аф-ғонистонда, бизда эса Тожикистоннинг жануби-гарбидаги тоғлар-да ҳозирда ҳам ёввойи ҳолда яшайди. Безоар эчки (*Capra aegagrus*) ва галиция эчкиси (*Capra przewalskii*) ҳам хонаки-лаштирилган. Уларнинг шохи баъзан «қиличдек» эгилган ва баъ-зан иккала шохининг учун бир-бирига қараб қийшайган бўлади. Хозирги вақтда айрим эчки зотлари (ангор, кашмир эчкиси)дан узуи, майин ва ялтироқ тивит олинади.

Хонаки паррандаларни инсон дастлаб хўжалик мақсадлари (гўшти, тухуми, пати ва пари) учун ва эстетик завқ олиш учун (ишқибозлик учун асраладиган, декоратив қушлар) қўлга ўргат-ган. Хўжалик мақсадлари учун асосан товуқ, ўрдак, фоз, курка хонакилаштирилган.

**Товуқ** Ҳиндистон, Бирма ва Малайя архипелагидаги ўрмонлар-да ҳозирда ҳам яшаб келаётган ёввойи банкив (*Gallus gallus*) товуғидан келиб чиқиб, уларни қўлға ўргатиш эрамиздан 2000 йилдан аввал бошланган. Ҳозирги вақтда товуқларнинг урушқоқ — д а к а н а, серпушт ва гўштдор зотлари яратилган. СССРда товуқ-ларнинг бир қанча (украина ушанкаси, москва товуқлари, ялан-ғоч бўйинли семиград, леггорн, рус оқ товуғи, лангшан, нью-гемп-шнр каби) зотларн кўпайтирилмоқда.

Ўрдаклар асосан Европа, Осиё ва Шимолий Америкада кенг тарқалган ёввойи ўрдак (*Anas platyrhynchos*) дан келиб чиқкан. Улар аввал Хитойда сўнг Европада қўлга ўргатилган. Лекин хонаки ўрдак ёввойиларига қараганда кам ўзгарган. Узгаришлар асосан уларнинг рангida, вазнида, оёқларининг қисқарганлигига ва қанотлари заифлигига ва серпуштлигига кўзга яққол ташла-нади. ёввойи ўрдакларнинг урғочиси 1 кг, эркаги 1,5 кг бўлса, хонаки ўрдаклар 3—3,5 кг, баъзан 5 кг тош босади.

Қўлга ўргатилган ғозларнинг Ғарбий европа зотлари Европада ҳамда Осиёning шимолий ва ўрта қисмларида кенг тарқалган ёввойи кўк ғоздан (*Anser anser*); тумшуғининг ости бўртмали, оёғи, тумшуғи қора хитой ғозлари эса ёввойи хитой ғози (*Cygnopsis cygnoides*) дан келиб чиқсан. СССРда энг йирик вазни холмогор, Франциядан келтирилган тулуз зотлари кўпайтирилади. Уларнинг вазни 10—16 кг бўлиб, гўшти сифатлилиги билан бошқа зотлардан ажралиб туради.

Куркаларнинг қадимги аждоди Марказий ва Шлмолий Амери-канинг жанубий қисмидаги ўрмонларда кенг тарқалган ёввойи курка (*Meleagris gallapono*) ҳисобланади, уларни Мексика ин-деецлари хонакилаштирган. Курка Европа мамлакатларига 1530 йилларда келтирилган ва ундан Ғарбий Европага тарқалған, сўнг-ра Россияга ўтган. СССРда уларнинг оқ рус куркаси, ши-молий кавказ куркаси, оқ кенг кўкрак курка, москва оқ куркаси, бронза рангли каби курка зотлари кўпайтирилмоқда. Уларнинг вазни: урғочиси 7—8 кг, эркак- . лари 14—20 кг келади.

Туялар — қумлоқ ерли чўл ва сахроларда яшашга мослашган. Уларнинг икки тури: икки ўркачли ёки бактриан (*Camelus bactrianus*) ва бир ўркачли ки дромедар (*Camelus dromedarius*) мавжуд. Туялар эрамиздан тахминан 1000 йил аввал Марказий ва Урта Осиёда ҳамда Ҳиндистоннинг айrim ерларида қўлга ўргатилган деган маълумотлар бор.

Икки ўркачли туялар турк-монгол халқлари ҳастида қандай катта роль ўйнаган бўлса, бир ўркачли туялар бошқа халқлар ҳаётида шунча ахамиятли бўлган. Бактриан туялар йирикроқ бўлиб, асосан Марказий Осиё, Қозогистон, Қуни Поволжье, дромедар туялар эса Шимолий Африка, Жанубий Осиёда, Қавказда боқи-лади. Узбекистонда икки ўркачли, Туркманистонда эса бир ўркач-ли туялар кўпроқ; яшайди. Бактриан туялар сержун ва сергўшт, дромедар туялар эса серсут ва вазни жиҳатидан қисман кичик-роқ бўлади.

Чўчқалар Урта денгиз, Шимолий Европа, Урта Осиё ва Шар-қ^ай Осиё ўлкаларида оддий ёввойи чўчқа — тўнғиз (қабан — *Sus scrofa*) дан келиб чиқсанлиги аниқланган.

Хозирги чўчқа зотларининг деярли ҳамма дастлабки аждодла-ри; Европа тўнғизи (*Sus scrofa scrofa*), Ҳиндистон тўнғизи (*Sus scrofa cristatus*) ва ола тўнғиз (*Sus vittatus*) даи тош асрининг охирларида келиб чиққақан.

Отлар қачон ва қандай аждодлардан келнб чиқсанлиги тўғри-сида ҳар хил фикрлар бор. Лекин айrim тахминларга кўра, улар бундан 50 млн йил аввал ёввони аждодларидан, яъни тарапандан келиб чиқсан. Улар Жануби-Шарқий Европа ва Осиёда яшаган. Утган асрнинг ўрталарига қадар Жанубий Россия дашт-ларида ёввойи отлар — тарпанлар яшаган. Польша ва Белоруссия ўрмонларида эса ўрмон отлари яшаганлиги маълум. Лекин пржевальский ёввойи оти хонаки отларнинг бевосита ёввойи аждоди эмаслиги аниқланган.

Хозир 100 га яқин от зотлари бўлиб, улар икки типга бўлинади. 1— бичими хипча бўлган жанубий тип; 2—вазндор шимолий тип. Жанубий типга мансуб отлар, асосан, йўрға ва чопқир бўлиб, кўпинча мипиш учун

фойдаланилади. Дон, кабардин, ахалтака, араби ва инглиз отлари шу типдаги отлардир. Шимолий типга ман-суб отлар иккита кснжа типга бўлинади. Биричиси, жуссаси бир-мунча кичикроқ шарқий отлар (шарқий европа отлари, сибирь оти, еқут оти, монгол отлари) ва иккинчиси, жуссаси катта гарбий отлардир. Бу кенжা типга оғир юқ тортувчи англия, фрапция, бель-гия отлари ва СССРда владимири зоти, тереқ, совет оғир юқ тор-тувчи зотлари киради. Булардан ташқари, аралаш қонли бир қанча зотлар (орлов йўргаси, қозоқ ва қирғиз отлари) ҳам кўпайтирилади.

**Хонаки қуён** айрим далилларга қараганда, Урта денгиз атрофидаги мамлакатларда ва Гарбий Европада кенг тарқалган ёввойи қуён (кролик — Oryctolagus cuniculus) дан келиб чиқ-қан. Улар ўрта асрда дастлаб Испанияда қўлга ўргатилган. Ҳозир уларниг 50 тача зоти кўпайтирилади. Сертивит зотлари орасида ангор қуёни, гўштдор йўналишидаги оқ ве ликани шиншилла зотлари катта аҳамиятга эга. Улар яхши семиртирилганда вазни 5—6 кг га етади.

### **ҲАЙВОНЛАРНИНГ ХОНАКИЛАШТИРИЛИШИ**

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг келиб чиқиши ва хонакилаштирилиши инсоният тараққиётининг даврлари ва босқичлари билан боғлиқдир. Академик С. Н. Боголюбский (1957) маълумотига кўра, инсон ўзининг ҳайвонот маҳсулотига бўлган эҳтнёжининг тобора ортиб бориши натижасида барча турдагл ёввойи вакилларини аста-секин қўлга ўргата бошлаган. Шу билан бирга уларни яхши боқиб, парвариш қила бошлаган. Улар ора-сида танлаш ва маҳсулдорлигини тобора- ошириш ишлари олиб борилган. Бинобарин, кўплаб тур уй ва жамоат моллари ҳамда паррандалари вужудга келдики, улар ёввойи вакилларидан фақат вазнн, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, серпуштилиги билангина фарқ қиласдан, балки ташқи қиёфаси, тез стилувчанлиги, юввошлиги ва конституцияси билан ҳам мутлақо ажralиб туради<sup>8</sup> Буларнинг ҳаммаси инсониятнинг онгли меҳнати натижасида вужудга кел-ган.

Инсоният тараққиёти процессида табиатдаги ҳайвонларнинг бир қисмигина хонакилаштирилган. *Сут элизувчилардан*: қорамол ва унинг баъзи қариндошлари (зебу, як, буйвол), шимол буғуси, туя, лама, от, эшаклар, қўй, эчки, чўчқа, қуён; *паррандалардан*: товук, ўрдак, ғоз, курка, цесарка, *каптарла, балиқлардан*: карп, карасъ каби вакиллари; *бўғимоёқлиларнинг ҳашаротлар* синфидан: асалари, тут ипак қурти, дуб ипак қурти кабилар хопакилаштирилган.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, олиб борил-ган палеонтологик кузатишларга қараганда, мезолит ва неолит даврига тўғри келади. Лекин палеолит даврида барча ҳайвонлар ёввойн ҳолда бўлиб, улардан фақат овлаш йўли билан фойдалан-ганлар. Маълумотларга қараганда, мезолит даврида фақат ит хонакилаштирилган бўлса, неолит даврида қўй, эчкилар, қорамол ва чўчқа, кейинроқ от хонакилаштирилган. Бундай тадбирлар кўп-роқ Жанубий Туркия, Фаластиин, Курдистон, Ирок, Эрон, Урта Осиёда ва кейинроқ бир қанча дарёлар (Нил, Тигр, Ефрат, Ганг,

Инд, Аму, Хуанхе, Янқзи, Енисей) бўйига яқин зона ва районлар-да олиб борилган.

Жанубий Украина, Қрим ва Қавказ районларида ҳам қадимги хонаки ҳайвон скелетлари топилган.

Хонакилаштирилган ҳайвонлар ва паррандалар устида танлаш, саралаш ва наслчилик ишлари олиб борилди. Натижада кўплаб сермаҳсул, тез етилувчан, серпушт зотлар яратилди. Насл бери-шининг мавсумийлиги ўзгаририлди, яъни истаган вақтда улардан насл олишга эришилди.

Ҳайвонларнинг ёввойи вакилларини хонакилаштириш ишлари ҳозирда ҳам давом этмоқда. Масалан, тог эчкиси (мараллар) ан-тилоп, лос, түяқуш, соболь, тулкн, норка, нутрия, ондатра, шин-шилла ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ҳайвонларни хонакилаштириш уларнинг маҳсулдорлигини кес-кни ошириш имконини берди. Шунингдек, янги зот ва группаларни яратиш, чорва моллари ва паррандаларни дурагайлаш натижасида инсон эҳтиёжи учун кўплаб сифатли, арzon маҳсулот етиштиришга эришилди. Чорва моллари устида олиб бориладиган илмий-куза-тиш ишлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмасдач, аксинча, барча мамлакатларда кенгайиб бормоқда. СССР да ҳам юзлаб илмий-тадқиқот институтлари, база ва станция олнимларн ҳайвонларнинг янги сермаҳсул зотларини яратиш, мавжуд зотларини такомиллаштириш устида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

## **ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

Ҳайвон организмининг ўсиши ва ривожланиши процессида турли ўзгаришлар юз беради. Вазнининг катталашиб бориши, функциясининг такомиллашиши, органлар системасининг мураккаблашиб бориши шулар жумласидандир.

Организмнинг ўсиши ва ривожланишини илмий асосда бошқариш, сермаҳсул, тез етиладиган вакилларини етиштириш, беришган озиқ ҳисобига кўплаб сифатли маҳсулот олиш, барча турдаги озиқ ва парваришлиш тадбирларини маълум мақсадлар учун қўллаш ва чорвачиликда олиб бориладиган барча муаммолар кўплаб олимлар ва мутахассислар томонидан асослаб беришган. Бинобарин, ҳозирги вақтда барча турдаги чорва моллари ва паррандаларни исталган йўналишда бошқариш, хўжалик афзалликларини ошириш, иқлимлаштириш, ёшлигидан маълум мақсадда боқиши каби масалаларнинг барча сирлари аниқданган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда чорвачилик фани кўплаб илмий далиллар, қонуният ва проблематик тадбирлар билан бойитилганки, улардан тўғри ва унумли фойдаланиш самарадорликни ошириш имконини беради.

Ҳайвонларнинг индивидуал ривожланниши бир қанча умумий қонуниятларга боғлиқ. Масалан, узлуксиз, нотекис, навбатли, корреляцион, мосланиш (адаптация) шулар жумласидандир.

Узлуксиз ривожланиш асосида организмларда муайян моддалар алмашинуви процесси ётади. Бу процесс тўхтаса, индивидуал ривожланиш хам тўхтайди, демак, организм нобуд бўлади.

**Нотекис** ривожланишда организмнинг ўсиш тезлиги тўқима ва органлар ҳисобига (вазифаси ва таркиби жиҳатидан) муайян ўзгариб боради. Масалан, дастлабки ривожланиш кунларида эмбрионнинг вазни секин ортади, лекин ўсиш жадаллиги (вазнига нисбатан, марта ҳисобида) тезлашади. Эмбрионлик даврининг сўнгги кунларига бориб, аксинча бўлади, яъни муртакнинг вазни тез ортиб боради, лекин ўсиш жадаллиги сусаяди.

Кишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қорамол, кўй, чўчқа ва ҳоказолар) туғилгач, уларнинг вазни дастлабки ойлар ичида жадаллик билан ортиб боради ва қорамолларда 4—6 ойлигидан 15—18 ойлигигача, кўйларда 2 ойлигидан 5—6 ойлигигача ва чўчқаларда 4—6 ойлигигача у максимал даражага етади, сўнг аста-секин пасаяди. Демак, ҳайвонларнинг индивидуал ривожланишида тўқима ва органлари бир ҳил тезлиқда ўсмайди. Эмбрионлик даврида секинлик билан ўсиб, орган ва тана қисмлари туғилгандан сўнг тසроқ ўсади ва аксинча

Навбатли **ривожланиш** барча ҳайвонлар организмида муртаклик давридан ҳаётининг охиригача давом этади. Лекин бунда навбатланиш хусусияти қузатилади. У икки даврдан: яъни эмбронал ва постэмбрионал (туғилгандан сўнгги) даврдан иборат бўлади. Шунингдек, ҳар бир давр яна бир неча босқичлардан ташкил топади. Масалан, Л.М. Винтерс эмбрионлик даврини уч босқичга бўлади. I тухумлик даври — яъни тухум ҳужайра уруғлангандан то сегментланишигача ва бачадон деворига ёпишиб олгунича бўлган вақт: II муртаклик даври — таша қисмлари ва органларининг шаклланишигача бўлган давр; /// ҳомила даври — тана қисмларининг ўсиш даври. I давр ҳайвон турига кўра 7—11 кун, II давр — кўйларда 34 кун, қорамолда 45 кунлигига вужудга келади.

Проф. Г. А. Шмидт томонидан ишлаб чиқилган класификацияга кўра эмбрионал ривожланиши учта, яъни: *муртаклик, ҳомила олди ва ҳомила даврига бўлади*. Эмбрионлик даври — қорамолларда 34, кўйларда 28, чўчқаларда 22 кун давом этса, ҳомила олди даври — қорамолларда 26, кўйларда 18 ва чўчқаларда 16 кун давом этади. Ҳомила даври эса барча орган ва тана қисмларининг ўсиши, овқат ҳазм қилиш, айриш каби органларнинг шаклланиши ва дастлабки вазифасини бажариши билан характерланади.

Профессор П. Д. Пшеничний ҳайвонларнинг постэмбрионал ривожаланишини беш даврга: яъни, яиги туғилган даври, эмизиклик, жиний балоғатга этиш даври, насл бериш ва қариш даврига

Ҳайвон болалари туғилгач, *биринчи давр* — янги туғилган даври бошланади ва у 2—3 ҳафта давом этади. Бу давр анча масъулиятли бўлиб, туғилган ҳайвон болалари онасининг оғиз сутидан баҳрамаид бўлиши ва яхши парвариш қилиниши уларнинг тез ўсиши ва улғайишига ёрдам беради.

*Иккинчи давр* — эмизикли даври ҳисобланади ва у ҳар ҳил ҳайвонларда турлича бўлади. Бу даврда ҳам ёш организм учун асосий озиқ она сути

хисобланади ва аста-секин улар ўсимлик озиқлар билан озиқланишга ўргатилади. Учинчи давр — жинсий балоғатта етиш даври, тұрттынчиси — насл бериш даври ва ниҳоят бешиңчиси қариш даври бошланади. Бунда организм ўсишдан тұхтайди, моддалар алмашинуви процесси сусаяди.

Корреляция организмларнинг ўсиш ва ривожланиш процессида муайян қонуният асосида вужудға келиши мумкин. Маълумки, организмдаги барча органлар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, бирон органнинг шакли ва функцияси ўзгариши, сўзсиз, бошқа органларга ўз таъсирини күрсатади.

Мосланиш (адаптация) натижасида ҳайвон организми ўсиш ва ривожланиш жадаллигини тезлаштиради ёки сусайтиради. Агар организм кам озиқ қабул килишга мослашган бўлса, унда аввало ёг, мускул ва суюк тўқималарн ўсишдан тұхтайди. Лекин нерв, юрак, қўриш, эшитиш органлари ривожланишда давом этаверади. Бу хусусият организмнинг генотипик хусусиятларига боғлиқ холда ўзгариши мумкин.

Эмбрионализм ва инфантанизм. Организмнинг тўлиқ ривожланишдан тұхтаб қолиши ёки суст ҳолда ривожланиши унинг эмбрионлик даврида юз бериши мумкин, унга эмбрионализм дейилади ёки постэмбрионал даврида вужудға келиши мумкин, унга инфантализм дейилади. Бунинг асосий сабаблари организм етарли миқдорда озиқ моддалар билан таъмиланмаганлиги, касал молларни жуда эрта қочириш кабилардир.

**Ўсиш ва ривожланиш** барча турдаги чорва моллари ва паррандаларда ота-онадан ўтган ирсий хусусиятлар ва ташқи муҳит таъсири асосида юз беради ва барча организмлар учун бу процесс анча мураккаб ва масъулиятли хисобланади. Ўсиш организм ҳажми ва салмоғинииг ортиб бориши, органлари ҳам бўйига, ҳам энига катталашиб бориши хисобланади. Ривожланиши организмдаги сифат ўзгаришлари хисобланади. Бу процесс тухум ҳужайранинг уруғланишидан бошланиб, ҳайвонлар қаригунча давом этади.

## ҲАЙВОНЛАРНИНГ УСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ФАКТОРЛАР

Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи факторларнинг энг муҳимларидан бири уларнинг ирсий хусусиятидир. Иккинчи фактор уларнинг жинсидир. Бунда кўпинча эркак ҳайвонлар урғочиларига қараганда тезроқ ўсади.

Боқиши, ҳавонинг температураси ва намлиги, ёруғлик, асраш, парваришлиш, мөцион ва ҳоказолар ҳам муҳим факторлардир. Яхши боқилган ёш моллар тез ўсиб, яхши ривожланади.

Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига озиқ миқдори ва тури катта таъсир кўрсатади. Масалан, сут ва ем билан боқилган бузоклар тирик вазни оғир ва гўштдор, серсув ва дағал озиқлар билан боқилган бузоклар ихчам, сут маҳсулот йўналишига мансуб бўлади.

Молхоналарнинг нам ва зах бўлиши ҳайвонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Қуёш нури, сунъий ёруғлик етарли бўлса, ҳайвонлар соғлом,

касалликларга чидамли ва бақувват бўлиб ўсади, ёш моллар организмида моддалар алмашинуви процесси анча жадал боради. Бунга асосий сабаб улар ўсиши ва ривожланиши учун кўп озиқ моддалар талаб этишидир.

Ўсишни ҳксоблаш. Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг ўсишини аниқлаш учун асосан улар танасини ўлчаш ва тортиш усуллари қўлланилади. Ҳайвонларнинг ўсиш даражаси *абсолют*, яъни маълум давр билан (сутка, ой ҳисобида), қанча ўсганлиги нисбий, яъни олдинги вазни, ёши бошқа кўрсаткичига нисбатан қанча ўсганлиги ҳамда қанча семирганлиги % ҳисобида аниқланади.

Масалан, бузокнинг дастлабки тирик вазни 30 кг, бир ой ўтгач, 45 кг бўлган. Бунда:  $45 - 30 = 15$  кг ёки суткасига 500 граммдан семирганлигини аниқлаш мумкин.

## ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАИВОНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Ҳайвонлар организмининг морфологик, физиологик ва биохи-миявий хоссалари ва белгилари комплекси уларнинг *конституцияси* дейилади. У ҳайвонлар маҳсулдорлигини, қайси мақсадда боқилишини ва ташқи **муҳит** шароитига мослашиши даражасини ифодалайди.

Конституция ҳайвонлар ҳужайраси, тўқима ва органларнинг умумий ва оддий кўрсаткичи бўлмасдан, балки барча хоссаларининг бир-бирига боғлиқ ҳолдаги ягона мураккаб бирлашмасидан иборат. Конституция белгилари молларни мақсадга мувофиқ танлаш ва саралаш, боқиш ва парвариш қилиш катижасида улар маълум йўналишга эга бўлишидан иборат бўлади.

**Конституциип типлари.** Молларнинг ташқи кўринишига, органларининг ривожланганлигига ва улардан хўжаликда фойдаланиш усулларига кўра, П. Н. Қулешов 4 та (нозик, қўпол, пишиқ ва бўш) конституция типи мавжудлигипи кўрсатди.

Лекин чорва моллари орасида бу тўрт конституция типи соф ҳолда учрамасдан, қўпро^ бири иккинчисига қўшилган ҳолда бўлади. Масалан: I — нозик-пишиқ; II — нозик-бўш; III — қўпол-пи-шиқ ва IV — қўпол-бўш.

Н о з и к-п и ш и қ типга мансуб бўлган молларнинг териси юпқа, скелети мустаҳкам, мускуллари пишиқ бўлиб, семиришга мойил эмас. Мижози кучли, харакатчан бўлади. Бу типга асосан серсут сигирлар ва чопқир отлар мисол бўлади.

Нозик-бўш тип вакилларининг териси юпқа, лекин тери остидаги ёғ қатлами яхши ривожлапган, скелети йўғон бўлади. Мускуллари серёғ, оғир, мижози ювош, тинч бўлади. Аксари гўшт-дор ҳайвонлар ана шу типга мансуб.

Қўпол-пишиқ тип вакилларининг скелети пишиқ, танаси қўпол, мускуллари яхши ифодаланган, териси қалин, жуни ўсиқ ва дағал, тери остидаги ёғ қатлами суст ривожланган бўлади. Асо-сан транспорт воситасида фойдалаилидиган йилқилар ва хўқиз-лар ана шу типга киради.

Қўпол-бўш типга мансуб ҳайвонлариинг танаси йириқ, қўпол, териси қалин ва бўш бўлади. Булар кам ҳаракат, мижози суст, кўп ҳаракат қилишга

чидамсиз ва кўпроқ гўшт-ёғ беришга мослашган ҳайвонлардир. Бу типга асосан гўшт учун боқиладиган ҳайвонлар киради.

М. Ф. Иванов тўртала тип катта аҳамиятга эга эканлигига асос-ланиб, барча турдаги ҳайвонлар учун муҳим бўлган бешинчи тип — мустаҳкам тип мавжудлигини қўрсатди. Бу тип асосан наслчилик ишлари учун анча қулай, молларнинг чидамлилнги, маҳсулдорлиги ва ташқи муҳит шароитига мослашиш каби хусусиятларини ўз организмида мужассамлаштира олган вакилларга мансубдир.

Шундай қилиб, чорва молларини баҳолашда, танлаш ва саралашда ҳамда наслчилик ва селекция ишларида ана шу 5 та конституция типи кенг миёсда қўлланилади.

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ЭКСТЕРЬЕРИ**

Молларнинг ташқи қиёфаси, шакли уларнинг экстеръери дейи-лади. Молларнинг экстеръерига қараб баҳолаш анча қулай бўлиб, уларни танлаш ва саралаш ишларида бу усул қатта аҳамиятга эга.

*2-расм.* Серсут сигирнинг умумий қўриниши.

Ҳайвонларни ташқи қўринишига қараб, уларнинг маҳсулот йўналишини осон аниқлаш мумкин. Масалан, серсут сигирларнинг танаси узун, қорни катта, елини яхши ривожланган бўлса (2-расм), гўштдор молларнинг танаси юмaloқлашган, боши кичик, бўйни ва оёқлари йўғон ва калта, териси қалин бўлади. Серпушт товуқларнинг гавдаси нозик, ўзи чаққон, серҳаракат, оёқлари ингичка, танаси енгил ва бўйни узунроқ бўлади ва ҳоказо.

Ҳайвонларни экстеръерига кўра баҳолашда бир неча: кўз билан чамалаш, ўлчаш, расми асосидаги усувлардан фойдаланилади. Кўз билан чамалаб баҳолаш икки хил бўлади:

- 1) зот хусусиятлари яхши ифодалангандиги, мучалари асосида ривожланганлиги ва соғлиги белгиларини аниқлаш;
- 2) тана кисмларини балл шкаласи асосида баҳолаш. Сўнгти йилларда 10 балли баҳолаш шкаласидан фойдаланилади.

Ҳайвонлар экстеръерини кўз билан чамалаб баҳолашда аниқ қўрсаткичларга эга бўлиш қийин. Бинобарин, ҳайвонлар танасининг қисмлари ўлчов таёфи, ўлчов циркули, штангенциркуль, рулетка (ўлчов лентаси) билан ўлчанади. Шу асосда ҳайвонларнинг тана индекслари ҳисобланади. Индекс тананинг бирор қисми ўлчов қўрсаткичининг иккнчи қисмiga бўлган нисбатидир, у процент билан ифодаланади. Индекс қўрсаткичлари асосида ҳайвонларни ориқ-семизлиги, маҳсулот йўналиши ва ҳоказоларни аниқлаш мумкин (4- жадвал).

**Қорамоллар индекси** (А. Г. Авизов ва Р. Ҳ. Ҳамроқуловлар маълумоти, 1980)

Индекслар	Индекс формалари ( % )	Гўшт учун боқилади-ган қора-моллар	Сутгушт учум бо-қиладиган қорамоллар	Сутучун боцилади-ган қора-моллар
Танасининг узунлиги	Гавданинг қия баландлиги	122,5	118,5	120,5
	X 100 яғрии баландлиги			
Узунёклилик	Яғрнн баландлиги кўкрак чук\глиги _____ : — . х юо	42,5	48,2	45,7
	яғрнн баландляги			
Ихчамлик	К^крак айланаси ————— ————— X 100	132,5	121,3	118,2
	гавдасииимг қия узунлиги			
Тос-кўкрак	Курак орти к^крак кенглиги _____ : ————— х юо	83,5	85,5	80,2
	сагрисиннинг кеиглиги			
Кўкрак	Курак орти кўкрак қенглиги _____ X ЮГ	73,6	68,8	61,8
	кўкрак чуқурлиги			

Бүн дорлик	Думгаза баландлиги _____	102	104	101
	_____ X 100			
	яғрин баландлиги			
Суя қдорлик	Поча айлаиаси _____	13,9	15,1	14,6
	_____			
	— X ЮО			
	яғрии бэландлиги			

Шундай қилиб, ҳайвонлар ва паррандаларнинг экстеръери уларнинг маҳсулот йўналишини ифодалаш имконини беради, лекин бунда маҳсулотнинг миқдори ва сифатини аниқлаб бўлмайди.

### **ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ИНТЕРЬЕРИ**

Ҳайвонлар ички органларининг морфологик (анатомик ва гистологик), физиологик ва биохимиявий хусусиятлари йиғиндинси уларнинг *интеръери* дейилади.

Ҳайвонларнинг нтеръери соҳасидаги қонуният ва назариялар йирик совет олими, академик Е. Ф. Лискун томонидан яратилган бўлиб, улар чорвачиликда катта бурилиш ясади. 1912 илии Лискуннинг сут безларининг гистологик тузилиши ва уларнинг серсуглилка боғлиқлиги ҳақидаги асари нашр этилгач, бу йўналишга асос солинди. Кейинроқ кўплаб яратилган асарлар бу йўналишни бойитди. Масалан, молларнинг барча орган ва тўқималари ҳамда без ва қон элементларининг, нерв учлари (иннервация)ни, тери, жун ва ҳоказоларнинг улар маҳсулдорлигига, вазни, ёши, жинсига, озиқланиш, мосланиш хусусиятларига, конституциясига, экстеръери ва ҳоказоларга алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлик хусусиятларини ифодалаб, асослаб бериш мухим аҳамиятга эга бўлди. Бу соҳада академик Лискуннинг шогирдларидан бири проф. Е. А. Арзуманян ва унинг мактаби вакилларининг фанга қўшган салмоқли ҳиссалари мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида сигирларпинг сут маҳсулдорлиги теридағи тер безларининг ривожланиш даражаси, серқаймоқлиги ёғ безларнинг йирик бўлиши ва зич жойланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, шунингдек, ёш бузоқларнинг тери морфологиясига асосланган ҳолда, олдиндан келажакдаги маҳсулот даражаснни аниқлаб беришда автор ва унинг шогирдлари томонидан бир қанча кузатишлар олиб борилди. Лекин хали бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар чексиз ва мухим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

### **IV б о б. ЧОРВАЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ**

Наслчилнк ишларининг асосий мақсади молларнинг маҳсулдорлигини оширишдан, зотини яхшилашдан, тез етилувчан, вазндор, серпушт ва сифатли моллар етиштиришдан иборат.

Ўзбекистонда наслчилик ишларини самарали олиб бориш мақсадида барча зоналарнинг табиий ва иқтисодий хусусиятларини ва молларнинг биологик ҳамда хўжалик сифатларини ҳисобга олган ҳолда зотларни районлаштириш ишлари амалга оширилган. Ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида барча турдаги урғочи молларни юқори кўрсаткичларга эга бўлган эркаклари уруғи билан сунъий уруғлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Наслчилик ишларнинг самараси бир қаича тадбирларга боғлиқ. Масалан: 1) чорвачилик фермаларида моллар зотини яхшилашда юқори класс сермаҳсул эркаклар уруғидан унумли фойдаланиш; 2) танлаш ва саралаш ишларида молларнинг келиб чиқиши (ота-онасининг маҳсулдорлиги), конституциясига, ривожланиш даражаси ва авлодининг маҳсулдорлик кўрсаткичига алоҳида эътибор бериш; 3) фермаларда бонитировка ишларнни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш; 4) насл учун энг сифатли ва соғлом болаларини ажратиш; 5) чатиштириш ишлари учун подадаги энг яхши, сифатли, сермаҳсул, соғлом урғочи молларни танлаш; 6) наслчилик ишларини тасдикланган қатъий режа асосида олиб бориш; 7) насл учун ажратилган молларни сифатли озиқлар билан рациои асосида боқиш, парваришлиш ва асрар ишларини юқори даражада олиб бориш шулар жумласидандир.

Барча наслчилик хўжаликларида наслчилик ишидаги асосий усул молларни тоза ҳолда (эркак ва урғочиси бир зотдан бўлган молларни) урчитиш ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда, масалан, молларнинг бирор маҳсулот кўрсаткичини яхшилаш ёки янги зот яратиш мақсадида вақтинча ҳисобланган зотлараро чатиштириш усули қўлланилади.

Барча фермаларда кўплаб товар маҳсулот етиштириш учун ҳар хил чатиштириш ва ҳатто гибридлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирлар кўпроқ қорамолчиликда, чўчқачиликда ва паррандачиликда кенг амалга оширилади.

## ЧОРВАЧИЛИҚДА ТАНЛАШ

Чорвачнликда янги зот яратиш ва мавжуд зотларни такомил-лаштириш, айрим маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш бораси-да *танлаш* ишлари олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Танлаш молларнинг *фенотипига* (ривожланиши, экстеръери, конституция-си, маҳсулдорлигига) ва *генотипига* (ирсий хусусиятларига ва бу хусусиятларни ўз наслига бера олиш ҳолатига) кўра олиб бори-лади.

*Бир томонлама танлашда* моллар маълум бир кўрсаткичи асо-сида танланади.

*Келиб чиқишига кўра танлашда ҳали болалари туғилмасдан олдин, махсус журналлардаги маълумотларга, ота-онасининг ир-сий белгиларига қараб танланади.*

*Вазни ва жадал ўсишига кўра танлашда ҳар хил ҳайвонлар турли ёшида баҳоланади. Масалан, қулунлар (тойлар) 6—8 ойли-гида, бузоқлар 5—6 ойлигида, қўзилар 3—4 ойлигида, чўчқа бо-лалари эса 2 ойлигида баҳоланади.*

*Болаларининг сифатига кўра танлаши асосан болаларининг ҳаётчанлиги, тирик вазни, сони ва бошқа барча белгилари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.*

Танлашнинг асосий формалари. Чорвачиликда ялпи ва индивидуал (якка-якка) танлаш мавжуд. Ялпи танлашда асосан молларнинг фақат фенотипи ҳисобга олинади. Индивидуал танлашда ҳам фенотипи, ҳам генотипига эътибор берилади, бу эса моллар селекциясида муҳим аҳамиятга эга.

Жуфтлаштириш, **яъни** хиллаш, Чорвачиликда наслчилик ишларидаги муҳим тадбирлардан бири эркак ва урғочи ҳайвонларни жуфтлаштириш (хиллаш) ҳисобланади. Шу йўл билан уларнинг фойдали белгиларини наслида мустаҳкамлаш мумкин. Агар жуфтлаштириш ишлари нотўғри олиб борилса, наслига ўтган хусусиятлар сифати пасайиб кетиши мумкин. Эркак ва урғочи ҳайвонларни жуфтлаштиришда қўйидагиларга эътибор берилади: 1) энг сифатли урғочилари энг сифатли эркаклари билан жуфтлаштирилади; 2) жуфтлаштиришда эркак ҳайvon урғочисига қараганда юқори классли бўлниши керак; 3) яқин қариндош ҳайвонларни (I авлод эркак ва урғочиларини ўзаро ёки болаларини ота-она-лари билан) жуфтлаштириш ярамайди. Акс ҳолда заиф ва сифат-сиз насл вужудга келади. Лекин наслчилик хўжаликларида, айрим вақтда, юқори малакали мутахассислар назорати остида, бу ишни маълум максадда (зотнинг сифатини яхшилаш, зот яратиш учун) амалга ошириш мумкин; 4) айрим нуқсонлари бўлган эркак ва урғочи ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш ярамайди, чунки бу нуқсонлар олинган наслда жиддийлашиб кетади. .

## **ЗОТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

Чорва моллари ва паррандаларнинг келиб чиқиши, конституцияси, экстерьери, хўжалик ва махсулот йўналишига кўра бир хил бўлган ва ўз хусусиятларини наслига бера оладиган группаси зот дейилади. Барча зотларнинг бу хусусияти асосан наслчилик ишларида бошқариб борилади.

**Зотлар классификацияси.** Зот тўғрисидаги тушунча дастлаб Ч. Дарвин томонидан берилган. У ўзининг қузатишлари асосида зотлар икки хил шароитда яратилиши мумкинлигини кўрсатди. Масалан, табиий шароитда «онгсиз» танлаш натижасида ва сунъий танлаш оқибатида вужудга келишини исботлаб берган.

Кейинроқ проф. П. Н. Кулешов зотларни бир-бири билан боғлик бўлган тўрт группага (қадимги, ҳаммабоп, яхшиланган ва маҳаллий зотларга бўлади.

Лекин ҳозирги вақтда наслчилик ишларини юқори даражада ривожланганлигига кўра, зотлар уч гурухга-(маҳаллий, маданийлаштирилган ва оралиқ ёки яхшиланилаётган зотларга) бўлинади.

Маҳаллий зотлар асосан-табиий танланиш асосида, узоқ йиллар мобайнида «онгиз» танлаш ва тубан, экстенсив усулда олиб борилган чатиштириш ишлари натижасида вужудга келган. Лекин улар чидамли, ташки мухит шароитига яхши мослашган, мустаҳкам конституцияли, хаммабоп, лекин кеч етилувчан ва маҳсулдорлиги паст бўлган вакиллардан ташкил топган.

Ўзбекистонда тобора камайиб бораётган маҳаллий зот қорамоллар республика шароитига яхши мослашганлиги, чидамлилиги, озиқ танламаслиги билан бирга, кеч етилувчан ва маҳсулдорлиги паст даражада бўлади. Масалан, сигирларининг вазни 220 — 280 кг, буқалариники 320—1350 кг. Маҳсулоти бир лактация давомида 300 — 450 кг (айрим вакилларида 690 кг гача). Лекин сутидаги ёғ 5,5 — 5,8%, баъзан ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Маданийлаштирилган зотлар маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларни экстеръери, конституцияси, маҳсулот йўналиши, келиб чиқиши, ирсий белгилари асосида танлаш, саралаш ишларини интенсив олиб бориш натижасида яратилган группа ҳисобланади. Маданий зотлар ирсий белгилари ва маҳсулдорлигига кўра бошқа зот группаларидан анча устун туради. Буйдай зотларнинг таркибий қисми бир-бири билан қариндош эркак вакилларининг бир қанча линияларидан ташкил топган бўлади.

**Оралиқ зотлар** асосан маҳаллий ва маданийлаштирилган зотлар ўртасида бўлиб, уларнинг юқори кўрсаткичларга эга бўлган айрим вакиллари билангина наслчилик ишлари олиб борилади. Чорва молларининг маҳсулот йўналиши ва зотларига кўра, маълум группа ёки типларга бўлинади. Масалан, қорамоллар — сут, гўшт ва гўшт-сут учун боқиладиган; чўчқалар — гўшт, гўшт-ёғ ва ёғ учун боқиладиган; кўйлар — майнин жунли, мўйнабоп (қоракўл), пўстинбоп, гўшт ва ёғ учун боқиладиган; отлар — салт миниладиган, енгил аравага қўшиладиган ва оғир юк тортувчиларга бўлинади (В. М. Попова, 1955).

**Зотларни районлаштириш.** Чорва молларини маҳсулот йўналиши ва зотларига кўра районлаштириш муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга. Бунда барча зот ва тур ҳайвонларни улардан етиштирилладиган маҳсулот турлари ва унинг миқдорига кўра мамлакатимизнинг турли табиий-иктисодий ва ишлаб чиқариш зоналари ҳамда районларида кўпайтириш, бокиши ва маҳсулдорлигини ошириш ишлари бажарилади.

Зотларни районлаштиришда ҳар бир зонанинг табиий-иклим шароити, ахолисининг зич ёки сийрак жойлашгаилиги, саноат корхоналарининг оз-кўплиги асосий диққат марказида бўлади.

Шаҳарлар атрофида ва ишлаб чиқариш марказларига яқин жойларда сут чорвачилиги, чўл ва дашт зоналарда, узоқ яйловларда гўштдор қорамолчилик ривожлантириллади. Чунки шаҳар ахолисини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда яқин хўжаликлар анча қулай ҳисоблапади.

**Чорва қўргазмалари.** Чорва молларининг энг сермахсул, юқори кўрсаткичларга эга бўлган турлари маълум жойларга келтирилиб, улардан кўргазма ташкил қилиш қабул қилинган. Бу тадбир илгор хўжаликлар тажрибасини ва янги технологияни кенг оммалаштириш борасида муҳим аҳамиятга эга. Кўргазмалар хўжаликларда ва хўжаликлараро, районлараро, областлараро ва республика миқёсида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, турли районларда молларни қисқа муддатли намойиш қилиш тадбирлари ҳам кўрилади. Бунда илгорлар тажрибаси ўрганилади ва ўртоқлашилади. Бундай тадбирлар асосан район ва область ижроия комитетлари ва қишлоқ хўжалик министрлиги, наслчилик бошқармалари томонидан уюштирилади.

Зоотехника ҳисоби. Ҳар бир чорвачилик фермасида ЦСУ томонидан ишлаб чиқилган маҳсус формалар асосида зоотехника ҳисоби юритилади. Журнал ва карточкаларга ҳайвонларнинг туғилган куни, вазни, маҳсулдорлиги, қочирилган муддати, туғилган болаларининг сони ва ҳоказолар ёзib борилади. Умуман, зоотехника ҳисобисиз фермаларда наслчилик ишларини, молларни боқиши ва меҳнатни ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш мураккаб ҳисобланади.

**Молларни исирғалаш, кертиш ва лақаблаш. Барча наслчилик** фермаларида моллар туғилгач, уларга лақаб берилади. Бунда онаси лақабнинг биринчи ҳарфини асос қилиб олиш анча маъқул ёки йил давомида туғилган моллар лақабининг бош ҳарфи бир хил бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ва келиб чиқиши маҳсус журналларга ёзib қўйилади. Молларни исирғалаш, тамғалаш, номерлаш ва кертиш ишлари мутахассислар томонидан бажарилади. Бу мақсадда чорвачиликда металл, пластмассадан ясалган исирғалар ишлатилади. Қорамолчиликда номерлаш ишлари қулоқларини кертиш йўли билан олиб борилади. Қулоқни кертишда маҳсус номерлаш қоидасига амал қилинади. Масалан, унг қулоқнинг усти кертилса, у 1 ни билдиради, шу қулоғининг ости 3, уни 100, ўртаси тешилса 400 ҳисобланади. Чап қулоғининг усти 10, ости 30, уни 200, ўртаси 800 бўлади ва ҳоказо.

Фермаларда молларни исирғалаш, кертиш ва уларга лақаб беришдан асосий мақсад улардан наслчилик ишларида фойдаланишда хатоликларга йўл қўймаслик, ҳар бирининг индивидуал хисобини олиб боришдан иборатdir.

## ҲАЙВОНЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Ҳайвонларни комплекс белгилари асосида маълум мақсадда баҳолаш бонитировка дейилади. Бунда ҳар бир ҳайвоннинг ирсий белгилари, экстеръери, конституцияси, вазни ва ҳоказолар албатта эътиборга олинади.

Бонитировка қилишда ҳар бир ҳайвоннинг маҳсулдорлиги муҳим кўрсаткичи сифатида қабул қилинади. Масалан, йилқиларнинг чопқирлиги, оғир юқ торта олиш хусусияти, қўйларнинг маҳсул-дорлик йўналишига кўра жунининг сифати, гўштдорлиги, мўйнаси-нинг сифати ва ҳоказолар эътиборга олинади. Паррандаларнинг серпуштлиги, тухумининг оғирлиги,

сигирларнинг серсутлиги, су-тидаги ёғ миқдори, сут бериш тезлиги кабилар бонитёрнинг дикқат марказида бўлади.

Бузоқлар 6 ойлигидан бошлаб комиссия томонидан бонитиров-ка қилинади. Бунда уларнинг келиб чиқиши (ота-онасининг асосий маҳсулот кўрсаткичлари), ўсиш ва ривожланиш даражаси, экс-терьери, конституцияси ҳисобга олинади. Бонитировка натижаси-да бнор классга мансуб эканлиги аниқланади. Масалан, элита-рекорд, элита, I ва II класс шулар жумласидан бўлиб, энг юқори кўрсаткичга эга ва юқори даражада баҳоланган бузоқлар элита-рекорд ёки элита классга киритилади ва улар жуда асл ҳисобла-нади. Бонитировкани маҳсус комиссия ўтказади ва уларнинг маълумотлари ведомость ва актлар асосида ҳужжатлаштирилади,

Келиб чиқишига кўра баҳолашда ҳайвонларнинг зоти, зотдор-лиги (тоза зотлилиги, дурагайлиги ва маҳаллий группага мансуб-лиги) ҳисобга олинади. Улар қайси бир линия ёки/оиласа таал-луқлнги аниқланади ва ирсий афзалликлари ифодаланади.

**Экстеръерига** кўра баҳолашда уларнинг ташки қиёфаси ҳисоб-га олинади. Бунда йирик ҳайвонлар 10 балли, бузоқлар ва бошқа турдаги ёш моллар 5 балли система асосида баҳоланади.

**Вазнига** кўра баҳолашда моллар тарозида тортилади ва улар-нинг қайси йўналишга мансублиги ифодаланади, ҳар бир йўналиш талабига кўра баҳо берилади.

Сигирларнинг серсутлиги 305 қунлик лактадия даврида берган сути, сутннинг ёғ ва оқсил миқдорига кўра баҳоланади.

**Гўшт** учун боқиладиган қорамоллар 6 ойлик вақтида келиб чи-қиши, вазнн, экстеръери ва барча индивидуал хусусиятларига кўра баҳоланади.

Чўчқалар ссрпуштлиги, болалари тсз семириши (серсутлиги) га ва икки ойлик болаларининг вазнига кўра ҳамда туғилган бола-ларининг катта-кичиликлигига қараб баҳоланади. Уларпинг серсут-лиги йигирма бир қунлик болаларини тортиб кўриш билан аниқ-ланилади.

Кўйлар маҳсулот йўналиши (майип жунли, ярим манин жунли) га кўра, жунининг вазни, сифати, текислиги, қалинлиги ва ёғ-терга бойлиги билан аниқланади. Қоракўл қўзилар 1—3 қунлигига мўй-насининг сифатига қараб баҳоланади. Бунда тсри (мўйна) нинг ранги, гулдорлиги, жингалакларининг йирик-майдалиги, жуининг ялтироқлиги ҳисобга олинади.

**Ғўшт-ёғ учун** боқиладиган кўйлар гўштдорлиги ва думбасининг ҳажми, вазни ва ташки кўринишига кўра, пўстинбоп кўйлар мўйнасининг сифати ва серпуштлигига қараб баҳолаиади.

Йилқилар чопқирлигига ва оғир юқ тортиш хусусиятларига кўра баҳоланади.

Паррандалар йўналишига кўра, серпуштлиги, гўштдорлиги, тухумининг йирик-майдалиги ва экстеръерига кўра баҳоланади. Серпуштлигини аниқлашда индивидуал уяларга бир йил мобай-нида қўйган тухумн сони ҳисобга олинади. Тухумнинг вазнин аниқлаш учун уларнинг 10 тасини тортиб, ҳар бирининг ўртача вазни аниқланади.

Шундай қилиб, бонитировка натижалари асосида маълум тад-бирларни, моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги ва ирсий ху-сускятларини ҳамда тcz етишувчанлигини яхшилаш борасида ама-лий план ва ржжалар тузилади ва бажарилади.

Бонитировка ишлари қишлоқ хўжалик министрлигининг маҳ-сус кўллапмаси ва инструкцияси асосида олиб борилади. Узбекис-тонда гўштдор зот қорамолларни ва уларнинг дурагайларини бо-нитировка қилиш инструкцияси 1968 йилда яратилган ва республикага Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан тасдиқланган.

## V б о 6. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРНИ УРЧИТИШ УСУЛЛАРИ

Чорвачиликда молларни ва паррандаларни урчиши асосан уч хил усулда олиб борилади: 1) тоза зотли урчиши; 2) зотларни чатиштириш; 3) турлараро чатиштириш ёки гибридлаш.

**Тоза** зотли урчишида урчилиётган эркак ва урғочи моллар, бир хил зотга мансуб бўлади. Бу усулнинг афзаллиги асосан урчилидиган зотда маҳсулдорлик жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга ва уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлишидан иборат. Чорвачиликда маданийлаштирилган зотларгина тоза ҳолда урчилиди ва улар ўз ирсий хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб туради.

Чорва моллари ва парранда зотларини тоза ҳолда урчишида қўйидаги тадбирлардан фойдаланилади: 1) насл учун энг юқори кўрсаткичга эга бўлган маҳсулдор вакилларни танлаш; 2) хиллаш (жуфтлаштириш) учун эркак ва урғочи вакилларни селекцион хусусиятларига кўра ажратиш; 3) олинган наслни мақсадга мувофиқ боқишиш ва парвариш қилиш шулар жумласидандир.

Бутун дунёга ном чиқарган майин жунли меринос зот қўйлар, араби зот отлар, қимматбаҳо қоракўл қўй зотлари ана шу тоза зотли урчиши асосида яратилган. Бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, бунда зотнинг сифатини яхшилаш жуда секинлик билан давом этади. Лекин бошқа йўл ва усуллардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, қоракўл тери (мўйна) сифатини яхшилаш учун бошқа зот қўйлардан фойдаланиб бўлмайди, акс ҳолда терининг сифати ёмонлашиб кетади. Бинобарин, урчиши ишлари фақат муайян зот ичидаги олиб борилади.

Тоза **зотли** урчишида қўлланиладиган баъзи усуллар. Моллар ва паррандалар тоза ҳолда урчилигандан баъзан эркак ва урғочи вакиллари бир-бирига қариндош ёки бегона бўлиши мумкин. Қариндош бўлган вакилларни ўзаро урчиши **инбридинг** дейилади. Бунда масалан, битта ота-онанинг эркак ва урғочи насли ўзаро ёки ота-онаси билан урчилиши мумкин.

Инбридинг хўжаликларда камдан-кам қўлланиладиган усуллар. Бундан асосий мақсад, содир бўлган бирор камчиликни ёки кўрсаткични бартараф қилишдан иборат. Бинобарин, вужудга келган насл ўзининг аввалги юқори кўрсаткичга эга бўлган асл авлодини эслатади. Шунинг учун ҳам бу усул фақат айрим ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Лекин бу усулдан фойдаланилганда олинган наслининг ҳаётчанлиги ва чидамлилик хусусиятлари пасайиб кетади. Агар кетма-кет қўлланилса, нимжон, ориқ, майда ва ҳатто ўлик бола туғилиши мумкин. Бинобарин, бундай тадбирлар катта масъулият сезган ҳолда олиб борилиши лозим.

Линиялар асосида **урчиши**, Линия муайян зот ичидаги айрим хусусиятлари (гавда тузилиши, маҳсулдорлиги) жиҳатидан бир-бирига ўхшаган ва энг яхши уруғбошидан бўлган сермаҳсул эркак моллар группасидир. Линия маълум эркак вакилининг лақаби билан аталади. Линиялар асосида урчишида эркак ҳайвонларнинг генотипик хусусиятларндан фойдаланиш диққат марказида турди ва шу туфайли у амалга оширилади.

Бупдан ташқари, ҳар бир зот таркибида бир неча оилалар бўлади. **Оила** ҳар бир асл урғочи (сигир, бия, чўчка, совлик) вакилидан тарқалган урғочилар группасидир. Зот таркибида оилалар линияларга нисбатан пастроқ турди. Гарчанд қўплаб урғочи вакилларининг серпуштлигини оширишда ўзининг юқори ирсий хусусиятларини ўтказа олсада, наслчилик ишларида линиялар биринчи ўринда турди.

**Чатиштириш.** Агар урчилидиган моллар турли зотларга мансуб бўлса ёки улардан бири дурагай бўлса, бундай урчиши **чатиштириши** деб аталади. Қўйилган мақсадга кўра, чатиштириш бир неча турга бўлинади (саноат асосида ёки кўпроқ маҳсулот олиш мақсадида, галма-гал, қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида, қон қуиши йўли билан ва янги зот яратиш мақсадида чатиштириш).

**Саноат асосида чатиштириш** деганда биринчи бўғин дурагайларда *гетерозис* (ота-она кўрсаткичидан ўзиб кетиш) хусусиятидан тўла фойдаланиш учун икки хил зотни бир-бири билан қочириш тушунилади. Олинган дурагайлар насл учун қолдирилмайди, чунки кейинги авлодларда гтерозис ҳодисаси суст такрорланади. Бу усул кўпроқ гўшт етиштириш мақсадида фойдаланилади. Бундай чатиштириш ишлари «Красная водопад» тажриба хўжалигида олиб борилган. Бунда гўштдор абердин-ангус буқалари билан қора-ола зот сигирлар қочирилган ва юқори кўрсаткичларга эришилган.

**Галма-гал чатиштириш** саноат асосида чатиштиришга ўхшаш бўлади. Лекин бу усул фақат товар фермаларида қўлланилади ва молларнинг ҳаётчанлигини ошириш ҳамда маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради. Бундай чатиштиришда иккита ёки кўпроқ зот иштирок этади. Бир марта чатиштирилгандан сўнг урғочи дурагай вакилларининг яхшилари яна дастлабки зотнинг эркакларидан қайта қочириллади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, барча товар фермаларида тоза зотли, сермаҳсул эркак вакилларидан урғочилар галмағал қочирилаверади. Наслчилик фермаларида бу усул қўлланилмайди.

**Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш.** Бу усулда моллар зотини тубдан ўзгартириш мақсадида бошқа зотлардан фойдаланилади. Масалан, жайдари урғочи моллар юқори маҳсулдор зот эркак вакилларидан қочириллади, Айрим вақтларда янги зот яратиш учун ҳам

шу усулдан фойдаланиш мумкин. Чатиштиришдан вужудга келган *биринчи бўғин*, (1/2 қон қўшилган авлод) дурагайларнинг эркаклари гўштга топширилади, урғо чилари эса яна яхшиловчи зот билан чатиштирилиб, *иккинчи авлод* олинади ва уларнинг қонида яхшиловчи зот хайвон қони 3/4 ҳиссанни ташкил этади. Сўнг шу усулда учинчи *авлод олинади* ва унинг қонида 7/8 ҳисса яхшиловчи зот қони бўлади. *Тўртинчи авлод* (15/16 қон қўшилган) эркак ва урғочилари бўлса, *бешинчи йвлодда* у 31/32 ни ташкил этади. Бу усул чорвачиликда кенг қўлланилади.

Узбекистонда маҳаллий сигирлар шу усулда гўштдор санта-гертруда, абердин-ангус, қозоқи оқбош ва герефорд зот буқалари билан қочирилган ва ижобий натижаларга эришилган. Чатиштириш ишлари асосан Узбекистондаги «Санзар», «Зомин», «Бахмал» хўжаликларида ва Қорақолпоқистонда олиб борилган.

**Қон қўйиши** усулида чатиштиришда асосан бирор зотнииг барча хусусиятларини тубдан ўзгартирган ҳолда, фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланилади. Бунда асосан яхшиловчи зот яхшиланувчи (асосий) вакиллари билан фақат бир марта чатиштирилади.

**Янги зот яратиш мақсадида чатиштириш.** Баъзан бу завод усулида чатиштириш деб ҳам аталади. Бунда иккита ёки ундан кўпроқ зот ўзаро чатиштирилади. Бундан асосий мақсад барча ижобий хислатларга эга бўлган янги зот яратишдан иборат бўлади. Бунда иккита зот қатнашса, *оддий чатиштириши*, бир неча зот қатнашса *мураккаб чатиштириши* дейилади. Дурагай вакиллари сифатли озиқ билан боқишини ва яхши парвариш қилишни талаб этади.

**Турлараро чатиштириш ёки гибридлаш.** Бирор зот ёки сермаҳсул гибрид олиш мақсадида икки тур хайвонни бир-бири билан чатиштириш *гибридлаш* дейилади. Айрим ҳолларда гибридлар қисман ёки мутлақо насл бермайдиган бўлади. Мутлақо насл бермайдиган бўлганида улар жинсий хромосомаларида юз берадиган бўлиниш процессида ўхшашлик ва тенглик хусусияти бўлмагани учун қиз ҳужайраларда чалкашликлар юз беради ва ҳаётчанлиги паст ёки умуман бўлмаган жинсий ҳужайралар вужудга келади.

Қисман наслсизликка, кўпроқ бир жинс чорва молларида, асосан эркак вакилларида гормонал бошқаришнинг бир меъёрда бўлмаслиги сабаб бўлади. Гарчанд хромосомалар нормал бўлингани билан етилиш процессида сперматогенез бузилади, сперматозоидлар етилмай қолади. Гибридлаш кўпроқ қорамолчиликда ижобий натижа беради.

Маълумотларга кўра, сигирлар зебу буқалари билан қочирилган ва насл берувчи гибридлар олинган. Кўтосни сигирлар билан чатиштиришдан олинган гибридларнинг фақат урғочилари насл бериши аниқланган. От билан эшак чатиштирилиб, насл бермайдиган хачир олинади. Шуингдек, архар кўчкорлари билан меринос ва қоракўл қўйлари қочирилган, пировардида насл бериш хусусиятига эга бўлган гибридлар олинган.

Умуман, гибридлаш ишлари чорвачиликда кам қўлланилади. Лекин сермаҳсул, чидамли ва ҳаётчан гибридлар етиштиришда бу усул маълум даражада аҳамиятга эга. Айниқса ҳали фанда ноаниқ бўлган айрим илмий

жумбоқларни ҳал этишда бу усул ҳайвонот дунёсида салмоқли ўрин эгаллади.

## ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ҚОЧИРИШ УСУЛЛАРИ

Чорва моллари асосан икки хил — *табиий* ва *сунъий* усулда қочирилади. Табиий усул яна иккига: *эркин ҳолда* (ёки подада) ва *қўлда* қочиришга бўлинади.

Эркин ҳолда ёки подада қочириш анча тартибсиз бўлади. Бунда қайси урғочи қайси эркак молдан, қачон қочганлиги номаълум бўлади. Айрим ҳолларда юқумли жинсий касалликлар тарқалиши ҳам кузатилади. Ҳисоб ишлари олиб борилмайди. Бу усул асосан моллар подада яйлов шароитида боқилганда қўлланилади. Бунда ҳар бир буқа йил мобайнида 30—40 та сигирни қочириши планлаштирилади, ҳар бир айғир учун 20—25 та бия планлаштирилиши мумкин.

Қўлда қочириш усули бирмунча самаралироқ бўлади. Бунда куюккан урғочи моллар олдиндан танланган эркакларидан қочирилади ва қочган куни маҳсус журналга ёзиб қўйилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир урғочи ҳайвон қайси эркак молдан ва қачон қочганлиги маълум бўлади. Бинобарин, ҳисоб ишларини ҳам олиб бориш мумкин. Лекин иқтисодий томондан бу усул унча қулай эмас, чунки қўплаб эркак молларни сақлаш, парвариш қилиш ва озиқлантиришга анчагина маблағ сарфланади.

Бу усулнинг яна бир афзаллиги қисир қолишнинг олдини олишга эришилади. Чунки бунда уруғ (сперма)нинг сифати ҳамма вақт назорат қилиб борилади.

Уруғ сифатига кўра тўрт группага бўлинади: I *группа* уруғ қуюқ бўлиб, «К» ҳарфи билан белгиланади. Микроскопда қаралгаида сперматозоидлар жуда зич бўлиб, улар орасидаги бўшлиқ деярли сезилмайди.

II *группа* ўртача қуюқликдаги уруғ бўлиб, «У» ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигига тенг бўлади.

III *группа* сийрак уруғ ҳисобланади ва «С» ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигидан ортиқ бўлади.

IV *группа* уруғда сперматозоидлар жуда оз миқдорда бўлади ёки бутунлай бўлмайди. Бундай уруғ чорвачиликда ишлатилмайди, Лекин таркибида озроқ бўлса ҳам ҳаракатчан сперматозоидлардан ташкил топган уруғдан айрим ҳолларда чўчқаларни қочиришда фойдаланиш мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН СЕРСУТ ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

Республика хўжаликларида кўпайтирилаётган серсуг сиғир-ларнинг деярли ҳаммаси бошқа республикалардан турли даврлар-да келтирилган бўлиб, иссиқ иқлим шароитига анчагина мослаш-тирилган.

Узбекистон Урта Осиё республикалари орасида салмо<sup>^</sup>ли ўрин эгаллаган бўлишига қарамасдан, асрлар мобайнида ўз маҳсулоти унча юқори бўлмаган ва сўнгги вақтларда сони жуда камайиб кетган жайдари — зебусимон қорамолларни ҳисобга олмагандан бу ерда қорамолнинг фақат битта бушуев зоти бўлган. Бу зотнинг яратилишида жайдари сиғирлар четдан келтирилган моллардан кочирилиб, танлаш ва саралаш ишларининг маълум план асосида олиб борилиши натижасида вужудга келган. Бу тўғрида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Умуман, серсуг зотлари қандай бўлишидан қатъи назар, тана тузилиши, яъни экстеръери, конституцияси, қайси мақсадда боқилишини акс эттирувчи хусусиятлари ва бошқа белгиларига кўра гўштдор қорамоллар зотидан катта фарқ қиласди.

Юқорида айтилганидек, Узбекистондаги серсуг сиғирларнинг танаси узун, лекин унча семиз эмас, кўкрак қисми бир оз торай-ган, лекин яхши ривожланган, қовурғалари бир-биридан узоц жойлашган, қорин қисми катта, иштаҳаси яхши, оёқлари ууун, ин-гичка, териси юпқа, эластик ва ялтироқ бўлади. Бундан ташқари, уларнинг елини катта, сўрғичлари узун цилиндр шаклида ва яхши ривожланган. Бу хусусиятлари наслдан-наслга бериладиган ижо-бий белгилар ҳисобланади. Куйида республикамиздаги серсуг су-гири зотларининг айримлари билан танишамиз.

**Қора-ола зоти.** Қора-ола зоти барча республикаларда, жумла-дап, Узбекистонда кўп тарқалган, серсуг қорамоллар ичида сал-моқли ўрни эгаллайди. Бу зот маҳаллий сиғирлар голланд ва ост-фриз зот буқалардан қочирилиб, танлаш ва саралаш ишлари, бар-ча наслчилик ишларидан тўғри фойдаланиш натижасида чиқарил-ган.

Бу зотнинг вакиллари йирик, мускуллари яхши ривожланган бўлиб, тез этилувчанлиги ва серсуглиги билтій бошқа зот қорамол-лардан фарқ қиласди (V таблица).

Улар қора ва ола бўлади. Сиғирлари соғин даврида (300—305 кунда) 3500—4500 кг, айрим илгор хўжаликларда, масалан, «Чи-ноз» совхоз-техникумida, «Красний водопад» тажриба хўжалигида, «Малик» совхозида, «Узбекистон 40 йиллиги» колхозида 6000—6500 кг ва ундан кўпроқ сут беради. Айрим рекордчи сиғирлардан йилига 10000 кг га яқин сут соғиб олинади. Улар сутидаги ёғ миқдори ўртача 3,5—3,7% ни ташкил этади. Бу зот Тошкент области хўжаликларида кенг тарқалган ва юқори кўрсаткичларга эга.

Сиғирларининг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг, баъзан ундан ортиқ бўлади.

**Красностепь зоти.** Иттифоқимизда сут учун боқиладиган зот-ларнинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган ваки-ли ҳисобланади. Бу зот моллар чўл ва чала чўл яйловларидан унумли фойдалана оладиган, чидамли ҳайвон ҳисобланади.

Красностепь зоти танасининг тузилишига кўра сут учун боқи-ладиган вакилларипинг барча талабларЯЯ" жавоб бера оладиган йирик, териси юпқа, бўйни узун ва ингичка, оёқлзри ҳам узун, ингичка, елини яхши ривожланган, елинга туташган сут томирла-ри бўртиб чиқсан, сезгири ва пстеъмол қилган ем-хашакни асосан сути учун сарфлайдиган зотdir.

Бу зот молларпинг ранги қизил. Сигирларининг тирик вазни 450—500 кг, буқалариники 780—850 кг келади. Соғин даврида таркибида 3,7% ёғ бўлган 3000—4000 кг сут беради. Рекордчи сигирларининг сути 12000 кг гача етади. Бу зот асосан СССР Европа қисмининг жанубий районларида, Сибирь хўжаликларида ҳамда Урта Осиё республикаларида кенг тарқалган. Узбекистонда бу зот асосан Самарқанд ва Хоразм обlastлари хўжаликларида боқилади.

Бушуев зоти. Бу Узбекистонда яратилган ягона ссрсугт қорамол зоти бўлиб, у иссиқ иқлим шароитига, шунингдек, айрим қон касалликларига чидамли ҳайвон ҳисобланади. Бу зотнинг ярати-лншига рус агрономи М. М. Бушуев асос солган. У Мирзачўл зо-насидаги маҳаллий сигирларни четдан келтирилган голланд ва швиц зот буқалардан қочириб, олинган дурагайларни яхши тар-биялаш ва парвариш қилиш натижасида етиштирган (3-расм).

Бу зотнинг ранги асосан оқ, лекин танасининг айрим жойла-ри — боши, осфи, қулоғи, қорни ва бошқа жойлари қора, жигар ранг, қизил бўлади. Баъзан уларпинг ранги бутунлай оқ бўлиши мумкин.

У асосан Сирдарё ва қисман Жиззах обlastлари хўжаликлари-да, шунингдек, Тошкент области колхоз-совхозларида учрайди. Сигирларининг тирик вазни 400—450 кг, буқалариники 600—700 кг ва ундан ортиқ бўлади.

Улар соғин даврида 2500—3000 кг, рекордчи сигирлар 5000—5200 кг сут беради. Сутидаги ёғ миқдори ўртacha 4,1—4,4% ни таш-кил этади. Сигирларининг сути серқаймоқлиги билан бошқа зот сигирларининг сутидан фарқ қиласи.

**Эстония қора-ола зоти.** Эстония қора-ола зоти Эстонияга келтирилган остфриз ва голланд зот ола буқаларни маҳаллий сигир-лар билан чатиштириш натижасида яратилган. Латвия ва Литва қора-ола зотлари ҳам шу тартибда вужудга келтирилган. Бу тад-бирлар ўтган асрнинг ўрталарида бошланган бўлса, кейинроқ олинган маҳсулдор вакиллари бир-бири билан ўзаро чатиштириш натижасида етиштирилган. Шундай қилиб, 1951 йилдан бошлаб бу зот сут учун боқиладиган эстония қора-ола зотларндан ҳисобланади.

Эстония қора-ола зот сигирларининг тирик вазни 500—600 кг, буқалариники 900—1000 кг келади. Сигирлари соғин даврида ёғ-лилиги 3,7—3,8% бўлгаПООО—4200 кг сут беради.

**Латвия қўнғир зоти.** Бу зотга мансуб сигирлар қизил-қўнғир бўлиб, сути серқаймоқлиги билан бошқа зотлардан фар<sup>^</sup> қиласи. Серсугт сигирлардан таркибида 3,8—4,1% ёғ бўлган 4200—5000 кгг рекордчиларидан 10900 кг ва ундан ортиқ сут соғиб олиниади. Лекин баъзан бундан ҳам серқаймоқ сут берувчи вакиллари учраб туради .

Сигирлариншг тирик вазни 500 кг, баъзан 700 кг келади. Буқалари ўртача 820—880 кг, баъзан 1200 кг келадиганлари ҳам учрайди.

**Гўшт йўналиши.** Гўшт йўналишига мансуб бўлган барча зот ва группаларда моддалар алмашинуви типи ўз хусусиятига кўра, истеъмол қилингандарни асосан гўшт ва ёф тайёрлашга сарфлайди. Бипобарин, улар жадал семиради ва сарфланган ем-хашак нисбати сут йўналишидаги зотларга кўра паст бўлади. Бош^ача қилиб айтганда, гўшт етиштириш учун ем-хашак миқ-дори маълум даражада тежалиши билан, маҳсулот танпархи ар-зон ва сифати юқори бўлади. Чунки бу йўналишдаги барча мол-ларнинг биологик хусусиятлари қисқа вақт ичидаги кўп ва сифатли гўшт тайёрлашга мослаштирилган.

Гўштдор қорамолларнинг мускули яхши ривожланган, суякла-ри бирмунча енгил, "Танаси кенг ва юмaloқ кўринишда, сонлари семиз, гўштдор, гавдаси тўғрибурчак шаклида бўлади. Боши ки-чик, енгил ва юмaloқлашган, лекин кенг; шохлари асосан майда, ялтироқ, унчаузун бўлмайди ва ярим ой шаклини эслатади. Шу-нингдек, бўйни калта, кенг, йўғон ва сермускул ҳамда кўкрак қис-миға бирикканлиги унча сезилмаган ҳолда бўлади. Кўкраги узун, кенг ва чуқур. Қовурғалари узун, юмaloқ (доира шаклида), бир-бирига яқин жойлашган бўлади. Елкаси кенг ва тўғри, гўштдорлик хусусияти яхши ифодаланган. Қорни ўртача катталикда.

Оёқлари калта, лекин йўғон. Орқа оёқлари олдингиларидан кал-тароқ ва тўғри (тиқ) жойлашган. Териси юмшoқ, қалин ва бўш, Тери остидаги ёф қавати ривожланган; жуни қалин ва қуюқ, ле-кин анча нозик. Сигирларнинг елипи кичик, сўрғичлари тўғри жойлашган, сут безлари унча ривожланмаган ҳолда бўлади.

СССРнинг турли область ва районларида гўштдор қорамол зотлари асосан: герефорд, қалмоқ, абердин-ангус, санта-гертруд, қозоқи оқбош, шортгорн ва шароле кабилардир.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПАЙТИРИЛАДИГАН ГЎШТДОР ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

Узбекистон хўжаликларида юқорида номлари айтиб ўтилган гўштдор зотларнинг фақат айримлари (қозоқи оқбош, санта-гер-труд, абердин-ангус, герефорд ва жуда оз миқдорда қалмоқ зот-ларн) кўпайтирилади. Чупки республикамизда табиий яйловлар оз бўлиш тифайли уларнинг хаммасини кўпайтириш имкони йўқ. Бу зот моллар асосан яйлов ўсимликларини яхши ўзлаштиришга мослашган. Умуман, Узбекистонда гўштдор қорамоллар зоти атиги 5%ни (1980 йил) ташкил этади. Улар асосан тоғли ва тоққа яқин районлар хўжаликларида ҳамда чўл зоналарида кўпанирил-моқда.

**Қозоқи оқбош зоти.** Бу зот Қозоғистонпинг чўл зонасида яра-тилган ва 1951 йили тасдиқланган. У Қозоғистоннинг маҳаллий сигирларини герефорд зот гўштдор буқалар билан ^очириш натижасида ва қалмоқ зот сигирларни герефорд буқаларидан қочириб олинган дурагайларкн бир-бирига чатиштириш асосида вужудга келтирилган. Бу зот вакилларининг ранги тўқ қизил, гилос ранги-да бўлиб, боши ва танасининг айрим қисмлари оқ рангда

Сигирларининг тирик вазни 500—550 кг, букаларничи 850—950 кг (баъзан 1000 ва ундан ҳам оғир) келади. Нимталашмагап гўшт чиқими 53—63%, айрим ҳолларда 70% ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Бу зот молларнииг гўшти «мармар» (мрамор) кўринишига, яъни ёғ ва гўшти барча қисмида қават-қават кўринишга эга бў-либ, юқори калорияли ва лаззатлидир. Кўп сут берадиган сигир-лардан бир лактация даврнда 2200—2500 кг гача сут соғиб олиш мумкин.

СССРда бу зот моллараинг умумий сони 1 млн дан кўпроқ, Узбекистонда эса бир неча мингни ташкил этади. Қозоқи оқбош зоти асосан Қозогистоннинг область ва районларида, шунингдек Оренбург, Саратов, Волгоград областларида ҳамда Урта Осиё республикалари қатори Узбекистон хўжаликларида ҳам кўлайти-рилади. Бу зот молларни кўпайтиришда асосан маҳаллии сигирлар-ии юқори класс бука уруғларидаш қочириш усулидан фойдаланилмоқда.

**Санта-гертрудаги зоти.** Бу зот АҚШнинг Техас штатидаги Сан-та-гертрудаги округида яратилган анча янги зот хисобланади. Бу зот чидамлилиги, ҳар хил муҳитга тез мослаша олиши ва қисқа вакт ичидан тез семнриши билан бошқа гўштдор зотлардан фарқ қиласди. Бу зот вакиллари айниқса қуруқ ва иссиқ иклим шарои-тида ўзипи яхши хис қилиши, қон (гемоспоридиоз ва тейлориоз) касалликларига чидамлилиги билан бир қанча устунликларга эга. Санта-гертрудаги зоти Узбекистондаги бир қанча хўжаликларда, жумладан, Жиззах обlastидаги «Бахнал» совхозида, ҚҚАССР нинг «Қорақалпоқ» ва «Эркиндарё» совхозларида кўпайтирилади. «Бахмал» совхозида гўштга боқилаётган моллар кунига 890 г дан семиргани холда тирик вазни 540—550 кг га етганда гўштга топ-шнрилади. Бу хўжаликда 1980 йили ушбу зот мол 7500 буш бўлса, 1985 йилга бориб, 12000 бушга етказиш мўлжалланган.

**Абердин-ангус зоти.** Бу зот Англияning шимолий қисмига жой-лашган Абердин графлигига яратилган. Зотнинг яратилишида асосан маҳаллий зотларнинг роли катта бўлган. Ранги қора ва шохсиз бўлади. Сигирларининг тирик вазни 560—600 кг, букаларн-ники 800—900 кг келади.

Бу зот моллар тез етилувчай, ғўшти мазали ва тўйимли бўла-ди. Гўшт чиқими вазнига кўра 65—66%, айрим вақтларда 70% гача бўлади. Сигирлари бир лактация даврида 1200—1500 кг сут беради ва сутида 4,0—4,5% ёғ бўлади. Ҳозирги вақтда СССРда бу зотнинг умумий сони 20 мингдан кўпроқ. Асосан, Волгоград ва Оренбург областларида, Стэврополь, Красноярск ва Олтой ўлка-ларидаги ҳамда Украина, Қозогистон, Узбекистон ва бошқа айрим республикаларда кўпайтирилади.

Республикамизда бу соҳада энг етакчи хўжалик ҚҚАССР нинг Кўнғирот районидаги «Ильич» номли совхоз ҳисобланади. 1980 йилда бу хўжаликда 5000 бушдан иборат абердин-ангус зот мол бор эди, 1985 йилгача уни 10 минг бушга етказиш мўлжал-ланган.

**Герефорд зоти.** Герефорд зоти хам Англиядаги маҳаллий молларни таплаш, саралаш, парвариш қилиш ва яхши озиқлантириш на-тижасида яратилган. Бу зот тез етилувчанлиги, гўштипиг сифати ва гўшт чиқими юқорилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди (VII таблица). Рапгн қизил,

боши, күкраги, қорни ва оёклари оқ рангда. Сигирларининг тирик вазни 490—580 кг, буқалариники 800—850 кг, айримлариники 1100 кг гача бўлади. Сўйилганда ним-таланмаган гўшт ва ёғ чиқими 65—68%, айрим холларда 70% дан ҳам ортади.

Герефорд зот сигирларнинг сути 1200—1400 кг, сутидаги ёғ миқдори 3,9—4,0%. Бу зот асосан Ростов области хўжаликларида, Ставрополь ўлкасида, Қозоғистонда ва Урта Осиё республикаларида кўпайтирилади.

Қалмоқ зоти. Бу зот ҳозирги Қалмоқ АССР га бундан 350 йил-лар аввал мўғуллар томонидан кслтирилган. Узоқ йиллар мобай-нидаги танлаш, саралаш ва наслчиллик ишлари натижасида бу зотнинг кўп хусусиятлари (совуққа, ноқулай об-ҳаво шаронтига, касалликларга чидамлилнги) анчагина яхшилапди.

Қалмоқ зотининг ранги қизил (баъзан парча-парча оқ доғлари бўлади), қизил-ола, тўқ сариқ ва қўнғир-ола бўлади. Сигирлар-нинг тирик вазни 420—450 кг, буқаларшшки 600—800 кг, айримла-риники 900 кг гача бўлиши аниқланган. Гўшт чиқими ўртacha 57—60%. Сигирлари бир лактация даврида 650—1000 кг сут беради. Сутидаги ёғ миқдори 4,2—4,4%.

Хозирга вақтда СССРда 1,5 млн бош қалмок зоти мавжуд. Улар асосан Қалмоқ АССРда, Ростов, Астрахань, Актюбинск ва Жамбул областларнда ҳамда Қорақалпоғистон АССРнииг Қўнғирот райони хўжаликларнда, жумладап, «Ильич» номли совхозда маълум миқдорда кўпайтирилади. Бу зот ҳар хил но-кулай шароитга чидамлилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди.

**Кўш маҳсулот** (гўшт-сут ва сут-гўшт) берадиган йўналишдаги зотлар. Бу йўналишга мансуб бўлган зотлар гўштдорлик ва сер-сутлик хусусиятларига кўра бошқа йўналишдаги моллардан фарқ қиласди. Кўш маҳсулот йўналишида боқиладиган зотлар иккига бўлинади. Биринчиси гўшт ва сут йўналишидаги, иккинчиси сут ва гўшт йўналишидаги зотлардир. Бунинг асосий фарқи шундан ибо-ратки, биринчи йўналишдаги молларнинг маҳсулоти иккинчисини-кидан қўпроқ бўлади. Масалан, гўшт-сут йўналишидаги сигирлар-нинг гўштдорлиги серсутлик кўрсаткичига иисбатан юқорирок; бў-лади ва аксинча сут-гўшт йўналишидаги сигирларнинг серсутлиги гўштдорлигига кўра устунроқ бўлади.

Кўш маҳсулот йўналишидаги (кўш маҳсулдор) барча қора-мол зотлари ташқи кўриниши (экстеръери) ва конституциясига кўра сут ва гўшт йўналишидаги нолларга нисбатан оралиқ ўринда туради.

Умуман, гўшт-сут ва сут-гўшт йўналишидаги барча зот вакил-лари пишиқ конституция типига мос келади. Бинобарн, уларнинг

айрим вакилларн серсутлиги билан сут йўналишидағи сигирлардан қолишмайди ва баъзан ўзиб кетиш ҳоллари ҳам бўлади (бу кос-трома ва симментал зотлари мисолида аниқланган). Шунингдек, яхши боқилган гўшт-сут йўналишидаги буқачалар гўшт чиқими ва сифатига кўра гўштдор қорамол зотларига яқинлашиб ва ҳатто тенглашиб қолган.

Шуниси характерлики, гўшт-сут ва сут-гўшт йўналишидаги зот вакиллари ташқи кўриниши, хусусиятлари ва шакли жиҳати-дан бир-бирига

үхшаш бўлади. Уларнинг умумий характеристикаси қўйидағича: танаси мустаҳкам, боши катта, шоҳлари узун ва бақувват; бўйни йўғон, елкаси ва кўкраги кенг ва чуқур, қовурға-лари доирасимон, қорни катта, оёқлари тик ва тўғри жойлашган, елипи кўпроқ катталашган, лекин баъзан нотекис ва ўртача ривож-ланган, териси қалин ва эластик, жуни ипгичка ва ялтироқ бўлади.

Кострома зоти, қизил горбат зоти, қурганск зоти, украина кул ранг зоти, симментал, сичёв зоти, швиц зоти, олатов зоти каби зотлар қўш маҳсулдор зотлардир. Қўйида шуларнинг айримлари устяда қнсқача тўхталиб ўтамиз.

**Симментал зоти.** Бу зотнинг асосий ватани Швейцария х.исоб-ланади. СССРда бу зот Улуғ Октябрь революциясидан сўнг кенг тарқалди ва камолот йўлига ўтди. Ранги оч кул ранг, баъзан кул ранг-ола ҳолдагилари учрайди. Бу зот сигирларининг тирик вазни 550—600 кг (баъзан 710 кг ва ундан оғир), буқалариники 950—1200 кг келади.

Сигирлари 2600—3500 кг (баъзан 7320 кг ва ундан ортиқ) 'Сут беради. Сутидаги ёғ миқдори 3,0—58% ни ташкил этади.

Бу зот асосан Саратов, Тамбов, Пенза, Воронеж, Рязань об-ластлари хўжаликларида, Қозогистон, Арманистон, Грузияда ҳам-да Олтой ва Красноярск ўлкаларида, Шарқий Сибирь районлари-да кўпайтирилади.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎШ МАҲСУЛДОР ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

**Швиц** зоти сут ва гўшт етиштириладиган зот ҳисобланади. Бу зот кўпроқ Фарғона водийси областларида, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Сурхондарё области хўжаликларида учрайди. Туси кул ранг (VIII таблица).

Сигирларининг тирик вазни 480—550 кг, буқалариники 800—950 кг келади. Айринлари 1100 кг бўлиши ҳам аниқланган.

Сигирлари соғин даврида ёғ миқдори ўртача 3,6—3,8% бўлган 3000—4200 кг сут беради. Айримлари 9000—10200 кг ва ундан кўп-•роқ сут беради. Баъзан сутидаги ёғ миқдори 4,7% га етади.

**Олатов зоти.** Бу зот ҳам сут ва гўшт етиштириладиган маҳал-лни қирғиз ва қозоқи сигирларни швиц зот буқалардан қочириш матижасида ва наслини бир-бири билан чатишириб, танлаш, саралаш йўли билан яратилган. Бу зот асосан Қирғизистон, Қозогис-тон, Тожикистон ва Узбекистоннинг айрим областларида учрайди.

Сигирларининг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг. Соғин даврида ёғ миқдори 3,8—4,0% бўлган 2800—3500 кг сут беради.

Бу зотга мансуб моллар ҳам швиц зот каби кул ранг, баъзан тўқ жигар ранг ёки тўқ малла рангда бўлади. Рекордчи сигир-лари 10300 кг сут беради. Серқаймоқ сут берувчи сигирлар сути-даги ёғ миқдори 4,8% ни ташкил этади.

Олатов зоти асосан тоғ зonasи ш-ароитига яхши мослашган хайвон ҳисобланади.

Шупдай қилиб, номлари юқорида қайд қилинган қўш маҳсул-дор зотлар серсуг ёки гўштдорлигининг юқори даражада бўлиши билан ё сут ўйналишига ёки гўшт ўйналишига мансуб бўлади. Би-нобарин, бу усул

шартли равища ифодаланса-да, амалда уларни бонитировка қилишда ва умумий баҳолашда бу хусусияти эъти-борга олинади.

## **ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ЗООЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА КУРА ЗОТЛАРАРО КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТАРҶАЛИШИ**

Қорамоллар махсулот йўналиши ва хўжалик жихатидан аф-залликлари билан бирга, зоологик хусусиятларига кўра бир неча группага бўлинади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда бундай группаларга бўлиш аниқ натижа бериши анча мураккабдир. Чунки кўп зот-лар асрлар мобайнида бир-бири билан чатишиши, уларни асраш, боқиш ва сақлаш шароити турлича бўлиши туфайли асосий фарқ-лари йўқолиб кетмоқда.

Айрим адабиётларда қорамолларни яшаш ва кўпайнш усулига кўра турли хил географик зоналарга бўлиш тавсия этилади. Ма-сялан, пасттекислик, тоғ ва чўл зоналарга ажратиш мумкнинлиги қўрсатилган. Лекин бундай усул ҳам ижобий натижа бермайди. Чунки айрим зотлар (масалан, голланд зоти) пасттекислик райо-нида вужудга кслгани билан ҳозирги вақтда ер юзининг ҳамма жойида учрайди.

Ниҳоят, қорамоллар подасида олиб бориладиган селекция ва наслчилик ишларига кўра, зотларни группаларга ажратиш тавсия этилган. Бунда хар бир муайян группани барча биологик, хўжа-лик, миқдор ва ирсий хусусиятлари ва қўрсаткичлари асоснда уч (ибтидой, маданинлаштирилган ва оралиқ) группага ажратиш маъқуллапган.

Ибтидой қорамоллар группаси асосан асрлар мобайнида, зо-ти яхшиланмаган ҳолда, табиий шароитга чидамли бўлган маҳал-лий моллардан ташкил топган. Масалан, Қавказ, Қирғиз, қозоқи, Узбекистон, Қорақалпоқ ва Сибирь маҳаллий қорамоллари ана шу группага киради. Улар кеч етилиши, вазни кичикилиги, жун қатла-ми қишида ўсиқ ва қалин, ёзда сийрак ва калта бўлиши, тур-ли хилдаги дағал озиқларни bemalol истеъмол қилиши, айрим касалликларга чидамлилиги билан бошқа группалардан фарқ киласи.

Маданийлаштирилган қорамол зотлари инсон томонидан аср-лар оша танлаш, саралаш, хиллаш (жуфтлаш), яхши шароитда сақлаш, асраш, парвариш қилиш ва боқиш натижасида яратилган. Бинобарин, уларнинг маҳсулдорлиги юқори, тез етилувчан, ўзига хос экстеръер ва конституция типига эга ва бу хусусиятларини наслига ўtkazadиган бўлади, Бунга мисол қилиб барча зот қора-молларни ва бирипчи навбатда симментал, голланд, холмогор, ге-рефорд, aberdin-ангус каби зотларни қўрсатиш мумкин. Чунки бу зот вакиллари бошқа зотлар билам чатиширилганда доминант-лик (устунлик) хусусиятига эга эканлиги кўп тажрибаларда анлқланган.

Оралиқ зотлар, биринчидан, маълум даражада инсон томоии-дан (танлаш, саралаш, асраш, боқиш ва парваришлаш натижаси-да) маҳсулдорлиги анчагина яхшиланган бўлса, иккинчидан, ташқи муҳит таъсирига мослашган, анчагипа чидамли бўлса-да, бу ху-сусиятлари ҳали мустахкамланмаган ҳолда бўлади. Истобен ва ле-бедин зот қорамолларни

бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай зотлар селекционерлар томонидан бир неча йиллар даво-м�다 олиб бориладигян наслчиллик пшлари туфайли маданийдаш-тирилган зотлар қаторидан ўрин олиши мумкин.

## СИГИРЛАРНИ БОҚИШ

Сигирларни боқишда уларнинг сут маҳсулдорлиги ҳисобга олинади. Бинобарин, лактация мобайнида соғиб олинган сут миқдорига кўра уларга бериладиган ем-хашак нисбати қўйидагича бўлишн мумкин (6-жадвал).

Бўғоз сигирларни боқишда 6-жадвал уларнинг тирик вазни ва улардан соғиб олинадиган сут миқдо-ри ҳисобга олинади. Бинобарин, уларкинг озиқ нормасини қўйи-дагича белгилаш мумкин (7- жадвал).

Бўғоз сигирларни боқишга алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки бу улар туққандан кейин сут маҳсулдорлиги юқори бўли-шига имкон беради. Тирик вазни 500—550 кг ва сут маҳсулдорли-ги 4000—6000 кг бўлган сигирларга суткасиға ўрта ҳисобда 6—8 кг сифатли пичан, 10—15 кг силос ёки сенаж, 7—8 кг хашаки лав-лаги, 2—3 кг ем (ёки омиҳта ем), шуинингдек, 100—150 г кальций ва 50—70 г ош тузи бериш керак. Лекин уларни илдизмевалар билан боқишда овқат ҳазм бўлиши сифатинн назорат қилиб туриш талаб этилади. Чунки айрим вақтларда кўп миқдорда берилган лавлаги уларнинг овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини сусай-тиради.

**Соғин сигирларни** боқишда уларнинг сут маҳсулдорлиги макси-мум даражага етгунча рациони сифатига ва таркибиغا алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, улар туққандан кейин 2— 3 куи мобайнида бундай тадбирларни қўллаш фойдалидир. Сигир-ларнинг сутини ва айниқса сутинимг ёғини оширишда емнинг фой-даси катта. Бинобарин, норма асосида бериб боришга эътибор ку-

чайтирилиши керак. Сигирлар қанча серсут бўлса, уларга шун-ча кўп ем бериш керак (8-жад-вал).

Агар сигирлар сутдан чиқиши даврида ориқ бўлса, уларнинг рационини I—2 озиқ бирлигига қўпайтириш тавсия этилади. Бинобарин, ҳар бир озик бирлиги ҳисобига қўшимча равншда 110— 120 г ҳазм бўладиган протеин, 9—10 г кальций, 5—6 г фосфор ва 40—50 мг каротин бериш ло-зим. Акс ҳолда улар эмбриони суст ривожланади ва умумий физиологик ҳолатига путур егади, Соғин сигирларни боқишда

улардан олинадиган сут ва ёғ миқдорини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, улар организми учун зарур бўлган хи-миявий элемситлар миқдори ва унумий озиқ бирлнги планлашти-рилади (9-жадвал).

Сигирлар рационидаги қуруқ модда миқдори ҳар 100 кг га ўр-тacha 3,0—4,0 кг ни ташкил этиши мумкин. Клетчатка сигирлар ошқозоннда овқат ҳазм бўлишини нормаллаштиргани учун унинг миқдори 18—24,5% гача (куруқ моддага нисбатан) бўлиши мум-кин.

Агар рацион таркибида кальций ортиб кетса, овқат ҳазм бўли-шига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса протсин ва органик мод-даларнинг, шуинингдек, фосфорнинг ўзлаштирилиши сусаяди.

Сигирлар кўпроқ силос, сенаж ва илдизмевалар билан боқил-ганда, улар рационида фосфор ва натрий микдори нормал бўли-дшга эътибор бериш талаб этилади. Рациондаги озиқ турлари тар-кибидаги микроэлементлар микдорига ҳам аҳамият бериш фойда-лидир.

Сигирлар группа усулида боқилганда бир хил рациондан фой-даланилса, уларнинг сут махсулдорлиги бир-биридан 1—3 кг га фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун дағал озиқ ва силос улар ис-таганича берилса, ем ва илдизмевалар каби озиқлар билан уларнинг серсуглигига эътибор бсрилгани ҳолда таъминланади.

Сигирларни боғламасдан боқиша боқиша нормаларини тахми-нан 8—10% га ошириш назарда тутилади. Бунда сигирлар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,5 кг атрофида беда пичани, 2—3 кг хашак, 2 кг силос истеъмол қилиши ҳисобга олинади.

## **РАЦИОНДАГИ ЕМ-ХАШАКНИНГ ТУЙИМЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

Софин сигирлар рационида оқсилга бой озиқлар кўпроқ бўли-ши муҳим аҳамиятга эга. Бу тажрибада исботланган. Масалан, А. Н. Швабе тажрибасига кўра, сигирлар рационидаги озиқлар таркибида протеин (оқсил) микдори талаб этилганга нисбатан 25—30% оширилса, биринчидан, уларнинг сути 10%, сутининг ёғи ва оқсили 0,2—0,3% ҳамда сутидаги қуруқ моддалар 0,3—0,5% ортган ва аксинча, агар ем-хашакнинг сифати паст, унда протеин (оқсил) етарли даражада бўлмаса, у ҳолда сут микдори 20%, ёғ ва оқсил 0,3—0,4%, қуруқ моддалар 0,7—0,9% га камайиб кетган. Лекин рационда оқсилга жуда бой бўлган озиқлар микдорини кў-пайтириб юбориш ҳам ижобий натижа бермайди. Масалан, А. С. Солун фикрича, бундай вақтда сигир ошқозонида озиқлар суст ачиди, сирка кислота ҳосил бўлиши камаяди ва ичакларда ши-милиши учун талаб этилган озиқ тайёр ҳолга келмайди, пировар-дида, сутнинг ёғи ҳам камайиб, оқсилнинг асосий қисми аҳлати билан (фойдасиз ҳолда) ташқарига чиқариб юборилади.

И. С. Попов фикрича, сигирлар рационида лизин, фенилаланин, гистидии, метионип, аргинин, валин ва триптофан каби аминокислоталарнинг етарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки бу модда-лар муҳим ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Кейинги йилларда айрим илфор хўжаликларда, моллар рацо-нида оқсил етншмаса, ем-хашакка таркибида азот бўлган синте-тнк моддалар қўшиб берилмоқда ва бу яхши натижа бермоқда. Жумладан, карбамид (мочевина), аммоний сульфат асосий синте-тнк моддалар ҳисобланади. Лекин бу усул қанча кенг қўллапил-масин, ҳайвонлар рационидаги табиий оқсилнинг фақат маълум бир қисми ўрнини тўлдиради, холос.

Карбамиддан турли хўжаликларда турлича фойдаланилади. Масалан, ҳайвон учун талаб этиладиган карбамид суткасига икки

ёкн уч қисмга бўлнгани ҳолда улар озигига қўшиб берплади. Айрим хўжалнкларда силос бостириш вақтида ҳам кўк массага карбамид қўшиб

силослаш ёки майдалапган беда пичани ёки со-моп каби озикларга карбамид эритмаси сепилгандан ҳолда улар иви-тиб ва юмшатиб бсрплади. Бупнинг патижасида ем-хашак таркиби-даги протеин 4 марта кўпайган, бинобарин, сутнинг оқсили 3,3% гача, ёғи 3,7%, гача, қурук моддалари 12,6% гача ортганлиги аниқ-лапган.

Ем-хашалнинг сифати ва таркиби. Соғин сигирларга қанча кўп хилмажил см-хашак бсрилса, уларнинг сути кўпайиши хамма-га маълум. Лскин уларнинг тўйимлилиги, сигирларнинг маҳсулдор-лиги, физиологик ҳолати ва кўпипча индивидуал хусусиятлари ҳи-собга олпнмаганлиги сабабли, уларнинг маҳсулдорлик имконият-лари тўла рўёбга чиқарилмайди.

Маълумки, соғин сигирлар истсъмол қилган см-хашакнинг бир қисми сут хосил бўлишига \*сарфланса, бир қисми организмда куч-куват (энергия) хосил қилиш учун, яна бир қисми эса, эҳти\* мол, улар эмбрионинпнг ривожлапиши учун фойдаланилади. Маса-лан, бир йилда 8000 кг сут соғиб олинадигап сигир организмидай сут билан бнрга 10 кг калий, 8,5 кг кальций, 7 кг фосфор, 4 кг натрий, 3,5 кг олтингугурт, 1 кг магний ва турли моддалар ташка-рига чиқарилиши аниқланган. Шунинг учун хам сигирларга бсрладиган ем-хашак мумкин қадар турли минерал моддаларга бой, сифатли ва тўйнимли бўлиши ксрак. Бунда, биринчи галда, соғин сигирлар рационини улардан соғиб олинган сут таркибидаги оқсили ва ёғ микдори оз-кўплигига қараб бойитиш ма^садга мувофиқдир. Соғин сигирларга нимширин ёки хашаки лавлаги бериб боқилган-да уларнинг сути кўпайиши билан бирга сутни таркибидаги ёғ, оқсили, қанд ва бошқа моддалар ҳам анча кўпаяди.

Умуман, соғиладиган барча сигирлар учун хўжаликларда йил-нинг барча фасли учун сифатли см-хашак жамғариш ва улардан унумли фойдаланиш тақозо этилади.

Киш ва эрта баҳор ойларида рационда сенаж, силос, пичан, илдизмевалар салмоқли ўрин эгалласа, ёз ва куз ойларида асосан кўк ўт (беда, сули пояси, суданўт, маккажўхори пояси ва хока-золар) рационнинг асосини ташкил этади. Лскин см, қўшнмча витаминлар, микроэлементлар, антибиотиклар, биологик прспа-ратлар йил мобайнида сигирлар рационига зхтиёжига яраша кў-шиб борилиши лозим. Бу вазнфа барча хўжаликларда зооинже-нер ва ветеринария врачлари томопидан назорат қилиб турилиши керак.

## БУЗОҚЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Бузоқларни боқиши ва парвариш қилниш қорамол подаспни соғлом, сермаҳсул сигирлар ва юкори кўрсаткичга эга бўлган бақув-ват наслдор буқалар билан тўлдирнішда мухим ахамиятга эга. Умуман, бузоклар ҳар бир ферманинг йўналиши, этиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб чиқаришиннинг конкрет мақсади ҳамда ша-роитн ҳисобга олинган ҳолда боқиб парвариш қилинади.

**Биринчи усул — бузоқларни онасидан ажратиб боқиши. Бу усул**

асосан барча сут-товар фермаларида қўлланиладиган прогрессив усул хисобланади. Бунда бузоқлар туғилганидан сўнг 5—10 кун давомида ўз онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Сўнгра улар маҳсус катакларга олинади ва группалаб боқилади. Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан кейин 1—2 соат ўт-гач 1—1,5 кг миқдорида берилади. Уларни озиқлантиришдан олдин лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқ-ларга дастлабки кунлари оғиз сути маҳсус резинка сўрғичлар ёр-дамида кунига 5—6 марта берилса, сўнгра кунига 4 марта аниқ белгиланган вақтларда (кун тартибн асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг темпе-ратураси  $37^{\circ}$ , тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Агар бузоқлаган сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда туққан ёки туғишига кўра биринки қунга фарқ қилган сигирларнинг сути ичи-рилади.

Бузоқларга туғилган куни 5—7 кг атрофнда оғиз сути ичири-лиши яхши натижা беради. Беш кунлик бўлганида 6—10 кг гача қўпайтириш мумкин. Умуман, биринчн беш кўн ичида уларга 30—45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижা беради.

Бузоқларни қўп миқдорда, фақат сигир сути билан боқиш иқ-тисодий жихатдан унча қўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқ-тисодий самарадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг учинчи декада-дан бошлиш лозим. Бунинг учун бериладиган сигир сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут миқдори қўпайтирилиб бориляди. Умуман, РСФСР шароитида ҳар бир бузоқ учун ўсиши ва ривожланиш процессида (6 ойда) 200—500 кг сигир сути ва 800—200 кг сунъий сут бериш тавсия этилса, Узбекистон шароитида таркиби химиявий элемент-лар ва витаминлар билан бойитилган сунъий сут миқдорини қўпайтириш натижасида бериладиган табиий сут миқдорини деярлн 40—50% га камайтириш мумкин.

Иккинчи усул — ажратиб эмиздириб боқиш. Бу усул энг қа-димги усул бўлиб, бунда сигирни соғишдан олдин, соғиш вақтида ва сут соғиб бўлинга, ёнига бузоғи қўйиб юборилади. Сигири бўлган барча хонадонлар ҳам шу усулда бузоқ боқадилар ва пар-вариш қиласилар. Бу усул ҳозирги вақтда ҳўжаликларда деярли қўлланилмайди.

Учинчн усул — бузоқларни эмизувчи бошқа (энага) сигирларга бириктириб боқиш. Бунинг учун ўз оналаридан ажратиб олин-ган бузоклар 2 тадан 4 тагача қилиб, машина ёрдамида соғишга яроқсиз еки қари сигирларга бириктириб қўйилади. Бузоқлар ўз «энагасини» 2—3 ой мобайнида эмиб ўсади ва ривожланади.

Бириктириладиган бузоқлар сони «энага» сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боғлиқ. Эмизиш учун планлаштирилган сигирлар

бир группа бузоқни эмизиш даври тугаши билан янги партия бузоқларни қабул қиласиди. Шундай қилиб, сут маҳсулдорлиги 3000—3500 кг

бўлган сигирлар бир лактация даврида 8—10—12 та бу-зоқни эмизднриб, улар бақувват ва соғлом ривожланишнга ўз хиссасини қўшади. Бу усул кўплаб хўжаликларда қўлланиб ке-линмокда.

Тўртинчи усул — бузоқларни оналарига узлуксиз эмиздириб боциш. Бу усул асосан гўшт йўналкишидаги корамолчиликда қўл-ланилади. Бунда сигирлар деярли соғилмайди. Пода шароитида ёш бузоқлар 6—8 ойлик бўлгунча фақат онасини эмиб ривожла-нади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ учун етарли бўлса, бир сигирга иккита ёш бузоқни хам бириктириб боқиш тав-сия этилади.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш, парвариш қилиш ва ри-вожлантириш усуллари ҳар бир хўжаликнинг махсулот йўналиши ва ишлаб чиқариш технологиясиға кўра қўлланиши қўплаб ижо-бий натижади беради.

## ЁШ МОЛЛАРНИ 6 ОЙЛИГИДАН ИККИ ЕШГАЧА БОҚИШ

Бузоқлар олти ойлик бўлганида эркаклари урғочиларндан аж-ратилган холда махсус хопаларда боқиласди. Бунда тўртта группа ташкил этиш назарда тутилади.

Бириичи группада бузоқлар 9 ойлик бўлгунча боқиласди.

Иккинчи группада 9 ойлиқдан 12 ойлик бўлгунча боқиласди.

Учинчи группада 12 ойлиқдан 18 ойлик бўлгунча боқиласди.

Тўртинчи группада 18 ойлик ғунажинлар икки еш бўлгунча бо-қилади. Бузоқлар хўжаликда қабул қилинган усулга мувофик, боғлаб ёки боғламасдан боқиласди.

Насл олиш учун мўлжалланган эркак бузоқларни ҳисобга ол-магандада, барча группадаги бузоқларга 8—9 ойлигидан бошлаб кўп мнқдорда, сомоп, силос ва илдизмевалар бериб бокпш мумкин. Агар боғлаб боқиш усули қўлланса, бузоқларга суткаснга уч мар-та ем-хашак берилади. Сувни автомат суғоргичлардан истаганча ичади.

Насл олиш учун ярим ёшдан икки ёшгача боқиласдиган бузоқ-ларга сарфланадиган ем-хашак турлари ва мицдорн 10-жадвалда ўз ифодасини топган.

Кўпгина хўжаликларда олиб борилган кузатишларга қараган-да, жадвалда кўрсатилган нормативларга асосланилса, бузоқлар соғлом, бақувват ва юқори махсулдор бўлиб ўсар экап. Уларга сунъий сут берилса, 180—200 кг соғ сут тежалади.

Қорамоллар ўсиши ва ривожланишида ҳар килограмм семири-ши ҳисобига сарфлайдиган озиқ бирлиги миқдориннинг ортиб бо-риши аниқланган (11-жадвал).

Ем-хашакпинг сифати қанча паст, таркибнда химиявий эле-ментлар, айниқса протеин кам бўлса, молларнинг ҳар килограмм семириши учун шунчак кўп озиқ сарфланади.

Бузоқлар соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун уларни уз-луксиз ош тузи билан таъминлаб туриш тавсия этилади. Бунда

1—6 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг вазни ҳисобига суткасига 12 г, 6 ойликтан катта бузоқларга 10 г дан ош тузи талаб этилади.

## НАСЛДОР БУҚАЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Наслдор букалардан олинадиган уругнинг сифати биринчи гал-да уларни бокниш шароитига ва усулига боғлиқ. Буқаларпи бо-қиши сурайтириш ёки кучайтириш максадга мувоффик эмас. Чун-ки кучли озиқлар билан ҳамма вакт тўйдириб боқиши ва моцпон ташкпл этилмаслиги улар танасининг ва жинсий органларининг ёғ боснб кетишига олиб келади. Бупинг натижасида уруғ бериш хусусияти ёмонлашади. Ёки аксинча, сифатсиз ем-хашак билан боқиши улар организмини бўшаштириб, қувватсизлантириб юбо-ради. Бунинг оқибатида уруғнинг сифати бузилади, буқалар ориқ-лаб, касалликларга берплувчап бўлиб қолиши мумкин. Бинобарин, наслдор буқаларни боқишида илмий жихатдан асослапгаи прогрес-сив усувлар асосида рациои тузиш керак. У кўйидагпча бўлиши мумкин. Масалан, буқалар кочнрниш ишларида фойдалаинлмаган «тиним» даврида уларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига **1,1** озиқ бирлиги ва 110 г ҳазм бўладиган протеин бериш мумкин. Еки уларни қочиришда фойдаланишга 100 кг тирик вазни ҳисоби-га **1,3** озиқ бирлиги ва 140 г ҳазм бўладиган протеин планлаш-тириш яхши натижа беради.

Киш ойлари наслдор буқаларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1 — 1,5 кг беда пичани, 1 — 1,5 кг илдизмевалар, 0,8—1 кг силос бериш мумкин. Ҳар бир буқанинг ориқ-семизлиги ҳисобга олинган холда 1 суткада 4 кг дан 8 кг гача ем бериш мумкин.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктларида боқила-ётган буқалар рационига (урӯғ олиш даврида) 3—4 кг сабзи, 300—400 г майдаланган дон (арпа, сули, буғдой), 150—200 г хамиртуруш киритиш тавсия этилади.

Озиқлантириш ва суғориш ёз ойларида имкони бор хўжаликларда наслдор буқаларни асосан яйловларда боқиши, кўпроқ ҳаракат қилдириш ва талаб этилган вақтда ем ва минерал қўшимчалар бериш тавсия этилади.

Узбекистон шароитида ёзниршг иссиқ кунлари молларни 3—4 мар-та, хатто 5—6 марта гача суғориш ҳамда салқин, лекин нам ва зах бўлмаган тоза жойда дам олдириш яхши натижа беради.

Парвариш қилиш ишлари барча фаслларда узлуксиз амалга ошириб борилганда наслдор буқалардан 10—12 йил ва ундан ҳам узокроқ фойдаланиш мумкин.

## КОРАМОЛЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ

Корамоллардан олинадиган асосий маҳсулот — сут ва гўшт ҳисобланади. Тери, ички органлари, жуни ва шох-туёклари қўшимча маҳсулотdir. Оз даражада бўлса-да, айrim районларда хўқизлар транспорт вазифасини ҳам бажаради.

Қорамоллар маҳсулотининг миқдори ва сифати фақат зотлар-аро фарқланмай, ҳатто зот ичида ҳам маълум ўзгаришларга эга, Бинобарин, кўплаб сифатли ва арzon маҳсулот етишириш жуда кўп фактор ва тадбирларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун қуйида улар устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

## СИГИРЛАРНИНГ СУТ МАДСУЛДОРЛИГИ

Серсут сигирларнинг биологик хусусиятлари. Биология фани-дан маълумки, ҳар бир органнинг тузилишн ва шакли унинг ба-жарадиган функциясига чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан, си-гирларнинг курак тиши ўткир қиррали бўлгани ҳолда ўсимликни узиб олса, юза қисми кенг ва яссилашган озиқ (жағ) тишлари уни майдалайди. Екн серсут сигирларнинг сут безлари олиб кўрилса, уларда сут бези тўқимаси ва унинг миқдори бириктирувчи тўқима-га қўра деярли икки марта кўпроқ бўлиши аниқланган. Камсугу сигирларда эса бунинг аксини кўриш мумкин.

Серсут сигирлар истеъмол қилган ем-хашакни максимал дара-жада сутга айлантира олиш хусусиятига эга, бинобарин, уларнинг озиқ рационига алоҳида эътибор берилмаса, улар тезда ориқлаб кетади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, серсут сигирларнинг елини катта ҳажмга эга ва йил сайин у яна катталашиб бориш хусусиятига эга. Айрим сигирларнинг елини катта бўлса ҳам, сути деярли кўп бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки бунда сут бези асосан бириктирув-чи тўқимадан иборат бўлади. Бундай елиндаи сут соғиб олингач ҳам унинг ҳажми жуда кам кичрайди, у юмшоқ, хамирсимон бўлади.

Сигирлар елинининг шакли турлича бўлади. Бу уни қоринга бириктириб турувчи боғловчилар ҳолатига боғлиқдир. Юқори кўр-саткичга эга бўлган слин сигирнинг орқа томонидан баландроқ, бўртиб чиққан, кеиг ҳажмли, олд қисми қоринга тақалган, туби текис—горизонтал ҳолда бўлади.

Елиннинг ҳар бир палласи йирик ва бир-бирига teng, улар оралиғида чуқурлик ёки бўртмалар бўлмаслиги керак. Сўрғичлар цилиндр ёки бир оз конуссимон, лекин унча йўғои, ингичка, узун ёки калта бўлмаслиги керак, акс ҳолда бундай сўрғичлар ма-шинада соғишга ярамайди. Масалан, сўрғичларнинг узунлиги 7—8 см, эни 2—3 см, бир-биридан узоқлиги ўртacha 10—15 см бўлса, нормал ҳисобланади.

Айрим сигирлар елинининг иккита палласи анча чўзик, сўрғичлари олд томонга қараб қийшайган бўлади. Баъзан сўрғичлари ҳар хил катталиқда ёки улардан бирортаси ривожланмасдап қол-ган бўлиши ҳам мумкин. Сигирларнинг бундай хусусияти асосан наслдан-наслга берилади ва бу камчиликларни йўқотиб бўлмайди. Бинобарин, бундай сигирлар брак қилинади.

Чорвачиликнинг барча соҳасида бўлганидек, қорамолчиликда хайвоплар ташқи кўринишига қараб ҳам баҳоланади. Бу соҳада Иттифоқимиз бўйича 100 балли система қабул қилинган. Бу сис' тема талабига кўра, хайвои танасининг барча қисмлари (боши, бўйни, елкаси, кўкраги, елини, қорни,

оёқлари, семизлиги, сўрғич-лари ва ҳоказолар) ҳисобга олиниб, улар қандай талабга жавоб беришига қўра 1 баллдан 5 баллгача баҳо берилади ва маълум коэффициентга кўпайтирилиб, умумий кўрсаткич олинади.

СССРда чорва молларини баҳолашда 100 балли шкала асосида унинг талабига қўра, 80 баллдан ортиқ баҳо олганлар жуда юқори сифатли ҳисобланниб, улар элита — рекорд классга ажра-тилади. 75—80 балл олганлар элита ҳисобланади. 70—74 балл ол-ганлар I класс, 65—69 балл олганлар II класс ва 65 дан паст балл олганлар классиз группаларга ажратилади ва улар паст си-фатли моллар ҳисобланади.

Сигир сутининг аҳамияти. Сигирларнинг сути уларнинг энг қимматли асосий маҳсулоти ҳисобланади. Сигирлар сути мазали, серқаймоқ бўлади ва ҳеч қачон киши меъдасига тегмайди. Шу билан бирга сут инсон учун энг қимматли озиқ ҳисобланади. Ай-ни<sup>^</sup>са ёш болалар, қариялар ва айрим касалликларга чалинган кишилар учун сутни бошқа озиқ б'илан алмаштириб бўлмайди.

Бундан ташқари, сутдан хилма-хил сут маҳсулотлари тайёрла-надики, инсон хаётида улар салмоқли ўрин тутади. Масалаи, са-риёғ, қатик, қаймоқ, кефир, простокваша, ряжинка, творог, пиш-лоқ, бринза шулар жумласидандир.

## СУТ ҲОСИЛ БУЛИШИ

Сут елиннинг сут бозларида ҳосил бўлади. Бу процесс анча му-ракқаб бўлгани ҳолда унда бир қанча органлар ҳам актив ишти-рок этади. Сут безларииипг ўсиши ва ривожланиши тухумдан гор-монлари фаолияти билан боғлиқлиги аниқланган. Сигирлар бўғозлик даврининг кейинги ойларида елин без<sup>^</sup>ари яхши ривож-ланиб, улар туққач безлар катталашади, яъни актив фаолияти бошланади.

Сигир елини 4 палладан иборат бўлиб, ҳар бир палласи сўрғич (эмчак) билан тутайди. Елин паллалари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир палладан соғиб олнадиган сутнинг кўрсаткичи ҳар хил бўлади. Лекин елин паллалари қон томирлари, нервлар, лимфа томирлари билан бир-бирига боғлиқ бўлади. Бинобарин, елиннинг бирор палласи касалланса, бошқа паллаларига ҳам тарқалиши мумкин.

Маълум бўлишича, елиннинг ҳар бир палласи сут микдори ва таркибига қўра ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, елиннинг орқа паллаларида сут кўпроқ бўлади.

Елип қўп микдордаги мускулли боғлағичлар ёки бириктирувчи тўқима ёрдамида снгир танасига бириккан бўлиб, сигир қариган сари уларнинг тортиб туриш қуввати пасаяди ва елиннинг шакли ўзгаради, баъзан елин осилиб қолади. Умуман, елннинг шакли ва сўрғичларининг йўналиши бириктирувчи тўқима ёки боғлағич-лар қанчалик ривожланганлигига, уларнинг таранглик қувватига боғлиқ бўлади.

Елин ташки томондан юпқа, юмшоқ ва жун қатлами сийрак, унча ўсиқ бўлмаган тери билан қопланган. Елин териси эластик бўлганлиги учун ҳажми осон кенгаяди. Сўрғич териси анча но-зик, юпқа бўлиб, жуда кўп нервлар

билан таъминланган. Лекин бу қисмда тер ва ёғ безлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам сўрғич тери-

73.

си мойлаб турилмаса қурийди, шамоллайди, ёрилэди ва касалла-нади.

Елиннинг ҳар бир палласи без тўқималаридан иборат бўлиб, унинг ички қисми *альвеола* деб аталувчи, ички девори бир қават-ли цилиндрсизмон эпителий билан қопланган. Альвеолаларнинг уч-ки қисмида гомшоқ ва юмалоқ пуфакчалар — найчалар жойлаш-гап. Эпителий ҳужайралари доим қон билан таъминлашиб туради ва унда қоннинг синтезланиши натижасида сут томчилари ҳосил бўлади (IX таблица).

Альвеолалар жуда майда, юмалоқ ва кўп миқдорда нерв, қон ва лимфа томирлари билан таъминланган бўлади, Ҳар бир аль-веоланинг алохида чикарув каналчаси бўлиб, улар бир-бири би-лан қўшилади ва пировардида катталашган канал (най)ча ҳосил бўлади. Бу найчалар тобора қўпайгани ҳолда бирлашиб боради. Умуман, сут безларии бир бош узум шаклига ўхшатиш мумкин. Найчалар бориб сўрғичпинг юқори қисмидаги *сут цистернаси* деб номланувчи анча кенг бўшлиққа бирикади ва уни ўзидан оқиб кслган сут билан тўлдиради. Сут цистернасида кўп миқдорда ко-ваклар бўлади. Сут безларининг секретор (сут ҳосил қилувчи) қисмлари баъзан бир қаватли кубсимон секретор ҳужайралар би-лан қопланган бўлади.

Сут цистернаси асосан икки қисмдан иборат бўлиб, сўрғич каналининг охири билан тугалланади. Бу канал *сфинктер* деб помланган, ярим доира шаклидаги, кўп миқдордаги ясси, силлиқ мускул ҳужайраларидан ташкил топган тўқима ёрдамида ташки муҳит билан боғланиб туради. Сфинктер туфайли, биринчидан, ташки муҳитдан ичкарига микроорганизмлар кираолмаса, иккш-чидан, тўпланган сут ташқарига чиқйб кетмаслигини таъминлай-ди. Сфинктернииг катта-кичиклиги ва ривожланганлигига кўра, сигирлар осон ёки қийин соғилади.

Гунажинлар жинсий жиҳатдан вояга етган сари сут безлари ҳам ривожлапа бошлайди. Улар бўғоз бўлганида сут безининг секретор қисми ва чиқариш найчалари янада яхши ривожланади ва ички бўшлиғи сут билан тўла бошлайди. Сигир тукқанда елини-нинг секретор қисмларн пуфакчалар — найчалар анчагина кат-талашган ҳолда бўлади ва шу билан бирга елин паллалари тар-кибидаги бириктирувчи тўқима миқдори анча камаяди.

Қузатишлардан маълум бўлишича, сигирлар қанча серсут бўлса, улар елинидаги секретор найча—пуфакчалар ичи шунча кенг, ёдиндаги бириктирувчи ва ёғ тўқима миқдори шунча кам бўлади. Сигирлар сутдан чиққанида секретор найча—пуфакчалар буришиб қолиши аниқланган. Секретор бўлакчалар камайиши билан бириктирувчи ва ёғ тўқима миқдори қўпайиши исботланган.

Елинда ва унинг ички қисмидаги бўлакларда кўп миқдорда ялангоч ва капсулалн нерв толалари ва танаачалари учрайди. Уларнинг миқдори сигирларнинг серсуглигинга боғлиқ бўлса ке-рак, деган фикрлар бор.

Артерия қон томирлари елинта кислород ва озиқ моддалар олиб келса, вена қон томирлари ундан карбонат ангидрид ва қолдик озиқни олиб кетади.

Серсүт сигирларда бундай веналар яхши ривожланган бўлади ва қорин қисмида бўртиб чиққани ҳолда «сүт венаси» номи билан аталади.

Маълум бўлишича, суткасига 20—25 л дан сут соғиб олинади-ган сигирлар елинининг қон томирлари орқали бир суткада ўрта-ча 10000—12500 л кон ўтишн мумкин. Ёкн 1 л сут хосил бўлиши учун елиндан 400—'500 л қон ўтиши тажрибаларда исботланган. Сут хосил бўлиши барча соғин сигирларда тинимсиз давом этади.

Сигир соғиб бўлингач, елиннида сут хосил бўлиши (сут секре-цияси) жадаллик билан давом этади ва у яна аста-секин сутга тўла бошлайди, бинобарин, елин ичидаги босим аста-секин кўта-рилади, бунинг натижасида секреция суръати пасая боради. Шу-пинг учун ҳам серсүт сигирлар уч марта соғилган вақтда қўпроц сут олинади. Бу борада елишшинг ҳажми ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, айрим жуда қўп сут берадиган рекордчи сигирлар слинига ўртacha 22—25 л сут сифиши аниқланган.

Кузатишлар шуни қўрсатдики, сигирлар туққанидан кейин 2—3 ой мобайнида елинининг ҳажми ортиб боради ва ярим йилга-ча бир текис катталиқда бўлади. 6 ойдан сўнг унинг ҳажми аста-секин яна кичрая боради.

Шундай қилиб, сигирларда сут хосил бўлиши бир қанча муҳим факторларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийлари: сигирларнн тўғри боқиши, ем-хашакнинг сифати, молларни асраш, парвариш қилниш усуслари, сигирларнинг ёши, зоти, лактация даври, елини-ни массаж қилиш, шунингдек, индивидуал хусусиятлари ва бош-қалардир.

Сигир сутининг химиявий таркиби. Кузатишлардан маълум бўлишнча, сигир сутининг химиявий таркиби ўзига хос турли хил элементлардан ташкил топган. Масалан, унда ўртacha 87,5% сув, 3T3% оқсил, 4,7% сут шакари, 3,8% ёғ, 0,7% минерал моддалар бўлади. Бундан ташқари, турли хил витаминалар, ферментлар, гор-монлар, органик кислоталар, микроэлементлар, баъзи бир газ бн-рикмалари ва бошқа моддалар ҳам борлиги аниқланган (12-жад-вал).

Сутнинг серқаймоқлиги. Сут ёғи — сутнинг энг қимматли тар-кибий қисми хисобланиб, у асосан ёғ кислоталар (глицерин)дан иборат. Унда тахминан 20 тача ёғ кислоталар бўлади ва улар сғнинг сифатига, мазасига ўз таъсирини кўрсатади.

Сут таркибидаги ёғ асосан жуда майдада (0,5—10—20 микрон) шарчалар—доначалар шаклида бўлгани ҳолда, уларнинг устки қисми нозик оқсил парда билан ўралган бўлади. Бундай донача-лар ми^дори 1 мл сутда ўртacha 2 млн дан 5 млн гача бўлиши мумкин. Сариёғ тайёрлашда сутдаги ёғ доначаларининг сони, йирик-майдалиги муҳим аҳамиятга эга.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутиниг серқаймоқлиги маълум даражада уларнинг зотига ҳам боғлиқ. Уларнинг бу ху-сусияти наслдан-паслга ўтадиган бслги хисобланади ва муайяи зотнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида юритилади"

Юқорида айтилғанидек, ҳар бир зотга мансуб сигирнинг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб, у соғиб олинадиган сут миқдори, сутнинг серқаймоқлиги ва химиявий таркиби жиҳатидан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Гарчанд

уларнинг бу кўрсаткичларини қатъий ёки ўзгармайдиган деб бўлмаса-да, зот тўғрисида сўз юритилганда, албатта, улариинг асосий хусусиятлари ва кўрсаткичлари тилга олинади.

Ҳар бир зотга мансуб сигир сутининг миқдори ва таркибий қисми турлича эканлиги жадвалдан кўриниб турибди. Узбекистон чорвачилик илмий-текшириш иинститути олпимлари томонидан «Красныш водопад» тажриба хўжалигида олиб борилган кузатиш-лардан маълум бўлишича, қора-ола зот сигирлар бутун соғин давридь бушусв зотига кўра 666,7 кг ёки 19,3% кўп сут берар экан. Лекин бушуев зот сигирларнинг сути серқаймоқлиги ва бош-қа озиқ моддаларга бойлиги жиҳатидан қора-ола зог сигирлардан устун турар экан. Масалан, бушуев зот сигирлар сутида қора-ола зот сигирларнига қараганда сут ёғи 14,8%, оқсил 5,5%, сут ша-кари 3,7% кўп бўлар экан.

Сутнинг ёғлилиги бир хўжаликнинг ўзида боқилаётган бир хил зотга мансуб сигирларда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. У турли факторларга боғлиқ бўлиб, энг муҳимлари: ем-хашакнинг тури ва сифати, ҳайвоннинг зоти ва ирсий хусусиятлари, ёши, ориқ— семизлиги, молларни асраш усули, уларнинг индивидуал хусусияти ва физиологик ҳолати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам серсут сигирларни танлаш ва саралаш ишларида улар сутининг сарқай-моқлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Оғиз сути ва унинг таркиби. Сигир тукқан кунидан бошлаб 7—10 кунгacha соғиб олинган сут оғиз сути ҳисобланади. У ранги, таркиби ва биологик хусусиятларига кўра оддий сутдан фарқ қи-лади. Оғиз сути мазаси шўрроқ, ранги бир оз сариқрек, бўлиши ва қуюқлиги билан оддий сутдан фарқ қиласи. Бундан ташқари, унинг таркибida оддий сутга қараганда қуруқ моддалар икки баравар, оқсил 5—7 баравар, А витамин 15—20 баравар, альбу-мин ва глобулин 10—12 баравар, минерал тузлар 1,5 баравар кўп бўлади. Лекин шакар озроқ бўлади.

Я. С. Зайковский маълумотига кўра, сигир оғиз сутининг химиявий таркиби қуйидагича: 79,04% сув, 20,96% қуруқ модда-лар, 4,10% ёғ, 12,27% умумий оқсил, 3,32% сут шакари ва 1,27% кул (ёки минерал элементлар) бўлар экан.

Сигирлар тукқан кунидан бошлаб, улар оғиз сутининг тарки-би кун сайин маълум даражада ўзгариб боради. Лекин ҳар хил сигирларда (зотига, ёшига, озиқасига, маҳсулот йўналишнга, ориқ-семизлигига, индивидуал хусусиятларига кўра) бундай ўзгариш-лар турлича бўлиши табиийдир.

Оғиз сути янги туғилган ҳар қандай ёш мол организми учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу сут тўйимлилиги, ҳар хил вп-тамин ва фермснталарга бойлиги ҳамда ёш организмий ҳар хил қасалликлардан ҳимоя қиласидигак иммунитет ҳосил қилувчи танаҷалар кўп миқдорда бўлиши каби бир қанча афзалликлар-га эга.

Оғиз сути, юқорида айтиб ўтилганидек, қайнатилганда ивиб қолади, бинобарин, ундан бирор сут маҳсулоти тайёрлаб бўлмайди.

Сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи факторлар. Сутнинг серқаймоқлиги сигир тукқан кунига ва соғиши муддатига ҳам боғлиқ. Умуман

хўжаликларда, сигирлар туққан кундан бош-лаб 300—305 кун мобайнида соғилади.

Тажриба ва кузатишлардан маълум бўлишича, сигир сутининг серқаймоқлиги биринчи ойдан камаяди ва сут бериш даврининг иккинчи ва учинчи ойида бошқа ойлардагига қараганда кескин ка-маяди. Учинчи тўртинчи ойдан бошлаб, сутнинг қаймоғи аста-се-кин кўпая бошлайди ва ўнинчи ойга бориб, айниқса сутдан чиқа-риш арафасида энг максимум даражага етади.

Сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи факторлардан яна бири сигир соғиши усули ва вақти ҳисобланади. Бундан ташқари, соғувчиларни тез-тез алмаштириб туриш ҳам сигирларнинг сути миқдорига ва серқаймоқлигига салбин таъсир кўрсатади. Сутнинг серқаймоқ бўлишииинг яна муҳим факторларидан бири улар елинидаги сутни мумкин қадар тўла, сўнгги томчиларигача қол-дирмасдан соғиб олишдир. Маълумки, сутнинг дастлабки соғиб елинган порцияларн анча суюқ, ёғ мнқдори оз (1,5—2,5%) бўлса, энг сўнггида соғиб олинадиган қисмида ёғ 10—12% ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши аниқланган. Шунинг учун ҳам сигирларн тозасоғиши, сут тушмай қолганда елинини массаж қилиш ва соғишини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Сут серқаймоқ бўлишининг яна бир фактори сигирларни си-фатли ем-хашак билан таъминлаш ва парвариш қилишдан иборат. Тажрибалардан маълум бўлишича, сигирларни сифатли ем-хашак билан тўғри боқиш, танасини ўз вақтида парвариш қилиш, очик ҳавода яйратиш каби тадбирларни амалга ошириш фақат уларнинг сутни кўпайтирмасдан балки, сутидаги ёғ миқдорини ҳам ошира-ди. Агар соғин сифирлар тўйиб озиқланмаса, ем-хашакнинг сифати яхши бўлмаса, уларнинг танаси кунига тозаланмаса ва улар очик ҳавода яйратилмаса, улардан олинган сут суюқ, сифатсиз ва оз миқдорда бўлиши кўплаб тажрибаларда кузатилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сутдаги ёғ асосан майда ёғ дона-чаларининг бирлашмасдан ҳосил бўлади. Улар қанча кўп ва йирик бўлса сут шунча серёғ—серқаймоқ бўлади. Маълумки, ёғ сувга нисбатан енгил бўлади, шу сабабли сут таркибидаги ёғ пар-чалари уиинг юза қисмига чиқади. Бунда йирик доначалар тезроқ, ўртачалари бироз кейин ва эрг кейип майдалари сут юзасига кў-тарилиб чиқишидан унда маълум <sup>^</sup>алипликдаги ёғ қатлами ёқн қаймоқ ҳосил бўлади.

Сутнинг қаймоғини олишда сепаратордан фойдаланилади. Лекин сепаратордан ўтказилган, ёғи олинган сут таркибида ҳам ўртача 0,1% ёғ бўлиши аниқланган. Шунинг учун бундай сут бу-зокларга, чўчқа ва паррандаларга ичирилади, чунки унинг тарки-биди маълум сут шакари, оқсил, витаминлар, ферментлар, мине-рал туз эритмалари ва бошқа биологик актив моддалар сақланиб қолади ҳамда организмга шифобахш таъсир кўрсатади.

Сут таркибининг йил фаслларига қараб ўзгариши. Сигир сути ва унинг таркиби йил мобайнида бир хил бўлмасдан, маълум да-ражада ўзгариб туради. Бупга жуда кўп факторлар таъсир этади, улардан энг муҳими ҳар

фаслда ўзига хос ем-хашак берилиши, ташқи мұхит температурасининг турлича бўлишидир.

Кўпгина кузатишлардан маълум бўлишича, қиши ойларида соғиб олинадиган сут миқдори ёздагига қараганда 0,2—0,5% кам бўлар экан ёки баҳор ойлари соғин сигирлар туллаган вақтда сут миқдори 0,2—0,4% га, сут ёғи 0,2—0,5% га камаяр экан.

Сутдаги қуруқ моддалар баҳор (март ва апрель) ойларида камайса, куз ойлари (октябрь, ноябрь)да анчагина кўпаяр экай. Сутдаги ёғ ва оқсил моддалар миқдори ҳам шу каби ўзгариб ту-риши аникланган.

Сигирлар сутининг миқдори ва таркиби йил фаслларига қараб ўзгариши қора-ола ва бушуев зот сигирлар устида ўрганилган.

Маълум бўлишича, ёзда туққан сигирларга нисбатан қишида туққан сигирларнинг сути кўпроқ бўлар экан. Масалан, қора-ола зот сигирлар 300 кунлик лактация даврида ёзда туққанларига қараганда 715,4 кг ёки 23,4% кўп сут берган. Бушуев зот сигирларда эса бу фарқ 371,9 кг ёки 14,2% ни ташкил этган.

Ўзбекистон шароитида йил фасли фақат сигирларнинг сут миқдорига таъсир кўрсатиш билан чекланмай, унинг таркиби ўзгаришига ҳам сабаб бўлар экан. Масалан, қиши ойларида туққан сигирларнинг сути турли хил химиявий моддаларга бой бўлиши билан бирга, калорияси ҳам юқори бўлар экан. Аниқроғи, қишида туққан қора-ола сигирлар сутидаги ёғ миқдори ёзда туққан сигирларнига қараганда камида 35,83 кг га ёки 26,1% га кўп бўлиши аниқланди. Бундан ташқари, оқсил миқдори 25,56 кг ёки 20,9%, сут шакари 32,22 кг ёки 18,4%, сутнинг калорияси 31,9 га teng бўлди. Бушуев зот сигирларнинг юқоридагига мувофиқ кўрсаткичлари қуйидагича: сут ёғи 22,38 кг ёки 18,0%, оқсил 14,85 кг ёки 14,4%, сут шакари 17,41 ёки 12,2% ва сутнинг калорияси 27,9 (Ш. Акмалхонов ва бошқалар, 1968).

Шундай қилиб, кузатишлардан маълум бўлишича, ёз ва баҳор ойларида туққан сигирларнига қараганда қиши ва куз ойларида туққан сигирларнинг сути кўпроқ ва таркиби ҳар хил моддаларга бой бўлар экан. Лекин бундай сигирлардан асосан қиши ойларида бузоқ олишни ташкил этиш керак, деган хулоса чиқмайди. Халқимизнинг сутга ва сут маҳсулотларига бўлган талаби йил бўйи бир хилда тўла таъминланиши керак.

Ёзниг жазирама иссиқ кунлари барча сигирларнинг сути миқдорига ҳам, унинг серқаймоқлигига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ёз ойларида соғин сигирларни салқин, сершабада жойларда, усти берк ва атрофи очиқ шийпонларда асраш, кунига чўмилтириш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги вақтда республикамиздаги кўпгина илғор хўжаликларда (жумладан, Фарғона водийсидаги кўплаб фермаларда) бу усуслдан унумли фойдаланиш натижасида ёзда сигирларнинг соғлигини сақлаш, физиологик ҳолатини яхшилаш, сутини кўпайтириш ва сути сифатини ошириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Лекин бу соҳада Ўзбекистон учун ягона тавсия ва қўлланма йўқ.

## СУТНИНГ СИФАТИНИ АНИКЛАШДАГИ АЙРИМ ФИЗИК ВА ХИМИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Сутнинг кислоталилиги. Сутнинг бу хусусияти унда фосфор тузлари ва оқсил моддаларнинг оз-кўплигига ва уларнинг гидроли-тик парчаланишига боғлиқ. Янгн соғиб олинган сутнинг кислота-лилиги 16—18°Т (Тернер ҳисобида)га тенг бўлади. Баъзан айrim сигирлардан ёки бутун подадаги сигирлардан соғиб олинган сут-нипп кислоталилиги 18°Тдан ортиқ бўлиши мумкин. Лскин бу то-за, янги соғиб олинган сутнинг кислоталилик ҳолатни ифодалаши билан бирга унда сут кислота мавжуд деган маънони англатмайди. Умуман янги соғиб олинган сут иссиқ жойда сақланса ёки у тезда совитилмаса, кислоталилиги орта боради ва ачиыйди, нордон-лашади. Бу асосан сут таркибидаги сут кислота бактерияларининг сут шакарини парчалаб, ундан сут кислота ҳосил қилишига боғлиқ.

Агар сутнинг кислоталилиги 20°Т дан юқори бўлса, ундан си-фатли маҳсулот олиб бўлмайди. Аксинча, бу кўрсаткич 23—24°Тга тенг бўлса, у ҳолда сут қайнатилганда ивиб қолади. Агар кисло-талилиги 60—65°Т даражада бўлса, сут ўз-ўзидан ивиб қолади. Умуман, сутнинг кислоталилиги қабул қилинган нормадан ошмас-лиги керак, акс ҳолда ундан ҳар хил мақсадларда фойдаланб бўлмайди.

Сутнинг зичлиги. Сутнинг зичлиги асосан унинг таркибидаги қуруқ моддалар микдорига боғлиқ. Сутнинг зичлиги +20°C ли сутиинг ўша ҳажмдаги +4°C ли сув вазнига нисбатидир. Сутнинг зичлиги 1,028 дан 1,033 гача, айrim вақтларда 1,026 ёки 1,034 га тенг бўлиши мумкин. Сутнинг зичлинги уни сифатини аниқлашдаги усуллардан бири ҳисобланади. Сутнинг таркибига таъсир кўрса-тадиган барча моддалар зичлигкага ҳам тааллуқлидир. Сутнинг қаймоғи ошган сари зичлиги каманиб боради ва аксинча бўлиши мумкин.

**Сутнинг осмотик босими.** Сутнинг осмотик босими биринчи галда унинг таркибий қисмига боғлиқ бўлиб, ўртача 6,6 атмосферага тенг.

Сут 0,55° да музлайди, 100,2° да қайнайди.

Сутнинг епишқоқлиқ хусусияти 1,7—2,0 га тенг (сувнинг ёпиш-қоқлиги эса 1 га тенг). Сутнинг ёпишқоқлиги унинг таркибидаги ёғ ва оқсил моддалар микдорига боғлиқ.

Сутнинг ранги биринчи галда ёғ заррачалари микдорига ва казеин моддасининг кальций билан аралашмасидан ҳосил бўлган кальций казеннат деб аталадкган хиииявий модданинг микдорига боғлиқ.

Сутнинг ҳиди ўзига хос, турлнча ва қўпроқ ёқимлидир. Сутнинг таъми мазали ва ёқимли бўлганн ҳолда, бу хусусияти биринчи галда унинг таркибидаги органик ва анорганик моддалар микдо-рига боғлиқ.

Сутнинг калорияси турлича, ўртача 630 дан 715 катта калория-гача бўлиши мумкин. Масалан, қораюла зот сигир сутининг кало-рияси 647,3 ккал, бушуев зот снгир сутиники 712,1 ккал га тснг. Сутнинг калорияси таркибидаги ёғ, оқсил, углеводлар микдорига боғлиқ (Ш. Акмалхонов, Н. Расулов, И. Ахметов, 1968).

Сут оқсили ва унинг миқдорига таъсир этадиган факторлар. Сут оқсили унинг энг қимматли ва муҳим таркибий қисми ҳисоб-ланади. Сут оқсилиниң миқдори ўртacha 3,3% бўлади, лекин ай-рим вақтларда бу миқдор 2,7% дан то 3,7% гача бўлиши ҳам мумкин.

Сут оқсили асосан альбумин ва глобулиндан ташкил топган бўлиб, унинг 3/4 қисми казеиндан иборат. Казеиннинг сутдаги ўртacha миқдори 2,75% бўлади.

Казеин сут таркибида эримаган ҳолда учрайди. Бути билиш учун, сутга бирор кислота томчиси (масалан, сирка кислота) таъсир эттирилса, казеин ивиб, оқ масса ҳосил бўлганлигини кўра-миз.

Маълумки, агар сут илиқ даражада сақлаиса, унда сут кисло-та бактериялари таъсирида сут кислота тўпланади ва ундаги ка-зеинни эритиб ивийди, натижада сут қатиққа айланади. Творогнинг таркиби деярли казеиндан иборат. Пишлоқда эса казеин жу-да салмоқли ўрин эгаллайди. Шунинг учун пишлоқ тайёрлашда сутдаги казеин пепсин қаби ферментлар ёрдамида ивтилади.

Казеиндан ташқари, сут таркибида эриган ҳолда альбумин (0,5% атрофида) ва глобулин (0,1% гача) каби оқсил моддалар ҳам учранди.

Янги туққан сигирларнинг оғиз сутида альбумип ўртacha 15—16% атрофида бўлиши мумкин. Лекин у фермент ва кислоталар таъсирида ивимайди. Агар сут 75° гача иснтилса, у пахта шаклида сут таркибида кўриниб туради. Шунинг учун ҳам оғиз сутини бош-қа сутга қўшмаслик керак, акс ҳолда бир оз иситилиши билан барча сут ивиб қолиши мумкин.

Сут шакари ёки лактоза. Сут шакари сут таркибида 4,5—4,6% миқдорида, эриган ҳолда учрайди. У эрувчанлиги пастлиги ва ширинлнги билан бошқа турдаги шакардан фарқ қиласи. Микроб-лар таъсрида сут таркибидаги шакар миқдори камаяди. Сут кис-лота бактериялари фаолияти натижасида сут шакарини сут кис-лотага айлантиради. Сут шакари сутда биринчи ойларда кўп бўлса, 9—10-ойга бориб камайиб кетади.

Сут таркибидаги минерал моддалар. Минерал моддалар сут таркибида ўртacha 0,75% миқдорида бўлади. Улар муҳим элемент-лар қаторидан жой олиши билан бирга инсон организми учун кат-та аҳамиятга эга.

Сут таркибидаги минерал моддалар турли хил вазифа бажаради. Масалан, сутда кальций тузлари етишмаса, у яхши иви-майди. Темир, мис( рух, йод, марганец, кобальт, бор, мишъяк каби элементларнинг роли организм учун босқиёсdir.

Минерал тузлар, жумладан, кальций ва фосфор сут маҳсулот-ларини тайёрлаш технологиясида ҳам аҳамиятга эга. Агар сутда кальций етарли бўлмаса, пишлоқ тайёрлаш вақтида унинг оқсили (казеин) яхши чўқмасдан, тайёрланаётган қотишма яхши ёпиш-майдиган ва уваланиб кетадиган бўлади.

Сутдаги витаминлар ва ферментлар. Сут таркибида турли хил: А, Е, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С, Д, РР витаминлар кўп учрайди. Витаминларнинг умумий миқдори 1 кг сутда ўртacha 0,13 мг дан 18,0 мг гача етади. Кузатишлардан маълум бўлишича, қиши ва баҳор ойларида соғиб олинадпган сутда А витамин жуда кам бўлади. Баҳор ва ёз ойларида соғиб олинадиган сутда С витамин бўлади.

Ферментлар ҳам сут таркибида турли миқдорда учраб тура-диган моддалар ҳисобланади. Айниқса протеаза, амилаза, липа-за, каталаза ферментлари организм учун муҳим аҳамиятга эга. Улар катализатор вазифасини бажарадн.

Гормонлардан кейинги йилларда сут таркибида қалқонсимон без гипофизи олд қисмининг гормонлари ва жинсий без гормонла-ри бўлиши аниқланди, Лекин бу соҳада ҳали унча кўп илмий қу-затишлар олиб борилганича йўқ.

Шундай қилиб, сутнинг таркиби ва сифати ундағи организм учун зарур бўлган турли моддалар миқдорига қараб баҳола-нади.

## **СУТНИНГ МИҚДОРИ ВА СИФАТИГА ЕМ-ХАШАКНИНГ ТАЪСИРИ**

Сигирлардан кўп ва сифатли сут соғиб олиш учун биринчи галда уларни тўйимли ва хилма-хил ем-хашак билан тўла таъминлаш керак. Ана шунда фақат сути кўпаймасдан, балки сутнинг химиявий таркиби ҳам яхшиланади. Айниқса, ундағи ёғ, оқсил, витамин ва минерал элементлар миқдори ортади. Шунинг учун ҳам соғин сигирларни сифатли ем-хашак билан тўйдириб боқиши улардан мўл-кўл серқаймоқ сут соғиб олишда муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Сигирларни бир хил ем-хашак билан тўйдириб боқиб юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Тажрибалардан маълум бўлишича, сигирлар фақат бир хил ем-хашак билан тўйдириб боқилган тақдирда ҳам сути кўпаймайди ва сифати паст бўлади. Шунинг учун улар рациони мумкун қадар хилма-хил сифатли озиқларга бой бўлиши керак. Ана шунда сути кўп, сифати ва таркиби юқори даражада бўлиши таъминланади.

Рациондаги озиқлар хилма-хил бўлиши билан бирга, улар мумкин қадар минерал моддаларга, витаминалар ва микроэлементларга бой бўлиши керак. Акс ҳолда уларнинг фойдаси кам бўлади, бўғоз сигирларнинг эмбриони (ҳомиласи) суст ривожланади ва улардан нозик, касалликларга чидамсиз, нимжон ва кеч етилувчан бузоқ туғилади. Ана шуларни назарда тутган ҳолда соғин сигирларга йил фаслларига қараб маккажўхори силоси, беда сенажи, пичан, янги ўриб олинган ўсимликлар (маккажўхорн, арпа, сули, суданўт, беда кабилар) ҳамда қанд лавлаги, хашаки лавлаги, полиз мевалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Сигирларга пиво заводи чиқиндилари (барди), ем озиқлар, жумладан, омихта, ем, арпа, маккажўхори ёрмасини буғланган ёки намланган ҳолда бериш ҳамда беда ва ўт унидан (витаминли озиқ сифатида) фойдаланиш, шунингдек, сабзавотлар ва консерва заводлари чиқиндилари, ёғ заводи чиқиндилари (кунжара, шрот, шулха) ва брикетланган ҳамда донадор озиқлардан унумли фойдаланиш яхши натижа бериши кўплаб тажриба ва кузатишларда аниқланган.

**Сигирлар зотининг сут маҳсулдорлигига таъсири.** Ҳар бир қорамол зоти бошқа зотлардан фарқ қилувчи муайян маҳсулдорлик қўрсаткичига эга

бўлади. Маълумки, ҳар бир зот ўз белги-хусусиятларини наслига ўтказади. Аниқланишича, сигирларнинг серсутлигига кўра улар сутидаги ёғ ва оқсил миқдори ҳар бир зот учун кўп жихатдан қатъий бўлади. Бу хусусият наслдан-наслга ўтади. Қузатишлардан маълум бўлишича, сигирларнинг серсутлиги 20—45% наслда ўз аксини топса, сутидаги ёғ ва оқсил миқдори 50—78% наслида намоён бўлар экан (Е. А. Арзуманян 1978; И. И. Яров ва Н. С. Васютненикова 1978).

Серсутлиги билан ном чиқарган голланд, қора-ола, холмогор зот сигирлар бир лактация даврида 4500—5500 кг сут берсада, улар сутидаги ёғ миқдори 3,5—3,8% ни ташкил этади, оқсил 3,1 — 3,5% га teng. Ёки жерсей зот сигирлар бир лактация даврида 2500—3500 кг сут беради. Лекин сутида 5,0—6,5% ёғ ва 3,9—4,3% оқсил бўлади. Сут таркибддаги ёғ миқдори ортиши билан ундаги оқсил ҳам кўпайиши исботланган. Масалан, ёғ 1% га ошса, оқсил 0,3% га кўпаяр экан.

Барча хўжаликлардаги сигирларнинг сутини қўпайтириш, сутидаги ёғ, оқсил ва бошқа химиявий моддалар миқдорини қўпайтириш учун селекция ишларини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга зга.

Тажрибалардан маълум бўлишича, серсут, лекин суттида ёғ кам бўлган сигирлар онасининг сути серёғ ва оқсили кўп бўлган бошқа зот буқалардан қочирилганда, олинган дурагай сигирлар шу кўрсаткичи бўйича оралиқ ўринда бўлган. Жадвалдан маълум бўлишича, икки зотни чатиштириб олинган дурагайларнинг сут маҳсулдорлиги оналариникига кўра камроқ бўлсада, серқаймоқлиги ва оқсилга бой бўлиши билан улардан устун туради.

**Сигирлар ёшининг сут миқдорига таъсири.** Сигирлар ёшининг сут миқдорига таъсири уларнинг зоти ва тез етилувчанлигига боғ-лик. Масалан, тез етилувчан ҳисобланган жерсей, голштино-фриз зот сигирлар 4—6 марта туққандан ксийн сути кўпаяди, етилув-chan, симментал, холмогор ва ярославль зотларида бу кўрсаткич улар 5—8 марта туққан даврига тўғри келади. Маълум бўлишича, сигирлар биринчи марта туққанида энг кўп сут бериш қобилияти-нинг 60—70%, иккинчи туфишида 75—80% ва ниҳоят учинчи мар-та туққанида 85—95% тўғри келади. Сигирларнинг ёши ортиб бориши билан сутидаги ёғ ва оқсил миқдори камайиши тажриба-ларда аниқланган.

## **СИГИРЛАРШИГ ФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУТ МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ**

Сигирларнинг серсутлиги уларнинг зоти, истеъмол қиласидиган ем-хашиб миқдори ва турига, насли ва ташқи муҳит таъсиридан ташқари, физиологик ҳолатига ва индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, бир подада, бир хил шароитда, бир хил рационда боқиладиган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги турлича бўлиши мумкин.

Сигирларнинг физиологик ҳолати деганда, кўпроқ уларнинг орик-семизлиги, ёши, бўғозлиги, сутдан чиқиши, туфиши, моддалар алмашинуви процессининг жадал ёки суст бориши, ташқи муҳит шароитига мослапиши,

бинобарин, уларнинг соғлиғи ва клиник кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам серсут сигирлар сутининг сифати уларнинг физиологик ҳолатига ва индивидуал хусусиитларига ҳам боғлиқ.

Сигирларнинг физиологик ва клиник ҳолати улардан соғиб олинаднгаи сутнинг ҳам миқдорига, ҳам таркибига таъсири кўрсатиши кўп тажрибаларда текшириб қўрилган. Масалан, сигир касал бўлиб қолганда, касалликнинг оғир ёки енгиллигига қўра, сутининг таркиби турлича ўзгариши мумкин экан. Агар сигир елини яллиғланиб қолса, яъни мастит билан оғриса, унинг сутидаги ёғ, оқсил, сут шакари, витаминалар ва қуруқ моддалар миқдори кескии камайиб, унииг ўрнига хлор ва айрим минерал тузлар кўпайиб кетиши мумкин экан. Бундан ташқари, сигирнинг касалланиб қолган елин палласидан сўриб олинган сутнинг таркиби соғлом палласиникига нисбатан сифатсиз бўлиши кузатилган,

Елини яллиғланган сигирлар сутининг мазаси ҳам ўзгариб, у нордон, ишқорий реакцияси юқори даражада бўлади. Бундай сут сифатсиз ҳисобланади. Бинобарин, ветеринария врачлари ҳамма вақт сигирларнинг соғлғини назорат қилиб туришлари керак, Касалланган сигирларни тезда даволаш чора-тадбирларини амал-га оширишлари талаб этилади, бу соҳада сут соғувчилар ҳам чет-да қолмай, ўз улушларини қўшишлари мақсадга мувофиқдир.

**Таналарни қочириш вақтидаги ёшининг сут миқдорига таъсири.** Таналарни 16—18 ойлигига ва сигирларнинг 60—70% вазнига тенг бўлганида биринчи марта қочириш тавсия этилади, Уларни жуда эрта қочириш бир қанча салбий натижаларга олиб келади. Масалан, уларда ўсиш ва ривожланиш процесси суст боради, келгуси лактация даврида сути кам бўлади. Таналарни кечикириб қочириш иқтисодий жиҳатдан ҳам зарарли ҳисобланади. Улар 26—27 ойлигига биринчи марта туғиши лозим.

**Сигирлар вазнининг сут миқдорига таъсири.** Кузатишлардан маълум бўлишича, сигирлардан тирик вазнининг ҳар 100 кг ҳисобига турли миқдорда сут соғиб олинади. Бу асосан уларнинг маҳсулот йўналишига боғлиқ. Масалан, сут учун боқиладиган сигир-лардан ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига 850—1000 кг дан сут соғиб олинса, гўшт-сут учун боқиладиганларда 700—750 кг атрофида сут соғиб олинади. Бунинг учун хўжаликлардаги барча сигирлар йирик, катта вазнда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

## **СУТ СОҒИМИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА СУТДАГИ УРТАЧА ЁҒ ПРОЦЕНТИНИ АНИҚЛАШ**

Мамлакатимизнинг барча республика, область, ўлка ва район-ларида сигирлар 305 кун мобайнида соғилади ва уларнинг кундалик сути ўлчаниб, маҳсус журналларга ёзиб борилади. Барча иасл-чилик хўжаликларида ҳар бир сигирдаи соғиб олинадиган кунда-лик сут алоҳида ёзиб борилади ва уларни соғиш тўхтатилгач, муайян лактация мобайнида неча килограмм сут соғиб олнинганли-гн аникланади. Шунингдек, илғор хўжаликларда ҳар бир

сигир-дан бутун ҳаёти мобайнида қанча сут соғиб олинганилиги ҳам ҳисобланади. Бу эса уларнинг I ва II авлодини серсултлигин жиха-тидан баҳолашда ҳамда наслчнлик ишларини тўғри олиб бориш-да муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир хўжаликдаги серсут сигирлар-нинг барча лактацияси мобайнида берган сутининг умумий мнк-дорига тақкослаб кўриш учун ҳам бу усулдан фойдаланилади. Тажрибаларда аннқланишича, иттифоқимиздаги кўпгина сутчилик фермаларида ҳаёти мобайнида 80—100 минг кг ва упдан ортиқ сут соғиб олингандан сигирлар ҳам бор.

Хўжаликларда сигирлардан соғиб олингандан асосан литр ва килограмм ўлчов бирлигидан ҳисобланади. Литр ҳисобидаги сутни килограммга айлантириш учун олингандан кўрсаткични 1,03 га кўпайтириш керак. Масалан, 22,5 литрни килограммга айлайтирасак:  $22,5 \times 1,03 = 23,17$  кг бўлади.

Сут таркибидаги ўртача ёғ процентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир сигирнинг ёки подада-ги сигирларнинг сутидаги ёғ миқдори қамида ойига бир марта аниқланади ва ^анча вақт (10—20-^30 кун) ичида ёғ миқдори ўл-чанмаган бўлса, ўша кун мобайнида соғиб олингандан сут миқдорига кўпайтирилади. Бунинг натижасида бир ой ичида соғиб олингандан бир процентли сут аниқланади Бунда сут таркибидаги ўртача ёғ миқдори:  $10831 : 2665 = 4,06$  процентни ташкил этади.

Сут таркибидаги ўртача ёғ миқдорини аниқлаш учун бир процентни сутни соғиб олпингандан сут миқдорига бўлиш керак. Масалан, 720 (бир процентни сут); 100 кг (соғилган сут) = 4,5% (ёғ миқдори).

**Контроль соғишни юштириш.** Сут-товар фермаларида сигир-ларнинг сутини ҳисоблаш мақсадида улар ҳар 10 кунда 1 марта контроль соғилади. Бунинг учун ҳар бир сигирдан бир суткада соғиб олингандан сут 10 га кўпайтирилади ва бир декада мобайнида соғиб олингандан ўртача сут миқдори аниқланади. Масалан, сигир-нинг эрталабки сути 14 кг, кечқурунги сути 12 кг, жами  $26 \text{ кг} \times 10 = 260$  кг. Шундай қилиб, кузатувдаги сигир бир декада мобайнида ўртача 260 кг сут берган.

**Сигирларда максимал сут ҳосил бўлиши.** Кўплаб илғор хўжа-ликларда сигирлардан энг кўп сут соғиб олишни таъминлайдиган тадбирларга алоҳида аҳамият берилади ва у фапда *раздоӣ, яъни сутни купайтириши* номи билан юритилади. Булар комплекс агротехника ва ветеринария тадбирлари бўлиб, чорва молларн учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, уларнн сақлаш, асраш, бо-қиш, соғишни тўғри ташкил этиш, сут соғимини планлаштириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, хизматчиларга шароит яратиш ва уларнинг соғлиғи учун қайғуриш каби масалаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, сигирларни соғишга тайёрлаш, машинада соғиладиган сигирларни танлаш, улардан соғлом бузоқ олиш, қо-чириш, сутдан чиқариш, сигирлар туғадиган хоналарни жиҳоз-лаш, ем-хашак сифатига ва турига аҳамиятни кучайтириш, маҳ-сулот таннархини арzonлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақа юштириш каби масалалар ҳам шу йирик ва муҳим проблемага тааллуқлидир. Бундай тадбирларни ўз вақ-тида ташкил этиш асосан бош зоотехниклар, бош ветеринария враchlари ва барча раҳбар ҳамда масъулиятли мутахассислар зим-масидадир.

## **СУТ СОҒИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос афзаллиги, хусусияти ва сири бўлганидек, соғувчилик касбининг ҳам масъулияти, шу билан бирга шарафли ва сирли томонлари кўп. Чунки соғувчи, аввало, меҳнати жараёнида асосан сигирлар билан ишлайди. Лекин бу осон иш эмас. Сут соғиши тўғри ташкил этиш бу катта санъат ҳисобланади. Бунинг учун соғувчилар кўп нарсаларни яхши билиши талаб этилади. Айниқса ўзига бириктирилган сигирларнинг хулқатвори, соғлиғи, елинининг ҳолати, шунингдек, агар сигирлар машинада соғилса, ўша машина ва аппаратларни ёйиш (раз-борка) ва йиғиш (сборка), тозалаш ва сақлаш, уларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш кабиларни соғувчилар мукаммал ўзлаштириб олиши керак.

Фермадаги соғиши аппаратлари ва қурилмалари ҳамма вақт нормал даражада ишлайдиган ва запас қисмлари, деталларни етарли даражада бўлиши керак. Бунинг учун фермадаги масъулиятли ходимлар, биринчи галда слесарь-механиклар машина ва механизмлар ишини назорат қилиб туриши талаб этилади. Лекин шунга қарамасдан, ҳар бир сут соғувчи-оператор соғиши аппаратларининг ишлашини, хусусиятларинн ва баъзан керак бўлиб қолса, барча қисмларини тузатишни ҳам билишлари керак. Бу эса айрим сабабларга кўра, механик-слесарь бўлмай қолганда сигирларни соғиши ўз вақтида ташкил этишга ёрдам беради.

## **МАШИНАДА СОҒИЛАДИГАН СИГИРЛАРНИ ТАНЛАШ**

Барча сигирлар машинада соғишига ярайверади, бўлаверади, деган тушунча мутлақо нотўғридир. Сигирларни машинада соғиши учун уларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- 1) елини яхши ривожланган ва йирнк бўлиши лозим;
- 2) елин паллалари teng ва бир хил ривожланган бўлиши ке-рак;
- 3) сўрғичларининг шакли ва катта-кичиклиги бир хил, ци-линдрсимон, уч қисми бир оз ингичкалашган ва узунлиги 7—8 см, диаметри 2—3 см бўлиши керак. Акс ҳолда соғиши стаканларини кийдириб бўлмайди;
- 4) сўрғичларииинг ораси камида 10—15 см бўлиши керак. Агар улар яқин жойлашган бўлса, соғиши стаканлари бир-бирига тегиб қолади ва соғиши мураккаблашади. Бордию, сўрғичлари бир-бири-дан 20 см масофада бўлса, соғиши процессида стаканлар қийшайиб қолиб, соғишии қийинлаштиради.

«Арча» ёки «Қарусель» типидаги икки тектли соғиши қурилма-ларида соғиши учун сигирларнинг елини, елин паллалари, сут бериш тезлиги, сутни елинда қолдирмай тўлиқ бериш каби хусусиятлари жуда муҳим аҳамиятга эга;

5) елин сўрғичларининг ер сатҳидан баландлиги камида 45 см бўлиши ксрак. Акс ҳолда унга кийдирилган стаканинг резина қисми ва коллектори ерга тегиб қолади.

Сигир елини палладарининг бир хилда ривожланганлиги ва ҳар бир палласидан соғиб олинадиган сут миқдори teng бўлиши, барча сўрғичларидан сут соғиб олиш тезлигининг teng бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, юқорида айтилганидек, агар икки тактли соғиш аппарати ёки қурилмасида соғилганда, елин палладари хусусиятларига кўра бир-бирига teng бўлмаса, сутн оз бўлган палласи тез соғилиб бўлади ва аппарат соғишида давом этаверади. Бу биринчидан, соғилаётган сигирнинг тинчини бузиб, азоб берса, иккинчидан, шу бўлак сўрғичининг шилимшиқ парда-сини жароҳатлайди, натижада елин мастит билан касалланиши мумкип, чунки машинанинг сигир сўрғичидан сут сўриш процесси тинимсиз давом этаверади. Бу эса шу хилдаги машиналарнинг тех-ник ва технологик кўрсаткичи ва хусусияти ҳисобланади.

Шундай қилиб, «Арча» ёки «Карусель» типидаги сут соғиши қурилмаларидан унумлн фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва сигирларни қийнамаслик ҳамда елнини жароҳатла-маслик учун маҳсулдорлиги ва сут бериш тезлиги бир хил бўлган сигирларни машинада соғиши учун ажратиш зарур. Агар сигир-ларнинг елини касалланган бўлса, уларни машинада соғиши бутун-лай тақиқланади.

Сигирларни соғишига тайёрлаш. Айрим кузатишлардан маълум бўлишича, сигир елини сутга тўлган, соғиши аппарати яхши ва со-ғишига тайёр бўлсада, сутни батамом, охиригача соғишига эришил-майди. Бошқача қилиб айтганда, сигир ўз сутнни елинида «сақлаб қолади». Бунга асосий сабаб нима? Биринчидан, сигир соғиши учун тайёрланмаган, иккинчидан, сут соғиб олиш рефлекси вужудга келтирилмаган бўлади. Умуман, сутни охиригача соғиб олиш учун сигирнинг ўзи ҳам шахсан бу процессда иштирок этиши керак.

Бунинг учун, аввало, сигирларни маълум соатда ва тартибда соғиши тавсия этилади. Агар соғилиши керак бўлган сигирлар оч бўлса, улар анча безовта бўлади ва сутини тортиб қўяди. Шунинг учун сигирларни соғаётганда ем бериш мақсадга мувофиқдир.

Соғиши процессида шовқин-сурон ва бегона одамлар бўлмас-лиги керак. Акс ҳолда сигирлар безовталанади ва уларни тўла соғиб олиш қийинлашади. Умуман, сигирлар шундай ҳайвонки, улар маълум кун тартибига ва яхши муомалага тез мослашади. Баъзан уларга қўполлик қилинганда ёки бақирганда ва урганда, шунингдек, соғиши стаканларини қиши қунлари совуқ ҳолда сўрғичларига кийдириганда улар сутини тортиб қўйганлиги амалда кузатилган. Бунга асосий сабаб сигир асабининг таъсирланиши натижаснда елиндаги сут йўлларини сиқиб ёки торайтириб қўюв-чи адреналин гормони ажralиб чиқишидир. Бунинг натижасида сут ажralиб чиқиши тўхтаб қолади ёкн жуда кам сут чиқади.

Сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг сифати энг аввало, соғувчиларнинг озодалигига, сут соғиши идишларининг тозалигига боғлик.

Агар молхона ёки соғиши майдончасининг температураси 8° атрофида бўлса, соғиши стаканларини 50° ли, сигир елини ва сўрғичларипи 40—50° ли сув билан ювиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, сут соғувчиларда иккитадан халат бўлиб, уларнинг бири қора, иккинчиси оқ бўлиши лозим. Бунда сигир елиниң ювишда, ем-хашак беришда ва бошқа вазифаларни бажаришда қора халат кийилса, сут соғишида оқ халат кийилиши ва улар доим тоза бўлиши, елини артиладиган сочиқлар ҳам тоза бўлиши ке-рак. Айрим вақтларда сигирлар елиниң ювиб бўлгач, қоғоз сал-феткалардан фойдаланиш ҳам мумкип. Бундан ташқари, сигирлар елини жуда ҳам тоза бўлиши учун сув етарли даражада бўлиши керак.

Сигир елиниң яхшилаб ювиб, артиб бўлингач, бирор идишга, масалан, кружка ёки шиша банкага қўл билан 2—3 марта, 4—10 грамм микдорида, сут соғиби олинади ва унинг сифатига эътибор бернлади (5-расм). Агар шу сут таркибидан қўйقا, шилимшпқ модда ёки қон аралашган бўлса, бундай сигир сути қўлда алоҳида соғиби олиниси керак. Бу ҳолда тезда ветеринария врачларига хабар берилса, ўз ва^тида касалликнинг олдини олши ва даволаш чораси кўрилади.

Соғлом елиндан сут тушмасдан қолса, елин эҳтиётлик билан

уқаланади, яъни массажқилинади- Буннинг учун икки қўл билан аввал елиннинг биринчи ярмини, сўнг иккинчи ярмини остки қис-мидан юқорига қараб ва юқоридан пастга қараб силанади. Ҳар бир елин палласини пастки томондан 2—3 марта юқорига кўтариб, сўнгра қўйиб (силкитиб) юборилади. Шундай килиб, си-гир тез, қисқа ~ кўпи билан 1 минут ичида ёки ундан ҳам тезроқ соғишга тайёрланиши керак.

Сигирларни соғишга тайёрлашда уларнинг хулқ-атвори ва ин-дивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Шупдай сигирлар бў-ладники, улар сут соғувчи келиши ва соғиши стаканларини сўрғич-ларга кийдириши билан сутини осонликча бераверади. Бундай си-гирлар биринчн галда соғилиши керак. Лекин қийин соғиладиган сигирлар, иккинчи навбатда соғилиши, аммо соғишни жуда ҳам чўзиб юбормаслик керак.

Ёш, яъни биринчи марта туқсан сигирларга алоҳида эътибор берилиши керак. Уларнинг елиннин уқалаш катта ёшдаги сигир-ларга нисбатан кўпроқ вақт ва масъулият талаб қиласиди. Агар бу вазифалар тўғри амалга оширилса, биринчидан, ёш сигирлар тур-ли касалликлардан ва иккинчидан, елинни маститдан сақланади.

**Соғиши стаканларини сўрғичларга кийдириш.** Вакўум крани

очилгач, бир қўл билан соғиши аппаратининг коллекторидан елин томон юқорига кўтариш керак. Бунда соғиши стаканлари ерга то-

мон осилган ҳолда бўлади (6-расм), сўнгра сут шлангининг қис-қичи очилади ва елин остига яқинроқ келтирилади. Иккинчи қўл билан галмагалдан стаканлар сўрғичга кийдирилади. Соғиши ап-парати ҳавони сўриб олмаслиги учун, соғиши стаканлари тезда сўрғичларга тақалади ва кийдириб қўйилади. Бунда соғиши стаканларини маълум тартибда кийдириш керак. Масалан, аввал сигирнинг ўнг томондаги биринчи, кейин иккинчи сўрғичи, сўнгра чап томондаги биринчи ва иккинчи сўрғичи стаканларга кийдири-

лади ёки аввал чап томондаги иккинчи сўрғичи, кейин бирнчи, сўнгра ўнг томондаги иккинчиси ва биринчиси кийдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Мабодо, сигирнинг фақат учта сўрғичидан сут соғиладигай бўлса ва битта сўрғичи сутсиз бўлса, соғиш стаканининг биттаси пробка билан беркитиб қўйилади ёки сут трубкасидан эгиб, боғлаб қўйилади.

**Сут соғиб олинниши.** Сут соғиб олиш энг муҳим процесс бўлиб, унга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Кузатишлардан маълум бўлишича, соғиш вақти яқинлашган сари унинг елинида сут ва босим кўпая боради. Бинобарин, тажрибадаги сигирларнинг сўрғичнга найча—катетер тикиб қўйилган. Бунинг натижасида елиннинг цистернасидан ва йирнк сут йўлларидан сут оқнб туша бошлаган. Олинган сутнинг умумий миқдори ҳамма вақт соғиб олинадиган сутнинг ярмини ташкил қилган. Сутнинг қолган қисми эса елин альвеолаларида, майда сут йўлларида ва елиннинг юқо-ри қисмида сақланиб қолган. Бундай сақланиб қолган сутни, худди мочалкани сувга ботириб тортиб олганда унинг таркнибида қолган, сувга ўхшатиш мумкин. Лекин елинда сақланиб қолган сутни соғиб олиш учун маълум тадбирлар амалга оширилиши кераклиги исботланган.

Сигирлардан сут соғиб олишда улар организмида муракқаб процесслар кечади, бунда ҳайвоннинг нерв системаси, ички сек-рсция безлари, елин мускуллари актив иштирок этиши натижасида сут ҳосил бўлади. Масалан, сигирхоналарга соғувчиларнинг келиши, соғиш аппаратларининг товуши, елинни илиқ сувда ювиш, уқалаш (массаж) ва айниқса сўрғичларга қўл теккизгандаги таъ-сирлар сигирлар нерв системасида ўз аксини топади. Бунинг на-тижасида нерв импульслари сигир миясига бориб етади ва бунга жавобан елин цистерналаридаги мускул толалар бўшашади, йирик сут йўллари янада кенгаяди. Бир вақтнинг ўзида бош мия-нинг кичик безчаси ҳисобланган гипофиз буйруқ олади ва у ўзи-дан окситоцин гормонини қонга чиқаради. 20—30 секунд ичиди уни қон елнинг олиб келади. Бунинг натижасида елин босими ортади, сўрғичлар таранглашади, майда суг найларидаги сут йирик йўллар томон оқиб тушади. Сут цистернаси сутга тўлади ва сут бериш процесси бошланади.

Окситоцин ўз таъсирини 6 минут мобайнида давом эттира олар экан. Сўнгра у парчаланиб, ўз кучини йўқотади. Бунинг натижасида елин альвеолаларининг сиқилиш кучн тугаб, унда қолган сутни соғиб олиш имконияти камаяди. Шунинг учун ҳам қолган сутни соғиб олиш учун соғилаётган сигирнинг нерв систе-масига, рефлекторлик процессига қайта таъсир кўрсатиш керак экан. Бунда елинни эҳтиётлик билан массаж қилиш ва муомалани яхшилаш керак.

## **СИГИРЛАРДАН ТОЗА ВА СИФАТЛИ СУТ СОҒИБ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ**

Сигирларни тез ва тоза соғиш учун, уларни қандай усулда асраш ва боқищдан кчатъи иазар, қуйидаги тадбирларга риоя қи-лиш талаб этилади:

1) соғиши стаканларин кийдиришдан аввал сүрғичлар ва елин-ни 40—45° ли сув билан тоза қилиб ювиш ва артиш керак. Бу тадбир фақат тоза сут соғиб олиш учун эмас, балки сигирни тоза соғиши учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигн аниқланган. Елинни массаж қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Елинни ювиги, артиш учун (соғиши стаканларини кийдиригунча) сарфланган вақт 50 секунддан ошмаслиги керак. Бинобарин, бир неча сигир елинини бир вақтнинг ўзида ювиш ярамайди. Чунки бу тадбир ишни тезлаштириш ўрнига, соғиб олинадиган сут миқдорининг камайишига ва сигирларнинг сут бериш тезлиги пасайишига сабаб бўлади;

2) соғиши процессида аппаратлар ишини назорат килиб туриш ва айниқса соғишининг сўнгти кисмида назоратни кучайтириш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир сигирни соғиши учун 5—7 минут вақт сарф-ланиши керак;

3) соғиб олипаётган сут тугай бошлини билан елипни сўпгти марта массаж қилиш керак. Бунинг учун бир қўлда соғиши стаканлари билан бирга коллектор бир озгина олд томоига ва паст то-монга тортилиши ва бу процесс ўртача 15—20 секунд давом этиши ва иккинчи қўл билан елинни массаж қилиш яхши натижга бе-ради. Соғиши стаканларининг сўрғичларда узоқ вақт қолиб кетиши слиннинг жароҳатланишига ва мастит билан касалланишига сабаб бўлади. Шунинг учун сут соғувчи — операторлар сигирларни машинада соғаётганда ўз назоратларини мумкин қадар кучайтиришлари талаб этилади.

## **СИГИРЛАРНИ МАШИНАДА СОҒИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА СОҒИШ УСУЛЛАРИ**

Сигирларни машинада соғиши қўлда соғишига қараганда кўпги-на афзалликларга эга. Бунда меҳнат самарадорлнги юкори бўл-гани ҳолда, олинган маҳсулот анча сифатли ва тоза бўлади, шунингдек, олинған сутнинг таннархи арzon бўлади. Ҳозирги вақт-да бутун дунё мамлакатларида асосан 4 типдаги икки ва уч тект-ли соғиши аппаратларидан фойдалапилади. Барча фермаларда си-гирларни машинада соғишида икки усулдан фойдаланилади.

Биринчи усул — молхоналарнинг ўзида соғиши.

Иккинчи усул — маҳсус ажратнлган соғиши майдончаларида, автомат курилмалар ёрдамида соғиши.

Сигирларни машинада соғиши учун энг муҳим техника талаби — сўрғичлар соғиши стаканларига тўғри кийдириб қўйиш учун мос келиши ҳисобланади. Кузатишлардан маълум бўлишича, соғиши тсҳнпкаси талабнга риоя килинса, сўзсиз, сигирларниг сути кўпаяди ва сифати яхшиланади.

Сигирларни машинада соғиши техникаси ва технологияси тўғри йўлга қўйилган хўжаликларда йил сайин сигирларнинг сути қўй-пай.мокда, сутнинг қаймоги ортмокда ва меҳнат унумдорлиги юк-салмоқда. Бу соҳада илгор сут соғувчи — оператор Согг алистик Мехнат Қахрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Анастасия Ивановна Чудная тажрибаси фақат республикамизда эмас, балки иттифоқимиздаги барча соғувчилар учун ўrnak десак хато бўл-майди. У 176 бош сигирни соғиши учун 3 соатдан кам вақт

сарф-лайди. Сигирлар суткасига икки марта соғилади, бинобарин, опе-ратор суткасига кўпи билан 7 соатдан вақт сарфлайди. Ҳар бош сигирнн соғиш учун 5—7 минут вақт сарфланади. Сутни қайта ишлаш унинг дастлабки табиий хусусиятларини сақлаб қолишга қаратилган тадбирлар комплексини амалга ошириш демакдир.

Сигирлардан соғиб олинган сутга хўжаликнинг ўзида дастлаб-ки ишлов берилса, бу сут давлат завод ва пунктларига топширш гач, иккинчи марта ишловдан ўтказилади. Сут заводларида сутдан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, савдо корхонала-рига жўнатилади. Бу маҳсулотлар ичиди, сариёғ, сир, творог, кефир, сузма, қатик, қаймок кабилар муҳим ўрин тутади. Бу маҳ-сулотларни халқимиз севиб истеъмол қиласди ва кундалик ҳаётда улардан кенг фойдаланилади.

Соғиб олинган сутни совитиш усуллари ва аппаратлари. Соғиб олинган сутни ўлчаб, сузиб бўлингач, таркибидаги кўплаб микроб ва бактерияларнинг урчиб, кўпайиб кетнши олдини олиш мақсади-да совитилади. Сутнинг температураси ва сақланиш муддати ор-тиб борган сари ундаги микроблар сони кўпайиб бориши кўпгина тажрибаларда исботланган.

Ҳозирги вақтда қўлланаётган сут сақланадиган танклар ва со-витиш агрегатидан иборат бўлган қурилмалар диққатга сазовор-дир. Агрегатда совитувчи агент сифатида фреон 12 ва метилхлорид газларидан фойдаланилади.

Айрим хўжаликларда сут совитиш учун Чехословакияда яра-тилган ИСБ-500 ва ИСБ-1000 қурилмасидан фойдаланилмоқда. Бу қурилмалар ҳар бирининг сифими 500 л бўлиб, иккита ванна ва иш унуми 3500 ккал/соат бўлган конденсатор-компрессорли со-витеқичлардан иборат. Бу қурилма автоматик усулда бошқарила-ди. Сут талаб этилган температурагача совитилгач, компрессор ва аралаштиргич ўз ишини тўхтатади. Яна бир сут совиткич аппарат Курганов областидаги Долматов номли машинасозлик заводида яратилган бўлиб, иш унуми 2000 ва 4000 л/соат.

Сўнгги йилларда янада кенг ҳажмли ТОМ-2.ОА, ТО-2, ОХМ-500, ООМ-1000, ООМ-100М, ООМ-100А маркали совиткич аппаратлар ишлаб чиқаршшоқда ва кўп хўжаликларда улардан фойдаланилмоқда. Умуман давлатга топшириладиган сутнинг температураси  $9-10^{\circ}$  дан юқори бўлмаслиги ксрак.

Сутни табиий усулда совитиша совук сув ёрдамида совитиш энг қадимгн усул ҳисобланади, бунда сут солинган флягалар сув оқиб турадиган арнқларга ёки ферма ҳовузларига тушнриб қўйи-лади. Бунда сутнинг температураси  $10^{\circ}$  дан юқори бўлмаслиги ке-рак, акс ҳолда у ачиб қолади.

Сутни пастерлаш ва стериллаш. Пастерлаш деб, сутни  $63^{\circ}$  дан то қайнаш даражасигача иситишга айтилади. Пастерлаш сут тар-кибида мавжуд бўлган микробларнинг 99,9 процентини нобуд қи-лиш имконини беради. Ҳозирги вақтда пастерлаш тўрт хил усулда олиб борилади:

I усулда сут 30 минут давомида  $63-65^{\circ}$  да сақланади, бунга узок муддатли пастерлаш дейилади.

II усулда сут 10—15 секунд мобайнида 72—74° гача иснтилади, бунга қисқа муддатли пастерлаш деб аталади.

III усул бир онда ёки жуда тез пастерлаш ҳисобланади, бунда сут 85—87° гача иснтилади, Лекин у шу температурада сақлан-майды.

IV усулда сут 95—97° да пастерланади ва 10 минут мобайнида шу температурада сақланади. Бу усул күпроқ ачиган сут учуи қўлланилади.

Сутни қайнаш даражасидан юқори бўлган температурада иси-тиш стериллаш дейилади. Лекин бу усул хўжаликларда кам қўл-ланилади.

Сутнинг қайнаш даражасигача иситилиши унинг қайнаши ҳи-собланади ва бу усул барча оилалар ва хўжаликлар тажрибасида кенг қўлланилади. Аммо бу усулда сут таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган кўп витаминалар, ферментлар ва минерал ҳамда органик моддалар парчаланиб кетиб, у ижобий хусусиятини йўқотади.

## **СУТ СОГИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТЕХНИКА ВА САНИТАРИЯ ХИЗМАТИ**

Сут етишириладиган комплекслар ва сут-товар фермаларида сут соғиш қурилмалари ва аппаратларини ҳар куни назорат қи-лиш, уларни тозалаб туриш, техника ва санитария хизматини уюштириш муҳим аҳамиятга эга.

Сут соғиш қурилмаларидан фойдаланишдан аввал уларни текшириб кўриш, вакуум ва пульсация сонинн бошқариш, қувур ва молокопроводлар (сут йўллари), электродвигатель ва барча қисмлар мустаҳкам ва тўғри ишлашини текшириб чиқиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, агар Да-ЗМ ва «Волга» соғиш аппаратларидан фондаланилса, соғиш процессида вакуум кўрсатки-чи 380—400 симоб устунига ва пульсация тезлиги минутига 60 та-га тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Агар «Молокопровод» согиш аппаратида сут соғилса, бу кўрсаткич 500—550 мм симоб устунига ва пульсация тезлиги минутига 85 тага тенг бўлиши зарур.

**Дезинфекция ишлари.** Сигирлар соғиб бўлингач, соғиш аппаратларини дастлаб 20—30° ли илиқ сув билан, сўнгра 55—60° ли дезинфекцияловчи иссиқ эрнта билан ювиш ва ниҳоят иссиқ тоза сув билан чайиш талаб қилинади. Соғиш коллекторн суткасига бир марта ажратилиб тозалаб ювилади.

Ҳар куни бевосита бажариладиган ишлардан ташқари, соғиш аппаратлари ёки қурилмалари 75—90 соат ишлага" уларга тех-нига хизмати кўрсатиш талаб этилади. Бу икки қисмдан, яъни биринчи ва иккинчи хизмат кўрсатишдан иборат бўлади.

Биринчи хизмат кўрсатишда кундалик ювиш ишларини амалга оширишдан ташқари, дезинфекцияловчи моддалар ва эритмалар ёрдамида ювиб чиқилади. Бундан ташқари, аппаратнинг айrim деталлари, қисмлари, резиналари кўриб чиқилади ва зарур бўлса запас қисмлар билан алмаштирилади. Иккинчи хизмат кўрсатиш биринчидагига нисбатан бошқачароқ вазифаларни ўз ичига олади, яъни вакуум-трубопровод 3% ли

(55—60° иссиқ сувда эритилган) каустик сода билан ювилади ва иссиқ тоза сув билан чайилади. Бундан ташқари, вакуум-трубо-провод иш процессининг нормаллиги текширилади. Шунингдек, вакуум-регулятор, соғиши кранлари ва бошқа қисмлар ҳам текшириб чиқилади.

Соғиши аппаратларини ювишда аввал сут қувурларидаги ва бошқа қисмлардаги сут қолдиқларини тозалаш керак. Бупда 20—25° ли сувдан фойдаланиш яхши натижа беради.

Хар куни соғиши тугагач, 15 мин мобайнида сут линиялари ва соғиши аппаратлари 50—60° ли иссиқ сув билан, сўнг 0,5% ли (А, Б ёки В) синтетик ювиш порошоги эритмаси билан тозаланади. Бу ишлар ёз мавсумида кунига 1 марта бажарилса, қўши вақтида хар 3—5 кунда тақорланади. Бунда натрий гипохлорид ёки каль-ций гипохлориднинг 0,1% ли эритмасидан фойдаланилди ва ни-хоят иссиқ сув билан чайилади.

Биринчи техника хизматини амалга оширишда соғиши аппарати деталлари алоҳида-алоҳида олинниб, уларни ёжик (шчеткалар) ердамида тозалаб ювиш яхши натижа беради. Иккинчи техника хизматини бажаришда соғиши аппарати ва ускуналарини 0,2% ли сульфат кислота эритмаси билан ювиш тавсия этилади. Чунки бу ҳолда сут тошчалари эритиб юборилади. Сўнгра вакуум-про-воддан каустик соданинг 3% ли эритмасини 60—70° иссиқ хол-да ўтказиш (юбориш) талаб этилади. Бу тадбирлардан унумли ва тўғри, фойдаланилса, ҳамма вақт сут тоза ва сифатли бўйлади.

Ювиш ва дезинфекциялаш учун фойдаланилдиган моддалар. Сут соғиши асбоблари, идишлари ва аппаратларини ювиш ва де-зинфекциялаш учун ҳидсиз, инсон организми учун хавфсиз ва сув билан чайилганда тезда говилиб кетадиган моддалардан фойдалана-нилади. Улар қуидагилардир.

1) А, Б ва В синтетик порошоги. Бу синтетик порошоклар, асосан сувнинг қаттиқлик хусусиятига кўра қўлланилди. Маса-лан, сувнинг қаттиқлик хусусияти юқори бўлса, А порошок, ўртача бўлса Б ва ниҳоят паст бўлса, В порошокдан фойдаланилди. Бу порошоклар кўплаб ишлаб чиқилади ва маркалари кўрсатнлган бўлади;

2) сульфанол. Асосан сут тошларини ювиб ташлаш учун бу порошокнинг 0,2% ли концентрациясидан фойдаланилди ва сут идишларини тоза ювишда жуда қулай модда ҳисобланади;

3) сувсизлантирилган сода (кальцинированная сода) 0,5—1% эритма ҳолида сут идишларини ва соғиши аппаратларияни ювиш учун ишлатилади. Бу моддаларнинг бактерицидлик хусусияти юқо-ри бўлганлиги учун дезинфекциялаш мақсадида маҳсус тайёрланган моддалардан фойдаланилди;

4) хлорли оҳакнинг рангиз эритмаси. Бу моддани тайёрлаш учун 10 л сувга 800 г хлорли оҳак солинади. Эритма 0,2% ҳисоби-да соғиши аппаратлари ва идиш-анжомларини дезинфекциялаш учун ишлатилади. Бу эртмадан узоқ вақт фойдаланиб бўлмайди, чунки температура кўтарилиши билан унинг таркибида хлор моддаси буғланиб, кўтарилиб кетади ва эритма ўз кучини йўқотади;

5) хлорамин таркибида 37% гача актив хлор сақлады. Дезин-фекциялаш учун хлораминнинг 60° ли иссик сувда эритиб тайёрланган 0,1—0,2% ли эритмасидап фойдаланилади;

6) натрий гипохлорит эритмасини тайёрлаш учун 100 л сувга 10 кг хлорли оҳак ва 10 кг кальцийлаштирилган сода солинади. Эритма яхшилаб аралаштирилгач, бир сутка мобайнида тиндири-лади. Тиндирилган эритма яшил рангли бўлади. Бу суюқлик со-ғиш аппаратларини дезинфекциялаш учун ишлатилади. Бу модда ёрдамида дезиифекциялаб бўлингач, 6% ли сульфат кислота эрит-маси ски 0,2 % ли сирка кислотадан фойдалапилса, яхши натижа беради

7) кальций гипохлорит таркибида 52—58% актив хлор сақлаган оқ рангли кукун. Эритма тайёрлаш учун 100 л сувга 1—2 кг кальций гипохлорит солинади. Тайёрланган эритма 1 : 10 ҳисобида тоза сув билан аралаштирилади. Ниҳоят, бу эритма барча сут ндишларини, соғиш аппаратларини дезинфекциялаш учун ишла-тилади ва яхши самара беради.

## ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГУШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Мол гўшти қимматли ва мазали бўлиши билан истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ичида салмоқли ўрин тутади. Гўштнинг тўйимлилиги унинг таркибидаги оқсил ва ёғнинг миқдори ва калориясига боғлиқ.

Молнинг нимталанмаган гўшти таркибида тўйимлилиги жиҳатидан унча юқори бўлмаган пай, тоғай ва суяк тўқималари ҳам бўлади. Демак, семизлигига кўра, мол нимтасининг салмоғи тирик вазнининг 51—63% ни, ёғ 2—14% ни ташкил этса, суяклар 20% атрофида бўлади.

Мол гўштининг умумий калорияси молнинг ориқ-семизлигига, ёшига, жинсига, физиологик ҳолатига, боқиш усулига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлгани ҳолда 1 кг да ўртacha 1800—2200 килокалория бўлиши мумкин.

Ориқ молларнинг гўштида ёғ миқдори ўртacha 3,5% бўлса, юқори семизлик даражасига етказилгач, у 23% гача қўпаяр экан. Буни жадвалдан аниқ кўриш мумкин. Пайлар ориқ молларда 14,0% бўлса, юқори даражадаги семиз молларда атиги 9,6% ни ташкил этади.

Химиязий моддалар лаҳм мол гўштида турли миқдорда учраши аникланган. Масалан, мол қанча семиз бўдса, унинг гўштида сув (58,5%) ва оқсил (17,6% камайиши билан ёғ миқдори (23,0%) ва калорияси (2850 ккал) шунча қўпаяр экан.

Асосан барча гўштдор зотлардан (қозоқи оқбош, санта-гер-труд, абердин-ангус, герефорд, қалмоқ, шароледан сифатли гўшт маҳсулотлари етиштириллади. Етиштириладиган гўштнинг сифатини моллар тирик вақтида ҳам чамалаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунда уларнинг семизлиги, сон қисмларининг гўштдорлиги, елка йўналишининг текис ва кенглиги ҳамда танасининг умумий кўринишига эътибор берилади.

Бундан ташқари молнинг гўштдорлкк хусусиятини ифодалаш учун сўйилгач, тортиш ва хисоблаш усулидан фойдаланилади, Бунииг учун

уларнинг иккита кўрсаткичи, яъни *сўйим вазни* ва *суйим чиқими* ҳисобга олинади.

*Сўйим вазни* сўйилган молнинг боши, териси, ичак-чавоқлари ва бақайларидан (олдинги оёқлари кафт усти бўғимидан, кейинги оёқлари эса сакраш бўғимидан олиб ташланганидан сўнг) ташқари, қолган нимтасининг вазнидир. Сўйим вазни килограмм ҳисобида ифодаланади.

*Суйим чиқими* гўшт нимталари билан ички ёғ микдори қўшилмасининг молни сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатидир. Сўйим чиқими процент билан ифодаланади.

Сўйим чиқимини тўғри аннеклаш учун қутиладиги формуладан фойдэланиш мумкин:

Мол гўшти нимтадаги бошқа тўқималардан ажратиш усулига ва даражасига кўра бир неча группага бўлинади, яъни суякли гўшт ёки гўшт нимталари; лаҳм гўшт ёки суяқдан ажратиб олинган гўшт; қора гўшт ёки ёғ, пай, тоғай ва лимфа томирларидан тозаланган гўшт, шулар жумласидандир.

Гўштнинг асосий қисми мускул тўқималаридан иборат бўлгани ҳолда, у ёш молларда анча нозик, тез пишадиган ва яхши ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Қари молларнинг гўшти анча қаттиқ, дағаллашган, узоқ вақт пишириш талаб этиладиган ҳамда қийин ҳазмланадиган бўлади. Шунинг учун ҳам айрим чет мамлакатларда бузоқ гўшти йирик мол гўштига нисбатан бир неча марта қиммат сотилади.

Семиз молларнинг гўшти кўп, ориқларники оз, ёш молларники ҳам оз, катта ёшдаги вакиллариники кўп ҳамда эркакларники урғочилариникига қараганда кўп бўлади. Еғ тўқимаси асосан тери остида, буйрак ва қовуқ атрофида, ошқозон ва ичак атрофида кўпроқ учрайди. Бундай хусусият кўпроқ йирик молларда яхшиифодаланган.

Мол гўштининг сифатини аниқлашда яна бир усулдан, яъни унинг мармарсимон кўринишга эга ёки эга эмаслигидан фойдаланилади. Мармарсимон қават-қават ҳолдаги гўшт тўқимаси орасида ёғ жойлашган бўлади. Бундай гўшт мазали ва тўйимли бўлади. Бундай хусусият асосан гўштдор зот қорамолларда яхши ривожланган. Бинобарин, уларнинг гўшти сут учун боқиладиган қорамоллариникига нисбатан юмшоқ, тўйимли, тез пишадиган ва мазали бўлади.

Агар гўшт таркибида ёғ жуда кўп бўлса, у ҳолда таъми пасаяди, ҳазм бўлиши сусаяди, бундай гўштга талаб оз бўлади. Асосан 16—18 ойлик новвослардан сифатли гўшт олинади, Уларнинг гўшти таркибидаги оқсили ва ёғ моддалар асосан тенг (17—18%) бўлади. Бундай гўшт этиштириш учун бузоқларни ёшлигидан бошлаб - жадал боқиш талаб этилади, бинобарин, улар бир ярим ёшга борганида тирик вазни 400—450 кг га етади, баъзан ундан ҳам ортиқ бўлади.

Қорамолнинг гўшт маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан унинг тез этилувчанлигнга ҳам боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, бу хусусият молларнинг қисқа вақт ичida тез семириши, оз ем-хашак сарфлаган ҳолда суткалик вазнини кўпроқ ошириши, гўштдорлик белгиларнинг яхши ифодаланганилигидадир.

Гўшт маҳсулдорлиги юқори даражада бўлишида молларни сифатли ем-хашак билан боқиши, парвариш қилиши ва тоза сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун катта ёшдаги моллар 2,5—3 ой мобайнида сифатли ем-хашак билан тўйдириб боқилса, уларнинг вазни 20—25% га ортиши билан бирга улардан олинадиган гўшт сифатли бўлади.

## **МОЛЛАРНИ БЎРДОҚИГА БОҚИШ**

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини кескин оширишда уларни бўрдоқига боқиши тўғри уюштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун моллар икки хил усулда, яъни қўлда (бўрдоқчилик базаларида ва комплексларида) ва яйловда боқиб семнтирилади.

Узбекистонда табиий ўтзорлар ва яйловлар жуда оз бўлнб, улар асосан чўл ва чала чўл ҳамда тоғ ва тоғ этакларига жойлашган бўлганлиги учун қўплаб хўжаликларда молларни қўлда бўрдоқига боқиши усулидан фойдаланилади. Лекин Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент областларининг тоғли районларида хўжаликларда ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг чўл зонасида мавжуд молларни яйловларда боқиши ишлари яхши уюштирилган. Аникроғи, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлик, Жиззах вилоятининг Зомин, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қорақалпоғистон автоном республикасининг Амударё ёқасига жойлашгани, қамишзорлари серўт районларида моллар асосан табиий яйловларда боқилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз бўйича табиий яйловларнинг (адирлар, тоғлар ва тоғ этакларини ҳам ҳисобга олганда) ўзлаштирилиши, пахта, шоли ва бошқа экин майдонларининг тобора кенгайтирилиши натижасида улар майдони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Шунга қарамасдан, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, улардаги ўт ва ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш замон талаби ҳисобланади. Масалан, сув чиқмайдиган баланд майдонларда ўсадиган ғалласимон бошоқдош ўтлар, протеинга бой дукқакдош ўсимликлар, шунингдек, шўрлангаи яйловлардаги шўрҳок ва ҳар хил майда-йирик ўсимликлар қорамоллар учун яхши ва арzon озиқ ҳисобланади. Бинобарин, табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлигини оширишда барча мавжуд резервлардан фойдаланиш, агротехника ва янги технология усулларини қўллаш, ем-хашак миқдорини ошириш, сифатини яхшилаш гўшт этиштиришда энг муҳим факторлардан ҳисобланади.

## **ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТАДИГАН ФАКТОРЛАР**

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги юқори бўлиши бир қанча факторларга боғлиқ. Масалан, уларнинг зоти, ёши, семизлиги, жинси, боқиши ва асраш усули, шунингдек, физиологик ҳолати ҳам-да ташқи муҳит таъсири шулар жумласидандир. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича,

гўшт учун боқувга қўйнлган гўштдор зот қорамол қанча яхши боқилса ва парвариш қилинса, сўйилганда шунча кўп ва сифатли гўшт чиқади.

Қорамол ғўшти таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган моддалар — оқсил, ёғ, минерал тузлар, витаминлар аминокислоталар, микроэлементлар миқдорига кўра бир қанча афзаликларга эга.

Қорамонинг гўшт маҳсулдорлиги даражаси яна бир қанча факторларга боғлик бўлади. Масалан, молларнинг тирик вазни, нимталанмаган гўштининг вазни, унинг таркибидаги лаҳм гўшт, ёғ, суяқ, тоғай ва пайларнинг миқдори ҳамда фўштига нисбати, шуннингдек, гўшт нимталаридағи бўлак сортларининг вазни, миқдори ва нисбати, уларнинг тўйимлилиги ва химиявий таркиби ва ниҳоят калорияси шулар жумласидандир.

**Моллар ёшининг семиртиришга таъсири.** Еш ва йирик молларни гўштга семиртиришда бир қанча талабларга эътибор бериш лозим. Масалан, ёш молларни семиртиришда мумкин қадар уларда озиқ бирлиги сарфланади. Масалан, 10—12 ойлик новвосларни 1 кг семиртириш учун ўртача 7—8 озиқ бирлиги сарфланса, катта ёшдаги моллар учун 8,5—10 озиқ бирлиги талаб этилади.

Бузоқлар, асосан лаҳм гўшт етиштириш мақсадида семиртирилади. Шунинг учун уларни 6 ойлигидан тортиб планлаштирилган давргача гўштга семиртириш мумкин. Лекин катта ёшдаги молларни 60—90 кун мобайнида бўрдоқига боқиши мумкин. Чунки боқиши муддати чўзиб юборилса, уларнинг танасини ёғ босиб кетади ва гўштининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

**Моллар зотининг таъсири.** Гўштининг хусусиятига кўра, сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зотлар гўштга боқилганда ёғ асосан ички органларида тўпланади, нимталарида эса камроқ бўлиши аниқланган. Шунингдек, уларнинг нимтасидаги лаҳм гўшт мкқдори гўшт учун боқиладиган молларникига нисбатан камроқ бўлади. Бундай моллар жадал усулда гўштга семиртирилганда гўшт чиқнми 50—56% ни ташкил этади.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлиги ортишига, сифати ва тўйимлилиги яхшиланишига уларнинг зоти ва зотдорлиги салмоқли таъсир кўрсатади. Бунга асосий сабаб гўштдор зотларнинг тез етилувчанлиги, қисқа вақт ичида яхши семириши, семириши учун сут учун боқиладиган молларга қараганда камроқ ем-хашак сарфлаш, гўштининг мармарсимон ва мазали бўлишидир. Бинобарин, гўштдор зотларнинг бузоқ ва новвослари 15—18 ойлигигача боқилиши етарли ҳисобланади. Бунда уларнинг тирик вазни 400—450 кг га етиши мумкин. Ҳозирги вақтда гўштдор буқаларни сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зотлар сигири билан чатишириш натижасида олинган бузоқларни жадал усулда гўштга семиртириш ишлари кенг тус олган.

**Жинси ва ахталашнинг таъсири.** Гўшт етиштиришда насл олишга яроқсиз бўлган сут, гўшт учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зот бузоқлар салмоқли ўрин тутади. Уларнинг умумий сони барча ёшдаги қорамолларнинг деярли 90—95% ни ташкил этса, урғочи бузоқлар 30% атрофига бўлади. Қолган қисмини нов-вослар ташкил этади. Айрим вақтларда хўжаликнинг шароитига ва боқиши усулига кўра, новвослар ахталанади. Лекин кузатишлардан маълум бўлишича, ахталанган новвослар буқачаларга кўра суст ўсади

ва суст ривожланади ҳамда гўшт чиқими пастроқ бўлади. Ахталашга асосий сабаб уларни подада боқиши учун мойиллигини ошириш, урғочи бузоқлар билан бирга гўштга семиртиришдан иборат.

Урғочи бузоқлар гўштга боқилганда нимтасининг вазни, суткалик семириши, семириши учун ем-харакат сарфлаши ва лаҳм гўшти миқдорига кўра, бичилган ва бичилмаган новвослардан пастроқ бўлади. Лекин гўштининг сифати, юмшоқлиги, иозиклиги, таркиби ва мармарсимонлиги жихатидан юқори туради. Бинобарин, уларни 15 ойлигигача боқиши ва вазнини 350—400 килограммга етказиб гўштга топшириш тавсия этилади. Новвослар ва ахталангандан буқачалар 15—18 ойлик бўлгунча боқилиши ва новвослар вазни 450—550 кг ва ахталангандан буқалар 400—450 кг атнинг рационида гўшт маҳсулотини оширишга имкон берадиган биологик жихатдан тўла қимматли протеин, витамин ва минерал элементларга бой бўлган озиқ турларини кўлайтириш, шуниигдек, улар ҳаддан ташқари семириб кетмаслиги тадбирлари қўлланиши лозим. Умуман, ёш моллар жадал усулда семиртирилса, улар организмида гўшт ва ёғ тўқималари тез тўпланади ва ривожланади, бинобарин, гўштдорлик даражаси юқори бўлади (16- ва 17-жадвал).

Бузоқлар 12—15 ойлик бўлгунча мусқул тўқимаси суяк тўқимасига нисбатан жадалроқ ўсади ва 18 ойлигига мускулининг нисбий вазни қўпроқ, суякларнинг солиштирма вазни камроқ бўлади. Қорамол нимтасининг морфологик таркиби унинг ёшига ва вазнига кўра ўзгариб туради (-16-жадвал).

Моллар ёшининг ортиб бориши билан гўштининг химиявий таркиби ҳам ўзгариши аниқланган, яъни сув камаяди, қуруқ моддалар қўпаяди ва мускуллар оралиғидаги ёғ миқдори ортиб боради. Бу ўзгариш уларни боқиши усулига ҳам боғлиқ бўлиши аниқланган (17- жадвал).

Қорамолни 1 кг семиртириш учун ёшига караб турли миқдор атрофида бўлганда уларни гўштга топшириш усули қўлланилиб келмоқда.

**Боқишининг таъсири.** Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини кескин оширишдаги энг муҳим факторлардан бири уларни рацион асосида тўғри боқишидир. Уларни сифатли ем-харакат бериб боқиши гўшт маҳсулоти салмоғини ошириш ва гўшт чиқимини қўпайтириш имконини беради. Яхши боқилган молнинг гўшт нимтасида суяк ва пайлар миқдори сифатсиз ем-харакат билан боқилган вакиллариникига қараганда 25—30% кам, гўштининг калорияси 40—50% юқорироқ бўлади.

Қорамоллар ем билан боқилганда, улар тез семириши, лаҳм гўшти ва ёғи қўпроқ бўлиши аниқланган ва аксинча, рационида дағал ва серсув озиқлар миқдори қўпайиб кетиши, уларни семиртириш муддатининг узайиб кетишига ва вазни секинлик билан ортишига сабаб бўлади (18-жадвал).

Шундай қилиб, молларга бериладиган ем-харакатнинг сифати ва калорияси қанча юқори бўлса, улардан етиштирилладиган гўшт шунча кўп ва сифатли бўлар экан.

## **ҚОРАМОЛЛАРНИ БУРДОҚИЧИЛИК БАЗАЛАРИДА ГҮШТГА БОҚИШ**

Моллар қўлда (бўрдоқиличик базаларида) бокилганда тез семиради, лекин етишириладиган маҳсулотнинг таннархи яйловларда боқилганда гига нисбатан қимматроқ бўлади. Чунки бунда молларга тайёрланган ва маълум даражада ишлов бсрилган ем-хашак берилади ва меҳнат кўпроқ сарфланади. Моллар қўлда боқилганда олинадиган иқтисодий фойда бир қанча факторларга боғлиқ бўлади. Масалан, молларни боқиш техникаси ва технологияси, боқиш даражаси ва типлари, шунингдек, уларнинг ёши, жинси ва зоти шулар жумласидандир. Гўштга боқилаётган молларни юқори семизлик кондициясига етказиш кўп ва сифатли маҳсулот етиширишда муҳим роль ўйнайди ҳамда олинадиган даромад ортади.

### **МОЛЛАРНИ БОҚИШ ВА СЕМИРТИРИШ УСУЛЛАРИ**

Молларни асосан беш мақсадда гўштга семиртириш усули қўлланилади, улар қўйидагилар:

1. Оқиши ёки оч пушти (белая телятина) рангли бузоқ гўшти етишириш учун боқиш. Бунда 1—2 ҳафталик эркак бузоқлар 3—4 ой мобайнида факат сут билан боқилади. Ҳар бир бузоққа кунига 12—16 кг дан сут ичирилади ва уларнинг суткалик семириши ўртача 1 кг атрофида бўлади.

2. Оддий бузоқ гўшти етишириш учун боқиш. Бунда олинадиган маҳсулот таннархини арzonлаштириш мақсадида бузоқлар 3—4 ойлигигача сутдан ташқари, серсув, дағал озиқлар ва ем бериб боқилади ва улар суткаскга 400 г дан семиришига эришиш режалаштирилади.

3. «Беби-биф» деб аталадиган ёш бузоқ гўшти етишириш учун боқиш. Бунинг учун бузоқлар бир ёш бўлгунча сифатли ҳар хил ем-хашак билан боқилади ва вазни 350—400 кг га етказилади. Рацион таркибидаги емни 30%—80%, айрим холларда 90% гача ошириш талаб этилади.

4. Бузоқларни йирик (оғир) нимта олиш мақсадида боқиш. Бу усулда бузоқлар 18—24 ойлик бўлгунича ёки вазни 400—600 кг га етгунча боқилади. Бинобарин, бунда катта иқтисодий самарадорликка эришилади. Чунки 1,5—2 йил давомида молларга арzon бўлган кўплаб ўт (яйловда) ва пичан (қўлда) берилади. Ем рационнинг 25—35% ни ташкил этиши мумкин. Айрим холлардагина ем 40% га етказилади.

5. Катта ёшдаги молларни бокиши. Бунда ғўшт етиширишга мўлжалланган брак сигирлар ва буқалар 60—90 қун боқилади. Улар умумий поданинг 25—30% ни ташкил этиши мумкин. Семиртирилган моллардан кўп микдорда гўшт олинади. Лекин гўшти дағал бўлганлиги учун ундан суюқ таомлар, сосиска, консерва ва колбаса тайёрлаш учун фойдаланилади.

### **МОЛЛАРНИ БОҚИШ СЕМИРТИРИШ УСУЛЛАРИ**

Молларни гўштга боқища барча шарт-шароит (географик, зонал, иқтисодий, ишлаб чиқариш) ҳисобга олингани ҳолда уларга хилма-хил ем-хашак берилади. Бунда ем-хашакнинг қайси бир турининг салмоғи катта ва юксак даражада бўлса, бўрдоқчилик усули ўша озиқ номи билан юритилади.

**Кўк ўт билан боқиши.** Кўк ўт барча хўжаликлар учун анчагина арzon бўлиши билан бирга тез ҳазм бўладиган ва организмга тез сингиб кетадиган озиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у барча турдаги қорамоллар учун қимматли озиқ сифатида ишлатилади. Ўт бериш миқдори молларнинг ёшига ва ориқ-семизлигига қараб режалаштирилади. Масалан, ёш молларга бир кунда 30—50 кг, катта ёшдагиларга эса 40—70 кг атрофида бериш мумкин. Бундан ташқари, 30% атрофида ем ҳам бериш тавсия этилади (19-жадвал)

Айрим вақтларда кўк ўт бериб боқища молларни семиртириш даражаси юқори бўлмаса, уларпинг рационига қўшимча равишда лавлаги, хашаки, полиз экинлари киритиш тавсия этилади.

**Силос билан боқиши.** Ўз экин майдонига эга бўлган хўжаликларда етарли миқдорда маккажўхори, оқжўхори ва кунгабоқардан силос бостирилиши ва куз-қиши ойлари мобайнида уларни молларга бериш тавсия этилади. Моллар рационидаги силос 50—60% ни ташкил этиши мумкин. Ем 24—25%, пичан 7—8%, илдизмевалар 5—6% бўлиши ва қолган қисми минерал моддалар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

**Сенаж билан боқиши.** Сенаж асосан дуккақдош ва бошоқдош ўтлардан тайёрланади. Унииг таркибида 50% сув, 8—10% протеин, 1,2—2% ёғ, 21—23% БЭВ (азотсиз экстрактив моддалар), 14—15% клетчатка, 4—4,5% кул бўлганин ҳолда, 1 кг сенажнинг тўйимлилиги 0,35 озиқ бирлигига тенгdir. Шунингдек, 1 кг сифатли сенажда 55 г ҳазм бўладиган протеин, 40 мг каротин, 6—7 г кальций, 1 —1,5 г фосфор бўлиши аниқланган. Молларнинг ёшига ва физиологик холатига қараб қуидаги миқдорда сенаж бериш мумкин. Масалан, 3—6 ойлик бузоқларга 5—8 кг, 6—8 ойлик бўлганларига 10—15 кг, 1 ёшдан катталарига 15—20 кг сенаж бериш нормал ҳисобланади. Рационнинг қолган қисмини бошқа дағал озиқлар ҳисобига тўлдириш мумкин. Шуни айтиш керакки, агар рационнинг 70% сенаждан ташкил топган бўлса, у ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилишини сусайтириб юборади ва салбий натижада бериши мумкин.

**Барди билан боқиши.** Барди асосан пиво ва мева-консерва заводлари чиқиндиси ҳисобланади ва молларга берилса, улар яхши семиради. Чунки унииг таркибида ҳайвонлар организми учун зарур ҳар хил моддалар бўлади. Масалан, 1 кг сифатли бардида 9—11 г протеин ва 0,08—0,09 озиқ бирлиги бор. Бундан ташқари, 91-93% сув, 1,5-2,5% оқсил, 3-5% БЭВ, 0,5-0,9% клетчатка ва 0,3—1,9% ҳар хил минерал элементлар бўлади.

Молларни барди билан боқища унинг рациондаги миқдори 50—60% дан ошмаслиги керак, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келади. Шунингдек, пичан ёки сомон 15—20%, ем 20—25%, қолган қисми минерал қўшимчалар (ош тузи ва хоказолар) ҳисобига бўлиши мумкин.

**Ем билан боқиши.** Молларни гўштга боқиши муддатини қисқартириш, меҳнат процессини ихчамлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш

мақсадида ем билан боқиши катта аҳамиятга эга. Лекин ем бошқа турдаги (дағал, илдизмева, күкат ва серсув) озиқларга қараганда қимматроқ бўлғанлиги учун кўпгина хўжаликларда тежаб сарфланади. Моллар асосан дон (арпа, сули, маккажўхори) ва уларнинг ёрмасидан тайёрланган ем билан боқилади. Бунда рацион умумий қисмининг 80% ни ем ташкил этса, 20% дағал озиқлар ҳисобига тўғри келади. Лекин тўйимлилиги жиҳатидан рационнинг 75—95% емдан иборат бўлиши мумкин.

Брикетланган ва донадор озиқлар билан боқиши. Кейинти йилларда гўшт ва бошқа маҳсулотларни саноат асосида этиширишга ўтиш муносабати билан ҳар хил ем-хашак аралашмаларидан (дағал ем, озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва хоказолардан) брикет ва донадор озиқ тайёрлаш ишлари кенг тус олган. Омихта ҳолда, яхши қуритилиб, таркиби ва сифатини бойитиб тайерланган бундай озиқлар ҳар хил чорва моллари учун анча қулай эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, брикетланган ва донадор озиқларни қуруқ жойда узоқ вақт сақлаш мумкин. Бундай озиқлар ҳар қандай ҳайвон ёки парранда учун маҳсус рецепт асосида тайёрланади ва фойдаланилади.

**Пахта чиқиндилари билан боқиши.** Ўзбекистондаги барча хўжаликларда молларни гўштга боқишида пахта чиқиндиларидан кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Бунда ҳар бош молга ёши ва физиологик ҳолатига қараб: 2—5 кг шулҳа, 2—2,5 кг кунжара ёки шрот бсрилади. Шуингдек, 2,5—3 кг беда пичани, 0,6—1,0 кг арпа ёки маккажўхори ёрмаси, маълум миқдорда углсводларга бой бўлган силос, хашаки лавлаги, сенаж ва минерал қўшимчалар бериб молларнинг маҳсулдорлиги оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда пахта чиқиндиларидан унумли фойдаланиш натижасида ҳар бир молни 1 центнер семиртириш 53—60 сўмга ёки вазнини 1 кг ошириш ўртача 8—9 озиқ бирлигига тўғри келади. Кўпгина хўжаликларда бу кўрсаткич анча паст.

## ҚОРАМОЛЛАРНИ ЯЙЛОВДА БОҚИШ

Қорамолларни яйловда боқиши иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган тадбир ҳисобланади. Бунинг афзаллиги шундаки, моллар оёқ остидаги ҳар хил ўтларни инсон меҳнатисиз истеъмол қиласида ва семириш имконига эга бўлади. Бунда самарадорлик боқиши муддатига, яйловнинг ҳосилдорлигига ва ўтлар хилма-хил ҳамда сифатли бўлишига, молларнинг ёшига, жинсига ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Умуман моллар яйловда 4—5 ой мобайнида боқилади. Моллар яйловда боқилганда йириқ, катта ёшдагилари 25—30% семирса, ёш моллар 40—60% ва ундан ҳам кўпроқ семириши мумкин.

Молларни яйловда боқиши учун бир қанча асосий тадбирларни амалга ошириш керак. Масалан:

1) подани ташкил этишда моллар кўп жиҳатдан (ёши, жинси, ориқ-семизлигига кўра) бир хил бўлиши керак;

2) мол боқиши учун ажратилған яйлов етарли ва сув билан таъминланған бўлиши керак;

3) барча тадбирлар ва молларни боқиши маълум кун тартиби асосида олиб борилиши керак;

4) меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда моллар қанчадан семирганлигини ҳисобга олиш талаб этилади;

5) илфорлар тажрибасидан ва фан ютуқларидан унумли фойдаланиш ҳамда боқиши технологиясини зона ва фасл шароитига кўра жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Молларни яйловда боқиши технологияси бир қанча масалаларни ўз ичига қамраб олгани ҳолда, улар албатта бажарилишини талаб этади, уларнинг энг асосийлари қуидагилар:

1) молларни тасдиқланған кун тартиби асосида ва сутканинг, маълум соатларида боқиши керак. Ҳаво исиб кетганда, уларга дам берилади. Умуман ёз ойларида сутка мобайнида 16—17 соат, куз ойларида 12—14 соат атрофида боқиши тавсия этилади;

2) моллар яйловда боқилганда улар ҳар томонга тарқалиб кетмасдан, бир текис юриши керак. Бунинг учун молбоқар поданинг олд томонида уларни назорат қилиб бориши, серўт ерларда молларни кўпроқ ўтлатиши керак;

3) моллар эрта билан оч қоринг шудринг тушган ўтларни емаслиги керак. Чунки қорни шишиб кетади. Аввал турли хил ва бошоқдош ўтлар ейиши, кун исиб шудринг эригач, дуккақдош ўсимликлар ўсаётган яйловларга ҳайдаш керак;

4) яхши семирган молларни ўз вақтида подадан ажратиб олиш ва гўштга топшириш зарур. Бундай вазифани бажариш бригадир ёки мудир зиммасига юкланди;

5) молларнинг семириш даражасини аниқлаш учун улар оч ҳолида эрта билан торозида тортилади ва шунга кўра молбоқарларга ҳақ тўланади;

6) семирган молларни узоқ масофага ҳаракат қилдирмаслик керак. Умуман пода суткасига 12—15 км дан ортиқ масофага юрмаслиги керак, акс ҳолда молларнинг семизлигига салбий таъсир кўрсатади;

7) моллар ёз кунлари салқин жойда дам олиши, қолган фаслларда шамолдан ва заҳдан эҳтиёт қилиниши керак;

8) асосий самарадорлик молларни семиртириб боқишга, вазни ва етилувчанлигига таъсир этувчи зоти, ирсий хусусиятлари ва маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ.

Молларни гўштга боқишида **биологик актив** моддлардан фойдаланиш. Барча турдаги биологик актив моддалар ичидаги витаминалар, ферментлар, антибиотиклар ва микроэлементлар молларни жадал усулда боқишида муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилиқда молларни тез ўстириш имконини берадиган антибиотикларнинг тури кўп бўлиб, уларнинг асосийлари: биомицин, террамицин, кормогризин, адреомициндир. Бу моддалар витаминалар ва микроэлементларга қўшилган ҳолда берилса, самарадорлик юқори бўлади.

**Ферментлар** моддаларнинг синтезланиши ва ҳазм қилинишини тезлаштирадиган биологик катализаторлардир. Улар микробиология

саноатида тайёрланади ва фойдаланиш учун тарқатилади. Чорвачиликда ишлатиладиган фермент турлари кўп, лекин хозирги вақтда асосан оризии, аваморин, ПК, ППК, терризин, ПК каби турлари кўп ишлатилади.

**Ўзбекистонда молларни яйловда бокиши.** Яйлов ва ўтзорлари бўлган хўжаликларда молларни тўғри, янги технология асосида боқиши катта самара беради. Чунки оғилда боқилган молларга қараганда бу усулда 5 — 8 баравар кам маблағ сарфланади. Серўт яйловларда боқилган йирик моллар суткасига 800 — 900 г дан семириши аниқланган.

Республикамиз яйловларида қорамоллар ёши, жинси, ориқ-семизлигига кўра пода ташкил қилинган ҳолда боқилади. Бунда ёш молларнинг 180—200 тасидан битта пода, йирик, катта ёшдаги молларнинг 100 — 120 тасидан битта пода ташкил этилади.

Молларни яйловга хайдашдан олдин баъзи касалликларга қарши профилактика ва встеринария тадбирлари амалга оширилади. Бу соҳада республикамизда ном чиқаргаи илғор «Бахмал» совхози иш тажрибаснни кўрсатиш мумкин. Бу рда ахта буқачалар тоғ этаги ва тоғ яйловларида 3 ой боқилади. Моллар асосан гўштдор зот ва уларнинг дурагайлари бўлганлиги учун уларнинг салмоғи бошқа молларга кўра 35 — 40% кўпроқ бўлиши аниқланган.

**Қорамоллардан сифатли тери етиштириш.** Қорамоллар териснинг сифати уларнинг ёшига, жинсига, зотига, ориқ-семизлигига, боқиши усулига боғлиқ бўлади. Яхши боқилган молларнинг териси сифатли бўлиб, ундан қимматбаҳо пойабзал тайёрланади.

Қорамоллардан етиштириладиган тери уларнинг маҳсулот йўналишига боғлиқ. Масалан, сут учун боқиладиган молларнинг териси ҳайвон вазнининг 6 — 8% ни ташкил қиласа, гўшт учун боқиладиганларда 8 — 11% дан иборат. Йирик буқаларнинг териси вазнининг 10 — 12% ни ташкил этади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, моллар вазни ва ёшнинг ортиб бориши билан терисининг вазни камайиб борар экан. Масалан, янги туғилган бузоқларнинг териси танаси вазнининг 11% ни ташкил қиласа, 3 ойлик бузоқларда 8 ва 1 ёшлик вакилларида бу кўрсаткич 6 — 7% га teng.

Енгил саноатда қорамол териси маълум стандартлар асосида баҳоланади ва майда, ўртача, йирик терилар группасига ажратилади. Бундай терилар маълум мақсадда (оёқ кийим тайёрлашда, галантереяда, ҳарбий мақсадларда ва саноатпинг турли соҳаларида) ишлатилади.

**Қорамол чиқиндилари.** Қорамол чиқиндилари асосан қон, сувак, ички органлари ҳисобланади, уларниг ҳам ахамияти катта. Чунки бундай чиқиндилар қуритиб, майдалаб, ун ҳолига келтирилгач, айрим чорва молларига (чўчқа, мўйнали ҳайвонларга) ва паррандаларга бериладиган қимматли минерал озиқ бўлади. Кейинги йилларда күшхонадаги барча чиқиндилар қатори молларнинг ичак-чавоги, калла-почаси ҳамда турли безлари ҳам технологик ишлов берилиб, қиймаланиб, норкаларга берилемода. Буни Тошкент обlastидаги Ангрен мўйначилик хўжалиги тажрибасидан кўриш мумкин. Бундай хўжаликларнинг сони республикамизда йил сайин

ортиб бормоқда. Масалан, Ғаллаорол ва Бўстонлиқ мўйначилик хўжаликлари шулар жумласидандир.

## **VII боб. ҚЎЙЧИЛИК ҚЎИЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Қўйчилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, саноат учун турли хил хомашё: жун, мўйна, қоракўл тери ҳамда озиқ-овқат сифатида гўшт, ёғ, сут этиширилади.

Қоракўл кўйлардан олинадиган сифатли ранг-баранг товла-ниб турадиган *коракўл*, *қоракул-қоракулча* ва *қоракўлча* деб ата-ладиган мўйнатери дунд бозорида олтин баҳосида сотилади ва мамлакатимизнинг шоншухратини янада оширади. Қоракўл тери-лардан бош кийимлар, ёка тайёрланади ва у анча қиммат баҳо ланади.

Қўй ва қўзи гўшти мамлакатимиздаги гўшт балансининг 10— 12% ни ташкил этади. Бундан ташқари, қўй сутидан турли **хил** маҳсулотлар: пишлок, бринза кабилар тайёрланади. Бу борада Молдавиядаги ва Қавказдаги кўпгина хўжаликлар олдинги ўрин-да туради.

Умуман, қўйларнинг энг асосий маҳсулоти жун ҳисобланади, улардан олинадиган сифатли ва турли хилдаги жунни бошқа би-рор ҳайвондан олиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, ^ўй жу-нини бошқа бирор қишло^ хўжалик ҳайвони жуни билан тенглаш-тириб бўлмайди.

Хозирги вақтда қўй жуни етишириш бўйича СССР дунёдаги мамлакатлар орасида салмоқли ўрин эгаллайди.

**Қўйларнинг биологик хусусияти.** Қўйларнинг энг муҳим биологик хусусиятларидан бири яйловлардаги "ўт-ўланни яхши ўзлаштиришидир. Боши чўзиқ, ҳаракатчан ва лаби юпқа, тишлари қия жойлашган бўлганлиги учун улар жуда паст бўйли ўтларпи ва ҳатто срдаги ўсимлик барглари ва бошоқларини ҳам bemalol ея олади.

Қўйлар ҳаракатчанлиги ва узоқ масофаларга бора олиши, хил-ма-хил ўт-ўланни танламасдан bemalol еяверганлиги ва чидам- . лилиги билан бошқа турдаги чорва молларидан устун туради. Ҳосилдорлиги жуда паст бўлган яйловларда бошқа ҳайвдфар ярим оч қолганида ҳам қўйлар ўз озигини bemalol топиб ейди ва қор-нини тўйдиришга ҳаракат қиласди. Думбали ва узун думли қўйлар шу думба ва дум органларида кўп миқдорда ёғ тўплайди, бино-барин, улар қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши сезади. Шу билан бирга уларнинг ёғи инсон учун энг қимматли ва лаз-затли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Қўй зотлари барча биологик хусусиятларига кўра ҳар хил зона шароитида яшашга яхши мослашган. Масалан, тоғ, чўл, чала чўл, дашт ва чала дашт ҳамда иқлими нам бўлган районлар шулар жумласидандир. Бинобарин, қўйларни боқиши, асрар ва кўпайти-ришда ҳар бир зонанинг табиий-иқтисодий ва хўжалик хусусият-ларини ҳисобга олиш керак.

Қўйларнинг биологик хусусиятининг яна бир устунлик томони уларнинг тез етилувчанлиги, серпуштлиги ва бўғозлик даврининг (қорамол, йилқи, тую

ва ҳоказоларда) нисбатан қисқа бўлиши-дир. Масалан, улар яйловдаги бошоқли, дуккакли ва барча хил ёввойи ўтларни яхши ейди ва тез семиради, гўшти ва ёғи сифатли бўлади. Улар йилига икки марта қўзилаши мумкин, чунки бўғоз-лик даври 150—155 кун бўлади. Қоракўл қўйлар ҳар гал 1—2 тадан қўзи тугса, романов зот қўйлар 4—6 тадан қўзилайди. Урчиш вақти ўртача 1,5 ёшга тўғри келади.

Шундай қилиб, қўйлар биологик хусусиятларига кўра бир қан-ча устунликларга эга. Бинобарин, уларни кўпайтиришда, маҳсул-дорлигини оширишда, насл олишда, гўштга боқишда, сифатли мўйна ва тери олишда, сержунлик ҳолатини яхшилашда ва сер-пуштлигнни оширишда уларнинг асосий биологик хусусиятлар» диққат марказида туриши керак.

## ҚЎЙЛАРШИНГ ЗОТИ ВА МАҲСУЛОТ ЙЎНАЛИШИГА КЎРА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Қўйларни икки хил, яъни зоологик ва қўжалик классификацияси асосида группаларга бўлиш қабул қилинган.

**Зоологик классификация.** Бу классификацияга мувофиқ, қўйлар думининг узунлиги ва шакли асос қилиб олингани ҳолда 5 та группага бўлинади.

**1. Ингичка** калта думли қўйлар. Бу группага асосан романоз зот қўйлар, шимол калта думли қўйлари киради. Уларнинг думи калта бўлиб, орқа осгининг ўйноқи бўғимида етмайди. Шу билан бирга уларнинг дум қисмида се бўлмайди.

**2. Ингичка** узун думли қўйлар. Бу группага Грузиянинг ёғ думли майин жунли цўйларидан ташқари, барча майин жунли қўйлар киради. Бу группа вакилларининг думи узун ва ингичка бўлгани ҳолда орқа оёғининг ўйноқи бўғимидаи пастроқ бўлади. Бу группага ярим майип жунли гўшт-жун йўналишидзги ва айrim дағал жун берувчи қўй зотлари хам киради.

3. Калта ёғ думли қўйлар. Бу группа вакилларининг думи кал-та ва унинг танага бирлашган қисмида маълум миқдорда ёғ за-паси бўлади. Асосий вакиллари: Бурят, Қулундин ва Сибирь ўлка-сидаги айrim дағал жунли қўйлар ҳисобланади.

4. Узун ёғ думли қўйлар. Бу группага асосан узун думли, думи орқа оёғининг ўйноқи бўғимидаи ҳам ерга яқин, думининг атрофи серёғ ва ҳатто естиқ шаклини згаллаган ва думининг учи борган сари ингичкалашиб кетган қўйлар киради. Асосий вакиллари: қо-ракўл, қорақалпок, кучугур, грузин ёғ думли майин жунли ва ярим майин жунли қўйлар ҳамда Шимолий Кавказ ва Закавказье районларидаги дағал жунли қўйлардир.

5. Думбали қўйлар. Бу группага асосан дум ўрнида иккита катта (10—12 ва айrim хрлларда 30—40 кг келаднган) думбаси бўлган қўйлар киради. Асосий вакиллари: ҳисор, саражи, эдильбой кабиларди ор.

Бу классификациянинг камчилиги шундан иборатки, айrim холларда турли хилдаги маҳсулот йўналишига эга бўлган қўй зотлари бир группага мансуб бўлиб қолади. Бинобарин, ҳар бир зотнинг асосий маҳсулот

йўналиши ва унинг афзалиги ҳисобга олингани ҳолда қўйларнинг хўжалик классификацияси ишлаб чиқилган.

**Хўжалик классификация.** Бу классификация академик М. Ф. Иванов томонидан яратилган бўлиб, барча зотларнинг асосий маҳсулоти асос қилиб олинган. Хўжалик классификацияси 8 группани ўз ичига олади.

1. Майин жунли қўйлар. Жуни сифатли, бир текис, ўта майин бўлган қўйлар шу группага киради. Масалан, совет меринос зоти, аскания, грознен, ставрополь, олтой, озарбайжоп тоғ меринос зоти, прекос, қозоқи майин жунли ва вятский зот қўйлар шулар жум-ласидандир.

2. Ярим майин жунли қўйлар. Бу группага бир хил ярим ма-йин жунли қўйлар киради. Асосий вакиллари: гўшт ва жун учун боқиладиган линкольн, ромни-марш, шропшир, гемпшир, куйби-шев, горький, латвия қорабоши каби ҳамда жун ва гўшт учун бо қиладиган цигай ва бошқа зотлардир.

3. Ярим дағал жунли қўйлар. Бу группа вакилларининг жуни гилам тўқиши учун муҳим хомашё ҳисобланади. Асосий вакиллари: саражи ва тожик қўй зотларидир.

4. Пўстинбоп қўйлар. Бу группага мансуб қўйлардан сифатли пўстинбоп тери олинади. Шу билан улар бошқа қўйлардан фарқ қиласди. Асосий вакиллари: романов зоти, шимолий калта думли ва сибирь калта серёф думли қўйлар ҳисобланади.

5. Мўйна олинадиган қўйлар. Улар энг кимматбаҳо мўйнаси билан барча йўналишдаги қўйлардан фарқ қиласди. Масалан, қоракўл қўйлар, сокольский ва решетилов зотлари шулар жумласи-даидир.

6. Гўшт-ёғ йўналиши. Бу группага мансуб қўй зотлари сифатли ва мазали ҳамда кўп миқдорда гўшт ва ёғ олиниси билан бошқалардан фарқ қиласди. Асосий вакиллари: ҳисор, жайдари ва эдильбай қўй зотларидир.

7. Гўшт-жун-сут йўналиши. Бу группага кирувчи зотлардан бир вақтнинг ўзида гўшт, жун ва сут етиширилади. Лекин жуни дағал бўлади. Асосий вакилларн: тушинский, балбас, карачаевдир.

8. Гўшт-дағал жун йўналиши. Бу группага мансуб қўйлардан анчагина сифатли дағал жун ва сифатли гўшт олинади. Масалан, михновский, черкасский, кучугуров каби қўй зотлари шулар жумласидандир.

### **Қўйлардан олинадиган асосий маҳсулотлар**

**Жун.** Қўйлардан қирқиб олинадиган жун енгил саноат учун энг муҳим хом-ашё ҳисобланади, ундан турли хилдагн кийим-кечак, шолча ва гилам, турли жун (шерсть) газламалар тайёрлапа-ди. Жуп тери маҳсулоти ҳисобланади ва қўй эмбрионининг 60—85 кунлигига эпидермис қаватидан ташкил топган фолликулалардан ўсиб чиқади. Жуннинг шаклланиши ва тери сатҳи бирлигига нис-батан миқдорининг ортиши уларнинг туғилиш вақтига бориб якунланади. Лекин майин жунли қўйларнинг қўзиси туғилган вақтда улар терисидаги 1/3 фолликулалари жун чиқарган бўлса, 2/3 фолликулаларидан кейинроқ жун ўсиб чиқади.

Жуннинг илдиз қисми пиёз шаклида бўлиб, унинг ўсиши асосан ўша жойдаги эпителий хужайраларининг бўлиниши ҳисобига амалга ошади. Жуннинг тери қатламига жойлашган қисми унинг илдизи ҳисобланса,

терининг устки қисмига жойлашган асосий бўлаги унинг узаги дейилади. Жун илдизи жун қини билан қопланған бўлади. Унга асосан бир жуфт ёғ бези туташган бўлиб, унинг ажратиб чиқарадиган маҳсулоти шу қинга қараб йўналти-рилади. Жун толаларининг оралиғига кўп микдорда тер безлари жойлашгап. Уларнинг айримлари ўз маҳсулотини жун қинига чи-қарса, кўпчилиги тери юзаснга чиқаради. Тер ва ёғ безларининг чиқарган маҳсулоти кўшилиб ёғ-тер ҳосил қиласди. Бу бирикма жунни қуриб, қовжираб қолишдан сақлайди, физик, механик хо-латини яхшилайди ҳамда қўй танасини барча ташки мухит таъсир-ларидан ҳимоя қиласди. Лекин у ҳаддан ташқари кўп бўлса, соф жун чиқимиға салбий таъсир этади.

Тери қатламиға жойлашган жуп группа-группа холда бўлади ва уларнинг ҳаммасида йирик, йўналтирувчиси алоҳида ўринда туради. Бунда унга қия ҳолда уларни тик ҳолатга келтирувчи ясси мускул толалари жойлашган. Фанда у жун ёки соч мускул тола-лари дейилади.

Жун толаларининг типлари. Жун қатлами бир қанча типга мансуб бўлган толалардан ташкил топган. Масалан, тивит, ора-лик, дағал, ўлик, қуруқ ва қопловчи жунлар шулар жумласидан-дир.

*Тивит* ўта нозик, чўзилувчан, диаметри 15—25 микрон, узунлиги 5—15 см атрофида бўлган, технологик жиҳатдан жуда қимматли жун типи ҳисобланади. Унинг ўзаги бўлмайди.

*Оралиқ* жун барча хусусиятларига кўра тивит ва дағал жупдан фарқ қиласди. Диаметри 25—29 микрон атрофида, узунлиги ҳар хил бўлади. Ярим майин жунли қўйларда бупдай типдаги жун кўп бўлади. Унинг ўзак қисми онда-сонда учрайди ва нозик бўлади.

*Дағал* жун (қил) анча йўғон, диаметри 30—150 микрон ва анча ўсиқ бўлиб, кўлроқ дағал жунли қўйларда бўлади. Жуннинг ўза-ги яхши ифодаланган.

*Ўлик*, жун йўғон, мўрт, хира, бўяб бўлмайдиган, жун сифатига салбий таъсир кўрсатувчи тип ҳисобланади. Бундай жун асо-сан дағал жунли қўйларда учрайди.

*Қуруқ* жун. дағал жун сифатида, ялтироқлик хусусиятини йў-қотган (хира), қалин толалардан ташкил топган.

*Копловчи* жуп йўғон, калта ва қаттиқ, лекин ялтироқ толалардан ташкил топган, у қўйларнинг оёғнда ва юз қисмларида бўла-ди ва калта бўлганлиги учун технологик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас.

**Жуннинг сифатига** кўра асосий типлари. Қўй жуни бир хил ёки ҳар хил жун толаларидан ташкил топгаилигига, йўғон-ингичкали-гига, шунингдек, чўзилувчанлик хусусиятига кўра классларга бў-линади. Масалан, майин, ярим майин, ярим дағал ва дағал жун-лар шулар жумласидандир.

*Майин* жун фақат тивит толаларидан ташкил топган, жун то-ласи 25 микронгача ва сифати 60 даражадан паст бўлмайди. Бундай жун асосан майин жунли қўйлардан ва улар ярим майин жунли қўйлар билан қочирилганда туғилган дурагайлардан олинади.

*Ярим майин* жун бир хил оралиқ жун толаларидан ёки уларнинг тивит билан аралашмасидан ҳосил бўлади. Бундай жун то-лаларининг диаметри 31

микропдан ошмаслиги ва сифати 50 да-ражадан паст бўлмаслиги керак. Ярим майиц жун олинаднган қўй зотларидан бири цигай зоти ҳисобланади.

*Ярим дағал жсун тивит, оралиқ ва унча дағал бўлмаган жун толаларидан, шунингдек, бир хил оралиқ жун массасидаи иборат. Бундай жун сифати жихатидан 50 даражадан юқори бўлади. Ай-рим ҳолларда ярим дағал жун майин жунли қўйлар дағал жунли қўйлар билан қочирилганда туғилган I—II бўғин дурагайлардан олинади.*

*Дағал жсун таркибига кўра тивит, оралиқ ва дағал жун тола-лари йиғиндисидан ҳосил бўлади. Айрим вақтларда унинг тарки-бида ўлик-ва қуруқ жун толалари ҳам учрайди. Бундай жун асосан дағал жунли қўйлардан ва уларни майин ва ярим майин жунли қўйлар билан чатиштириб чиқарилган дурагайлардан олинади.*

*Жуннинг физик хоссаси деганда, асосан йўғон-ингичкалиги, чўзилувчанлиги, узунлиги, қаттиқлиги, ранги, ялтироқлиги, эгилув-чанлиги ва мустаҳкамлиги тушунилади.*

*Жуннинг йўғон-ингичкалиги* кўз билан чамалаб ски микроскоп-да аниқланади. У қанча ингичка бўлса, шунча сифатли ҳисобла-нади. Бу соҳада СССРда жуннинг сифатига кўра 13 класс ишлаб чиқилган. Ҳар бир класс талабига маълум йўғонликдаги жун то-лалари мансуб бўлади. Улар асосан: 80, 70, 64, 60, 58 ва ҳоказо-ларга бўлинади. Бунда асосан 453,6 г (англия фунти) жундан 512 м узунликда бўлган неча ғалтак жун ип олиниши изарда тутилган.

Жун толаларининг йўғон-ингичкалиги бир қанча факторларга боғлиқ бўлади, улар қўйлар зоти, уларни боқиши шароити, ёши ва танасининг топографик бўлимларидир.

*Жуннинг узунлиги* ҳар хил зот қўйларда турлича бўлади. Ма-салан, майин жунли қўйларда 5—10 см, ярим майнн жунли қўй-ларда 12—40 см атрофида. Узунлиги 4—6 см бўлган жун кигиз ва пийма тайёрлаш учун ишлатилади, жуда узун жундан газлама тайёрланади.

*Жуннинг мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги ва қайшиоқлиги*

унинг узилиш ҳолати қай даражада бўлишини аниқлашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва маҳсус аппарат (динамометр)лар ёр-дамида аниқланади.

*Жуннинг ранги* ҳар хил бўлади. Масалап, дағал жун оқ, қора, сариқ, кул ранг бўлса, майип ва ярим майин жун асосан оқ бў-лади.

*Жуннинг ялтироқлиги* унинг муҳим хусусиятларидан бири ҳи-собланади ва ундан тайёрланган кийим-кечаклар ялтироқ бўли-шини таъминлайди.

*Жукнинг намлиги* унинг таркибида оз ёки кўп нам бўлишига боғлиқ. Умуман, стандарт нормативи бўйича, дағал жуннинг нам-лиги 15% ва ювиб тозаланган майин жуннинг намлиги 17% бўли-шига йўл қўйилади.

*Жун чиқими* унинг тозалик даражасига боғлиқ бўлади. Жун қирқилган вақтда унинг таркибида ёғ-тер бирикмасидан ташқари, чанг, ўсимлик парчалари, озиқ бўлаклари ва ҳоказолар қанча кўп бўлса, жун чиқими шунча оз бўлади ва аксинча. Қўйлардан қнр-қиб олинадиган жун миқдори уларнинг маҳсулот йўналишига кўра турлича бўлади. Масалан, .майин жунли қўйларда

30—40%, ярим майин жунли қўйларда 50—65% ва дағал жупли қўйларда 55—80% гача бўлиши аниқланган.

Мўйна (қоракўл). Мўйна асосан қоракўл, сокольский ва реше-тилов зот цўйларнинг янги туғилган қўзиларидан олинади. Чунки уларнинг мўйнаси гулдор, жингалак ва ялтироқ бўлади. Майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг болаларидан олинган мўйнали тери лямка, дағал жунли қўйларда мерлушика деб ата-лади.

Қоракўл терининг сифати мўйна жун қатламининг шакли, гули, жингалаги, ялтироқлиги, ранги, гулининг зичлиги каби кўрсаткич-ларга боғлик бўлади. Қоракўл тери гулининг шаклига кўра; қа-ламигул, ловиягул, гажак, ҳалқасимон, спиралсимон (пармагул) бўлиши мумкин. Шунингдек, айrim ҳолларда гулининг шакли бу-зилган ва ҳеч қандай шаклга эга бўлмаган ҳолда учрайди, бундай тери сифатсиз хисобланади.

Қаламигул типдаги жингалаклар сифатли хисобланади ва уч группага (калта, ўртача ва узун) бўлинади. Агар узунлиги 2 см гача бўлса, қаламигуллар калта, 2 см дан 4 см гача бўлса, ўрта-ча, 4 см дан ортиқ бўлса узун хисобланади. Узун қаламигуллар гоқори баҳоланади.

Ловиягул типдаги жингалаклар ҳам сифатли хисобланади, улар ловия донини эслатади. Узунлиги 12—15 мм ва упдан ортиқ бўлиши мумкин.

Гажак шаклидаги жингалаклар унча скфатли эмас, теридан чиқсан жунлар қарама-қарши томонга ажралиб, туташ бўлмаган гул ҳосил қиласи.

Нўқатгуллар талабга номувофиқ хисобланаби, уни ташкил этувчи Жун тўпламларининг учларн тугунсимон ёки нўхат шаклида жип-галаклашган бўлади (А. А. Рахимов, 1967).

Ҳалқасимон ва спиралсимон жингалаклар сифатсиз гул хисобланади ва бундай гулли тери сифатли деб баҳоланади. Шунинг-дек, баъзан тери юзасида шаклсиз гуллар ҳам учраб туради.

Қоракўл тери жунининг ўсиқлик даражасига кўра уч хил бў-лади: 1) қоракўлча— ҳали туғилмаган (таксминан 4, 5 ойлик) қўзи териси бўлиб, у жуда қиммат баҳоланади; 2) ^оракўл-қора-кулча — туғилишига 5—10 кун қолган қўзилар териси бўлиб, у ҳам анча сифатли бўлади; 3) қоракул— нормал ривожланиб туғилган қўзилар терисидир. Қоракўл тери орасида баъзан жуни анча ўсиқ бўлган турлари учрайди ёки туғилгандан сўнг бир неча кун ёки ҳафта ичида жуни ўсиб кетади. Бундай тери ёқабоп дейи-лади ва арzon баҳоланади.

Қоракўл тери ҳар хил рангда бўлади. Кўпроқ қора (араби— 90%), баъзан кул ранг (шерози), жигар ранг (қамбар) ва камроқ сур тери бўлади. Сур ва кул ранг тери чиройли ва ноёб бўлади, бинобарин, унга талаб катта. Кул ранг тери мўйнаси оқ ва қора жунининг миқдори ва узунлигига кўра тўқ кул ранг, ўртача кул ранг ва оч кул ранг бўлиши мумкин.

Кўй тери. Бундай тери 5—7 ойлик ва ундан катта ёшдаги қўй-лардан олипади ва асосан уч группага бўлинади: 1) пўстинбоп тери дағал ва ярим дағал жунли қўйлардан олинади. Бундай тери асосан романов зот қўйлардан етиширилади ва жунининг ўсиқ-лиги 2,5 см атрофинда бўлади. Айниқса 6—8 ойлик қўзилардан сифатли тери олинади; 2) мўйнабоп тери майин жунли ва

яrim майин жунли қўйлардан олинади. Бундай териининг энг сифатлиси цигай зот қўзилардан етиштирилади ва у «цигейка» иоми билан аталади. Улар жупининг узунлиги 1 см атрофида бўлади; 3) *йи-рик тери* катта ешдаги барча қўйлардан олинади. Бундай тери баъзан пойабзал тери деб аталади. Улардан саноат эҳтиёжлари учун ф'ойдаланилади.

**Гўшт.** Қўйларнинг гўшти зоти, ёши, жинси, ориқ-семизлигига, боқиш шароитига ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Гўштнинг си-фати унинг химиявий таркиби, умумий гўшт чиқими, ундаги ёғ ва суяқ нисбати, парҳезлик хусусияти ва сорт қисмларипинг микдори билаи аниқланади.

Нимталапмаган қўй ғўштининг вазни ҳар хил зотларда турли-ча бўлади ва кўпинча катта ёшли қўйларда у ўртacha 18—30 кг атрофида, лекин ҳисор ва линкольн каби зотларда 80—90 кг гача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Қўзиларнинг нимталанма-ган гўшти 10—15—20 кг атрофида бўлади.

Қўйларнинг гўшт чиқими уларниг ориқ-семизлигига ва зотига боғлиқ. Масалан, яхши семиртирилган майин жунли қўйларда бу қўрсаткич 50% атрофида бўлса, ориқ қўйларда 38—40% ва гўшт-ёғ учун боқиладиган қўйларда 60—65% бўлиши аниқланган.

Кузатишлардан маълум бўлишича, 6—8 ойлик қўзиларни гўштга боқиш кўпгииа иқтисодий самара беради. Қўй гўштининг сифати ва химиявий таркиби уни боқиш усулига ва ориқ-семиз-лигига боғлиқ (20-жадвал).

Сут. Қўй сути химиявий таркибига кўра сигир ва бошқа чорва моллари сутидан фарқ қиласди. Унинг таркибида 67% ёғ, 5,8% оқсил, 4,6% сут қанди ва 0,8% минерал элементлар бўлади. Қўй-лар 100—150 кун атрофида соғилади ва 125—150 кг, айrim ҳол-ларда 200—300 кг ва ундан кўп-роқ сут соғиб олинади.

Урта Осиё республикаларида, жумладан, Узбекистон хўжалик-ларида боласи тери учун жўна-тилган қоракўл қўйлар ўртacha 3 ой, баъзан 4 ойгача соғилади ва ҳар бир совлиқдан суткасига ўртacha 300—730 г, баъзан ундан кўпроқ сут соғиб олинади. Қўйлар, қўзилари билан бирга бўлса улар соғилмайди. Шунингдек, наслдор совлиқлар, ориқ, биринчи ва кўп туқкан мари совлиқлар ҳам соғилмайди. Қўзиси бўлмаган мари қўйлар эрталаб ва кечкурун соғилади. Қўйлар асосан қўлда соғилади.

СССРда қўйлар асосан Қути Кавказ, Урта Осиё, Молдавия, Доғистон АССРдаги районларда соғилади ва иттифоқимиз бўйи-ча йилига 100 минг тонна атрофида қўй сути етиштирилади.

## ҚЎЙ ЗОТЛРИ

**Майин жунли қўй зотлари.** Майин жунли қўйлар жуда узоқ тарихга эга бўлиб, эрамиздан 1000 йиллар аввал Кичик Осиё ва Грузиянинг ғарбий районларида боқилганлиги, кейинчалик Гре-ция, Италия ва Шимолий Африкада кенг таркалганлиги маълум. Уларни *меринос қўйлар* деб аташган.

СССРда майин жунли қўйлар асосап Шимолий Кавказиинг дашт районларида, Ставрополь ва Красподар ўлкаларида, Гроз-ний ва Ростов

областларида, шунингдек, Сибирь, Қозоғистонда ва Урта Осиё республикаларидан Қирғизистонда қўпайтирилади.

Сўнгги вақтда академик А. Н. Николаев тавсиясига кўра, қўй зотларини уч хил йўналиш ёки группага бўлиш маъқулланган.

1. *Майнин жунли сержун қўйлар* — совет мериноси, ставрополь, грознен ва ҳоказо зотлар.

2. *Майнин жунли сержун-гўштдор қўйлар* — аскания, кавказ ва олтой зотлари.

3. *Майнин жунли гўштдор-сержун ӯйлар* — прекос, архармери-нос ва майнин жунли қозоки қўй зотлари киради.

Майнин жунли сержун цўйлар. Бу қўйлар бақувват бўлиб, сув-сиз чўл яйловларида яшашга мослашган. Асосий маҳсулоти жун. Жуни қалин ва ўsicк, ёғ-тери яхши ифодаланган. Ҳар килограмм вазни хисобига 50—60 г тоза жун олинади.

Майнин жунли сержун қўйлар бир қанча маҳсус зотлардан ибо-рат бўлиб, уларнинг кўп тарқалгани: совет мериноси, ставрополь, грознен зотлари хисобланади.

*Совет мериноси* СССРда кенг тарқалган майнин жунли қўй зоти хисобланади ва бундай гулли тери сифатли деб баҳоланади. Шунинг-дек, баъзан тери юзасида шаклсиз гуллар ҳам учраб туради.

Қоракўл тери жунининг ўсиқлик даражасига кўра уч хил бў-лади: 1) қоракўлча — ҳали туғилмаган (тажминан 4, 5 ойлик) қўзи териси бўлиб, у жуда қиммат баҳоланади; 2) ӯракўл-қора-кулча — туғилишига 5—10 кун қолган қўзилар териси бўлиб, у ҳам анча сифатли бўлади; 3) қоракул — нормал ривожланиб туғилган қўзилар терисидир. Қоракўл тери орасида баъзан жуни анча ўсиқ бўлган турлари учрайди ёки туғилгандан сўнг бир неча кун ёки хафта ичida жуни ўсиб кетади. Бундай тери ёқабоп дейи-лади ва арzon баҳоланади.

Қоракўл тери ҳар хил рангда бўлади. Кўпроқ қора (араби— 90%), баъзан кул ранг (шерози), жигар ранг (қамбар) ва камроқ сур тери бўлади. Сур ва кул ранг тери чиройли ва ноёб бўлади, бинобарин, унга талаб катта. Кул ранг тери мўйнаси оқ ва қора жунининг микдори ва узунлигига кўра тўқ кул ранг, ўртача кул ранг ва оч кул ранг бўлиши мумкин.

Қўй тери. Бундай тери 5—7 ойлик ва ундан катта ёшдаги қўй-лардан олипади ва асосан уч группага бўлинади: 1) *пўстинбоп* тери дағал ва яrim дағал жунли қўйлардан олинади. Бундай тери асосан романов зот қўйлардан етиштирилади ва жунининг ўсиқ-лиги 2,5 см атрофида бўлади. Айниқса 6—8 ойлик қўзилардан сифатли тери олинади; 2) *мўйнабоп* тери майнин жунли ва яrim майнин жунли қўйлардан олинади. Бундай терининг энг сифатлиси цигай зот қўзилардан етиштирилади ва у «цигейка» иоми билан аталади. Улар жупининг узунлиги 1 см атрофида бўлади; 3) *йи-рик* тери катта ешдаги барча қўйлардан олинади. Бундай тери баъзан пойабзал тери деб аталади. Улардан саноат эҳтиёжлари учун ф'ойдаланилади.

**Гўшт.** Қўйларнинг гўшти зоти, ёши, жинси, ориқ-семизлигига, боқиши шароитига ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Гўштнинг си-фати унинг

химиявий таркиби, умумий гўшт чиқими, ундаги ёғ ва суяқ нисбати, парҳезлик хусусияти ва сорт қисмларипинг микдори билаи аниқланади.

Нимталапмаган қўй ғўштининг вазни ҳар хил зотларда турли-ча бўлади ва кўпинча катта ёшли қўйларда у ўртacha 18—30 кг атрофида, лекин ҳисор ва линкольн каби зотларда 80—90 кг гача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Кўзиларнинг нимталанма-ган гўшти 10—15—20 кг атрофида бўлади.

Кўйларининг гўшт чиқими уларниpg ориқ-семизлигига ва зотига боғлик. Масалан, яхши семиртирилган майин жунли қўйларда бу кўрсаткич 50% атрофида бўлса, ориқ қўйларда 38—40% ва гўшт-ёғ учун боқиладиган қўйларда 60—65% бўлиши аниқланган.

Кузатишлардап маълум бўлишича, 6—8 ойлик қўзиларни гўштга боқиши кўпгииа иқтисодий самара беради. Кўй гўштининг сифати ва химиявий таркиби уни боқиши усулига ва ориқ-семиз-лигига боғлик (20-жадвал).

Сут. Кўй сути химиявий таркибига кўра сигир ва бошқа чорва моллари сутидан фарқ қиласди. Унинг таркибида 67% ёғ, 5,8% оқсили, 4,6% сут қанди ва 0,8% минерал элементлар бўлади. Кўй-лар 100—150 кун атрофида соғилади ва 125—150 кг, айрим ҳол-ларда 200—300 кг ва ундан кўп-роқ сут соғиб олинади.

Урта Осиё республикаларида, жумладан, Узбекистон хўжаликларида боласи тери учун жўна-тилган қоракўл қўйлар ўртacha 3 ой, баъзан 4 ойгача соғилади ва ҳар бир совликдан суткасига ўртacha 300—730 г, баъзан унданкўпроқ сут соғиб олинади. Кўйлар, қўзилари билан бирга бўлса улар соғилмайди. Шунингдек, наслдор совликлар, ориқ, биринчи ва кўп туқкан мари совликлар ҳам соғилмайди. Кўзиси бўлмаган мари қўйлар эрталаб ва кечқурун соғилади. Кўйлар асосан қўлда соғилади.

СССРда қўйлар асосан Қуёи Кавказ, Урта Осиё, Молдавия, Догистон АССРдаги районларда соғилади ва иттифоқимиз бўйи-ча йилига 100 минг тонна атрофида қўй сути етиштирилади.

## ҚЎЙ ЗОТЛАРИ

**Майин жунли қўй зотлари.** Майин жунли қўйлар жуда узоқ тарихга эга бўлиб, эрамиздан 1000 йиллар аввал Кичик Осиё ва Грузиянинг ғарбий районларидан боқилганлиги, кейинчалик Гре-ция, Италия ва Шимолий Африкада кент таркалганлиги маълум. Уларни *меринос қўйлар* деб аташган.

СССРда майин жунли қўйлар асосап Шимолий Кавказининг дашт районларидан, Ставрополь ва Краснодар ўлкаларида, Грозний ва Ростов областларидан, шунингдек, Сибирь, Қозоғистонда ва Ўрта Осиё республикаларидан Қирғизистонда кўпайтирилади.

Сўнгги вақтда академик А. Н. Николаев тавсиясига кўра, қўй зотларини уч хил йўналиш ёки группага бўлиш маъқулланган.

1. *Майин жунли сержун қўйлар* — совет мериноси, ставрополь, грознен ва ҳоказо зотлар.

2. *Майин жунли сержун-гўштдор қўйлар* — аскания, кавказ ва олтой зотлари.

*3. Майин жунли гўштдор-сержун қўйлар* — прекос, архармери-нос ва майин жунли қозоқи қўй зотлари киради.

Майин жунли сержун цўйлар. Бу қўйлар бақувват бўлиб, сув-сиз чўл яйловларида яшашга мослашган. Асосий маҳсулоти жун. Жуни қалин ва ўсиқ, ёғ-тери яхши ифодаланган. Ҳар килограмм вазни хисобига 50—60 г тоза жун олинади.

Майин жунли сержун қўйлар бир қанча маҳсус зотлардап ибо-рат бўлиб, уларнинг кўп тарқалгани: совет мериноси, ставрополь, грознен зотлари хисобланади.

*Совет мериноси* СССРда кенг тарқалган майин жунли қўй зоти хисобланади. Бу зот Шимолий Кавказ ва Украинада хонаки мазаев ва новокавказ меринос қўйларини Америкадан келтирилган рамбулье зоти билан чатиштириш натижасида чиқарилган. Кейинчалик бу зотнинг жун маҳсулдорлигини янада ошириш мақсадида яна бир қанча (аскания, кавказ, ставрополь, грознен, олтой) зотлар билан чатиштириш ишлари давом эттирилган.

Хозирги вақтда совет мериноси икки типдан иборат: сержун-гўштдор ва сержун қўйлар. Сержун-гўштдор қўйлар асосан Шимолий Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Шимолий Қозоғистонда кенг тарқалган. Сержун типдаги қўйлар кўпроқ Қалмоқ АССРда, Астрахань, Волгоград областларида, шунингдек, Ростов области ва Ставрополь ўлкасининг қурғоқчилигидаги районларида кўпайтирилади

Совет меринос қўйларидан сифатли жун олинади. Кўчкорла-ридалар ўртача 10—12 кг, совлиқларидан 5—6 кг атрофида жун қир-қиб олинади. Жуннинг узуплиги сержун-гўштдор типида 7—8,5 см, сержун типида 8—10 см ва 64—70 сифат талабига жавоб беради. Жун чиқими 36—40%.

Кўчкорларнинг шохи яхши ривожланган, совлиқларидан шох бўлмайди. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—130 та қўзи олинади, баъзан бу кўрсаткич 150 та гача етиши аниқланган. Кўчкорлари-нинг тирик вазни 75—85 кг, совлиқлариники 45—55 кг (баъзан 60 кг), гўшт чиқими гўштдор-сержун типида 45—48% ин ташкил этади.

*Кавказ зоти.* Ставрополь ўлкасидаги «Большевик» наслчилик заводида чиқарилган. Зотнинг чиқарилнишида асосан новокавказ зотишишг энг юқори кўрсаткичга эга бўлганларини танлаш хамда саралаш натижасида ва қисман аскания ва америка рамбулье зот қўчкорлари билан чатиштириш ишлари олиб борилган. Кавказ зоти совлиқларининг тирик вазни ўртача 46—55 кг, кўчкорлари-ники 90—100 кг келади. «Большевик» совхозидаги совлиқлар 65—70 кг, кўчкорлар 115—125 кг тош босади. Кўчкорлардан 10—11 кг, совлиқлардан 6—6,5 кг жун қирқиб олинади. Жуни сифа-тига кўра, 64 даражага тўғри келади. Узунлиги 7—8 см, жун чиқими 40—42%. Ҳар 100 бош совлиқдан 130—140 та қўзи олинади. Кавказ зоти асосан Ставрополь ўлкасида, Ростов обlastida, Қуйи Поволжье, Сибирда ва Қозоғистоннинг айrim районларида кўпайтирилади.

*Олтой зоти.* Бу зот Олтой ўлкасидаги «Овцевод» (собиқ «Руб-цовский») наслчилик заводида ва «Страна Советов» номли наслчилик хўжалигида

чиқарылған. Бунда асосан Олтой қўйларининг чидамлилик хусусиятини яхшилаш ва жунини кўпайтириш мақса-дида уларни америка рамбулье зоти ва Сибирнинг айрим хўжа-ликларида дағал жунли қўйларни меринос қўчкорлари билан қо-чириш ишлари олиб борилган. Бунда олинган дурагайларнинг жу-ни калта, вазни кичик ва экстеръери қўпол бўлган. Шунинг учун мавжуд совлиқларни австралия мериноси ва Кавказ сержун гўшт-дор қўчкори билан қочириш ишлари олиб борилган. Дурагайлар вазни, конституцияси, жунининг ўсиқлиги ва зичлигига кўра тан-лзнган. Шу тариқа олтой зоти вужудга келган. Бу зот Сибирь шароитига яхши мослашган, жун билан яхши қопланган, гўшт-дорлик кўрсаткичи ҳам анчагина юқори бўлган. Қўчкорларининг тирик вазни 90—110 кг бўлиб, 9—10 кг жун олинади. Совлиқлари-нинг тирик вазни 50—60 кг, жуни 5—6 кг, жуннинг узунлиги 7—8 см ва 64 сифат даражасига жавоб беради. Жун чиқими 40—42%. Ҳар 100 бош совлиқдан 120—130 та ва ҳатто 160 тагача қўзи оли-нади. Бу зот асосан Сибирь, Урал, Шимолий Қозоғистон районла-рида кўпроқ тарқалган ва СССР даги миқдори жиҳатидан бешин-чи ўринда туради.

**Майнин жунли гўштдор сержун қўйлар.** Бу йўналишдаги қўй зотларипинг тез етилувчанлик ва гўштдорлик хусусиятларн яхши ривожланган. Ҳар килограмм тирик вазнига ўртacha 30—36 г жун тўғри келади. Улар сувсиз районларда боқиш учун унча яроқли эмас ҳамда ем-хашибакни танлаб ейди. Шунга қарамасдан, бу қўй-лар миқдорига кўра СССРда тўртинчи ўринда туради.

*Козоки архар-меринос зоти.* Бу зот тоғ шароитида яшашга мослашган дупёда ягона зот ҳисобланади. Зот яратилишида ёввойи холда тоғда яшайдиган архар қўчкорлари билан хонаки майнин жунли совликлар қочирилган. Бу иш Қозоғистон Фанлар Академияси олимлари томонидан олиб борилган ва зот сифатида 1950 йили тасдиқлаиган.

Зот вакиллари жуда чидамли, тоғ қияликларида ҳам бемалол юра олади ва яйловдан яхши фойдаланишга мослашган. Қўчкор-ларининг тирик вазни 100—110 кг, совлиқларники 60—65 кг кела-ди. Жун мицдори қўчкорларида 7—8 кг, совлиқларида 3,5—4,5 кг. Жуннинг узунлиги 7—8 см. Сифати 64—70 даражага тўғри кела-ди. Жун чиқими 50—55%. Ҳар 100 бош совлиқдан 130—140 та қўзн олинади. Бу зот асосан Шарқий Қозоғистон ва Олмаота области ва районларида кўпайтирилади.

СССРда майнин жунли гўштдор-сержун қўйларининг яна қўп зотлари тарқалган. Улар асосан: қозоқи майнин жунли зоти, қирғи-зистои майнин жунли зоти, забайкалье, вятский, красноярск зотла-ри ҳамда серёғ думли грузин майнин жунли, доғистон тоғ зоти ва қўплаб зот группалари шулар жумласидандир.

Ярим майнин жунли қўй зотлари. Ярим майнин жунли қўй зотла-ри оралиқ жун типидаги бир хил жун олинадиган қўй ҳисобланади. Улар асосан чет мамлакатларда кўпроқ боқилади. Кейинги йилларда СССР да ҳам кўпайтиришга аҳамият берила бошланди.

Хозирги вактда совет ме-риноси икки типдан иборат: сержун-гўштдор ва сержун қўйлар. Сержун-гўштдор қўйлар асо-сан Шимолий Кавказ, Ғарбий

Сибирь ва Шимолий Қозоғистонда кенг тарқалған. Сержун типдаги қўйлар кўпроқ Қалмоқ АССРда, Астрахань, Волгоград областларида, шунингдек, Ростов области ва Ставрополь ўлкасининг қурғоқчил районларида кўпайтирилади

Совет меринос қўйларидан сифатли жун олинади. Қўчқорла-ридал ўртача 10—12 кг, совлиқларидан 5—6 кг атрофида жун қир-қиб олинади. Жуннинг узуплиги сержун-гўштдор типида 7—8,5 см, сержун типида 8—10 см ва 64—70 сифат талабига жавоб беради. Жун чиқими 36—40%.

Қўчқорларнинг шохи яхши ривожланган, совлиқларида шоҳ бўлмайди. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—130 та қўзи олинади, баъзан бу кўрсаткич 150 та гача етиши аниқланган. Қўчқорлари-нинг тирик вазни 75—85 кг, совлиқлариники 45—55 кг (баъзан 60 кг), гўшт чиқими гўштдор-сержун типида 45—48% ни ташкил этади.

*Кавказ зоти.* Ставрополь ўлкасидаги «Большевик» наслчилик заводида чиқарилган. Зотнинг чиқарилншида асосан новокавказ зотишшг энг юқори кўрсаткичга эга бўлганларини танлаш хамда саралаш натижасида ва қисман аскания ва америка рамбулье зот қўчкорлари билан чатишириш ишлари олиб борилган. Кавказ зоти совлиқлариниң тирик вазни ўртача 46—55 кг, қўчкорлари-ники 90—100 кг келади. «Большевик» совхозидаги совлиқлар 65—70 кг, қўчкорлар 115—125 кг тош босади. Қўчкорлардан 10—11 кг, совлиқлардан 6—6,5 кг жун қирқиб олинади. Жуни сифа-тига кўра, 64 даражага тўғри келади. Узунлиги 7—8 см, жун чиқими 40—42%. Ҳар 100 бош совлиқдан 130—140 та қўзи олинади. Кавказ зоти асосан Ставрополь ўлкасида, Ростов обlastida, Қуйи Поволжье, Сибирда ва Қозоғистоннинг айrim районларида кўпайтирилади.

*Олтой зоти.* Бу зот Олтой ўлкасидаги «Овцевод» (собиқ «Руб-цовский») наслчилик заводида ва «Страна Советов» номли наслчилик хўжалигида чиқарилган. Бунда асосан Олтой қўйларининг чидамлилик хусусиятини яхшилаш ва жунини кўпайтириш мақса-дида уларни америка рамбулье зоти ва Сибирнинг айrim хўжа-ликларида дағал жунли қўйларни меринос қўчкорлари билан қо-чириш ишлари олиб борилган. Бунда олинган дурагайларнинг жу-ни калта, вазни кичик ва экстеръери қўпол бўлган. Шунинг учун мавжуд совлиқларни австралия мериноси ва Кавказ сержун гўшт-дор қўчкори билан қочириш ишлари олиб борилган. Дурагайлар вазни, конституцияси, жунининг ўсиқлиги ва зичлигига кўра тан-лзнган. Шу тариқа олтой зоти вужудга келган. Бу зот Сибирь шароитига яхши мослашган, жун билан яхши қопланган, гўшт-дорлик кўрсаткичи ҳам анчагина юқори бўлган. Қўчкорларининг тирик вазни 90—110 кг бўлиб, 9—10 кг жун олинади. Совлиқлари-нинг тирик вазни 50—60 кг, жуни 5—6 кг, жуннинг узунлиги 7—8 см ва 64 сифат даражасига жавоб беради. Жун чиқими 40—42%. Ҳар 100 бош совлиқдан 120—130 та ва ҳатто 160 тагача қўзи олинади. Бу зот асосан Сибирь, Урал, Шимолий Қозоғистон районла-рида кўпроқ тарқалған ва СССР даги микдори жиҳатидан бешинчи ўринда туради.

Майин жунли гўштдор сержун цўйлар. Бу йўналишдаги кўй зотларипинг тез етилувчанлик ва гўштдорлик хусусиятларн яхши ривожланган. Ҳар

килограмм тирик вазнига ўртача 30—36 г жун түгри келади. Улар сувсиз райопларда бокиши учун унча яроқли эмас ҳамда ем-хашакни танлаб ейди. Шунга қарамасдан, бу қўйлар миқдорига қўра СССРда тўртинчи ўринда туради.

**Цигай зоти.** Бу зот Қичик Осиёда ва Грекияда чиқарилган ва Россияга ўтган асрнинг бошида Болкон мамлакатлари орқали келтирилган. Бу зот қўйлар қурғоқчил районларда яшашга ва яйловдан яхши фойдаланишга мослашган. Кўчкорлари бурама шохли, тирик вазни 80—90 кг, совликлари шохсиз, вазни 45—55 кг келади. Кўчкорларидан 5—6 кг, совликларидан 3,5—4 кг жун олинади. Жун чиқими 55—60%, 45—46 сифат даражасига тўғри келади. Ҳар 100 бош совлиқдан 120—130 та қўзи олинади. Мўйнаси қимматли ҳисобланади ва аёллар учун «цигайка» деб аталадиган пўстин тикилади. Совликлари қўзилагач, 30—40 кг атрофида сут беради. Гўшт чиқими 55% ни ташкил этади. Бу зот асосан Молда-вия, Крим, Жанубий Украина, Ростов, Саратов, Краснодар ва Қозогистон районларида кўпайтирилади.

**Яrim майнин жунли гўштдор-сержун қўй зотлари.** Бу йўналишдаги зотлар асосан Англияда чиқарилган ва икки группани: узун жунли ва калта жунли қўй зотларини ташкил қиласди. СССРда кўпайтириладиган узун жунли қўй зотлари: линкольн, ромни-марш, куйбишев, шимолий кавказ зоти ҳисоблапади. Калта жунли қўй зотларидан: шропшир, горький, латвия қора бошли, литва тим-қора бошли зотлар мисол бўлади.

**Линкольн зоти.** Бундан 200 йил аввал Англиянинг Линкольн графлигига дағал жунли гўштдор совликларни узун жунли лейс-тер зот қўчкорлардан қочириш натижасида вужудга келтирилган. Бу зот вакиллари йирик вазнига кўра дунёда энг биринчи катор-дан жой олган. Кўчкорларипинг тирик вазни 120—160 кг, совлиқ-лариники 80—90 кг, ҳатто 120 кг келади. Англияда бўлиб ўтган кўргазмада вазни 300 кг келадиган қўчкор намойиш этилган. Кўчкорларидан 8—10 кг, совликларидан 5—6 кг жун олинади. Жуни-нинг узунлиги 25—30 см, ҳатто 40 см гача етади, ипаксимон ялти-роқ бўлади. Жун чиқими 56—65%, 36—44 сифат даражасига тўғри келади. СССРда бу зот асосан Воронеж, Қалинин, Москва, Горький областларида ва РСФСР райопларида кўпроқ тарқалган.

**Гемпшир зоти.** Бу зот ўтгаи асриинг бошида Англияда чиқа-рилган. Зот вакилларининг юзи, цулоғи ва оёқлари қора жун би-лан қопланган, тапаси оқ рангда бўлади. Жунининг узунлиги 6—10 см, сифати 56—58 даражага тўғри келади. Кўчкорларидан 5—6 кг, совликларидан 3—4 кг жун олинади. Жун чиқими 50—60%. Кўзилари тез семиради ва 4 ойлик бўлганида вазни 25 кг га етади. Кўчкорларииинг тприк вазни 100—120 кг, совлиқлариники 65—85 кг, ҳар 100 бош совлиқдан 100—115 та қўзи олинади. СССРда горький ва литва зотларини яратишда гемпшир зоти қўчкорларидан фойдаланилган.

Яrim дағал жунли қўй зотлари. СССРда яrim дағал жунли қўй зотларидан асосан иккитаси: саражса ва тожик зоти кўпайтирилади.

**Саражса зоти.** Бу зот думбали қўйлар группасига киради. У Туркманистанда танлаш ва саралаш натижасида чиқарилган. Жуни ҳар хил

(тивит, оралиқ ва дағал) толалардан иборат. Бунда дағал толалар унча күп эмас (6—9%) ва дағаллиги күпинча сезилмай-ди. Улик жун деярли йўқ даражада. Шунинг учун бундай жун гилам тўқиши учун фойдаланилади. Бу зотнинг дағал ва оралиқ жун толалари 17 см, тивити 8 см, оқ рангда бўлади. Қўчқорлари-дан 4—7 кг, совлиқларидан 3,5—4 кг жун олинади. Қўчқорлари-нинг тирик вазни 70—80 кг, совлиқлариники 55—60 кг атрофида бўлади.

*Тожик зоти.* Бу зот Тожикистон олимлари ва чорвадорлари то монидан чиқарилган, вакиллари сержун ва гўштдорлиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Жуни гилам саноати учун жуда яхши хомашё хисобланади, Маҳсулот кўрсаткичи саражга зотига яқин. Бу зот асосан Тожикистонда ва Узбекистоннинг айрим тоғ-ли районларида, жумладан, Оҳангарон зонасида кўпайтирилади. Узбекистон чорвачилик илмий текшириш институтида бу зотни Узбекистон қўйлари билан чатиштириш ишлари олиб борилмоқда.

Дағал жунли қўй зотлари. Дағал жунли қўйларнинг жуни бир хил бўлмай, унинг таркибида дағал толалар кўп бўлади. Лекин саноат учун дағал жун ҳам зарур хомашё хисобланади. Дағал жунли қўйларнинг жуни уларнинг асосий маҳсулоти хисоблан-майди.

СССРда дағал жунли қўйларнинг энг аҳамиятлilari уч хил йўналишда: 1) мўйнабоп қўйлар; 2) пўстинбоп қўйлар; 3) гўшт-дор-серсф қўйлар кўпайтирилади.


*Мўйнабоп қўйлар.* Мўйнабоп қўйларнинг асосий маҳсулоти уларниг юзисидап олинадиган ранг-баранг мўйна (тери) хисобланади. Колган маҳсулоти (гўшти, ёғи, жуни ва ҳоказолар) иккинчи даражали аҳамиятга эга. Қоракўл, сокольский ва решетилов зотлари асосий зот хисобланади.

*Қўракўл қўйлар.* Бу қўйлар мўйна олинадиган энт муҳим, бутун дунёга машҳур хисобланади. Туркманистонда олиб борилган археологик кузатишлардан маълум бўлишича, эрамиздан 1500 йил аввал ҳам жуни жингалак бўлган қўйлар боқилганлиги аниқланган.


XVII асрда қоракўл қўйлар ҳозирги Бухоро облати территорииясида жуда кўплаб боқилган. Улар узун серёғ думли қўнлар группасига мансуб бўлган, сувсизликка ва чўл шароитига чидамли. Бинобарин, бундай қўйлар асосан чўл зоналарида боқилади ва чўлда оқар сувлар бўлмаганлигин учун асосан турли чуқурликдаги қудуқлардан сув олиб сугорилади.

Қоракўл қўйларнинг боши бир оз чўзиқ, қулоқлари осилиб ту-радиган, қўчқорлари шохли, совлиқлари шохсиз бўлади. Жунининг узунлиги 8—9 см. Баҳорги ва кузги жун қирқимида ҳар гал ўртacha 2,3—4 кг дан жуп олинади. Қўчқорларининг тирик вазни 65—80 кг, совлиқлариники 45—50 кг атрофида. Ҳар 100 совлиқдан 105—120 та қўзи олинади. Қўзилари сўйиш учун топширилган совлиқлардан ўртacha 30—50 кг атрофида сут соғиб олинади. Қора-қўл қўйлар асосан мустаҳкам, қўпол ва нозик конституцияга эга.

Қоракўл қўйлар 90% нинг териси қора бўлса (8—9-расмлар).



*8- расм.* Танасининг барча қисмида ги жингалаклар гули аъло даражада ривожланган, мустаҳкам конститу-цияли, ўртача йирик гулли, лекин терисининг сифати яхши, ўртача йирик гулли, I класс, пишиқ конституцияли жакет тип.




*9- расм.* Орқа оёқларидаги жингалаклар гули ўртача, боши, олдинги оёқлари ва қорнида бу гуллар сийраклашган жакет тип, I класс қоракўл қўзи.

8—10% да кул ранг ва сур ҳамда бошқа рангли бўлади. Сур тери-лар анча юқори баҳоланади, улар жунининг учки қисми очрок бўлса, пастки қисми тўқ рангда бўлади. Ҳозирги вақтда қоракўлчилик асосан Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда яхши ривожланган, Қозоғистонда яйловлар кўплиги туфайли кейинги йилларда жанубий районларда бу соҳа жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Қозоғистонда қоракўл қўйларниң янги зот ва навларини яратиш, мавжуд зотларини яхшилаш мақсадида кўп-гина ишлар амалга оширилмоқда.

**Гўштдор-серёғ зот қўйлар.** Бу зот қўйлар анчагина йирик, мустаҳкам тузилишга эга, йирик думбали, асосан яйловларда боқишига мослашган бўлади. Уларнинг жуни дағал, кўп микдорда ўлик ва қуруқ жун толалари учрайди, Шунинг учун ҳам уларнинг жунидан кигиз, намат, шолча кабилар тайёрланади. Бу йўналишга маисуб бўлган асосий зотлар хисор, жайдари, эдильбой қўйлардир.

*Ҳисор зоти.* Ҳисор зоти асосан Тожикистон, Узбекистон ва Қозоғистон республикаларида кўпайтирилади. Бу зот барча гўштдор-серёғ зот қўйлар ичида энг йириги ҳисобланади. Бинобарин, қўч-қорларининг тирик вазни ранг бўлади. Ҳамма вакилида шох бўлмайди. Икки қирқимининг ҳар бирида 1,2—2 кг дан жун олинади. Серпуштлик хусусияти яхши ривожланган. Қўзилари 6 ойлик бўлганида вазни 60—65 кг га етади. Гўшт чиқими 48—56%.



(10- расм).

Гўшти жуда мазали бўлади 100—130 кг, ҳатто 188 кг гача, совлиқлариники 80—90 кг атрофида бўлади. Қўйларнинг танаси узун, кенг, қўкраги чуқур, суяги мустаҳкам, боши катта, бурун қисми бўртиб чикқан, қулоқлари осилган бўлади. Осклари узун ва пи-шиқ, думбаси 20—25 кг, ҳатто 40 кг ва ундан хам кўпроқ келади. Жунининг раиги тўқ сарик, қора ва жигар *10- расм.* Мустаҳ-кам конституция-ли ҳисор зот насл-дор қўчқорнинг умумий кўриниши.

ларида учрайдиган думбали қўйлардир. Ҳозирги вақтда бундай қўйлар Самарқанд ва Жиззах обласн хўжаликларида кўп учрай-ди. Қўчқорларининг тирик вазни 80—90 кг, совлиқлариники 60—70 кг атрофида бўлади. Ҳар бир қирқимда 1,6—2 кг атрофида, айрим ҳолларда 2,5 кг гача жун қирқиб олинади. Гўштининг си-фати яхши ва чиқими ўртacha 50—52% атрофида. Жайдари қўйлар аича чидамли, кўплаб хонадонларда хам бокилади ва кўпайтирилади.

*Эдильбой зоти.* Бу зот XIX асрда Фарбий Қозоғистон террито-риясида чиқарилган. Гўштдорлиги ва серёғлиги жиҳатидан фақат ҳисор қўйларидан кейинда туради. Қўчқорларининг тирик вазни 100—105 кг, совлиқлариники 75 кг, айрим ҳолларда 80 кг гача етади. Энг йирик қўчқорлари 150—160 кг, совлиқлари 115 кг гача бўлишн аниқланган. Қўзилари 4 ойлигига вазни 40—42 кг га ета-ди. Ранги асосан сарик ва қизил, камроқ қора бўлади. Қўчқорларидан 3—3,5 кг (5 кг гача), совлиқларидан 2,3—2,6 кг жун олина-ди. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 та (баъзап 125 тагача) қўзи олинади. Бу зот асосан Фарбий Қозоғистои районларида кўпантси-рилади.

## **ҚҮЙЛАРНИ УРЧИТИШ ВА КҮПАЙТИРИШ**

Кўзилар 5—6 ойлик бўлганда биринчи марта жинсий уйғониши пайдо бўлади, лекин уларни эрта қочириш ижобий натижа бермайди. Бунда уларнинг ривожланиши чекланиб қолади, насли тубанлашади. Кўзилар 4 ойлик бўлганида онасидан ва эркаклари ургочиларидан ажратилиши керак.

Кўчкорлар ва совлиқлар 1,5 ёшлигига урчитишга қўйилса, яхши натижа беради, яъни баҳорда туғилган қўзилар келгуси йилнинг кузида қочирилиши керак. Айрим ҳолларда тез етилувчан қўйларни (гўштдор-сержун йўналишдаги) 9—10 ойлигига, вазни тахминан 45 кг бўлганида қочириш мумкин.

**Совлиқларни қочириш.** Совлиқларни қочиришда уларнинг физиологик ҳолатига алоҳида эътибор берилади. Совлиқларда куюкиш асосан 24 соат, баъзан 48—72 соат давом этади. Агар улар шу вақт ичида қочирилмаса, яна орадан 16—18 кун ўтгач қайта куюкади. Совлиқларда куюкиш мавсумий, кўпинча кузда ёппасига бўлади. Бундан ташқари, ҳаво температурасининг таъсири катта бўлади. Масалан, ҳаво салқин бўлса, совлиқлар август ойининг охирига бориб ёппасига куюкади. Ҳаво иссиқ ёки анча совуқ бўлса, улар кеч куюкади ёки айримларигина вақтида куюкади.

Кўйларни қочириш вақти уларнинг ёппасига куюкишига эмас, балки хўжаликнинг ишлаб чиқариш шароитига ва қайси ойда тўл олиш режасига боғлиқ бўлади. Кўйларнинг бўғозлик даври 5 ой, асосан 152 кун давом этади. Бинобарин, Узбекистоннинг жанубий районларида март ойининг бошлари кўйлар қўзилаши учун энг яхши вақт хисобланса, шимолий районларда март ойининг ўрталари маъқул деб топилган. Шунинг учун жанубий районларда думбали ва қоракўл қўйлар октябрнинг бошларида қочирилса, шимолий районларда октябрнинг ўрталарида қочирилади.

Республикамиздаги айрим хўжаликларда кейинги йилларда қўйларни барвақт (февраль ойида) қўзилатиш усулидан фойдаланилмоқда. Бинобарин, ёш қўзиларни асраш ва боқиши имкони бўлган хўжаликларда бу усул анча ижобий натижа беради. Бунда яйловда ўт-ўлан ўсгунча қўзилар анча тетик ва бакувват бўлиб қолади. Бинобарин, улардан кўпроқ жун ва бошқа маҳсулот олиниши аниқланган.

Совлиқларнинг куюкканлигини ташқи белгиларига қараб аниқлаш анча қийин, шунинг учун уларни қандай усулда қочириш (табиий ёки сунъий)дан қатъи назар, синовчи қўчкорлардан фойдаланилади. Бунда ҳар минг бош совлиқка 10—12 та синовчи қўчкор қўйилади, улар наслчилик аҳамиятига эга бўлмаган, лекин актив вакилларидан танланади ва куюккан совлиқларни танлашда бехато ёрдам беради. Синовчи қўчкорлар куюккан совлиқларни қочириб қўймаслиги учун, уларнинг қорин қисмига фартук боғлаб қўйилади. Куюккан совлиқлар устига қўчкор ирғишидан аниқланади ва уларни қочириш учун маҳсус хоналарга келтирилади. Қочириш кампанияси ўртacha бир ой давом этади. Бу кампания муваффакиятли тугаши билан айрим совлиқлар қисир қолмаслиги учун яна икки ҳафта мобайнида қўчкорлар пода орасига қўйиб юборилади.

**Қочириш усуллари.** Совлиқларни қочиришда икки хил, яъни сунъий ва табиий усулдан фойдаланилади.

Сунъий қочириш (уруғлантириш) прогрессив усул хисобланади ва бунда бир мавсумда ҳар бир қўчқор уруғидан 300—500 та, айрим ҳолларда 5—6 минг совлиқ қочирилади. Бу хўжаликка, биринчидан, катта иқтисодий фойда келтирса (қўчқорларни камайтириш ҳисобига), иккинчидан, ирсий хусусияти ва маҳсулдорлиги юқори бўлган асл қўчқорлардан кўп миқдорда сифатли қўзи етиширилади. Совлиқлар маҳсус сунъий қочириш пунктларида қочирилади. Икки кундан кейин қочирилган совлиқлар подасига яна синовчи қўчқор кўйилади, бинобарин, қайтадан куюккан совлиқлар борлиги аниқланса, уларни қўшимча сунъий қочириш керак. Ҳозирда қўйларнинг деярли 70% шу усулда қочирилади.

Табиий усул яна икки қисмга — эркин ҳолда ва қўлда қочириш усулига бўлинади. Қайси қочириш усулидан фойдаланнш хўжа-ликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишига, наслчилик ишла-рига ва ҳоказоларга боғлиқ.

**Эркин ҳолда қочириши.** Бу усул баъзан подада қочириш деб аталади. Бунда подадаги ҳар 20—25 бош совлиқ учун битта қўчқор режалаштирилган ҳолда 40—45 кун мобайнида улар бирга қўшиб юборилади. Бунда қайси совлиқ қайси қўчқордан қочганлиги ва туғилган қўзиларнинг отаси кимлиги номаълум бўлади. Бундан ташқари, совлиқларни қочириш учун кўп қўчқор талаб этилади. Шунинг учун бу усулдан кам фойдаланилади.

**Қўлда қочириши.** Бунда куюккан совлиқлар, сунъий усулдаги каби, синовчи қўчқорлар ёрдамида танланади ва маҳсус жойда уларни қочириш учун ажратилган наслдор қўчқор кўйилади ва маҳсус журналга унинг номери, лақаби, қочирилган куни ва ҳоказолар ёзиб борилади. Бу усулни қўллаган вақтда ҳар бир қўзиининг отаси маълум ва қачон туғилиши мумкинлиги аввалдан аниқ бўлади. Шу усулда бир мавсумда битта қўчқор 90—100 та совлиқни қочириши мумкин.

**Эгизак қўзиларни қўпайтириш.** Табиий шароитда кўпроқ эгизак қўзи олиш учун совлиқлар семиз ва соғлом бўлиши катта аҳамиятга эга. Лекин айрим хўжаликларда бўғоз бияларнинг қон зардоби (СЖК)ни совлиқ танасига эмлаш йўли билан сунъий равишда улар серпуштлигини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Чунки СЖК таркибидаги гормон совлиқ жинсий безлари фаолиятини оширади ва қўшимча тухум ҳужайралар ажратиб чиқаради, улар уруғлангач, яна қўшимча муртак (эмбрион) вужудга келади. Бу усулни академик М. М. Завадовский яратган. Лекин наслчилик хўжаликларида СЖК дан фойдаланиш тақиқланади. Чупки эгизаклар сони (3—4—5 гача) қўпайиб кетиши билан, улар майда, нимжон ва айрим ҳолларда сифатсиз бўлиб туғилади. Чунки она органнзми бир вақтнинг ўзида бачадонида ривожланаётган бир нечта қўзини озиқ билан тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун СЖК ни маҳсус рухсат билан асосан товар хўжаликларда ва совлиқлар семиз ҳамда соғлом бўлгандагина ишлатиш мумкин.

**Кўйларни қўзилатиш ва уларни боқиши.** Хўжаликнинг барча шароитига кўра, қўйлар қишида ва эрта баҳорда қўзилайди. Бундан қатъи

назар, бўғоз совлиқлар ориқлаб кетишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда юқори кўрсаткичларга эришиб бўлмайди.

**Қишки қўзилатиш** январь-февраль ойларига тўғри келади. Бунинг учун совлиқлар сентябрь ва октябрь ойларида қочирилади. Бунда совлиқларнинг серпуштлиги 20—25% га ортиши аниқланган. Қишида туғилган қўзилар кузга бориб анча йирик бўлади, улардан олинадиган гўшт ва жун миқдори баҳорда туғилган қўзиларникига нисбатан кўпроқ бўлади.

**Баҳорги қўзилатиш** усули иссиқ қўйхона ва қўзихоналари бўлмаган, ем-хашаги етарли бўлмаган хўжаликларда қўлланади. Бунда қўзиларнинг туғилиши куннинг илиши ва яйловларда ўт ўсиб чиқпшига тўғри келади. Лекин қўзилар яйловда 1,5—2 ой бўлиб, ўсимликлардан энг яхши фойдаланиш вақти келганда, ўт қурий бошлайди ва қовжираб кетади, бунинг иатижасида улар секин ўсиб ривожланади.

**Қўйларни боқиши.** Қўйлар зотига, маҳсулот йўналишига ва боқиладиган район ва зоналарнинг табиий шароитига кўра турли усулда боқилади. Қўйлар бошқа чорва молларига қараганда яйловлардан яхши фойдаланади, бинобарин, Узбекистон шароитида табиий ўтзорда боқилади. Бунда яйловларнинг ҳосилдорлиги ва қўйлар учун турли хилдаги сифатли ўтлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Думбали ва сержун қўйлар қоракўл қўйларга қараганда бошқачароқ боқилади. Масалан, улар асосан республикамизнинг шарқий қисмида, кўпроқ тоғ этакларига жойлашган яйловларда боқилса, қоракўл қўйлар ғарбий районларда, асосан, чўл (саҳро) ва чала чўл зоналарда боқилади ва асралади.

**Думбали ва сержун қўйларни боқиши.** Бу қўйлар ёзда тоғ яйловларида, баҳорда тоғ этакларидаги эфемерлар ўсадиган ўтлоқларда боқилади. Уларни боқишида секин-аста участкадан-участкага олиб ўтилади. Ёзниг иссиқ кунлари бу қўйларга маҳсус шароит яратилиши керак, чунки улар қоракўл қўйларга қараганда иссиқка ва сувсизликка чидамсиз бўлади.

Кузда қўйлар тоғдан тоғ этакларига, аҳоли яшайдиган зоналар яқинига ҳайдаб келинади ва шу ердаги бегона ўтлар ва ҳосили йиғиштириб олинган экинзорларда боқилади. Қиши ойлари улар қисман бўлса-да, ўти сақланиб колган тоғ этакларидаги яйловларда боқилади. Яйлов ҳосилдорлиги паст бўлган вақтда уларга қўлда қўшимча озиқ берилади. Думбали қўйлар айrim ҳолларда думбасидаги запас ёғдан ҳам фойдаланиши мумкин, бино-барин, баҳорга бориб уларнинг думбаси анча кичрайиб қолади.

Лскин сержун қўйларда бундай хусусият бўлмайди, бинобарин, улар оч қолиши ёки тўйиб озиқланмаслиги натижасида тез ориқлаб кетади, жунининг сифати ва миқдори пасайиб кетади. Шунинг учун уларни етарли миқдорда пичан, хашак ва ем, имкони бўлган хўжаликларда сенаж ва силос билан таъминлаб туриш керак.

Қўйлар қиши ойларида қўйхоналарда ва маҳсус ажратилган қўтон-лагерларда боқилади.

**Қоракўл қўйларни боқиши.** Қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда боқилади. Фақат калин қор ва кучли ёмғир ёққанда қўйхоналар-да сақланиши мумкин. Қоракўл қўйлар учун қиши ва ёз ойлари қисман ноқулай

ҳисобланади, чунки бу вақтда яйловдан фойдаланиш анча қийинлашади. Лекин баҳор ва куз ойлари бирмунча қулай. Чунки баҳорда ўт кўп ва серсув бўлса, куз ойларида ёғингарчилик туфайли қовжираб ётган ўтлар анча юмшайди ва қўйларнинг озиқланиши учун қулай даражада бўлади. Бундан ташқари, ўтларнинг дони (уруги) етилади ва тўйимлилиги ортади. Қўйларнинг яхши семириши учун уларга истаганича ош тузи берилади ва ҳар куни сугориб турилади. ёз кунлари суткасига икки марта сугориш керак. Лекин қиши кунлари, ерда қор бўлганида, уларни кунора сугориш керак. Қишининг қорли кунларида қўйларни баланд бўйли ўтлар бўлган яйловларда боқиши талаб этилади, чунки майда, паст бўйли ўтлар қор остида қолиб кетади ва баланд ўтлар қўйлар учун озиқ ҳисобланади. Бунда айниқса уруғли шувоқ, уруғли янтоқ, саксовул (кум сахролар шароитида), шўрак ва бошқаларнинг бўлиши қўйларнинг яхши семиришини таъминлайди. Лекин шунга қарамасдан, қиши ойларида қўйларга етарли микдорда ем, пичан ва турли хилдаги хашиб бераб туриш керак. Бундай тадбирлар март ойи бошлангунча, то ердан етарли микдорда кўк майса ўсиб чиққунича давом эттирилади. Подадаги ориқлаб, заифлашиб кетган қўйларга қўшимча ем ва пичан бераб борилади.

Ёз ва эрта куз ойлари қўйларни кундузги иссиқдан сақлаш мақсадида эрталаб, кечкурун ва кечаси ўтлатиш тавсия этилади. Кундузи сершабада жойларда дам олдирилади. Лекин бу усуллардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир зона ва районнинг табиий шароити ҳисобга олиниши лозим.

**Қўйларни озиқлантириш.** Қўйлардан олинадиган барча маҳсулот турларининг микдори ва сифати уларни озиқлантириш тадбирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Бўғоз** совлиқларни озиқлантиришда уларга бериладиган ем-хашибакнинг сифати ва тўйимлилиги уларнинг серпуштлигини оширишга, семизлик холатини сақлашга ва маҳсулдорлиги камайиб кетмаслигига қаратилган бўлиши лозим. Жун фолликулалари эмбрион З ойлигига вужудга кела бошлишини ҳисобга олган ҳолда бўғоз совлиқларга бериладиган рацион кучайтирилиши керак. Акс ҳолда қўзичоқлар нимжон, сийрак жунли ва майда бўлиб туғилади.

Кўй эмбриони дастлабки бир ой ичидаги жуда суст ривожланади ва атиги 0,8 г га тўғри келади. Орадан 90 кун ўтгач у 90 г, 120 кунлигига 290 г ва туғилиши арафасида 4700 г келади. Бинобарин, вазнининг 3/4 қисми бўғозлик даврининг сўнгги учинчи даврига тўғри келади. Шунинг учун совлиқлар бўғозлик даврининг иккинчи ярмига ўтиши билан ем-хашибакка бўлган талаби анча ортади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда уларнинг озиқ моддаларга бўлган талаби ва бўғозлик даври, вазни ва маҳсулотига кўра рацион нормалари белгиланади.

Агар яйлов ҳосилдорлиги юқори бўлса, қўйларга қўлдан қўшимча озиқ бериш талаб этилмайди, лекин бунда фақат минерал қўшимчалар бериш билан чекланилади. Қиши ойларида қўйлар қўлда боқилса, рационининг 20—25% пичан, 10% сомон, 30—50% сенаж ва силос ҳамда 15—20% ем озиқлардан ташкил топган бўлиши керак. Лекин имкони борича бўғоз

совликларга сенаж ва силосни камроқ бериш, улар ўрнига ем ва пичанни күпайтириш маъқул ҳисобланади. Чунки у овқат ҳазм қилиш органларига баъзан салбий таъсир этиши мумкин.

Эмизикли совликларни озиқлантиришда уларнинг озиқ моддаларга бўлган катта талабини ҳисобга олиш керак. 1 кг сут ҳосл бўлиши учун рационда қўшимча 1 кг қуруқ модда бўлиши керак. Қўзилар эмадиган даврда жадал ўсади ва ривожланади. Бинобарин, совликларнинг сут маҳсулоти қанча кўп бўлса, қўзилар шунча жадал ўсиб семиради. Эмизикли совликларни озиқлантиришда уларнинг маҳсулот йўналиши, вазни, қўзиларининг сони ва физиологик ҳолати диққат марказида бўлиши талаб этилади. Ҳар хил дағал ва серсув озиқлар билан бир қаторда суткасига 300—500 г дан ем бериш керак. Пичан ўртача 30—40%, сенаж ва силос 20—25% атрофида бўлиши мумкин.

Қўзиларни озиқлантиришда, уларнинг жинси, ёши ва маҳсулот йўналиши ҳисобга олинади. Масалан, икки ҳафталик қўзиларга ўртача 30—50 г дан, 4 ойга етганда 250—400 г дан ем берилади. 2—3 ҳафталигидан улар серсув озиқ, илдизмева ва пичан ейишга ўргатилади. Бунда дон озиқлар ёрма ҳолда бўлиши керак. Илдизмевалар тўғраб берилади. Рационга қўшимча равишда бўр, суюк уни, ош тузи бериш лозим. Бунда ҳар 1 кг вазни ҳисобига 25—30 г дан минерал қўшимчалар етарлидир.

Совликлардан ажратиб олинган қўзилар группа-группа қилиб яйловда ёки лагерда атрофи ўралган маҳсус қўраларда боқиласди. Уларга қўшимча ем бериш маҳсулдорлигини ошириш имконини беради. Қўзилар кўп хўжаликларда кеч кузгача яйловда боқиласди. Лекин кечаси музлаган ва купдузи эриган ўт билан боқиш ярамайди. Чунки бундай ўт ошқозон фаолиятини бузади ва қўзи-лар ичкетар касаллигига учрайди. Лагерь шароитида қўтонларда боқилганда уларга суткасига 150—200 г ем, сифатли беда пичани, силос ва сенаж бериш керак. Тоза илиқ сув билан суғориш лозим.

Қўйларни лагерда озиқлантириш. Бунда қўйхоналар ёнида кенғ, атрофи ўралган, улар яйраши учун мослаштирилган маҳсус майдонлар ажратилади. Улар ҳамма вақт очиқ ҳавода бўлиши соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади, иштаҳаси кучаяди. Майдон ичida 5 м узунликдаги қўзғалувчан охурлардан фойдаланиш мум-кни. Лекин кучли қор ва ёмғир ёққанда қўйлар хоналарда озиқ-лантириллади. Суткасига икки марта ем-хашак бериш етарли. Сув ҳам суткасига икки марта берилади.

## ҚЎЙЛАРНИ СЕМИРТИРИШ

Қўйлар икки хил усулда: яйловда ва қўлда боқиб сэмитириллади.

Қўйларни яйловда боқиш ва сэмитириш энг арzon ва кенғ тар-қалган усул ҳисобланади. Бунда уларнинг вазни 25—40% гача ортади, гўшт-ёғининг сифати яхшиланади. Ёшига кўра брак қилинган қорақўл қўйлар, насл учун яроқсиз қўчкорлар ва асосан думбали эркак қўзилар гўштга боқиш учун ажратилади ва ёши, жинси, физиологик ҳолатига қараб пода ташкил қилинади.

Агар брак қилинга қўйлар эрта баҳордан бошлаб яйловда яратиб боқилса, улар яхши семиради ва қўлдан бериладиган қў-шимча ем-хашакка эҳтиёжи бўлманди. Лекин гўшт учун семирти-рилаётган даврда уларни кунига узоқ масофага ҳаракат қилдирниш яраманди. Чунки бу уларнинг семиришига салбий таъснр кўрса-тади.

Кўйлар яйловда боқилганда уларга вақт-вақтида ош тузи ва минсрал қўшимчалар бериб туриш семиришини жадаллаштиради. Думбали қўйларни яйловда сифатли боқиш кўп микдорда гўшт ва ёғ етиштириш имконини беради.

Кўлда боқиш маҳсулот таннархининг бир оз қимматлашиб ке-тишига сабаб бўлишн билан бирга, қўйлар қисқа вақт нчидан яхши ссмиради. Бунда қўйлар олинадиган маҳсулотидан қатън назар, ориқ-ссмизлиги, ёши ва жинсига кўра 60—90 кун атрофида боқилади. Суткалик семириши 100—120 г бўлшипи таъминланади. Бу-нинг учун улар асосан кучли ва тўйимлилнги юқори бўлган озиқ-лар (омихта ем, шрот, қунжара, шулха ва сифатли бсда пичани) бериб боқилади. Бу усулда боқилган қўйлар қисқа вақт ичидан тез семиради.

Кўйларни бўрдоқига боқиш яхши ташкил этнлган илғор хўжа-ликларда уларнинг суткалик семиришинн 250—280 г га оширишга эришилмоқда ва кўплаб сифатли қўй гўшти етказиб бериш бо-расида улар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Жун қирқими қўйчиликда энг масъулиятли ишлардан бири хи-собланади. Чунки жуннинг сифати ва микдори маълум даражада уни усталик билан қирқиб олишга боғлиқ. Кўнларнинг жуни маҳ-сулот йўналишига кўра йилига бир ёки икки марта қирқнб олинади. Масалан, майин ва ярим майин жунли қўйларнинг жуни бир марта, дағал ва ярим дағал жунли қўйларнинг жунн иккн марта қирқилади.

Кўйлар жуни илгарилари асосан қўлда олинар эди, ҳозирги вақтда машинкада олинади.

Узбекистонда қўйлар жунн баҳорда апрель ойида, кузда сен-тябрь ва октябрь ойларида қирқилади. Бунда об-ҳаво шароитини ҳисобга олиш ксрак.

## **ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ҚЎЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ**

Яқин вақтгача қўйчилик маҳсулотлари асосан табиий яйлов-лардан фойдаланиш ҳисобига етиштирилар эдн. Бунда ҳар бир отар 600—1200 бошдан иборат бўлиб, унга 3—4 кишидан ташкил топган чўпонлар бригадаси қарап эди. Бу қўйчиликнинг экстенсив усули бўлиб, меҳнат унумдорлиги паст, ем-хашак базаси тубан, барча ишлар асосан қўлда бажарилар, чўпонларга қулай шарт-шароит яратиш қийин эди.

Кўйчиликда янги технологиянинг жорний этилнши, унинг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чика-ришни жадал усулда олиб бориш имконини берди, Бунда ем-хашак базасини бойитиш, қўйчилик фермаларини марказлаштириш ва концентрациялаш, механизациядан максимал даражада фойдаланиш учун шароит яратилди.

Хозирги вақтда СССРда механизациялаштирилган юзлаб йи-рик қўйчилик комплекслари ташкил этилган. Уларда қўйларнинг маҳсулот йўналиши (майнн жунли, гўштдор-пўстинбоп, қоракўл тери, мўйна етиштириш ва ҳоказолар)га кўра маҳсус шарт-шароит яратилган бўлиб, хизматчилар қўл меҳнатинн тежаш, қиёқа вақт ичида қўп миқдорда съфатли ва арzon маҳсулот етиштириш асосий вазифа ҳисобланади.

Майнин жунли қўйчиликда ҳар бир фермада 5000 бошдан ибо-рат совлиқ бўлади, улар сунъий усулда қочирилади. Улардап 6 та отар- ташкил этилади. Куюккан совликлар ҳар 3—4 кунда ажра-тиб олиб қочирилгач, бир отарга тўпланди. Бир отарда 1050— 1100 совлиқ бўлиши мумкин. Орадан 2—4 кун ўтгач, иккинчи отар ташкил этилади. Орадан икки ҳафта ўтгач совликлар иккинчи марта қочирилади, шу тариқа 3—4-отар ҳам ташкил этилади, Фермада қ&йлар қиши ойида цўзилаши учун барча шароит яра-тилган. Қўзилаши яқинлашган бўғоз совликлар 12—13 тадан қи-либ маълум катакларда асралади. Қўйлар қўзилаши даврида ва қўзилар 3 ҳафталик бўлгунча уларни бир отарга тўплаб, 9 кпши уч сменада хизмат қиласди. Қўйлар беда пичани, суяқ уни, ош тузи ва сув билан тўла таъминланади. Уларга етарли миқдорда донадор ва брикет озиқлар ҳамда минерал қўшимчалар берилади. Донадор ва брикет озиқлар таркибида ўт ва сомон уни, ем, оқсил ва вита-минларга бой бўлган қўшимчалар етарли бўлгани ҳолда, маҳсус рецепт асосида тайёрланади ва бу озиқлар қўй охурларига озиқ тарқатувчи механизмлар ёрдамида, транспортёrlар воситасида берилади. Шунингдек, сугориш, гўнг чиқариш ишлари ҳам меҳа-низациялаштирилган.

Умуман, қўйчиликнинг бошқа йўналишларида ҳам янги техно логия асосида маҳсулот етиштириш ва уни интенсив усулда олиб бориш ишлари тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Са-марқанд обlastinинг Қаттақўргон шаҳрида брак қилинган совликлар учун барпо этилган, қоракўлча етиштирувчи механизация-лаштирилган йирик қўйчилик комплекси республикамизда ягона ҳисобланади. Яқин йиллар ичида бундай комплекслар сонини яна-да қўпайтириш планлаштирилган.

### Эчкичилик

Эчкичилик ҳам чорвачиликнинг бир тармоғи ҳисобланади ва халқ хўжалиги учун қимматли тивит, гўшт, тери ва сут маҳсулоти етиштириллади. Эчкилардан олинадиган тивит нозиклиги (диаметри 14—20 микрон), майнинлиги, енгил ва пишиқлиги ҳамда чидам-лилиги билан бошқа турдаги ҳайвонлар тивитидан устун туради.

Бундай тивит асосан ангор зот ва совет сержун эчкиларидан оли-нади. Улар тивитининг узунлиги 9—12 см, айрим ҳолларда 20— 25 см га етади. Улардан қимматбаҳо рўмол, трикотаж кийимлар, гилам ва ҳоказолар тайёрланади. Эчки терисидан камар, ҳар хил галантерея анжомлари ва оёқ, кийим тайёрланади. 1,5—3 ҳафталик эчки болаларининг мўйнасидан ҳар хпл бош кийим тикилади.

Эчкиларнинг сути ҳам севиб истеъмол қилинади. Сути таркибида 87,2% сув ва 12,8% қурук моддалар бўлади. Жумладан, 2,8% казеин, 0,5% альбумин, 4,5% ёғ, 4,2% сут шакари ва 0,8% минерал моддалар бўлади.

Сутининг солиштирма оғирлиги 1,033 га тенг. Унинг таркибида фосфор ва кальций ҳам кўп бўлади. Эчки сути айниқса ёш болалар ва ошқозони касал кишилар учун шифобахш ичимлик ҳисобланади.

Эчки гўшти сифатига кўра қўй гўштига яқин турди, тўйимли-лигига кўра унга тенг келади. Гўштга боқилган эчкилар 20—28 кг гўшт ва 4—6 кг ёғ қилади. Ахта қилинган такаларнинг гўшт чи-қими 50—55% бўлади, Эчки шохидан турли безак буюмлари, туёғидан елим тайёрланади.

Сўнгги статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 377 млн эчки боқилади. Шундан 52% Осиё мамлакатлари-да, 30% Африкада ва қолганн Европада, Америка, Ҳиндистон ва Хитойда боқилади. 1980 йилда СССРда 6 млн га яқин эчки боқилиши аниъ<sup>н</sup>ланган. Уларнинг 50% РСФСР областларида, 28% Урта Осиё республикаларида ва Қозоғистондадир.

Эчкининг сертивит зоти катта ахамиятга эга. Бу зот асосан Волгоград, Оренбург, Ростов областларида, Бошқирдистонда, Бурятия, Қирғизистон, Қозоғистонда, Воронеж, Пенза, Челябинск, Чита ва Иркутск областларида ривожлантирилади.

Махсулот йўналиши. Эчкплар асосий маҳсулотига кўра: ссрсут, сержун, сертивит ва дағал жунли қўш маҳсулдор бўлади. Серсут эчки зотлари (горький, магрель ва рус зоти) СССРда кенг тарқалган. Улар бир лактация давомида ёғлилиги 3,5—4% ли 450—550 кг, айrim рскордчилари 1000 кг гача сут беради.

Дағал жунли сержун эчкилар такасининг тирик вазни 55—60 кг атрофида бўлади ва 2—2,5 кг жун қирқиб олинади. Ургочи-ларининг вазни 35—45 кг ва жун миқдори 1—1,5 кг атрофида бўлади. Улар ташқи муҳит шароитига анча чидамли бўлади.

Сержун (ангур, сержун **совет зоти**) ва сертивит (**придонский**, оренбург) эчкилар Иттифоқимизнинг кўплаб зоналарида боқила-ди. Сержун эчкилар Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистонда ва Узбекистоннинг Поп районида кўпайтиридади. Бу ерларда асосан ангур зот эчкилар боқилиб, уларнинг такалари 56 кг вазнга эга, йилига 32 см узунликдаги 6 кг жун қирқиб олинса, урғочилари 32 кг вазнли, улардан 32 см узунликдаги 3 кг жун олинади.

Узбекистоннинг бир қанча районларида республика чорвачи-лик илмий-текшириш институти олимлари томонидан ангур эчкиларни жайдари эчкилар билан чатиштириш ишларн олиб борилмоқда.

Сертивит эчкилар кўпроқ Дон ҳавзаси ва Оренбург области хўжаликларида боқилади. Ҳар бир эчкидан эрта баҳорда 400—600 г тнвит тараб олинади. Сертивит эчкиларни республика ша-роитида кўпайтириш ва жайдари эчкилар билан қочириш ишлари олиб борилмоқда.

Эчкиларнинг серпуштлиги зотига кўра турлича. Умуман, ўрта-ча ҳар 100 бош ургочисига 145—150 та улоқ тўғри келади.

Ҳозирги вақтда эчки асосан меҳнаткашларнинг якка хўжалик-ларида уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун боқилади ва бу кўрсаткич қарийб 80% ни ташкил этади.

Республикамизнинг барча зоналарнда ва айниқса тоғ ва тоғ яқинидаги хўжаликларда эчкичиликнн ташкил этиш ва жадал усусларда

ривожлантириш катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Яқин йиллар ичида бундай муҳим тадбирларни амалга ошириш масалалари республика ташкилотлари ва олимлари томонидан планлаштирилган.

### **VIII боб. ЧЎЧҚАЧИЛИК ЧЎЧҚАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Чўчқачилик муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга. Чўчқалар бошқа қишлоқ хўжалик хайвонларига кўра тез етиладиган бўла-ди. Масалан, урғочилари 8—10 ойлигига қочади ва 114 кун (баъзан 110—130 кун)да 10—15 та бола туғади. Улардан йилига икки марта бола олиш мумкин ва бунда ҳар бир урғочи чўчқа 30 тагача ва ундан кўпроқ бола беради. Чўчқа болаларини 8—10 ой боқиб, ҳар биридан 65—125 кг ва ундан кўпроқ гўшт етиштириш мум-кин.

Чўчқа гўшти бир қанча афзалликларга эга. Масалан, унинг калорияси юқори бўлиб, узоқ вакл- сақланганда ҳам сифати ва мазасини йўқотмаслиги аниқланган.

Чўчқалар ҳар хил озиқ-овқат чиқиндилари ва қолдиқларини бемалол истеъмол қиласверадиган ҳайвон. Бинобарин, тез семира-ди ва семириш бирлигн учун, (яъни 1 кг семиришига) кам (3,5— 4,5 озиқ бирлиги) озиқ сарфлайди. Бу борада чўчқалар барча чорва моллари ва паррандалар ичида (бройлер жўжаларни ҳисобга олмагандан) биринчи ўринда туради. Шундай қилиб, ҳалқимиз-ни сифатли гўшт ва сғ билан таъминлашда чўчқачилик чорвачи-ликнинг етакчи тармоғи ҳисоблангани ҳолда, жуда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга.

### **ЧЎЧҚАЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ**

Чўчқалар ўзига хос бир қанча биологик хусусиятларга эга бўлиши билан бошқа турдаги ҳайвонлардан фарқ қиласди. Масалан, уларнинг серпуштлиги муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Урғочи чўчқалар тухумдонида бир вақтнинг ўзида 45—50 та тухум етилади ва улар ҳар 20—21 кунда қайтадан куюқади.

Куюқкан чўчқалар икки марта қочирилади. Биринчи марта куюқканидан кейин 15—20 соат вақт ўтказиб ва иккинчи марта биринчи қочирилганидан 12—14 соат ўтгач қочириш яхши натижа беради.

Урғочи чўчқаларнинг семизлиги нормал ҳолда бўлиши улар серпуштлигини ошириш имконини беради. Агар улар ҳаддан ташқари семиз ёки ориқ бўлса, кам ва нимжон бола беради. Чўчқалар биринчи марта 9—10 ойлигига қочирилади, бунда уларнинг ўртacha тирик вазни 130 кг бўлиши керак. Эркак чўчқалар 11 —12 ойлигидан бошлаб қочириш ишларида фойдаланилади ва бунда уларнинг тирик вазни ўртacha 150 кг бўлиши керак.

Хўжаликларда эркак ва урғочи чўчқалардан асосан 4—5 йид мобайнида фойдаланилади. Чунки улардан узоқ фойдаланиш иқ-тисодий жихатдан унча фойдали бўлмайди.

Чўчқалар тез етилувчанлигига кўра 5—6 ойлигига вазни 100 кг га етади ва суткасига ўртача 500—600 г дан семиради. 1 кг семи-риши учун 4—5 озиқ бирлиги, айrim холларда 3,5 озиқ бирлиги сарфланади.

Чўчқаларнинг муҳим биологик хусусиятларидан бири, улар-нинг турли хил иқлим шароитига тез мослаша олишидир. Бундан ташқари, озиқ танламаслиги ва жадал семириш хусусияти бу тар-моқни ҳамма жойда ривожлантириш ва катта даромад олиш им-конини беради.

Чўчқачиликнинг асосий йўналишлари. Чўчқачиликнинг маҳсу-лот йўналишига кўра асосан уч типи ёки хўжалик классификация-си қабул қилинган: ёғ йўналиши, гўшт (бекон) йўналиши ва гўшт-ёғ йўналиши.

Ёғ йўналишидаги чўчқаларнинг гавдаси бочкасимон, кенг ва йўғон, боши кичикроқ, бўйни йўғон ва кенг, елка қисмига бирла-шиб кетгани унча сезилмайдиган бўлади. Оёқлари калта ва йўғон, сон қисми семиз, териси қа;шн, туклари унча дағал эмас, танаси-нинг узунлиги қўкрак айланаси кўрсаткичидан 10—20 см ортиқ бўлади. Бу йўналишга асосан йирик оқ зот, украина оқ чўл зоти ва миргород зоти мисол бўлади. Бу зот вакилларииинг асосий маҳ-сулоти ёғ хисобланади. Гўшти анча кам (45% гача) бўлади.


Гўшт йўналиши. Бу йўналиш баъзан бекон чўчк, ачилиги деб аталади. Бунда чўчаларнинг асосий кўрсаткичи юқоридагининг акси ҳисобланади, яъни танаси узун ва ингичкалашган (танасининг узунлиги қўкрак айланасидан 10—20 см орти<sup>^</sup>) боши ўртача катталиқда, бўйни унча йўғон ва кенг эмас, оёқлари узун ва ингич-ка, гўштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланган, териси силлиқ, туклари унча дағал эмас, лекин зич жойлашган бўлади. Асосий зотлари ландрас, эстон беконбоп чўчқаси ва гўшт йўналишига мослаштирилган йирик оқ зот ва украина оқ чўл зотининг айrim линиялари хисобланади. Уларнинг асосий маҳсулотини гўшт таш-кил қиласи, ёғи жуда кам бўлади.

Гўшт-ёғ йўналиши. Бу нўналишга мансуб чўчқаларнинг асосий кўрсаткичлари ва хусусиятлари юқорида айтиб ўтилган типлар оралиғида бўлади. Бинобарин, улардан деярли тенг миқдорда гўшт ва ёғ олинади. Асосий зотлари Шимолий Кавказ, йирик оқ ва ук-раина оқ зотининг маълум линияларидир.

## ЧЎЧҚА ЗОТЛАРИ

Мамлакатимизда 14 та чўчқа зоти ва 20 дан ортиқ зот группаси яратилган. Қуйида бу зотларнинг кенг тарқалган айrim вакиллари билан танишамиз.

**Йирик оқ зот.** Бу зот Англияда XIX асрда чиқарилган. Бунда маҳаллий узунқулоқ чўчқалар хитой ва роман зотлари билан чатиштирилган. Олинган дурагайлардан биринчи янги зот вужудга келган. Ранги оқ. Эркаклариннинг вазни 250—300 кг, урғочилари-ники 220—235 кг. Яхши семиртирилган болалари 6—7 ойлигига 90—100 кг тош босади. Ҳар гал 11 —12 тадан туғади. Бу зот Итти-фокимизнинг деярли ҳамма зона ва районларида кенг тарқалган.




11-расм. Украина оқ чўл чўчқа зотининг эркаги.

Украина оқ чўл зоти. Бу зот академик М. Ф. Иванов томонидан Украянанинг махаллий чўчқасини йирик оқ зот билан чатишти-риш натижасида чиқарилган. Ранги оқ. Еғ-гўшт, ёғ ва беконга боқилади (11-расм). Эркакларининг тирик вазни 250—300 кг, ур-1 ғочилариники 235 кг. Яхши боқилганда болалари 7—8 ойлигига 95—100 кг вазнга эга бўлади. Ҳар гал 11—12 тадан туғади. Бу зот асосан жанубий областларда ва Урта Осиё республикаларида боқилади.

Миргород зоти. Бу зот Полтава облатининг Миргород райо-нида махаллий қора, ола чўчқаларни йирик оқ, беркшир, тем-вор ва польша-хитой зотлари иштирокида чатиштириш ишлари олиб бориш натижасида чиқарилган. Ранги қора-ола (12-расм). Ёғ учун боқилади. Эркакларининг тирик вазни 230—250 кг, урғо-чилариники 200—230 кг. Бошқа хусусиятлари украина оқ чўл зотиникига ўхшаш бўлади.

**Шимолий Сибирь зоти.** Бу зот Новосибирск облас-тида чиқарилган ва ўлка шароитига яхши мослашти-рилган, Зот чиқариш про-цесснда Сибирнинг махал-лин чўчқалари йирик оқ зот билан чатиштирилган. Ранги оқ. Ёғ учун боқилади.



12-расм. Миргород зотининг урғочисн.

Эркакларининг тирик вазни 260—300 кг, урғочилариники 200—235 кг. Танасини қалин тук (45-% тивит) қоплаб олган. Бу тук уларни қишида совуқдан, ёзда чивин чақишидан сақлайди.

**Брейтов зоти.** Бу зот Ярославль областида Европа узунқулоқ чүчқаларини йирик оқ ва англня зоти билан чатиштириш натижасида чиқарилган. Ранги оқ, ёғ учун боқилади. Эркакларининг ти-рик вазни 250—300 кг, урғочиларнники 220—235 кг. Бошқа кўрсаткичлари украина оқ зотиникига ўхшаш. Бу чўчқалар асосан РСФСР нинг Марказий ноқоратупроқ районларида боқилади.

**Ливен зоти.** Бу зот Орёл областида маҳаллий чўчқаларни йи-рик оқ, ўртача вазни оқ ва беркшир зотлари билан чатиштириш натижасида чиқарилган. Ранги оқ, шалпангқулоқ, ёғ учун боқи-лади. Эркакларининг тирик вазни 250—300 кг, урғочиларнники 220—235 кг, яхши семиртирилган болалари 6—7 ойлигига 90—100 кг тош босади. РСФСР нинг Марказий зонасида кенг тарқал-ган. Еғининг қалинлиги 14—16 см га етади.

**Уржум зоти.** Бу зот Киров областида маҳаллий чўчқаларни йирик оқ зот билан чатиштириш натижасида чиқарилган. Гўшт-ёғ учун бокилади. Ранги оқ. Эркакларининг тирик вазни 300 кг ва ундан ҳам оғир. Урғочиларнники 230—260 кг. Болалари 6—7 ой-лигига 90—100 кг келади. Ҳар гал 11 тадан ва ундан кўпроқ бола туғади. Асосан Қиров ва Пермъ областларида ва РСФСРнинг Марказий ноқоратупроқ зонасида боқилади.

**Ландрас зоти.** Бу универсал зот. XX аср бошида Данияда чиқарилган бўлиб, ҳар хил шароитга тез мослашади, тез семиради. Гўшт чиқими гоқори. Ҳар гал 12—14 та бола туғади. Бу зот СССР нинг барча зоналарида тарқалган. Эркакларининг тирик вазни 300—330 кг, урғочиларнники 220—235 кг.

Юқорида танишиб ўтилган зотлардан ташқари, СССРда яна шимолий кавказ, цивиль, подольский, новочеркасс, алабузин, эсто-ния узунқулоқ, кемерово ва бошқа зот чўчқалар ҳам боқилади.

### ЧУЧҚАЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Наслчилик хўжаликларида эркак ва урғочи чўчқалар келиб чиқиши ва ирсий хусусиятларига ҳамда конституцияси, экстерье-ри, маҳсулдорлиги ва ривожланиш даражаснга кўра селекцион группаларга ажратилади. Айрим хўжаликларда урғочиларидан иккита группа ташкил қилинади. Масалан, болаларининг барча ижобий хусусиятлари мавжуд бўлган ва насл учун қолдириш фой-дали ҳисобланганлари бир группага (марказий насл) ва бунинг учун яроқсизлари иккнинчи группага (саноат ёки ишлаб чиқариш группасига) ажратилади.

Товар хўжаликларида ҳам наслчилик ишларига аҳамият бериш лозим. Бунда икки зот наслдор эркак (қочиравчи) чўчқа ва бошқа зот урғочиларининг бўлиши ва саноат асосида урғочиларин қо-чириш иқтисодий самара беради. Эркак чўчқалар уруғи (спермаси)ни ойига бир марта сифат жиҳатидан текшириб туриш тавсия этилади. Қочирнш ишлари хўжалик шароитига кўра, сунъий ёки табиий усулда олиб борилади.

Чўчқаларни тартибсиз ҳолда, яқин қариндошларни урчишиш кўп зарар келтиради. Бунда наслиинг сифати пасаяди, болалари нимжон, касалманд ва айрим ҳолларда ўлик туғилади. Биноба-рин, ҳар бир ферма

вақт-вақти билан ўзидаги эркак чўчқаларни бошқа [кўши] хўжалик чўчқалари билан алмашлаб туриши керак.

Бонитировка ишлари чўчқачиликда ҳар йили август-сентябрь ойларида ўтказилади. Бунда наслчилик хўжаликларида барча чўч-қалар бир меъёрда бонитировка қилинса, товар хўжаликларида асосан наслдор йирик эркак ва урғочи чўчқалар бонитировка қилинади. Бонитировка натижалари комиссия томонидан маҳсус журналларга ёзиб борилади.

Чўчқаларни урчиши. Урғочи чўчқаларни ўз вақтида наслдор эркак чўчқалар билан чатиштириш улардан кўп ва соғлом бола олишда муҳим аҳамиятга эга.

Чўчқа болалари беш ойлигидан бошлаб жинсий уйғонади. Шунга кўра, уларнинг эркакларини 4 ойлигига урғочиларидан ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Чўчқалар 9—10 ойлигига (агар вазни 120—130 кг дан кам бўл-маса еки катта ёшли урғочилари вазнининг 60—65% дан кам бўлмаса) жуфтлаштирила бошланади. Масалан, баҳор ойларида ту-филган чўчқа болаларини декабрь-январь ойларида қочириш мумкин бўлади.

Урғочи чўчқаларда куюкиш белгиларини аниқлаш унча мурак-каб эмас. Бунда, биринчидан, уларнинг ташқи жинсий органларн бир оз шишадн, қизаради, ундан шилимшиқсимон суюқлик ажра-либ туради. Иккинчидан, уларнинг иштаҳаси ёмонлашади ва кўп вақт безовта бўла бошлайди. Учинчидан, ўзига хос овоз чиқарад<sup>^</sup> ва хур-хурлайди. Шунингдек, кўпинча ўз катагидан ташқарига чиқиб кетишга ҳаракат қиласди.

Узбекистонда чўчқаларнинг куюкиши кўпинча 36—48 соат давом этади. Бинобарин, уларнинг куюкканлиги аниқлангач, орадан 10—12 соат ўтгач, биринчи марта қочирилади. Агар куюкиши да-вом этса, мумкин қадар кўпроқ тухум ҳужайралари уруғланиши учун, биринчи қочиришдан 12—18 соат ўтгач яна қочириш тавсия этилади. Қочмай қолган чўчқалар 21 кундан кейин қайта куюка-ди. Урғочи чўчқаларнинг куюкиши кўпинча болалари ажратиб олингач, орадан 4—5 кун ўтгач яққол сезилади, -уларни ана шу вақтда қочириш керак.

Чўчқалар асосан табиий усулда, кўлда қочирилади. Лекин кўп хўжаликларда ва комплексларда сунъий қочириш ишлари ҳам олиб борилади. Табиий қочириш усулида битта эркак чўчқа йил мобайнида 25—30 та урғочисини цочириши планлаштирилади.

Узбекистонда боқиладиган чўчқалар 113—115 кунда тугади ва болаларини 55—60 кун эмизади. Болалари ажратилгач, 4—5 кун ўтгандан кейин урғочи чўчқа яна қочирилади. Шундай қилиб, бир қочиришдан иккинчисигача 175—180 кун вақт ўтади. Бинобарин, бир йилда ҳар бир урғочи чўчқа икки марта болалаши мумкин. Айрим илғор хўжаликларда икки йилда беш марта насл олииади.

Ҳар бир фермада она чўчқаларнинг 25% йилига брак қилина-ди ва уларнинг ўрни яхши етилган ёш чўчқалар билан тўлдириб борилади. Бракка чиқарилган она чўчқалар семиртирилиб, гўштга топширилади.

**Чүчқалардан бола олиш.** Чүчқалардан бола олиш энг масъу-лиятли ишлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳар бир зонанинг табиин-иқлим шароитига кўра, энг яхши давр танланади. Маса-лан, бунда ем-хашак мўлкўл бўлиши, об-ҳаво илиқ бўлниши ва храколар ҳисобга олинади. Бўғоз чўчқалар туфишига бир неча кун қолгунча очиқ ҳавода яйратилади. Туфишига тахминан 10 кун қол-ганда улар маҳсус катак (хона)ларга ажратиб олинади. Озиқ ра-ционини ўртача 50% гача қисқартириш мумкин. Чўчқалар туфишидан олдин елини ва сўргичлари илиқ сув билан яхшилаб юви-лади ва дезинфекцияланади. Шунингдек, тоза сочиқ, болалари киндигини кесиш учун қайчи ва бошқа маҳсус асбоблар тайёрла-нади, Бундан ташқари, маҳсус катта ндишга тоза сув солинади. Бу янги туққан чўчқа учун жуда зарур (чанқофини босиш учун), акс ҳолда у болаларини еб қўйиши мумкин.

Бўғоз чўчқаларнинг туфиши яқнилашгач, елинининг ҳажми катталашади, сўргичлари тобора йириклишади ва қнзаради. Туфишига 2—3 соат қолганда қўпинча безовта бўладн, баъзан ётиб, баъзан туриб олади. Чўчқалар қўпинча тунда туғади, шунинг учун хизматчилар тунда навбатчилик қилишлари лозим, Янги ту-ғилган чўчқа болаларининг лаблари, бурун тешнги ва қулоқлари шилимшиқ моддалардан тозаланади, киндиги 6 см қолдириб кесилади ва эмизиш учун онаси ёнига қўйилади.

Чўчқа туфиб бўлгач, йўлдоши тушади, уни тезда олиб кўмиш еки ёки юбориш лозим. Чўчқаларнинг туфиши 1,5—2 соат давом этади. Агар улар семиз бўлса, оғирроқ туғади. Шунинг учун бўғоз чўчқаларни рацион нормасида боқиш керак.

Чўчқа болаларини дастлабки кунларда боқиш. Ёш чўчқа бо-лалари 4—5 кун мобайнида онасининг оғиз сутини эмиб озиқла-нади. Агар болалари кўп бўлса, уларнинг айримлари айни бир вақтда туққан, лекин болалари камроқ она чўчқаларга бирикти-риб қўйилади. Дастлабки кунларда чўчқа болалари учун онаси-нинг сути етарли бўлади. Орадан 4—6 кун ўтгач, уларга миперал озиқлар (бўр, суюк уни, пистакўмир, қизил тупроқ) ва тоза сув берилади. Шунингдек, яхши қовурилган ва намланган ёрма ҳоли-даги арпа, сули, нўхат, маккажўхори бериш мумкин. Янги соғил-ган сигир сути бериш тавсия этилади. Айрим холларда емдан тайёрланган бўтқа берниш самаралидир. Бир хафталик болаларн онаси билан бирга очиқ х<sup>ав</sup>ода яйратилади. Чўчқа болалари ик-кинчи ўн кунлигидан бошлаб серсув озиқларга (сабзи, ошковоқ, серсув беда, ўт) ва силос ҳамда ўт унига ўргатилади {21-жадвал}. Бунда барча ем-хашак сифатли бўлиши талаб этилади. Яхши ривожланган чўчқа болалари 7—8 ҳафталигига онасидан ажра-тилади ва у ёғи олинган сут билан таъминлаб турилади.

Онасидан ажратилган чўчқа болаларини боқиш. Онасидан аж-ратилган чўчқа болалари 5—6 кун давомида дастлаб 4—5 марта ва 5—6- кунлари 1—2 марта онаси ённга қўйилади. Она чўчқага бериладиган рацион 5 кун давомида қисман камайтирилади, чунки сут ҳосил бўлмаслиги назарда тутилади.

Чўчқа болалари 5—6 ойлик бўлгунича суткасига 4—5 марта, сўнг 3—4 марта ва катталашган сари 3 марта озиқлантирилади ҳамда тоза ҳавода

яйратиб туррлади. Лекин улар сифатли озиқ-лар билан тўйдириб боқилади ва озиқлантириш даражаги улар-нинг вазнига кўра бошқариб борилади. Чўчқа болаларини бўрдо-қига уларнинг кундалик семириши ўртача 550—650 г дан кам бўлмаслиги керак. Лескин бунда боқувнинг дастлабки кунларида вазни сустроқ ортиши мумкин. Умуман бўрдоқига боқилаётган чўчқа болаларининг вазни 110—120 кг га етиши билан уларни гўштга топшириш кўп жиҳат-дан иқтисодий фойда беради.

## КАТТА ЁШДАГИ ЧЎЧҚАЛАРНИ БОҚИШ

Чўчқаларнинг озиқка талаби уларнинг ёши, жинси, вазни, нас-ли ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Наслдор эркак чўчқаларни боқиша озиқ таркибидаги протеин, минерал моддалар ва витаминалар миқдорига эътибор берилади. Айниқса уларни қочириш ишларида фойдаланиш даврида бунга эътибор кучайтирилади.

Киши ойларида асосан кўпроқ ем (сули), арпа, нўхат, кунжара, қон-суюк уни, илдизмева, силос, сенаж берилади. Қочиришда фой-даланилган вақтда кўшимча равишда ёғи олинган сут ва балиқ уни бериш тавсия этилади. Лекин кўп миқдорда дағал озиқ бериш ярамайди.

Ёз ойларида эркак чўчқалар очиқ жойда боқилади ва уларга кўшимча равишда ем хамда беда ва кўк ўт берилади. Уларга сут-касига уч марта озиқ берилади. Шунингдек, ойнга бир марта ваз-ни тортиб кўрилади.

**Урғочи** чўчқаларни боқиша улар рационининг тўйимлилигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ҳар бош чўчқага ўртача 1—1,5 кг беда пичани, 2 кг силос, 2—4 кг илдизмева ва 1,5 кг ат-рофида ем бериш тавсия этилади. Ез ойлари кўпроқ яйловда ва очиқ майдонларда боқилади, Бунда улар бўғозлиқ даражаси, ориқ-семизлиги хисобга олинган ҳолда, кўшимча озиқлар билан таъминланади. Масалан, бўғозлигининг биринчи ярмида ҳар бир озиқ бирлиги таркибida 110 кг ҳазм бўладиган оқсил, 6—7 ф каль-ций, 3 г фосфор бўлса, иккинчи ярмида бу кўрсаткичлар 120, 11—12 ва 5—6 г гача кўпайтирилади. Шунингдек, ҳар бирига 30—40 г дан ош тузи бсрилади. Бундан ташқари, бўғоз чўчқалар рациони-да ем, беда, силос, илдизмева, гўшт ва балиқ унн, хамиртуруш ва сут чиқиндилари бўлнши лозим. ёз ойлари дағал озиқлар серсув ва кўкат озиқлар билан алмаштирилади.

**Бўғоз** чўчқалар туғиши билан уларга 12—14° ли тоза сув берилади ва 4—5 соат ўтгач 400—500 г кепак ва сули ёрмасидан тай-ерлакган суюқ атала берилади. Янги тукқан чўчқаларга хаддан гашқари кўп озиқ бериш мумкин эмас. Чунки бу ҳолда уларнинг нштахаси пасаяди, овқат ҳазм қилиши қийинлашади ва серсутли-гига салбий таъсир кўрсатади. Иккинчи куни беда уни, лавлаги, силос, ёз қунлари эса кўк ўт ва маккажўхон пояси бериш мумкин. Орадан 4—8 кун ўтгач, улар умумий рационга ўтказилади.

**Чўчқаларни гўштга (бўрдоқига) боқиши.** Гўштга боқиши учун асосан насл олиш учун яроқсиз, шунингдек, брак қилинган эркак ва урғочи чўчқалардан кўпроқ фойдаланилади. Бунинг учун олиб бориладиган барча тадбирлар қисқа вақт ичидан арzon ва сифатли гўшт маҳсулоти етиширишга қаратилган бўлиши керак.

Етиштириладиган гўштнинг сифати биринчи галда бериладиган озиқ турларига боғлиқ бўлади. Масалан, арпа, нўхат, ловия, омих-та силос, лавлаги, сабзи, сут чиқиндилари, гўшт-суяк уни бериб боқилса, ғўшти жуда мазали ва сифатли бўлади. Кунжара, сули, соя, балиқ чиқиндилари гўшт мазасига салбий таъсир кўрсатади. Серсув озиқлар, барди, мева-консерва заводи чиқиндилари ҳам гўшт мазаснни пасайтириб юборади. Шунинг учун чўчқаларнн гўштга бокишида хар хил озиқлардан усталик билан фойдаланиш лозим. Боқишинг сўнгги кунларида кўпроқ гўштнинг сифатини ва мазаснни яхшилайдиган озиқ турларидан фойдаланиш керак.

Чўчқаларни гўштга бокиши самарадорлигини ошириш кўп жи-ҳатдан уларнинг ёши, зоти, маҳсулот йўналиши, бокиши техноло-гиясига боғлиқ бўлади, Бунда зотдор чўчқалар тез семиради ва гўшт чиқими юқори бўлади. Семиртириш бирлигига сарфланади-ган озиқ миқдорига кўра зотдор чўчқаларни бокиши кўп жиҳатдан афзаликларга эга. Уларнинг семириши учун кам меҳнат ва маблағ сарфланади ва гўштининг сифати юқори бўлади.

## ЧЎЧҚАЛАРНИ АСРАШ

Чўчқаларни асраш аввало ҳўжаликнинг йўналиши, табиий шароити, механизациялаштирилиш даражаси, зооветеринария та-лаблари ва замонавий технология воситаларидан фойдаланишга боғлиқ. Ҳозиргача Узбекистондаги ҳўжаликларда чўчқаларни асраш ишлари қуидагича ташкил этилган.

1. Қочирилмаган урғочи чўчқалар 30 бошдан группа-группа қилиб, яйратиш майдонлари билан таъминланган хоналарда асралади. Суткасига 2—3 марта озиқ берилади ва муттасил сув билан таъминланиб турилади.

2. Бўғоз чўчқалар бўғозлигининг дастлабки икки ойи мобайнида 10—20 тадан қилиб бирга асралади ва учинчи ойга ўтгач 2 бошдан маҳсус катак (станок)ларда асраш қабул қилинган. Туғишига 15 кун қолганда улар маҳсус катакларда якка-якка асралади ва тозаликка алоҳида эътибор берилади. Рацион асосида озиқ, бе-рилади.

3. Чўчка болалари мақсаддага мувофиқ группалаб боқилади. Бунда улар насл олиш учун ёки гўшт учун боқилаётганлиги на-зарда тутилган ҳолда, суткасига 3 марта озиқ берилади.

4. Қочириш учун фойдаланиладиган эркак чўчқалар якка-якка ҳолда маҳсус катакларда аералади. Қиши кунлари танаси тозаланади ва чўмилтирилади. Бу тадбир ҳар куни бажарилади.

Кунига 1,5—2 соат яйратилади ва 2—3 км гордирилади. Ёзда яйловда, майдонларда асралади.

Наслдор ёш эркак чўчқалар 10 тадан қилиб группа-группа ҳолда маҳсус хоналарда асралади. Уларга суткасига 2—3 марта озиқ берилади. Ҳаво очиқ ва иссиқ вақтда доим тоза ҳавода, маҳ-сус яйратиш майдонларида боқилади. Уларнинг қозиқ тишлари 3—5 кунлигига арралаб ташланади, чунки-йириклишган сари жа-рохатлаш имконияти ортади.

**Саноат асосида чўчқа гўшти етиштириш.** Саноат асосида чўчқа гўшти етиштиришга мўлжалланган йирик комплекслар ташкил этилиши ва барча меҳнат процеслари тўла ва комплекс механи-зациялаштирилиши керак.

Ҳозирги вақтдаги комплекслар барча зоналарнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий, табиий ва географик ху-сусиятларига кўра 3, 6, 12, 24, 54 ва 108 минг бош чўчқани йил мөбайнида боқиб, гўштга топширишга мўлжалланган. Бунда бир қан-ча факторларга тўла амал қилиш талаб этилади. Масалан: 1) гўшт етиширишдаги барча процесслар механизация ва автоматизация ёрдамида бажарилиши, чўчқаларнн боқиши, асраш, урчишиш ва озиқлантиришни интенсив усулда олиб бориш ҳамда фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаснга амал қилиш; 2) барча чўчқаларнинг кунлик.

## **ПАРРАНДАЧИЛИК**

**Тухум-гўшт йўналишидаги товуқ зотлари.** *Москва зоти.* Бу зот Москва областида Юрлов, леггорн ва Нью-гемпшир зотларинн бир-бири билан чатишириш ва дурагайлаш йўли билан нратил-ган. Гўшт-тухум йўналишидаги товуқлар зотига киради, Ранги қора, лекин бўйин қксмнда сариқ-қизил парлари қуюқ жойлаш-ган бўлади. Хўроздлари 3,5 кг, товуқларн 3 кг келади. Тухум қилиши йилига 170—200 та, ҳар бнри ўртача 62 г келади. Асосан Москва областида кенг тарқалган.

**Загорская зоти.** Бу зот товуқ Москва обласининг Загорск шах-ридаги Бутуниттифоқ паррандачилик илмий-текшириш институти-нинг экспериментал базасида яратилган. Бунда асосан род— айланд, нью-гемпшир, Юрлов, рус оқ товуқ зотлари қатнашган. Ранги оқ, лекин пушти ранг патлар ҳам учраб тургани маълум. Хўроздарининг вазни 3,6 кг, товуқлари эса 3 кг келади. Тухум қилиши йилига 165—175 дона. Тухумининг оғирлиги 64 г. Асосан Москва, Тамбов областида ва Краснодар ўлкасида тарқалган.

**Род-айланд.** Бу зот товуқлариинг ватани АҚШ хисобланади. СССР га 1920 йилда АҚШ, Дания ва Англиядан келтирилган. Ма-ҳаллий род-айланд зот товуқларни яратишида шанхай ва малай хўроздаридан фойдаланилган. Гўшт-тухум нўналишидаги зот ҳи-собланади. Ранги қизил, думи қора, баъзан яшкл, ялтироқ иатла-ри ҳам учрайди. Хўроздарининг вазни 3,8 кг, товуқлариники- 3 кг. Тухум қилиши йилига 150—180 дона. Ҳар бир тухуми 60—65 г келади. СССРнинг деярли ҳамма областларида, айниқса Свердловск облассы хўжайикларида кўп тарқатилгаи.

**Нью-гемпшир зоти.** Бу зот товуқлар род-айланд зоти иилан узоқ йиллар мобайнида селекция ва наслчилик иптлари олп' бо-риш билан АҚШ да яратилган. Гўшт-тухум йўналишидаги зот-лардан бири. Ранги род-айландникига ўхшашиб, лекин бир оз оч-роқ. Хўроздарининг вазни 4—4,5 кг, товуқлариники 3—3,5 кг ке-лади. Тухум қилиши йилига 170—190 дона. Тухуми 50—55 г келади. СССРда, айниқса Москва облассы хўжаликларида кўп тарқалган.

**Ўрдак зотлари.** Урдаклар Кряква деб аталувчи ёввойи вакилларидан келиб чиқкан. Уларни хонакилаштиришга эрамизнинг бошларида киришилган. Ҳозирги вақтда ўрдакнинг кўплаб сермаҳсул зотлари яратилган. Улар ўзларининг айрим хусусият ва кўрсаткичларига кўра бир-биридан фарқ килади.

Урдаклар асосан гўшти учун боқилади, улардан олинадиган тухум унчалик аҳамиятга эга эмас. Урдаклар тез етилувчан паррандалардан ҳисобланади, боқув даврининг охирига бориб 2 кг ва ундан кўпроқ тош босади. Йилига ўртача 100 дан 200 тагача тухум килади. Инкубаторда етиширилган жўжаларини ҳисобга олганда битта ургочи ўрдак насли ҳисобига йилига ўртача 75 кг гўшт олинади.

Урдаклар зотига кўра турли вазнда бўлади ва уч хил :(гўшт, тухум ва гўшт-тухум) йўналишида кўпайтирилади. Қуйида ўрдакларнинг энт кўп тарқалган зотлари келтирилади.

*Пекин зоти.* Бу зот Хитойда маҳаллин ўрдакларни оқ рангли, йирик вазнили ўрдаклар билан чатишириш йўли билан яратилган. Уларнинг боши чўзиқ, тумшуғи пушти ёки сариқ рангда, бўйни-вдшг узунлиги ўртача, елкаси калта, кўқраги кенг ва чуқур, гав-даси йирик, ранги оқ бўлади.

СССР хўжаликларида кўпайтирилаётган Пекин зот ўрдакларда эркакларнинг вазни 3,5—4 кг, урғочилариники 3—3,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 90—120 дона. Ҳар бир тухуми 90 г келади. Асосан Москва, Ленинград, Владимир, Қалинин, Курганска, Пенза ва Тамбов областларида тарқалган.

*Хаки-кемпбел зоти.* Бу зот Англияда бир неча ўрдак зотларини ўзаро чатишириш билан яратилган. Урдаклари тез етилувчан, гўшти юқори сифатли, гомшоқ ва серсув. Эркакларининг вазни 2,8 кг, урғочилариники 2,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 150—200 дона. Тухуми ўртача 75 г. СССРнинг кўпчилик паррандачилик совхозларида кўпайтирилади.

*Оқ Москва зоти.* Бу зот Москва обlastидаги «Птичное» наслчилик хўжалигига яратилган. Бунда пекин ва хаки-кемпбел зотларидан фойдаланилган. Улар ташки кўриниши бўйича пекин ўрдакларига анча ўхшаш бўлади. Гўштн лаззатли ва сифатли. Эркакларининг вазни 3,5 кг, урғочилариники 3 кг келади. Тухум қилиши йилига ўртача 108 дона. Тухуми 100 г. СССР, шу жумладан Узбекистоннинг кўплаб хўжаликларида тарқалган.

*Украина зоти.* Бу зот Украинаадаги паррандачилик тажриба хўжалигнда қора рангли, оқ кўкракли маҳаллий ўрдакларни пекин ва хаки-кемпбел зоти билан чатишириш йўли билан яратилган. Эркакларининг вазни 3,7 кг, урғочилариники 3,3 кг келади. Тухум қилиши йилига 90 дона. Тухуми 90 г атрофида. Бу зот ўрдакниг кул ранг тури маҳаллий ўрдакларни танлаш ва саралаш йўли билан яратилган. Эркакларииинг вазни 3—3,5 кг, урғочилари 2,8—3 кг келади. Тухум қилиши йилига 110 дона. Ҳар қайси тухуми 90 г келади. Асосан Украина ССР хўжаликларида тарқалган.

*Ғоз зотлари.* Барча мамлакатларда, шунинсек СССРда кўпайтирилаётган ғозларнинг ёввойи аждоди кул ранг ғозлардан тар-қалган. Улар бошқа паррандалардан ўтхўрлиги билан фарқ қиласди.

Ғозларнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёғи ҳисобланади. Тухуми кам бўлгани учун уни озиқ сифатида истеъмол қилинмайди, очи-ришда ишлатилади. Лекин ғоз тухуми йирик бўлиб, оғирлиги ўртача 150—200 г га боради.

Ғозлар зоти ва зотдорлик хусусиятларига кўра катта, кичик ва ўртача вазнли фоз зотларига бўлинади. Бунда фоз танасининг вазни, гўштдорлиги ва ёғ миқдори ҳамда уларнинг бир-бирига нис-бати асос қилиб олинади. Қуйида Иттифоқимизда ва Узбекистон хўжаликларида тарқалган ҳамда хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган фоз зотларининг асосий кўрсаткичлари келтирилади.

*Холмогор зоти.* Бу зот Марказий қоратупроқ зонасида оқ рангли маҳаллий фозларни хитой зоти билан чатиштириб яратилган. Дурагайларида холмогор маҳаллий фозларга хос бўлган узун бўйин ва тумшуғининг устки қисмида ўсимта сақланнб қолган. Бу зотнинг вакиллари йириқ, оёқлари калта, лекин кучли, боши катта, кўкраги кенг ва чуқур бўлади. Қорин қисмида буришмалари бўлиб, семирганда унда ёғ запаслари тўпланади. Ранги оқ ва кул ранг. Бу зотнинг энг йириқ вакилларидан эркаклари 7,5—8 кг, айрим ҳолларда 10—12 кг, урғочилари эса 5—6, баъзан 7 кг келади. Тухум қилиши йилига 20—30 дона. Тухуми ўртача 150—200 г келади. Бу зот асосан Курск, Воронеж, Ленинград, Архангелск, Москва, Иванов, Пенза, Владимир, Орлов, Саратов ва Харьков областларида тарқалган

*Тула зоти.* Бу фоз энг қадимги зотлардан хисобланиб СССРийиг Европа зонасида қўпайтирилади. Туси асосан кул ранг, кул ранг ва жигар ранг аралашмасига эга, баъзан ер рангидан учранди. Эр-какларининг вазни 6 кг, урғочилари 5—5,5 кг келади, Тухум ниши йилига 10—12 дона. Тула ва Калуга области хўжаликларида таркалгаи.

*Калуга зоти.* Бу зот фозлар тула зотига ўхшаш Оўлади. Ранги оқ ва кул ранг. Оқ пат ва парлари кўпроқ қорин, кўкрак ва қанот учларига жойлашган. Эркакларининг вазни 7—7,5 кг, урғочилари эса 5,8—6 кг келади. Тухум қилиши йилига 10—15 дона. Ҳар қайси тухуми 170—200 г атрофида. Асосан Калуга области хўжаликларида учрайди.

*Тамбов зоти.* Бу зот Тамбов обlastидаги «Арженка» парран-дачилик совхозида тулуз ва ромен зот фозларини ўзаро чатиштириш йўлни билан яратилган. Ранги кул ранг. Эркакларининг вазни 8 кг, урғочилари 7 кг келади. Тухум қилиши йилига ўртача 50 до-на. Ҳар қанси тухуми ўртача 175 г келади. Асосан Тамбов облас-ти хўжаликларида тарқалган.

*Тулуз зоти.* Франциянинг Тулуз шаҳрида маҳаллий гозларни танлаш, саралаш ва парвариш қилиш орқали яратилган. Туси тўқ кул рангда, баъзан танасида айрим доғлар бўлади. Тумшуғи оч пушти рангда, оёқлари қизил-пушти бўлади. Эркакларининг вазни 7,5—8 кг, урғочилариники 7—7,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 30—50 тага боради. Тухумининг ўртача вазни 170—200 г. Бу зот Украинанинг Харьков обlastи хўжаликларида тарқалган, зотлари. Курка фақат гўшт йўналишидаги парранда хисобланади. Эркакларининг вазни ўртача 16 кг, урғочилариники 9 кг келади. Курка тухуми эса 90 г ва ундан кўпроқ бўлади. Инкубаторда очириладиган жўжаларни хисобга олганда йилига бир бош урғочи курка хисобига 60—70 кг гўшт олинади. Уларнинг гўшти ёғли, лаззатли, майин( ранги оқ бўлади. Куркалар зот хусусиятларига кўра турли хил вазнга эгадирлар.

СССРда кейинги ўн-ўн беш йил ичида куркаларнинг юқори сифатли, сермахсул зотлари яратилди ва ҳозирги вактда энг кўп тарқалган курка зотлари бронза рангли Шимолий кавказ зоти, Краснодар зоти, Москва оқ курка зоти ва бошқалард.

*Бронза рангли Шимолий Кавказ зоти.* Бу зот курка Америка ёввойи куркаларини қора рангли Англия куркалари билан чатиш-тириш натижасида олишга эришилди. Улар йирнк вазнли бўлиб эркаклари 16 кг, ургочилари 9 кг келади. Тухум килчши йилига 60 донача. Тухуми 80 г атрофида. Зотли куркалар етиширадиган Георгиевск давлат наслчилик ста1ш, Е1<sup>^</sup>си фсрмаларида ҳар бир кур-кадан 67—70 тадан тухум олинадай УГХ таблица, 7).

*Москва кул ранг зоти.* Бу зот Москва обlastидаги «Березка» совхозида бронза рангли зотни маҳаллий куркалар билан чатиш-тириш натижасида яратилган. Зреклари 13—15 кг, ургочилари 7—8 кг келади. Тухум қилиши йилига 86—88 дона атрофида. Бу зот кўпроқ Москва обlastи хўжаликларида тарқалгаф

*Москва оқ курка зоти.* Бу зот ҳам Москва обlastидаги «Березка» совхозида оқ рангли маҳаллий куркалар, голландия оқ рангли ва белтовиль зотларини бир-бири билан ўзаро чатиштириб яратилган. Эркаклари 12—14 кг, ургочилари 6—8 кг келади. Тухум қилиши йилига ўртача 104 дона. Бу зот асосан Москва, Сибирь, Украина ва РСФСРда тарқалган.

## ИНКУБАЦИЯ

Ҳозирги вактда инкубацияда жўжа очириш барча паррандачилик фабрикалари ва комплексларида, йирик колхоз-совхозларда яхши йўлга қўйилган. Шунингдек хўжаликлараро ва районлараро инкубацион станциялари ҳам ишлаб турибди.

Инкубацияда жўжа очиришнинг афзаллиги шундаки, бунда йил давомида, кўплаб юқори сифатли соғлом жўжалар очириш имкониятига эга бўлинади. Инкубагордаги барча шароит — температура, намлик, ҳавонинг ҳаракати. ва таркиби, тухумларни кўзғотиб туриш табиий холдагидек махсус аппарат ёрдамида бажарилади.

Инкубациянинг самарадорлиги бир қанча факторларга боғлиқ бўлади. Масалан, инкубация рсжими, жўжа очириш учун қўйилган тухумларнинг сифати ва биологик жиҳатдан талабларга жавоб бериши, яъни тухумларнинг оталangan бўлиши ҳамда тухум тар-кибida эмбрион тараққиёти учун озққ моддаларнинг етарли мнқдорда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Инкубация жараёни уч даврни ўз ичига олади. Биринчи даврда тухумда муртак шакллана бошлайди, яъни унинг нерв, овқат ҳазм қилиш, жиисий, 1<sup>^</sup>он айланиш каби органлар системаси вужудга келади. Бу даврда тухум таркибida сувнинг кўпроқ бўли-ши ва температурани юкори тутиш муҳим омиллардан ҳисоблана-ди. Иккинчи даврда муртак жадал ўсади ва ривожланиш жараёни бошланади. Шунга кўра модда алмашув процесси кучаяди, озиқ моддаларга бўлган эҳтисж ортади ва оқсил пўстлоги қабатидан ортиқча сув чиқарилиб юборилади. Учинчи даврда эмбрион тўла

етилган бўлиб, тухумни ёриб чиқиши учун тайёр бўлади, Бунда ортиқча иссиқлик талаб этилмайди.

Хозирги вақтда хажми жихатидан турлича бўлган ва бир вақтнинг ўзида 39 мииг жўжа очиришга мўлжалланган «Рекорд-39» маркали ва ёки 15—45—65 минг тухумдан жўжа очиришга мослаштирилган «Универсал» инкубатор аппаратларидан фойдаланилмоқда. Бунда жўжалар паррандаларнинг биологик ва наслдорлик хусусиятларига қараб турли муддатларда очиб чиқадилар (24- жадвал).

24- жадвал

#### **Парранда тухумларидан нормал шароитда жўжа очириш учун сарфланган вақт**

Асосий даврлар	Товуқ жўжа-ларида	рдак ва курка жўжаларида	Ғоз жужаларида
Тухумнинг ёрила бош-лаши	19 куг:	25 кун 8 соат	27 куи 12 соат
Тухумдан жўжа чиқишнинг бошлиши	20-куннинг охри	26 кун	29 кун
Тухумдан жўжанинг жадал ҳолда чиқиши	21-куннинг биринчи ярми	27 купда	30 кун
Тухумдан жўжа чиқишини тутгалланиши	21-кушшиг охри	27-куннинг охирн ва 28-куннинг бошида	30-куннинг охри 31-кушшиг боши

Инкубаторга очириш учун қўйиладигап тухумлар сортларга ажратилади. Бунда эски, майда, нотекис, ифлос, дарз кетган, ювилган ва иккита сариқлиги бўлган тухумлар жўжа очириш учун ярамайди. Инкубаторга қўйиладиган тухумлар қўпи билан 6 кунлик бўлиши, намлиги 75—80% ва харорати 8—12°C бўлган жойда сақланиши лозим. Инкубаторга тухумлар бир текисда уч қисмини остига қилиб вертикал ҳолда жойлаштирилади.

Инкубаторга қўйилган тухумлардан мумкин қадар кўпроқ ва соғлом жўжа очириб чиқариш мақсадида биологик контрол олнб борилади. Бунинг учун инкубация жараёнида тухумларнинг баъзи бири тортилиб қўрилади, электр нурлари ёрдамида кузатилади ва айримлари олиб текширилади. Шунингдек, эмбрионлар устида патологик ва анатомик кузатишлар олиб борилади. Эмбрионларни тарақкиёт даражаси аниқланилади ва керак бўлса, талаб этилган шароит яратнб берилади.

#### **ПАРРАНДАЛАРНИ БОҚИШ**

Паррандаларнинг овқат ҳазм қилиш органларн системаси ўзининг тузилиши ва функциясига кўра бошқа ҳайвонларнидан фарқ қиласи.

Паррандаларда тумшуғи билап камраб олинган озиқ тил ёрдамида ичкарига суринб, халщумига, ундан кизилўнгачта ўтади. Қизилўнгачнинг пастки қисми кенгайган ҳолда жигилдонга айланган. У ерда озиқ юмшайди ва ошқозонга- ўтади. Ошқозон безли ва мускулли бўлимдан ташкил топган. Безли бўлимининг деворларида кўп миқдорда безлар жойлашган бўлади. Улардан ажралиб чиккан ҳазм шираси таъсирида ошқозондаги озиқ янада юмшайди ва бўртади. Озиқ безли ошқозондан мускулли ошқозон-га ўтади. Безли ошқозондан мускулли ошқозонга ҳазм шираси хам ўта бошлайди. Мускулли ошқозон деворларидан маҳсус модда ишланиб чиқарилиб, у ошқозоннинг ички деворларида пишиқ пўст ҳосил қиласди. Бу пўст озиқнинг майдаланишига ердам беради. Паррандаларга майда тошларин ҳам бериб турилади. Ву мускулли деворлар қисқарганда ош<sup>^</sup>озоннинг яхши ишлашига ёрдамлаша-ди. Шундан кейин майдаланган озиқ ингичка ичакка тушади. Ичакнинг бошлиғи қисмига жигар ва ошқозон ости безининг йўли келиб қўшилган бўлади. Озиқ моддалари бошқа тур ҳайвонлардаги каби ингичка ичакда ҳазмланади.

Паррандалар асосан озиқ рациони асосида боқиласди. Рацион тузганда уларнинг ёши, вазни, маҳсулоти ва "физиологик ҳолати хисобга олинади. Паррандалар асосан дон, омихта ем ва ҳайвонот чиқиндиларидан олинадигаи озиқ (кон уни, суяқ уни ва бошқа-лар) билан боқиласди. Бу озиқлар рациондаги умумий- озиқнинг 70—80% ини ташкил қиласди.

Паррандалар ёшига, вазни ва маҳсулот йўналнишига ҳамда бо-қиши технологиясига кўра қуруқ дон ва ем билан боқилганда озиқ-лантириш жараёнларини механизациялаштириш анча кулай бўлади.

Паррандаларга озиқ рационини суткалик ва индивидуал ҳолда тузиш анча мураккаб бўлганлигидан уни группа ҳолида тузиш қўлланилади. Чунки, суткалик рацион тузишда биологик қўшим-чаларни ҳисоблашга кўп вақт кетади, индивидуал рацион тузишда хар бир парранданинг ёши, физиологик ҳолатини хисобга олган ҳолда тсз-тез унга ўзгартиришлар киритиш талаб қилинади, автоматик охурлардан ва озиқ тарқатувчи ускуналардан фойдаланиб бўлмайди. Шупга кўра рацион 100 г озиқ нормаси асосида тузилса, юкорида келтирилган камчиликлар бартараф қилинади. Бунда озиқларнинг тўйимлилиги уларнинг химиявий таркибига кўра комплекс ҳолда баҳоланади ва паррандаларнинг озиқ миқдорига бўлган суткалик эҳтиёжи осон аниқланади. Бундан ташкири озиқ тайёрлаш ва уни механизация ёрдамида тарқатиш имкони вужуд-та келади.

100 г озиқ асосида рацион тузишнинг яна бир муҳим томони шундаки, бунда паррандалар томонидан истеъмол қилинадигаи озиқ аралашмасининг сифатини ва тўйимлилигин назорат килиб бориш қулланлашади.

Илгор хўжаликларда паррандалар учун рацион тузишда 100 г дон аралашмасида 110—112 г озиқ бирлиги ва 8—9 г ҳазмланади-ган протсин бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, унинг тарки-бпда етарли миқдорда минерал элементлар, витаминалар бўлиши талаб этилади.

*Товуқлар* суткасига 4—5 марта озиқлантирилади. Лекин тухум ўйналишидаги товуқларга 5—6 марта озиқ берилади. Бунда эр-талаб кисмаг

дон ва омихта ем берилса, кейин кўк озиқ ва ундан кейин эса хўлланган аралаш озиқлар берилади. Озиқ қолдиқлари тозалаб олинади. Хоналарда полдан унча баланд бўлмаган охурларда сифатли пичан, илдиз мева, маҳсус охурларда эса бўр, ўтин кўмири, молюскаларнинг майдаланганди чиғаноқлари ва тоза сув ҳам туриши лозим.

Ўрдаклар учун рацион тузиш уларнинг хусусиятига кўра ра-ционга кўпроқ силос, кўкат ўт, илдизмева ва беда уни сингари озиқларни киритиш лозим. Лекин тухум қилиш даврида бундай озиқлар таркибида ҳазмланувчи протеини кўпроқ бўлган озиқ турлари билан алмаштирилади.

Ўрдаклар кунига 2—3 марта озиқлантирилади, Бунда уларга кундузи намланган омихта озиқ берилса, иккинчи марта тунда ундирилган дон майсалари берилади. Маҳсус охурларда майда-ланган моллюска чиғаноғи, тоза сув ҳам бўлиши керак. Агар ўр-даклар турлн хил озиқларга бой бўлган кўлмак сувларда яйратиб боқилса уларнинг рационини 30—40% га камайтириш мумкин.

Ғозлар бошқа тур паррандаларга қараганда яйлов ўсимликларидан кўироқ истеъмол қиласи. Шунга кўра уларнинг рационида силос, илдизмевалар бўлиши фойдали. Агар ғозлар яқин ва серхосил яйловларда боқилса, уларнинг рационига кўкат озиқларни киритмаса ҳам бўлади. Ғозларнинг тухум қилишига ккки ой қол-ганда уларга кўпроқ дон, намланган озиқ, майдаланганди чиғаноқ ва минерал моддалар берилади.

Куркалар худди товуқларга ўхшаш боқилади.

## ЁШ ПАРРАНДАЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Паррандачилик хўжаликларини ихтисослашиш даражасига қараб ёш паррандаларни полда ёки катакларда парвариш қилиш усуллари қўлланилади. Бунда паррандалар полда боқиладиган бўлса унга майдаланганди хашак ёки қипиг тўшалади. Дастреб тўшама 5—7 см қалинликда бўлса, кейин уни 25—30 см гача етка-зниш мумкин. Шунингдек, айрим ҳолларда бу мақсадда сим тўрдан ясалган поллардан фойдаланса ҳам бўлади.

Ҳозирги вақтда ёш паррандаларнин катаклардан фойдалашглган ҳолда боқиши усули кенг кўлланилмоқда. Бунда хоналарга 4—5 мартадан ҳам кўпро<sup>^</sup> ёш паррандалар жойлаш мумкин бўлади. ёш паррандалар учун хоналар<sup>^</sup>тоза, ёруғ ва етарли даражада кенг бўлиши лозим. Айни<sup>^</sup>са хаво салқин ва совуқ бўлганида хонанинг ҳарорати ларрандалар»йнг ёшига қараб ўзгартирилиб турилиши керак (26-жадвал).

Еш паррандалар боқиладиган хоналарда ҳавонинг ўртача нам-лиги 65—70% атрофида бўлиши керак. ёш паррандалар катаклар-да боқишида ориқ ва нимжонлари юқори қаватларга, бақувват ва соғломлари остиқи қаватларга жойлаштирилиши лозим.

Товуқ жўёжалари бир ойлик бўлганида эркаклари ургочилари-дан ажратилиб алоҳида хоналарда боқилади, Бунда насл учун қолдирилдиган жўжаларни 40—60 кунлигига қадар маҳсус хона-ларда саклаш тавсия этилади. Гўшт учун ажратилганлари эса ўз катакларида қолдирилади.

Үрдак вв ғоз жүжалари 15—20 кунлигига қадар катакларда, сүнгра лагерь шароитида бокилади. Имкони бўлса бунинг учун (кўлмак ёки секин оқадиган сувлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Айниқса турли хил хашарот, итбалиқ, майда бақалари ва сув ўтлари қўп бўлган кўлмак сувлар жуда фойдалидир.

Бройлер жўжалар парвариши. Бройлер инглизча сўз бўлиб, қо-вурма жўжа деган маънени билдиради. Бройлер жўжаларини меҳнат жараёнлари тўла механизациялаштирилган йирик хоналарда бокиш меҳнат самарадорлигини ошириш имконини беради. Бунда улар 55—60 кунлигига қадар бокилади. Ана шу даврда уларнинг вазни 1,5—1,8 кг га етиб, ҳар бир кг семириш учун 2,6—2,8 кг озиқ бирлиги сарфланади.

Хозирги вақтда 5 мингдан 20 мингтacha жўжага мўлжалланган маҳсус «Бройлер-10» ва «Бройлер-20» маркали қурилма комп-лектлари ишлаб чиқарилмоқда. Комплект цуруқ озиқ сақлашга мўлжалланган бункер, 4 ва 6 линия учун мослаштирилган ҳара-катчан вақуумли озиқ тарқатгич, 4,5 л хажмли суғоргичлар ва барча жараёнларни бошқариб туриш учун пульт билан жиҳозланган.

## Йилқичилик.

Дунёда жуда кўплаб от зотлари ва группалари яратилган. Бундай зотлар дунё бўйича 150 тага етган бўлса, шундан 50 дан ортиқроғи СССРда яратилган.

1855 йили академик А. Ф. Миддендорф отларни барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккита катта группага — чопқир отлар ва секин ҳамда ўрта харакат қилувчи отларга бўлади. Биринчи группага тез югурдиган, танаси ихчам, енгил, кичик аравалар-га кўшган вақтда узоқ масофани қисқа вақт ичида босиб ўтадиган от зотлари киритилган. Иккинчи группага эса — секин юрадиган, оғир юкларии торта оладиган, жуссаси йирик отлар киритилган. А. Ф. Миддендорфнинг бу классификацияси рус олим проф. П. Н. Кулешов ва швейцария олим проф. У. Дюрост томонидан маъқулланган. Лекин бу классификация шартли бўлгани учун отлардан фойдаланишининг барча хусусияти ва белгиларини ўз ичига тўла қаираб олмаган эди. Бинобарин сўнгги йилларда от зотларининг кўпайиб бориши ва улар томонидан бажариладиган иш жараёнлар турини ҳар хил бўлиши ҳамда наслчилик ишларини муапян мақсад ва плапли олиб борилнishi, уларни тарқалиши, ишлабчиқаришда фойдаланилиши, хўжалик жихатидан йўналиши ва бошқалар йилқи зотларини янада тор доирада такомиллаш-тиришни тақозо қилди. Шунга кўра юқоридаги икки группа яна кичик йўналишларга бўлинди. Бунда салт миниладиган чопқир ва серҳаракат от зотлари биринчи группага киритилган бўлса, ҳар хил араваларга қўшиладиган ва оғир юкларни тортувчи от зотлари иккиичи группага киритилди.

Умуман йилқичиликда асосий маҳсулоти (чопқирилиги, аравага қўшган ҳолда фойдаланиш ёки оғир юк тортиш хусусияти) га қараб қабул қилинган йўналишлар қатъий ва ўзгармас бўлмай, у шартли бўлиши табиий. Чунки танлаш, машқ қилдириш, саралаш ва наслчилик ишларини юқори даражада олиб бориш натижасида айрим группалар орасидаги фарқлар хам ўзгариб боради. Шунга кўра адабиётларда баъзи бир йўналпшдаги от зотларининг ўрин алмашиниши шубхасизdir.

Барча от зотлари ўзларининг ҳаракат даражасига қараб одимлаб, йўртиб ва йўргалаб юрадиган турларга бўлинади.

*Одимлаб юрганда* отнинг тўртала [оёғи галма-гал кўтарилиб, галма-гал тушади. Бунда аввал орка осфининг бири, сўнгра шу томондаги олдинги оёқ, кенин иккинчи орка оёқ ва унинг кетидан шу томондаги олдинги оёқ кўтарилиб олдинга ташланади. Бу усулда отлар секин (соатига 4—5 км тезлиқда) ҳаракат қиласи. Бундай ҳаракат асосан оғир юк отларида учрайди.

Йўртиб юрганда отлар диагонал бўйича икки оёғини, масалан, олдинги ўнг оёғи билан кетинги чап оёғини, сўнгра олдинги чап оёғи билан кетинги ўнг оёғини баравар кўтариб, баравар ерга ташлайди. Бундай ҳаракат қиласидан отлар соатига 10—12 км йўл босади. Отчопарда енгил пойга аравасига қўшилган чопқир йўр-тоқи отлар 1 км масофам бир-бир ярим минутда босиб ўтади.

Йўргалаб юрган отнинг ҳаракат тезлиги йўртиб юрадиган от-нинг тезлигига тенг бўлади. Узбеклар йўрға оғ деб, юрганда чопмасдан тез ва текис ҳаракатда бўлувчи отларни айтишади. Йўрға-лаб юришни йўртишдан фарқи шуки, бунда от бир гал ўнг томо-нидаги иккала оёғини ва иккинчи сафар чап томонидаги иккала оёғини баравар кўтариб ташлайди.

## ОТ ЗОТЛАРИ

**Салт миниладиган от зотлари.** Бу зотга асосан эгарлаб мини-ладиган отлар киради. Бу нўналишдаги отлар серхаракат, чопқир, қотма, боши енгил, суяклари ннгичка ва ихчам бўлади. Улар йўр-тиб юра олманди, лекин сакраб чопгандан тез ҳаракатланади. Ҳо-зирги вақтда дунё бўйича салт миниладиган отларнинг араби ва тоза қонли зотлари мавжуд.

*Араби зоти* энг қадимги чопқир отлардан хисобланиб келин-гап. Ҳозирги маданий от зотларининг асосий қисми шу зотни маҳаллий отлар билан чатиштирилишидан вужудга келган. Араби зот от унчалик йирик эмас, баландлиги 150 см атрофида, тузи кул ранг, жийрон ва қора аралаш бўлади. Қурғоқчиликка ва ташқи муҳит шароитларига чидамли. Бу зот дунё бўйчча кенг тарқалган. СССРда асосан Ставрополь ўлкасида, Кавказ ва Урта Осиё рес-публикаларида кўпроқ учрайди .

*Асл чопқир от зоти XVIII асрнинг бошларида* Англияда яратилган. Бу зот маҳаллий бияларни араби, туркман, турк, испан ва неаполитан айгирлари билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Вакиллари ҳаракатчан, темпераменти гоқори ва чоп<sup>^</sup>ир бўлади. Туси жийрон, қора ва бошқа ранглар аралашмасидан иборат. Баландлиги 158—161 см, кўкрак айланаси 180—183

см, почасипинг йўғонлиги 20 см. Бу зот СССРда Украинанинг Луган ва Кировоград областларида тарқалгаи.

*Ахалтака зоти* Туркманистоннинг жанубий районларида яра-тилган. Бу зот от чопқир, қумли сахроларда салт миниб юриш учун қулай келади. Баландлиги 152—154 см, почасининг йўғонлиги 19 см. Мухит шароитларига анча чидамли. Туси тўриқ, қўк ва қо-расаман бўлади. Чопиш тезлиги юқори, фақат асл чопқир отлардан кейинда қолади {Х таблица, 2}.

*Қорабайир зоти* Ўрта Осиё республикаларида боқиладиган зот отларидан кўп жиҳатдан устун туради. Чопкирлиги, чидамлилиги, чиронлнлиги ва араваларга қўшган вақтда яхши ишлаши билан ҳам ажralиб туради. Баландлиги 152—354 см. Йириклини үртача. Туси тўриқ, қўк ва жийрон. Қорабайир отлари Узбекистоннинг барча область ва районларида учрайди. Айникса Жиззах, Самар-қанд областларида кўп тарқалган.

*Кабардин зоти* Шимолий Кавказда яратилган. Бу зотнинг яратилишида қорабах, туркман ва араби зот айғирлар маҳаллий бия-лар билаи чатиштирилган. Кабардин зот чопқир отлардан ҳисоб-ланиши билан бирга транспорт ишларида ҳам фойдаланилади. Тоғ шароитига яхши мослашган. Кунига 66 км йўлии босиб ўтиши аниқланган. Бўйи 153 см, қўкрак айланаси 177 см, почаси 19 см. Ранги қора, саман ва кул ранг.

*Лоқай зоти* тоғ шароитига яхши мослашган, жанубий Тожикистоннинг Ёвон водийсида қадимги ўзбек қабиласи — лоқайлар томонидан яратилган. Гавдаси кичикроқ. Бўйи 140—142 см, танасининг узунлиги 144 см, қўкрак айланаси 166 см, почаси 18 см. Ранги саман ва турли хилда бўлади. Асосан Тожикистон ССР районларида тарқалган.

Чопқир от зотлари. Бу нўналишдаги отлар чопкирлиғи ва йўргалаб тез юриши билан бошқа зотлардан фарқ қиласи. Бу йўналишдаги отларга дон ва будённий зоти, Кустанай ва новокирғиз каби от зотлари киради.

*Дон зоти* асосан кавалеря эҳтиёжини қоидириш мақсадида етиштирилган. Дастребки вақтда Дон казаклари ўзларининг шах-сий отлари иштирокида ҳарбий хизматларини ўтар эдилар. Бино-барин Дон ҳавзасидаги дашт шароитида жуда чидамли, йўргалик хусусияти ривожланган Гшлки зоти вужудга келтирилган. Революциядан олдин кавалерия отлариннинг ярмидан кўпроғи шу зотлардан ташкил топган.

Дон зотнни вужудга келтиришда маҳаллий жанубий рус биялари эрон, қорабах, туркман, кейинроқ орлов ва соғ қонли чопқир зот айғирларидан қочирилган. Зот вакилларининг танаси йириқ, кенг ва кучли, оғир шароитларга яхши мослашган. Бўйи 156—159 см, қўкрак айланаси 185—187 см, почаси 20—21 см. Туси сарғиш-тилла ранг. Бу зот Узбекистонга келтирилмагаи, лskin Қирғизистон орқали Фарғона водийсидаги хўжаликларга олиб келинганлиғи адабистлардан маълум.

*Будёнов зоти* чопқирлик, узоқ масофани қисқа вақт ичидаги босиб ўтишда дон зотидан устун туради. Бу зот Ростов обlastida биринчи отлик армия йилқиличлик заводида Совет Иттифоқи мар-шали С. М. Будённий раҳбарлигига яратилган. Бундан мақсад дон зотининг барча ижобий хусусиятларидан фойдалаиган ҳолда йирик вазнли, мустаҳкам конституцияга

эга бўлган, пода шарои-тига мослашган ва чидамли зот яратишдан иборат. Улуғ Ватан уруши йилларида бу зот отлардан кенг фойдаланган. Улар 500—600 км масофани 6—7 кунда босиб ўтганлар. Бу зот вакиллари-нинг бўйи 162—163 см, танасишинг қия узунлиги 164—168 см, қўк-рагининг айланаси 187—191 см, почаси 20—20,5 см. Ранги сарғищ, тарғил, қора ва тилла ранг. Бу зот СССРнинг қўплаб область ва районларида тарқалган.

**Йўртоқи от зотлари.** Орлов зоти Воронеж обlastидаги Хреновский йилқичилик заводида яратилган. Зотни вужудга келтиришда талантли рус крепостнойи В. И. Шишкин 1774 йили граф А. Г. Орлов — Чесменский хўжалигига астойидил хизмат қилган ва қўйилган мақсадга эришган. Зот вакилларининг тузи кул ранг қора. Улар якка( қўш ҳолда ва учталаб араваларга қўшилади. Бўйи 158—161 см, танасининг қия узунлиги 160—161 см, қўкрак айланаси 180—183 см, почаси 18,8—20,3 см. Бу зот СССРда кенг тарқалган.

*Рус йўртоқи зоти.* Бу зот 1926—1928 йилларда орлов зотини амернекдан келтирилган юқори сифатли йўртоқи отлар билан чатиштириш натижасида яратилган. Уларнинг танаси йирик, келиш-ган ва ихчам, мускулатураси яхши ривожланган, юриши чиройли, ҳаракатчанлиги ва темпераменти юқори даражада бўлади. Баландлиги 158—161 см, танасининг қия узунлиги 159—162 см, қўкрак айланаси 179—182 см, почаси -1,9,5—20 см, Ранги қора, тарғил, кул ранг. СССР ни барча обlastла-рида учрайди.

**Оғир юқ тортувчи от зотлари.** Оғир юқ тортувчи отлар бундан 170—180 йил илгари ривожланган капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган бўлса, улар Россияга кейинроқ келтирила бошлан-ди. Бу йўналишдаги от зотлари асосагг Воронеж, Тамбов, Пенза, Горький, Иванова, Владимир обlastларида революциядан кейин урчтила бошланди.

*Владимир зоти* Владимир ва Иванов обlastида маҳаллий бияларни клейдесдаль ва шайр зотли оғир юқ тортувчи айфирлар билан қочириш натижасида яратилган. Вакиллари йирик вазнили, темпераменти юқори, жуда оғир юқ тортишга мослашган Масалан, «Мудрий» лақабли айфири 8 ёшлигига 13870 кг юкни, «Легион» лақабли айғир зса 16400 кг юкни тортганлиги адабиётлардан маълум. Бу зот отларнинг бўйи 157—161 см, танасининг қия узунлиги 162—165 см, қўкрагининг айлана узунлиги 183—196 см, почаси-нинг айланаси 23—24 см. Ранги қора, оёғининг паст қисми ва бур-нининг усти оқ жун билан қопланган. Баъзан кул ранг, тим кора ва тарғил бўлади.

Асосан, Владимир, Иванов, Тамбов, Кострома, Москва ва бошқа обlastларда тарқалган.

**Оғир юқ тортувчин совет зоти.** Бу зот 1951 йилда яратилган бўлиб, оғир юқ тортиш бўйича салмоқли ўрин эгаллаган. Бу зотни яратишда танлаш ва саралашга алоҳида аҳамият берилган. Бунда танлананаётган вакилнинг вазни, оғир юқ торта олиш хусусияти ва бақувватлигига алоҳида эътибор берилган. Рекордчи айфирлари 22291 кг гача юқ тортиш қобилиятига эга бўлган. «Жребий» лақабли айфири 4 ёшида 16274 кг юқ тортган. Бу зот вакиллари-нинг бўйи 162 см, танасиинг қия узунлиги 176 см, қўкрагининг

айланын узунлиги 216 см, почасининг айланаси 26 см. Ранги саман, тарғил, қора ва тим қора. Бу зот СССРнинг 46 обласида тарқалган.

Огир юк тортувчи зот отларининг гүштдорлик хусусияти ҳам юқори.

## ОТЛАРНИНГ ГҮШТ ВА СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Иттифоқимизнинг кўпчилик республикалари (Қирғизистон, Қозогистон, Узбекистон, Ёқутистон, Бошкирдистон АССР) да от гўшти кўплаб истеъмол қилинади. Бу республикаларда гўшт учун боқиладиган отлар йил мобайнида яйловларда парвариш қилинади. От гўшти ўзининг химиявий таркибига кўра ҳар хил моддалар-га бой ва тўйимлиги юқори бўлади .

Той гўшти майин, серсув, ҳидсиз ва калорияси анча юқо-ри (2700 ккал) бўлиш хусусияти билан фарқ қиласи. Отларнинг ёши ошган сари гўшти ҳам чайирлашиб, дағаллашиб боради, си-фати зса пасаяди. Яхши семирган отларнинг гўшт чиқиши — 60%, ўрта семизлиқда бўлса — 48—52% ва ориқ вакилларида 45—48% бўлади. Териси тана оғирлигининг 5—6,5% ини ташкил киласи. Яхши боқилган отлар суткасига 0,6 дан 1 кг гача (баъзан ўртacha 1300 г) ссмиради.

Биялар 5—7 ойлик лактация давомида 1300—3000 кг сут беради. Қозоқи ва бошқир зот биялар серсут ҳисобланиб, туққани-дан сўнг 2—3 ой мобайнида суткасига ўртacha 10—15 кг дан, ай-римлари эса 20—25 кг гача сут бсрди. Бияларнинг серсутлиги лактациянинг биринчи ойида гоқори бўлади ва 4—5 ойлигига қа-дар пасайиб боради. Туққанига 6 ой бўлган бияларда у бўғозлиги сабабли сут бериши анча паст бўлади. Одатда биялар 7—10 ёшлигига серсут бўлади ва кейинчалик сутдорлиги пасайиб боради.

Бияларнинг елини кичик бўлгани билан 1,5—3 кг сут сифади, шунга кўра лактациясининг дастлабки ойларида уларни ҳар 2—3 соатда, кейин эса 3—3,5 соат оралаб ва лактациясининг сўнгги ой-ларида ҳар 4—6 соатда соғиб турилади.

Бия сутининг химиявий таркиби бошка чорва молларнига караганда фарқ қиласи. Масалан, унинг таркибида 6,3—6,9% сут қанди, 1,7—2,2% оқсил, 1,6—2,2% ёғ, 0,3—0,33% минерал модда-лар ва кўп миқдорда витаминалар ҳамда ферментлар бўлади. Кислоталик даражаси 6—9°Т. Бия сутидаги қанд моддаси кўп бўлганлиги туфайли ундан энг қимматли ичимлик ҳисобланган қи-миз тайёрланади.

Қимиз ўзининг мазасига кўра бир оз нордон бўлгани холда уни маҳсус ачитқи — томизғи ёрдамида тайёрланади. Тайёрланадиган қимизнинг сифати юқори даражада бўлишида томизғининг роли каттадир. Томизғи бия сутининг ачиш жараёнида тайёрла-ниши ҳам мумкин. Баъзан олдиндан тайерлаб қўйилган томизғи-лардан фойдаланилади. Соғиб олинган бия сутига маълум Миқдорда томизғи солиниб бир сутка атрофида иссиқ ерда сақланади ва вақт-вақти билан аралаштирилиб турилади. Бия сути тахминан 3—4 кун давомида ачиши мумкин, сўнгра уни яна аралаштирган ҳолда салқин ерда сақланади.

Қынмиз одамларнинг овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилай-дп, нерв системасини нормалаштиради, организм қувватини оши-ради, ўпка, ичак ва ошқозон касаллиги бўлган беморларни даво-лашда муҳим ва шифобахш ичимлик хисобланади.

## **ОТЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ**

Отлар ўзларининг биологик хусусиятларига қўра бошқа турда-ги чорва молларидан фарқ қиласи. Масалан, уларнинг ошқозони содда тузилишга эга бўлиши билан хажми жиҳатидан қорамолни-кпга қарагандা 7—8 марта кичикдир.

Отларпинг ичаклари хам анча калта бўлади. Шунга қўра от-ларнинг асосий озиғи бсда, пичан, ем, кунжара, серсув ва ширали озинқ турларидан ташкил топган бўлиши ксрак. Ош тузи эса улар-га истаганича берилиши лозим Отларга кечкурун кўпроқ дағал озиқ берилади. Ем суткасига тўрт марта баробар микдорда берилиши маъқул. Озиқлантириш-да олдин дағал озиқ, сўнг ем ва яна дағал озиқ берилади. Сутка-сига 3—4 марта суғорилади. Терлаб турган отларни бир оз дам олиб бўлгач, суғориш мумкин.

Айғирлар рационига бияларни қочириш даврида 5 кг сут, 3—5 дона тухум, 0,2—0,3 кг гўшт-суяк унини киритиш тавсия қилина-ди. Агар айғирнинг тирик вазни 500 кг атрофида бўлса, у ҳолда унга суткасига 6—8 кг бсда пичанн, 6 кг ем (ёки омихта ем) бе-риш маъқул қўрилади. Айрим вақтларда 500—600 г дон майсаси бериш ҳам фондалидир.

ёз ойларида беда пичани ўрнига 15—25 кг атрофида янги ўриб келтирилган кўк беда бериш мумкин. Қочириш кампанияси туга-гач уларнинг рационидан сут, гўшт — суяк уни ва тухум чиқариб ташланади ва 3 кг атрофида силос бериб турилади.

## **Мўйнали ҳайвонлар**

Улуг Батан урушидан кейин бу соҳа яна ривож топа бошлади. Эндилиқда мўйнали ҳайвонлар РСФСР, Украина, Белоруссия ва Болтиқ бўйи республикаларидағнна эмас, балки барча республикалар, шу жумладан Урта Осиё ва Қозогистон республи-каларида ҳам кўпайтирилмоқда.

Мўйнали ҳайвонларни қисқа вақт ичида жадал кўпайтирилганлиги ва хозирги вактда СССРнинг дунё бўйича барча мамлакатлар ичида биринчи ўринда туриши социалистик тузумнинг капиталистик тузум устидан юксак ва ғолиб эканлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда бутун мамлакатимиз бўйлаб, минглаб йирик мўйначилик хўжаликлари ва фермаларнинг ташкил этилиши, меҳнат самарадорлнгининг тобора ошнрилиши, маҳсулот сифатини яхшиланиши, ранг-баранг мўйиа турларининг яратилиши ва бу соҳэда илфор технологиянинг жорий этилиши фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари партия ва хукуматимизнинг кўрсатмаларига мувоғиқ мўйначилик тармоқларини ихтисослаштирилиши, марказлаштирилиши ва интенсивлаш


туфайли хамда мўйначилик маҳсулотларини саноат асосига кўчириш, йирик комплексларни барпо этиш натижасида барча турдаги мўйна маҳсулотлариинг деярли 70% и маҳсус ихтисослаштирилган хўжаликларда стпш-тирилмокда.

Айниқса, мўйнали ҳайвонлар ичидаги норка, оддий тулки, шимол оқ тулкиси, сувсар ва бошқалар асосан СССРда қўпаптпрнлади. Бу ҳайвонлардан етиштирилган қўплаб қимматбаҳо мўнналар дунё бозорларида олтин баҳосида сотилиб Ватанимизнинг олтин запасини кўпайтириш имконини бераётир.

Мўйначиликнинг сердаромад ва хўжалик аҳамиятига эгабўлган соҳалари: ондатрачилик, нутриячилик, норкачилик ва қуёнчиликлар. Шунга кўра кўйида ана шу соҳалар устида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

**Ондатрачилик.** Ондатралар асосан Шимолий Америкада кенг тарқалган бўлиб, СССРга 1927—1928 йилларда, Урта Осисга 1935 йилда келтирилган. Ондатра ўзининг ташки қўриниши билан қўпроқ йирик қаламушга ўхшаб кетади. У ўзининг усик мўйнаси билан суст ҳаракатланувчи ҳайвонни эслатади. Оёқлари калта, лекин кучли. Бармоқларининг ораси калта парда билан бирлашган бўлиб, сузишда катта вазифани бажаради. Думи узун, икки ён томонидан торайган. Мўйнаси оч-жигар ранг, қора, баъзан қизил-сарғиши ва тўқ малла ранг, тивит жунлари очроқ бўлади. Қулоғи калта, кўпда сезилмайди (13-расм).

Ондатралар асосан сер-сув, ўсимликка бой бўлган кўлмак ерларда қўпроқ урчитилади. Уларнинг танлаш



13-расм. Ондатра.

ва саралаш ишларини жиддий йўлга қўйиш натижасида ҳозирги вақтда уларда мўйнасининг сифати анча яхшиланган, вазни кат-талашган.

Ондатраларнинг танаси 30—35 см, тирик вазни 1,5—2 кг, ай-римлари ундан хам кўпроқ бўлади. Улар сувда яхши суза олади, бинобарин ўз озигини кўп вақт сувдан топади. Лоссий озиги қа-миш каби ўсимликлар ва уларнинг илдинзлари, шунингдек сувдаги моллюскалар, ҳашаротлар, чувалчанглар ва уларнинг личинкала-ри ҳисобланади.

Сувда сузган вақтда ондатралар боши ва елка кисмини ташқа-рига чиқарган ҳолда жуда тез ҳаракат қиласи. Еирор хавф сезил-са, у сув остига

шўнғиб кетади ва 100 метрга суза олади. Улар сув остида 3—5 минут ва ундан кўпроқ туриши мумкин.

Ондаралар мўйнаси анча зич ва қуюқ жойлашган, шунга қўра сувда унча нам юқмайди. Кўп миқдордаги калта тивити уларнинг таисиаи совуцдан ҳимоя қалади. Улар қуруклнқда тез ҳаракат қила олмайди.

Ондаралар жадал урчиш хусусиятнга эга бўлган ҳайвон. Унинг бўғозлиқ даврн 25 кун давом этади. Бир йўла 3—8 та бола ту-гади. Иттифоқимизнинг шимол областларида йилига икки марта болаласа, жанубий районларда, хусусан республикамиз шароити-да 4—5 марта гача тугади.

Туғилган болалари 20—25 кунгача онасининг сути билан озиқ-ланади, сўнг мустақил ҳолда турли хил озиқларни истеъмол қи-лади.

Табиий шароитда урғочи ондаралар одатда эрта баҳорда куй-кади. Болалари туғилгач бир ой мобайнида яна қайтадан куйкади. Шу тариқа йилига 3—5 марта болалаб, 35—40 тагача бола бериши мумкин. ёш болалари фак^ат оналарн ёпида бўлади. Яхши парва-риш кплинмаган болалари ёшлигида нобуд бўлнши мумкин. Та-биатда уларнинг душмани кўп. Масалан, чия бўри, тулки, ёввойи мушук ва хатто йирнк илонлар ҳам уларшг болаларига ҳамла қиласди.

Ондарра мўйнасининг сифати жихатидан барча мўйнали ҳай-вонлар ичидаги салмокли ўринни эгаллайди. Улар асосан Амударё атрофидаги серсув ерларда қўпайтирилади. Мўйнанинг сифати асосан киш вақтида юкори бўлади. Бошқа вақтларда ондарра тул-лаб туради. Шунга қўра мўйнанинг сифати ва қийматн пасайиб кетади. Ондарра сўйилганда унинг думн ва оёклари ташлаб юборилади. Териси маҳсус рамаларга кийдирилган ҳолда қуритилади ва уларга ишлов берилади.

Ондарра гўшти Шимолий Америкада озиқ сифатида истеъмол қилинади. Ошхоналарда ундан турли хил таомлар тайёрланилади. СССРда ва Урта Осиё республикаларида ондарра гўшти айрим гўштхўр ҳайвон «иорка, тулки ва бошқалар» учун ишлатилади.

Ҳозирги вақтда ондаралар асосан Қорақалпоғистон АССР-нинг Мўйноқ райони хўжаликларида ва Амударё қирғоқларига жойлашган колхоз ва совхозларда қўпайтирилмоқда.

**Нутриячилик.** Нутриялар кемирувчилар оиласига мансуб бўлиб, вазни йирик мўйнали ҳайвон ҳисобланади (14-расм)- Уларнинг ватани Жанубий Америкадир, ёввойи ҳолда иссиқ ва нам иқлими тропик районларда, серсув ва камишзор ерларда кенг таркалган. Улар ўз озигини асосан сувдан топади, шунингдек сув-да яхши суза олиши ва сув остида бир неча минут бўла олиша туфайли ўз душманларидан сақлана олади.

Нутриялар табиий шароитда тунги ҳайвон ҳисобланиб, ўз ўл-жаларини қоронғу тушиши билан овлайди ва истеъмол қиласди. Асосий озиғи ўт ўсимликлар ва уларнинг илдизлари хамда сувда-ги майдада жониворлар ҳисобланади.

Йирик нутрияларнинг вазни 6—7 кг, тана узунлиги 60—70 см келади. Эркак нутрия урғочиларига қарагандада анча йирик, айрим ҳолларда уларнинг

вазни 12 кг гача, тана узунлиги 90 см гача бо ради. Уларнинг 16 та озиқ тиши ва 4 та оч пушти ранг курак тиши бўлади. Курак тишлари бутун хости мобайнида ўсиб боради. Ка-такларда бокилганда улар остки жағ ва курак тишларини юкори жағ тишларига ишқалаб ўткирлаштириб туради.

Урчиши нил бўйи бир меъёрда давом этади. Бунда эркаклари анча актив бўлади. Кочмаган урғочи нутрия хар 25—30 кунда яна куйкади. Нутрия йилига 2 марта ёки икки йилда 5 марта болалай-ди. Бўғозлик даври 127—137 кун, бир йўла 4—5 бола беради, ле-кин айрим вақтларда 10 тагача туғиши мумкин. Т-угилган бола-лари ҳаракатчан, кўзлари очик, танаси жун билан қопланган бў-лади. Ҳатто тишлари хам мавжуд ва сувда суза олиш хусусиятига эга бўлади. Улар 15 кунлик бўлғанида кўкат озиқларни истеъмол кила бошлайди. Эмизиклик даври 45—60 кун. 3—7 ой деганда жинсий балоғатга етади. Умри 6—7 йил ва ундан хам кўпроқ да-вом этади. Лекин 3—4 ёшдан ўтгач уларнинг болалаш қобилияти пасаяди. Нутрия мўйнаси күённикидан қиммат туради.

Сифатли озиқлар билан боқилган ва яхши парвариш килинган урғочи нутрия бутун йил давомнда куюкиб туради, қочади ва бо-лалайди. Лекин улардан наел олиш ёз ва иссиқ кунларга тўғри кслса болаларининг ўт-ўсимликларни яхши истеъмол қилиши учун мувофиқ шароит вужудга келади. Урғочи ёш нутриялар ўртacha 6—7 ойлигига жинсий балағотга етади, лекин хар жихатдан яхши шаропт яратилгапда улар 3—4 ой бўлганда куюкка келади.

Ёш нутрияларни кочириб тайёрлаш уларни опаларидан аж-ратиб олингач, 50—60 кунлик давридан бошланади. Биринчи ма-ротаба қочириладиган ёш нутрияларни куюкка келганлигини аниқлаш анча мураккаб бўлгани учун, уларни 7—8 бошдан группалар-га ажратилади ва қочириш учун ажратилган вакили уларга кўйилади.

Одатда катта ёшдаги нутриялар туққандан 1—3 кун ўтгач куюкка келади. Эркаклари кўйилгач улар тезда қочади ва яна бў-ғоз бўлади. Лекин куюкка келишнинг иккинчи даврида уларнинг қочиши яхши натижা бсрарди. Бунда 23—28 кун вақт ўтиши мум-кин. Шунинг учун болалаган урғочи нутрияларга орадан 22—25 кун ўтгач, 5—6 кун мобайнида эркакларини кўйиш яхши натижা беради.

Нутрия қўйидаги тартибда қочирилади, Эркак иутрия урғочи-сини қочириб бўлгач, катакда уни яиа 1—2 соат қолдирилади, сўнг ўз хонасига олинади. Эртасига яна урғочисинн ёнига шу эр-как нутрия қўнилади. Чунки биринчи қуни қочмай қолган урғочи иутрия иккинчи қуни қочиши мумкин. Агар иккинчи қуни ҳам урғочиси эркагини қабул қилмаса у холда орадан 24 кун ўтгач (яъни болалаганига 50—56 кун бўлгач) эркак нутрия урғочисининг ёнига куюкка келганлигини аниқлаш учун қўйилади.

Нутриянинг бўғозлигини аниқлаш урғочиларини, айниқса ёш нутрияларни қисир қолишлигии олдини олишдаги муҳим тадбир ҳисобланади. Бунинг учун урғочи нутриялар турган катакларга эркаклари киритилиб турилади. Агар урғочиси бўғоз бўлса, у эр-кагнни

яқинлаштиrmайди ва- анча уришқоқ бўлади. Қочмаган нутрия анча юввош ва мойиллик билан эркакларини қабул килади.

Бўғоз нутрияларни озиқлантиришда, катакларни тозалашда ортиқча шовқин-сурон қилмаслик керак. Шунингдек ит, мушук, ғоз ёки бошқа ҳайвон ҳамда паррандаларни уларга яқинлашти-маслик лозим. Уларни думидан кўтариш ва қийнаш қўнгилсиз воқеалар (бала ташлаш) га олиб келиши **мумкин**. Иссик кунларда уларни тоза сув, совуқ кунларда тоза муз ва қор, серсув ва ши-рали озиқлар билан таъминлаш яхши натижа беради. Бўғоз нутрияларга кўп миқдорда берилган илдиз мевалар уларни овкат ҳазм қилиш органларининг нормал фаолиятини бузади, айrim холларда бола ташлашга олиб келади.

Нутриялар туғишига яқин уларнинг катаклари тозаланади, унга похол ва юмшоқ сомон ёки бошқа ўсимлик тўшамалари со-линади. Қиши кунлари эса хона иситилиши керак. Бўғоз нутриялар бир туғишида 1 дан 14 тагача бола беради. Болалари курак тиш-лари чиқкан, қўзи очик, танаси жун билан қопланган ҳолда туғи-лади. Улар туғилганда анча тетик бўлади, оғирлиги 120—140 г га боради. Орадан 2—3 кун ўтгач болалари оз-оздан онаси истеъмол қилаётган озиқлардан тотиб кўра бошлайди. Агар сув бўлса, унда бемалол суза олади ҳам. Нутрия болаларининг туғилганидаги вазни улар қанча туғилганлигига боғлик бўлади. Чунончи, нутрия" болалари қанчалик кўп туғилса, уларнинг вазни шунчалик кичик ёки аксинча бўлади. Эмизикли нутрия болаларини доимо назорат килиб туриш лозим. Вақтида эмиб турган нутрия болалари тез-ўсади, соғлом ва ҳаракатчан бўлади. Чунки нутриянинг сути жуда сермой (26% гача) бўлади. Она нутриялар болаларини сут билан қанчалик таъминлаётганлигини уларда сўрғичларининг катталиги<sup>^</sup> елинини ривожланганлиги ва ҳажмига қараб ҳам аниқлаш мум-кин. Агар уларнинг елини касалланган, эмизиш ҳолати паст бўлса, у ҳолда нутрия болаларини сунъий ҳолда, пипеткалар ёрда-мида кунига 3—4 марта сигир сути бериб боқиласди. Шунингдект нутрия болаларига бўлка нонини сутга тўғраб бериш тавсия эти<sup>^</sup> лади. Улар 2 ойлигига қадар кунига 40—50 г дан сут, 20 г дан нон ёки маккажўхори уни олиши мумкин. Кўкатни эса исталганча бе-рилади.

Нутрия болалари 45 кунлик бўлгапда, катта ёшдаги нутрия-лар рационига ўтказилади. Шунингдек, кора нон, балиқ мойн ва витаминалар бериш тавсия этилади.

Ешлигидан онасидан ажратиб боқиласган нутриялар одамга яхши ўрганади ва хатто доим унинг олдидан кетмайди. Нутрия болаларининг қандай ўсиб, ривожланаётганлигини билиш учун уларни вақт-вақти билан тарозида тортиб турилади. Нутриячилик билан шуғулланувчи ҳамма ҳўжаликларда зоотехника x<sup>^</sup>исбот<sup>^</sup>и олиб бориласди. Масалан, нутрия катакларига фанер тахтачалар-осилиб унга ҳар бирининг номери, лақаби, туғилган куни, кочган вакти, қайси нутриядан кочганлиги, туққан куни, бир йўла қанча бола туққанлиги каби маълумотлар ёзиб кўйилади. Оналаридан ажратиб боқиласган нутрия болаларининг фанер тахтачаларига уларнинг туғилган куни, жинси, нечта туғилганлиги каби кўрсат-кичлари ёзилади.

Бундай ҳисоб-китоб ишларини олиб боришдан-мақсад уларни қочириш жараёнида яқин қарниндошлиқ алоқала-ридан четлаштиришдан иборатдир.

Юқорида кайд қилиб ўтилгандек, нутриялар йил давомида болалаш хусусиятига эга. Лекин хўжалик учун энг қулай бўлган вақти I квартал хисобланади. Чунки совуқ тушгунча улар анча йирик, мўйнаси ўсиқ ва сифати яхши бўлади. Шунга қарамасдан кўпчилик хўжаликларда нутрияларнинг туғилиши II ва ІІ кварталга тўғри келади. Шунинг учун уларни яхши ўстириш ва мўй-наси сифатини яхшилаш мақсадида 4—5 ой давомида кўшимча боқилади ва маълум миқдорда ем-хашак ва меҳнат сарфланади,

Нутрияларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун уларни ра-цион асосида боқиш ижобий натижа беради. Бинобарин ем-хашак турларини танлашда уларни узоқ вақт сақлаш, сифатини бузмас-лиқ, дастлабки ишлов бериш каби томонлари хисобга олинади. Шуни унутмаслик керакки, агар см-хашак қанчалпк тўйимли, си-фатли ва тоза бўлса, нутрияларнинг махсулдорлиги юқори, физио-логик ҳолати ва соғлиғи яхши бўлади.

Ёз ойларида нутрияларнинг озиқа рационининг асосий **қисми** кўкат озиқлардан иборат бўлади. Масалан, янги ўрилган кўк бе-да, бошоқли ўсимлнклар пояси, лавлаги ва сабзн баргларн ҳамда бошқа турдаги ўсимлик чиқиндилари. Бундан ташқари маккажўхори пояси, қамиш, кунгабоқар пояси, ёввойи ўтлар ҳам нутрия-ларни севимли озиғи хисобланади.

Нутрияларни айникса серсув ва ширали озиқлар билан таъ-минлаш яхши натижа беради. Бунда озиқнинг сифатига айникса алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир нутрия учун тоза ва майд-ланган ҳолда 100—150 г илдизмевани асосан кечқурун (қиши кун-лари эса эрталаб ва кечқурун} берилади. Ем эса нутрия рациони-нинг асосий компоненти ҳисобланади. Масалан, арпа, сули, мак-кажўхорп, нўхат, буғдой каби дон озиқларни нутрнялар жуда ссвиб истеъмол килади. Емни беришдан аввал сув билан намлаш еки кайнатиш унинг сифати ва тўйимлилигини оширади. Буғдой, сули ва арпа ёрма ҳолда ёки улардан нон тайёрлаб борилса, янада яхши натижа беради. Шушшгдск кспак, кунжара, омухта ем нутриялар учун муҳим озиқ хисобланади.

Нутриялар рационида минерал, ёғи олинган сут, қон ва суяқ уни каби озиқлар бўлиши уларнинг оқсил моддасига бўлган эх\_ти-ёжини кондиришда, яхши семиришида ва ривожланишида муҳим •омил ҳисобланади.

Нутриялар қисман сувда ҳам яшашга мослашган ҳайвон бўл-ганлигидан уларнинг териси ва жун қатламининг тузилиши ўзига хос хусусиятга эга. Уларнинг елка ва қорин қисмида мўйнаси ан-ча зич бўлади. Бу хусусият уларни сувда совуқотмасликка мос-лашганидан далолат беради. Уларнинг жун катлами асосан ўсиқ дағал жун толаларидан ва калта, лекин зич жойлашган тивит толалардан иборат. Бу толалар совуқ кунларда нутрия танасини совуқдан сақланиш имконини беради. Тери калинлиги елка қисмида яхши ривожланган бўлса, қорин, биқин, бош ва кўкрак қис-мидагиси бир оз юпқа бўлади. Бу хусусият уларнинг мўйнасини ишлаш даврида хисобга олиниши лозим.

Нутрия мўйнаси енгил саноат учун қимматли маҳсулот ҳисоб-ланади. У ўзининг чидамлилиги ва пишиклиги билан ондатра ва кўён мўйнасидан устун туради. Уларнинг мўйнасидан аёллар ва болалар учун сифатли бош кийимлар, ёқалар тайёрланади. Айрим вақтларда уларнинг мўйнасини бўяш ҳам мумкин.

Сўйилган нутриялардан 2,5—3,5 кг сифатли гўшт олиш мум-кин. Нутрия гўштидан кўплаб чет мамлакатларда, жумладан аме-рика континентида тўйимли ва мазали овқат сифатида кенг фой-даланилади. Шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам, кейинги йилларда нутрия гўштини истеъмол қилиш яхши йўлга қўйилди.

**Норкачилик.** Норкалар ўзларининг келиб чиқиш ва айрим белги ҳамда хусусиятларига кўра икки — америка ва европа турига бўлинади. Америка норкасининг думи 5 см ча узун, қулоқ супра-си айлана шаклида бўлади, мўйнаси ^уюқ ва сифатли бўлганли-гидан кўпчилик хўжаликларда кўпайтирилади. Шунингдек, айрим мамлакатларда Аляска норкаси, кентай норкалари ҳам бокилади.



Жинсий инстинкт эркакларида кучли ривожланған, айрим ҳолларда бир урғочи норкани бир неча бор зўрлаб қочириши кузатилган. Локин айрим вақтларда бу ҳол икки жинс ўртасида уруш ва бир-бирла-рини тишлаб жароҳатлашгача олиб келади.

Урғочи норканинг куюкиш муддати 25—30 кун давом этади. Тухум хужайраларининг тухум йўлидаги харакати ҳам 6—7 кун давом этади. Тухум тухум йўлининг юқори қисмида оталанади ва 10—40 кун мобайнида тухум йўлида тўхтаб қолади. Бу давр ла-тент даври деб аталади. Анрим ҳолларда қочирилган норка тана-сида кўшимча (янги) тухум ҳужапралар ҳосил бўлади, шунга кўра улар яна зрқаклари билан қўшилишга харакат қилишади, Кўшимча кочиши натижасида яна янги эмбрионлар вужудга келади.

Норкаларнинг бўғозлик даври 40 дан 73 кунгача давом этади. Бундай катта фарқ бўлнининг асосий сабаби уларда латент даврининг ва эмбрионлар микдорининг ҳар хил бўлишидадир. Эмбрионлар кўп бўлган норкаларнинг туғиши даври бир оз чўзилади.

Норкаларни боқишида уларнинг рационини минимал ёки мак-симал даражада ўзгаришига йўл қўймаслик лозим. Чунки мини-мал даражадаги рацион норкаларнинг соғлиғи сақланиши билан маҳсулдорлиги пасайиб кетади ва максимал даражада бўлгани-да овқат хазм қилиш органларининг жадал ишлаши натижасида жигари ва айрим органларининг фаолияти бузилади. Шунинг учун радион доимо оптимал даражада бўлиши керак.

Ўзбекистон хўжаликлари шароитида норкаларнинг боқиш ва озиқлантириш борасидаги Ангрен мўйначилик хўжалигининг иш тажрибаси ўрнак бўлмоқда.

Хўжалиқда рацион тузишда норкалар организмининг ози<sup>^</sup> мод-даларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш хисобга олинади. Буи-да ҳайвонларнинг ёши, жинси ва Гашлининг фаслига эътибор бери-лади. Норкаларни соғлом сақлаш ва маҳсулдорлигии оширишга катта ахамият бсрилади, физиологик ҳолати (урчиши, ўсиши, ҳо-миласининг ривожланиш қобилияти ва бошқалар) хисобга оли-нади.

Маълумки, озиқнинг танқис бўлиши норкаларпинг саломатли-гига салбий таъсир кўрсатишидан ташқари, организмда кечадк-ган физиологик жараёнларни сусайтиради, уларнинг маҳсулдор-лигини пасайишга олиб келади. Озиқ керагндан ортиқча бе-рилганда ҳам организмда бир қатор салбий жараёнлар вужудга келади, жумладан, овкат ҳазм килнш системаси издан чикади, ёғ босиш каби ҳоллар рўй беради. Шунинг учун рацион тузишда норкалар организмининг индивидуал хусусиятлари ва эҳтиёжини бутун йил давомида хисобга олиб бориш керак бўлади. Рационни группали тарзда нормалаштиришга ҳам йўл қўйилади.

Бу метод ёш норкаларни ўстиришда айниқса муҳимдир, чунки у озиқни энг кам сарфлаб, энг кўп маҳсулот олиш имконини беради.

Хўжалиқда норкаларни балиқ, гўшт ва гўшт-балиқ билан боқиш усуллари қўлланилади. Балиқ билан боқиш усулида ҳайвон-лар оладиган жами калориянинг 50% дан кўпроғи балиқларга ва балиқ маҳсулотларига, гўшт билан боқишида эса турли ҳайвон-лар гўшти ва ичак-чавоқларга тўғри келади. Гўшт-балиқ билан боқишида рационда калорияси ва тўйимлилик даражаси тенг бўл-гап, тенг миқдордаги гўшт ва бали маҳсулотлари бўлиш кўзда тутилади.

Зарурият бўлган пайтларда ёш норкаларнинг ўсиши ва ривож-ланишини яхшилаш, катта ёшли норкаларнинг урчиш қобилияти-ни ошириш ва юкори сифатли маҳсулот етиштириш мақсадида рационга ёғ, витаминлар, антибиотиклар, ачитқилар, биопрепаратлар ва минерал элементлар (кальций, фосфор ва бошқалар) қўшилади.

Хўжалиқда норкаларни бошқа усублари муттасил такомиллаштирилиб, маҳсулотлар хилма-хиллаштирилиб турилади. Масалан, илгари рациондаги гўшт-балиқнинг қарийб ярмини от гўшти ташкил киларди. Ҳозирги вақтда асосан ичак-чавоқлар, мол ва қўй калласи, қон ва бошқа шу кабилардан фойдаланиш хисобига от гўшти миқдори 3—10 процентга қадар камайтирилган.

Урчишига тайёргарлик кўриш ва урчиши, бўғозлик ва лактация даврларида рационга жигар, от гўшти, сут, балиқ мойи ва ачитқилар киритилади.

Норкаларни боқишида қўл меҳнатини енгиллаштириш мақсадида механизмлардан ҳам фойдаланилади.

Норкалар кўпроқ ёввойи холда қўл, дарё ва сувли ерлар яқинида яшайди. Бунга асосий сабаб озиқ рационининг деярли 70—75%и турли

хилдаги майда ва ўртача ҳайвонлардан ташкил топғанлигидадир. Масалан, ҳамма турдаги балиқлар, бақалар, қисқибакалар, моллюскалар, кала-муш, сичқон, олмахон, ондатра, құшлар, илонлар ва ҳатто хаша-ротлар шулар жумласига киради.

Шуннингдек уларнинг рационини 25—30% и турли хилдаги үсимликлар ва уларнинг дони, мевалар, сабзавот экинлардан иборат.

Норкалар ёввойи ҳолда оила бўлиб яшамайди. Куюкка келгани қочгач, ўзининг бўлажак болаларини эркагидан сақлаш учун узоқ масофаларга жўнаб кетади. Бир онадан туғилган болалари куз келишига қадар бирга, оналари ёнида бўлишади, сўнг ҳар томонга тарқалиб кетишади.

Норкалар асосан тунги ҳайвон ҳисобланади. Лекин айрим вақтлари кундузи ҳам ов қиласи. Улар қочиши ва қочириши вақти-да жуда актив бўлади. Оёқлари калта, лекин бақувват, бармоқлари жун билан қопланган, ораси сузғич парда билан бирлашган бўлади. Бармоқлари бир-биридан мустасно ҳаракатланиш хусуси-ятига эгадир. Улар олмахон каби тик дараҳт ёки сим тўрларида тезлик билан ҳаракат қила олади. Туси асосан жигар ранг, лекин ҳозирги вақтда 5—6 хил туслари ҳам яратилган.

Норканинг боши уларнинг жинсини аниқлашда муҳим белги ҳисобланади. Эркакларининг боши юмалоқ, кенг, анча қўпол бўлади. Ургочилариники эса бир оз чўзиқроқдир. Бир ойлик бўлган болаларининг бундай жинсий деформизми яхши ифодаланган.

Норканинг кўзи юмалоқ, ялтираб туради, асосан қора рангда. Лекин айрим вақтларда жигар рамг, қизил ёки оч пушти ва кўк рангда бўлниши ҳам мумкин. Умуман уларнинг кўзи, танаси ва мўйнасининг рангига қараб турлича бўлади.

Норкаларни узоқ йиллардан бери қўлда боқишига ўргатиш ва илмий асосда селекция ва наслчилик ишларини олиб бориш ту-файли ҳозирги вақтда уларнинг ўнлаб турли хил ранг мўйнала-рини етиштириш имкониятига эга бўлинди. Ҳозирги вақтда мўйна-чилик хўжаликларида норкаларнинг стандарт (тўқ жигар ранг), ҳаво ранг, жигар ранг ва оқ рангли турлари кўплаб урчнтилмоқ-да ва кўпайтирилмоқда.

Норкалар йилига бир марта, февраль ойининг дастлабки кун-ларида куюкка келади. Бу вақтда улар турлн хил овоз чиқаради, транспорт ёрдамида бажарилади. Музхонадаги озиқлар эса ундан 20 м нарида жойлашган норкалар ошхонасига юк аравачалари эстакадасида етказнб берилади.

Норкаларни сўйиш ва териларига ишлов бериш ишларини норка боқувчи ишчилар иштирокида мўйначилик мутахассислари бажаришади. Норкаларни сўйиш учун уларга укол қилиниб, дистелин юборилади. Мўйнага биринчи ишлов бериш маҳсус асбоблар ёрдамида сўйиш пункти (қушхона) да бажарилади. У ерда мўйнани ишлаш, тозалаш, ёғини кетказиш, текислаш ва цуритиш, ташиш ва саралаш цехлари бор.

Хўжаликнинг куритиш цехига бир йўла 1500 дона тери сифиши мумкин. Куритиш 31—35°C да 11 — 12 соат давом этади. Сушилка-даги температура

электрокалориферлар ёрдамида керакли дара-жада ушланади, ҳаво эса вентиляторлар ёрдамида тозалаб тури-лади.

Хозирги вактда хўжаликда иккита норкачилик фермаси бор. У фермадаги наслчилик ишлари ва барча ишлаб чиқариш жараён-ларини бошқариш ферма бошли<sup>л</sup>лари зиммасига юклатилган. Фермадан бирида тўртта, иккинчисида учта бригада ишланди. Бригадаларнинг вазифаси норкаларга қараш, ёш норкаларни ўстириш ва тери етишириш ишларини ташкил этиш, зоотехника ҳисоби ва ҳисоб-кпто б ишларини олиб боришдан иборат. Қочи-риш учун норкаларни хиллаш ва насл ядрошиб танлаш, норкалар бонитировкасини ўтказиш ва асосий подани брак қилишда бригадир шахсан қатнашади.

Шундай қилиб, мўйнали ҳайвонларни, хусусан, норкаларни урчитиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, уни республикадаги қўпчилик хўжаликларда йўлга қўйиш мумкин.

**Куёнчилик.** Ўзбекистондаги хўжаликларда ва республикамиз мактабларида қуён асосан гўшти ва мўйнаси учун боқилади.

Ватанимизнинг барча зоналарида етиширилаётган турли хил мўйналар ичида қуён мўйнаси салмоқли ўрин згаллайди. Қуен мўйнаси ранг-баранг, енгил, чиройли ва арzonга тушиши туфайли ундан кўп фойдаланилади. Ундан болалар пальтоси, телпак, ёқа, пойафзал тайёрланади. Шунга кўра халқ хўжалигига унинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Қуён гўшти етиширишда ҳам муҳим ўрин тутади, У тез етила-ди ва кўпаяди, шунинг учун ундан қисқа вақт ичида кўплаб пар-хез, ю<sup>л</sup>ори сифатли қуён гўшти етишириш мумкин.

Йилига битта она қуен ҳисобига 70—80 кг гўшти ва 25—35 дона мўйна олиш мумкин.

Статистика маълумотларига қараганда, йилига СССРда 50 миллион атрофида қуен гўшти учун сўйилади. Бу эса 1 млн бош қўй гўштига тенгdir.

Қуён гўшти ўзининг ҳазм бўлиши ва оксил моддаларга бойли ги билан чорва моллар гўшти орасида биринчи ўринда туради.

Шунингдек, бир килограмм қуён гўшти етиштқриш учун қўй, чўчқа ёки қорамол гўшти тайёрлашдагига нисбатан кам озиқ та-лаб этилади.

**Қуён гўшти таркибида оқсил кўп, холестерин кам бўлганлиги** туфайли айниқса болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек ошқозони касалланган ва юрак-томир касаллигига чалин-ган кишилар учун жуда фойдалидир. Қуён ёғи қўй ва қорамол ёғига нисбатан тез эрийди ва тўлиқ ҳазм бўлади. Шунинг учун ҳам болалар боғчалари, санатория ва касалхоналарда қуён гўштидан турли хил таомлар тайёрланади.

Қуёндан жуда майин ва нозик тивит ҳам олинади, ундан шарф, рўмол, свитер, беретка, пайпоқ ва бошқалар тўқилади. Шунинг-дек, қуён терисидан кўлқои, сумка, енгил оёқ кийим ҳам тайёрланади.

Қуёнчилик фермалари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон колхоз в совхозларида, тажриба станцияларида, ўрта мактабларда қуён боқиши ишлари яхши йўлга қўйилган.

**Күён зотлари.** Махсулот турларига кўра куенлар гўшт, тивит ва мўйна йўналишидаги зотларга бўлинади. Бундан ташқари ти-вит йўналишидаги қуёнларнинг мўйнасини ўсиғлигига кўра ўрта-ча, узун ва калта тивитли группаларга ажратилади. Шундай қи-!либ, ҳозирги вақтда Иттифоқимиз область ва зоналарида 60 дай ортиқ қуён зотлари боқилмоқда.

Қўёнчиликда танлаш, саралаш ва чатиштириш ишларини олиб ;бораётган селекционер ва бошқа олимлар томонидан қуёнларминг маълум иқлим ва ўлка шароитига яхши мослашган, юқори мах-;сулдор зотларини яратиш ва уларни иқли.млаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Кул ранг йирик зот.** Бу зот қуён 1952 йилда Полтава областидаги Петров номидаги мўйначилик хўжалигига яратилган, Янги зот фландр қуёнларини маҳаллий қуёнлар билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Уларнинг дурагайлари йирик бўлиб, вазни 4,5—6,5 кг келади. Танасининг узунлиги 56 — 66 см, кўкрак айланасининг ўлчами 37 — 39 см. Ранги ҳар хил. Асо са« кул ранг, оч ва тўқ қул рангли вакиллари ҳам учраб туради. Қорин қисми, оёқларини ички томони оқ, танаси баъзан кул ранг-малла бўлади. Тивит толаларининг остки қисми ҳаво ранг, уни эса очроқ. Зот яратилганлигига унчалик кўп вақт бўлмаганлиги учун ларнинг ичида баъзан тим қора тивитлilari ҳам учраб туради.

**Оқ рангли йирик зот.** Бу зот қуён оқ рангли, йирик вазнли бўлиб XIX асрда Бельгия ва Германияда яратилган. СССРга эса 1927 йилда келтирилган.

Иттифоқимиз хўжаликларида танлаш, саралаш ва наслчилик ишларини ҳар томонлама яхшилаш йўли билан уларнинг сер-пуштлиги оширилди, болаларининг ҳаётчанлиги яхшиланди.

Бу зот қуёнларнинг мўйнаси зич ва майнин, кўзлари қизғиши ёки пушти рангда бўлади. Танаси йирик, узунроқ, тирик вазни 4,3 — 6,4 кг га боради. Танасининг узунлиги 55 — 65 см, кўкрак айланаси 36 — 38 см. Мўйнасининг сатҳи катта. Ранги оқ бўлганлиги учун уни турли хил ранг билан бўяш мумкин.

Урғочилари бир йўла етти-саккизтадан болалайди ва бу бола-ларини яхши парвариш қилади. Бу зот ўзининг тез етилувчанлиги билан бошқа зот қуёнлардан фарқ қилади. Болаларининг сутка-.лик семириши юқори даражада бўлади. Икки ойлик болаларининг вазни ўртача 1,5 кг, уч ойлиги 2 кг ва тўрт ойлиги 2,6 кг келади .

Бу зот қуёнлар асосан соф ҳолда кўпайтирилади. Лекин айрим вацтларда улардан зотлараро чатиштириш ишларида ҳам фойдаланилади.

**Шиншилла зоти.** Бу зот 1913 йилда Францияда яратилган. Ваз-ни ўртача. Узининг рангига кўра у бу зот Американинг баланд тоглик ранонларида ҳаёт кечиравчи шиншилла деб номланувчи қуёнларга қиёс қилинганлиги туфайли унга бу ном берилган. Улар СССРга келтирилгач, барча сифат белгилари, махсулот кўрсат-кичлари тубдан ўзгарди, Бунинг натижасида Совет шиншилла зоти вужудга келди.

**Совет шиншилла зоти.** Асосан гўшт-мўйна йўналишидаги қуён зотидир. Бу зот Саратов областидаги Анисовский номли мўйначи-лик совхозида яратилган. Уларнинг мўйнаси кул ранг ва ҳаво ранг тивит толаларидан

иборат. Кўриниши чиройли, танасининг устки кисмн тўг1<. кул ранг, қорин, дуи ости, оёкларнишг ички қисми оч кул ранг. Оралиқ жун толаларининг остки қисми оч кул ранг, уст-ки қисми эса кул ранг ва учи қорамтири бўлади.

Зот вакиллари мустаҳкам конституцияга эга. Боши чўзиқроқ: кўкраги яхши ривожланган, елка қисми текис бўлади. Кўзи асо-сан қора, тирик вазни 3,0—6,2 кг, танаси 55—65 см, кўкрак айла-иаси 36—39 см га боради. Болалаган вакиллари серсуг бўлади. Бир йўла ўрта ҳисобда саккизтагача болалайди. Тез етилиш, яхши семириш хусусиятига эга. Бу зот Иттифоқимизнинг деярли ҳамма область ва районларида тарқалган.

*Қора қўнгир зот.* Бу зот 1948 йили Татаристон АССРнинг «Бир-юлин» мўйначилик совхозида селекционер Ф. В. Никитин томонн-дан яратилган. Унинг яратилишида асосан оқ рангли йирик, фландр ва кенский голубой зот қуёнлар бир-бири билан чатиш-тирилган. Танаси асосан қора-қўнғир бўлгани ҳолда да?ал ва оралиқ жун толаларининг учи қоралари ҳам учрдиди. Мўйнаси қалин. Тивити бир текис, ҳаво рант, учки қисминнинг ранги очроқ бўлади. Болалари уч-тўрт ойгача қора бўлади. Мўйнасидаги айрим ранг ўзгаришлар асосан етти-саккиз ойлигидан бошлаб содир бўлади.

Вазни ўртача 4,8 кг, танаси 60 см, кўкрак айланаси 37 см келади. Бир йўла саккизтагача болалайди. Тез етилиб, яхши семиради.

*Вена ҳаво ранг зоги.* Бу зот ўтган асрнинг охирида Австралияда маҳаллий соф ҳаво ранг қуспларни бельгийск великан зоти би-лан чатишириб яратилган. У Совет Иттифоқига 1927—1929 йилларда келтирилган. Танаси кул ранг ва ҳаво ранг. Дағал ва кора рангли жун толалари учрамайди. Вазни ўртача 4,3 кг. Танасининг узунлиги 57 см, кўкрак айланаси 36 см атрофида. Танаси узунроқ, лекин чиройли бўлади. Серпуштлиги ўртача, бир йўла саккизтага-ча болалайди. Бу зот ўзининг тез етилувчанлиги ва қисқа вақт ичида яхши семириши билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Гўшт чиқиши 56,9—59,8% ни ташкил қиласди. Баъзан бу зотнинг қўнғир рангли вакиллари ҳам учрайди,

*Кумуши рангли зот.* Бу зот вакиллари асосан йирик бўлади. У 1952 йилда Украина ССРга қарашли Петров номли мўйначилик совхозида зоотсхниклар А. И. Каплевский ва И. И. Каплевский томонидан яратилган. Ранги кумуш рангдан ҳаво ранггача, ўсиқ жунлари кора, дағал туклари оқ бўлган вакиллари ҳам учрайди. Тивити ҳаво ранг, остки қисми очроқ бўлади. Болалари кора ранг-да туғилади. Улар етти-саккиз ойлик бўлганида йирик вакилла-рининг рангига киради. Вазни ўртача 4,7 кг, танаси 60 см, кўкрак айланаси 37 см бўлади. Узиннинг тез етилувчанлиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди ва кўпроқ Белоруссияда кўпайтирилади.

*Қўйсимон зоти.* Бу зотнинг қўйсимон деган ном берилншига сабаб уларнинг қулоқлари осилиб туради, боши қўй бошини эсла-тади. Ранги оқ, қора, кул ранг, сарик, тарғил ва ола бўлади. Улар анчагина йирик, ўртача вазни 8 кг келади. Гўштдор зот ҳисобланади.

*Совет мардер зоти.* Бу зот 1940 йилда Арманистон ССРда А. Ч. Маграмян томонидан яратилган. Унинг яратилишида асосан горностаев, шиншилла ва маҳаллий қуён зотларидан фойдаланил-ган. Асосац жигар ранг,

танасида баъзан турли катталикдаги доғ-лар учраб туради. Болалари туғилганида сичқон рангида бўлади. Тўрт опда улар етук вакилларининг рангига киради.

Мўйнаси чиройлилиги ва гўзаллиги жиҳатидан бошқа қуён зотларидан ажралиб туради. Вакиллари асосан мустаҳкам консти-туцияли. Вазни ўртача 3,8 кг. Танаси 50 см, қўкрак айланаси 34 см. Мўйнаси қалин, мустаҳкам ва ялтироқ, ўзни серпушт бўлади.

*Белка зоти.* Бу зот 1916 йилда Германияда яратилган. Бир йўла олтитагача болалайди. Вазни 3,5—4,0 кг. Мўйнаси унчалик си-фатли эмас. Туси асосан кул ранг, ҳаво ранглари ҳам учрайди. Қорин кисми рангли жун билан қопланган.

Мўйнали, калта жунли қуён зотлари. Бу йўналишдаги қуёнлар-ининг мўйнаси қалин, жун толалари калта бўлади. Дағал жун то-лалари ҳам юқорида келтирилган қуён зотлариникига караганда икки марта калта ва нозикдир. Тивит толалари билан дағал жун-лари узунлиги бир хил. Мўйнаси майин, жуда қадрланади. Шунга кўра енгил саноат учун керакли хом ашё ҳисобланади.

Хозирги вақтда калта жунли, мўйнабоп қуёнларнинг турли раиглн — жигар ранг, сарғиш, оқ, қора, ҳаво ранг группа ва зот-лари ривожлантирилмоқда. Уларнинг тирик вазни ўртача 4 кг кслади. Конституцияси мустаҳкам, лекин маҳсус парвариш қи-лишни талаб қиласи. Серпуштлиги ўртача. Бир йўла уч-тўртта-дан болалайди.

*Тивити учун боқиладиган қуёнлар-* Бу йўналишдаги қуён зот-ларининг асосий маҳсулоти тивит бўлганлиги сабабли уларнинг гўштдорлик хусусияти анча паст. Мўйна толаларининг деярли 95—98% и тивитдан иборат. Унинг ўртача узунлиги 5—7 см ксла-ди. Битта етук қуёндан йилига 700 г гача тивит олинади. Бу қуёнлардан олпнаднган тивит ўзиннинг спфатига кўра, майин тивитли меринос кўн ва аигор зот эчки тивитидан анча устун туради.

Текшириш натижаларига қараганда, тивит йўналишидаги қуёнларнинг ватани Туркия ҳисобланади. Туркиядан Европа мамла-катларига XVII асрда келтирилган. Хозир сертивит қуён зотлари барча Гарбий Европа мамлакатларида, жумладан, бизинг итти-фоқимизда ҳам кенг тарқалган. СССР да уларнинг бир неча тури кўпайтирилмоқда.

*Ангор сертавит қуён группаси.* Тивити учун боқиладиган кенг тарқалган группа ҳисобланади. Бу ном улар ангор зот сертивит эчкиларга яқин бўлганлигидан олинган. Ранги асосан оқ бўлади, баъзан қора ёки тутун ранглilари ҳам учрайди. Танаси чўзинчоқ, боши катта, қулоғп калта. Оқ қуёнларнинг кўзи пушти, қоралари-ники қорамтири, ўртача вазни 3 кг атрофида. Серпуштлиги, сутдор-лиги ўртача. Ҳар бир қуёндан йилига 250—300 тивит олинади.

*Оқ сертавит қуён группаси.* Бу группа СССР да бундан 30 йил олдин яратилган (Х таблица, 2). Вазни йирнқ, тивити юкори ба-ҳоланади. Уртача вазни 4 кг бўлгани холда ҳар биридан' йилига 400—500 г тивит олинади. Тивитининг йўғонлигин 12—14 микрон.

## **ҚУЁНЧИЛИК ФЕРМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Республикамиз шароитида қуёнчилик фермалари зах ва намгарчилик бўлмаган қуруқ ерларда ташкил этилиши керак. Имконият борича теварак атрофи дараҳт ва майсазорлар билан ўралган бўлгани маъқул. Умуман қуёнчилик фермаларининг чорвачилик фермалари яқинида жойлаштирилиши кўп жиҳатдан (сув .билин таъминлаш, транспорт воситалари, озиқ келтириш ва бошқалар) осон ва қулай бўлади.

Колхоз ва совхоз хўжаликларида қуёнчилик фермаларини ташкил этиш ва мавжуд фермалардан катта даромад олиш учун биринчи навбатда серпушт она қуёнлар сонини кўпайтириш керак бўлади. Шундагина махсулот (гўшт, тивит, мўйна)нинг таннархи арзонга тушади ва сифати яхшиланади. Шароити тўғри келадиган хўжаликларда йил давомида қуён гўшти этиштнради-ган йирик қуёнчилик фермаларини ташкил этиш мумкин. Бунда майда қуёц болаларини гўшти учун жадал усулда семиртириш та-лаб этилади. Унинг афзаллиги шундаки, қуён болалари 60—65 қунгacha оналарини эмизиб боқилади ва вазни 1,8—2,2 кг га этиши билан гўштга топширилади. Шундай қилиб қуёнларнинг 1 кг ссми-риши учун ўрта ҳисобда 3,0—3,5 кг озиқ бирлиги сарфланади. Семиртирилган қуёнларнинг гўшти 50—60% ни ташкил этади. Куён бройлер усулида боқилганда ҳар бир она қуёндан йилига 28—30 та бола олиш мумкин. Лекин бройлер усулида боқилган қуёнлар гўштининг сифати паст бўлади. Ундан иккинчи даржали махсулот танёрланади.

Қуён болалари жадал усулда боқиладиган бўлса улар ўз она-ларидан 19, 29 ва 45 кунлигига ажратилади ва турли хил озиқлар билан боқилади. Бу усул қўлланилганида ҳар бир она қуён йили-га беш-олтн марта болалайди.

Хозир республикамиз шароитида қуёнларни катакларда боқиш усули кенг тарқалган. Бунда эркак ва урғочи куен бир катақда сақланади. Қуён боқишида бу усул қўлланилганида группа-группа қилиб сақлангандагидек турли хил юқумли касалликдан, ит, му-шук, каламуш, тулки ва бошқалардан сақланиши учун барча му-хим тадбирларнн амалга ошириш талаб этилади.

**Қуён** боладарини боқиш. Қуён болалари оналаридан ажра-тилгач, таркибин қисмл сутга нисбатан озик моддаларга унчзлик бой бўлмаган пичан, турли хил ўт ҳамда дон озиқларга ўтади. Шунинг учун улар биринчи ойда оналарига қандай озиқ берилган бўлса, худди шундай озиқ билан боқилиши мумкнин. Лекин дон ал-батта ёрма ҳолда берилиши керак. Шунингдек, қўшимча ҳолда сабзи, қаймоғи олинган сут, творог берилиши яхши натижа бе-радн.

Озиқлар қуёнларга белгиланган муддатларда (кун тартиби асосида) берилиши зарур. Рационга янги озиқ киритиладиган бўл-са, у оз-оздан қўшиб борилиши керак. Масалан, кунжаранинг уму-мий суткалик миқдори етук қуенлар учун 20 г, болаларн учун 10 г дан ошмаслиги лозим. Айрим ҳолларда

кунжара дон ёрмасига ара-лаштириб берилиши лозим. Ёрма ҳолидаги дон сабзавотларга ара-лаштириб берилса, юқори күрсаткичларга эришилади.

Күёнларни сў!%ришга хам алоҳида аҳамият берилиши керак. Қиши ойларида суткасига бир марта, ёз кунлари икки марта, яъни эрталаб ва кечқурун сув берилиши зарур. Куз ойларида, қуёнлар рационида илдизмева ва ширали озиқлар кўп бўлса, улар суғо-рилмаса ҳам бўлади.

Еўрдок.ига **боқиши**. Қуёнлардан юқори сифатли гўшт олиш учун улар асосан бўрдоқига кузда боқилиши керак. Чункин бу вақтда улар яхши семиришн билан бирга, терисининг сифати ҳам анча яхши бўлади.


Бўрдоқига боқиш учун асосан қисир қолган она қуёлар, брак килинган эркак қуёнлар, қуён болалари ажратилади. Бўрдоқига боқиш даври 25—30 кун. Лекин қуённинг турли хил зотларига мансуб бўлган вакиллари ўзларининг барча биологик ва хўжалик хусусиятларига кўра, бир-бирларидан фарқ қиласди.

Күёнларни бўрдоқига боқиш даврида озиқлар сифатли бўлиши ва у тўядиган даражада берилиши ҳамда сув билан таъминлаб

турилиши лозим. Шундагина қуёнлар кўнгилдагидек семира-ди, курак ости, тсри остидаги ёғининг ўзи 500—600 г ва ички органлари атрофидагиси 250—300 г, ўзи 6—7 кг гача етади (16- расм). Бу эса планингина эмас, балки олинган мажбур^ят-ни ҳам ортиғи билан бажарив ҳалқимизга кўп миқдорда сифат-ли қуён гўшти етказиб бериш им-конини беради.

Күёнларнинг тана тузилиши, экстеръери одатда кўз билан чамалаб апикланади. Айрим ривож-ланмай қолган ёки камчилик (порок) лари бўлганлари алоҳида ёзиб олинади.

Күёнчилик фермаларининг кун тартиби. Күёнчиллк фермала-рининг кун тартибини тузишда ёз ва қиши ойлари учун белгилан-ган тадбирларга амал қилинади.



16-расм. Гўшт учун боқиб семир-тирилган эркак қуён.

Күёнчилик фермаларида барча тадбирлар маълум план асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Кун тартиби эса ферма хусусияти, қуёнларни бош сони ва йўналишига кўра маълум да-ражада ўзгариши табиийдир. Лекин асосий мақсад вақтдан унум-ли ва самарали фойдаланишдан иборат.

### **XIII б о б. ЗООГИГИЕНА АСОСЛАРИ**

Зоогигиена (қишлоқ хўжалик ҳайвонлари гигиенаси) чорва молларининг соғлигини сақлаш, шунингдек, уларни боқиши, асраш, парваришилаш ва тўғри фойдаланиш қоида ҳамда тадбирлари асо-сида маҳсулдорлигини оширишга қаратилган фандир.

Зоогигиена фани ҳайвон организмига ташқи муҳит таъсирлари (об-ҳаво, иссиқлик, ёруғлик, совуқ, шамол, намлик, турли хил газ-лар, тупроқ, сув, озиқ ва бошқалар)ни ўрганади ва бу таъсирлар-га нисбатан турли хил ҳайвонлар учун нормал шароит режаларини тузади. Шунингдек, чорвачилик биноларини қуриш ва улардан фойдаланиш усул ҳамда нормативларини ишлаб чиқиши ҳам зооги-гиена фани зиммасига тушасифатли маҳсулот олиш, унинг таннархини арzonлаштириш ҳамда кам маблағ сарфлаган ҳолда кўп маҳсулот етиштиришдир.

Кейинги йилларда чорвачиликнин саноат асоснда жадал ривож-лантириш ва бу борада ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш, шуннингдек, йирик чорвачилик комплексларини қуриш зоогигиена фани олдига янада катта ва муҳим вазифаларн юклади.

Зоогигиена фани биринчи галда ветеринария билан боғлиқ бўлса, зоотехния, экономика, физика, химия, физиология, микробиология, климатология ва инженерлик фанлари билан алоқадор-дир. Зоогигиена фани маълумотлари турли умумпрофилактик, ветеринария-санитария ишларида, қишлоқ, хўжалик ҳайвонлари ка-салликларининг олдини олиш соҳасида фопдалаиплади. Бу фан одам гигиенаси билан ҳам боғлиқдир. Зоогигиена фани кўрсат-маси билан олиб бориладиган бир қанча тадбирлар чорвачиликда хизмат қиласидиган мутахассисларни ҳам турли хил касалликлардан сақланиш чораларини ишлаб чиқади.

Чорва молларини тўғрин асраш ва боқиши, молхоналар микро-иқлимини юқори даражада бўлиши, чорва ходимлар меҳнат ги-гиенасини қўтариш имконини беради.

Зоогигиена фанини равнақ топишида совет олимларининг роли бенихоя каттадир. Айниқса бу соҳада И. А. Добросмислов, Г. И. Гурин, А. К. Скороходъко, А. В. Озеров, А. П. Онегов, Н. М. Комаров, А. К. Данилова, В. А. Аликаев ва бошқаларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Зоогигиена фани ўз хусусиятнга кўра нкки қисмга: умумий ва хусусий зоогигиснага бўлинади. Умумий зоогигиена фани барча турдаги чорва ҳайаонларига тааллуқли бўлган соғлиқни сақлаш, маҳсулдорликни ошириш каби масалаларни ўрганади. Хусусий зоогигиена эса ҳар бир тур ҳайвоннинг хўжалик ва биологик ху-сусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсус тавсиялар бериш тўғрисида кузатишлар олиб боради.

### **ЧОРВАЧИЛИК БИНОЛАРИГА БУЛГАН САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ**

Чорвачиликнинг барча соҳаларини саноат асосида ривожлантиришга кўчириш ва йирик чорвачилик комплексларининг қурилиши муносабати

білан молхоналар микроқлимиға ва ҳайвонлар гигиенасыга алоқида әътибор беріш мұхим масала бўлиб қолмок-да. Бунга асосий сабаб бокладиган ҳайвонлар сонининг тобора ортиб бориши, молхоналар йирик бўлишига қарамасдан уларнинг зич ҳолда жойланиши, кўплаб ҳайвонларни йил мобайнида фақат-гина молхоналарда сақланиши, шунингдек, барча меҳнат жараен-ларнни механизация ва автоматизация ёрдамнда олиб борилишин-дир. Лекин шунга қарамасдан ҳозирги замон молхоналари ҳамма турдаги ҳайвонлар учун қулай, майдони етарли, тоза, ёруғ ва ҳар томонлама талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Бундан таш-қари замон талабнга тўла жавоб бера оладиган молхоналар санитария ва гигиена қондалари асосида қурилиши, упда сақланадиган молларга қулайликлар яратилган ҳолда бўлиши, мутахассис ва ходимлар хизматини осонлаштиришга қаратилган, қурилиши учун кўп маблағ талаб қилмайдиган ва узоқ муддатга чидайдиган бўлиши керак.

Чорвачилик бинолари х.ар бир зопа ва областнинг об-ҳаво, иқ-лим, тупроқ, ишлаб чиқариш ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган типовой молхоналар асосида қурилиши лозим, Қуриладиган молхоналарнинг катталиги ҳайвонларнинг тури, маҳсулот йўналиши, ер ресурслари ва ем-ҳашак билан тўла таъминлай олннишини назарда тутган ҳолда бўлишин мақсадга мувофиқдир. Масалан, сут йўналишидаги чорвачилик комплексла-ри асосан 200, 400, 800, 1200 ва 2000 бош сигирга мўлжалланган бўлиши керак.

Сут-товар ва наслчилик фермаларини қуришда молхоналар молларни боғлаб боқишида 200 ва 400 бош сигирга, бошбоғсиз бо-қишида эса 400 ва 600 бошга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Бузоқхоналар бузоқларни туғилганидан то сутдан чиққунга қадар даврда боқишини мўлжалланган ҳолда 114, 228 ва 342 бош-га мўлжалланиши лозим.

Сигирларнинг туғруқхопаларп эса 24, 48 ва 72 бошга мўл-жалланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Умуман чорвачилик биноларининг у ёки бу типии қуриш мўлжалланганда барча факторларга: механизация даражаси, ташқи мухит шаронти, ўлканинг хусусияти, ҳайвонларнинг тури, ёши, маҳсулоти, сақлаш усули ва асосан қўйилган мақсад дикқат мар-казида бўлмоғи лозим.

## **ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ҚУРИШДА УНИНГ МАҲСУС ҚИСМЛАРГА БЎЛГАН ЗООГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ**

Ўзбекистон зоналари шароитида чорвачилик биполарининг деворлари ташки иссиқ ва совуқ ҳароратни ушлаб қоладиган материал ва ускуналардан қурилиши керак. Шунинг учун девор материаллари ғалвирак, тешик-тешик материаллардан бўлгани маъқул. Чунки бундай материаллар ўзидан ҳавони қисман ўтказганин ҳолда иссиқ ва совуқ ҳавони ўтказмайди.

Бинонинг фундаменти мустаҳкам ва чидамли материаллардан қурилиши керак. Ердан фундамент орқали бино деворларига намлиқ ўтишига йўл қўймаслик мақсадида бинонинг фундаменти билан девори ўртасига икки

қават тўл ёки бошқа нам ўтказмайдиган материал қўйилиши лозим. Фундамент ер ости сувларидан камида 0,5 м баландроқ қурилиши керак.

*Бинонинг девори* юқорида айтилиб ўтилганидек иссиқ ва совуқ ҳароратни ўтказмайдиган, қуруқ ҳавони бир оз ўтказа оладиган гилвираксимон материаллардан қурилиши лозим. Унинг қалинлиги ҳар бир район ва областнинг иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Деворлар тез-тез оқланиб, тозаланиб ва дезинфекция қилиб турилади.

Зоогигиена фанининг асосий мақсадларидан бири ҳайвонларни турли хил касалликлардан сақлаш, касалликларнинг олдини олиш каби тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатdir

*Бинонинг шити* хонани ҳаддан ташқари исиб кетишига йўл қўймайдиган, қуруқ, енгил, текис ва мустахкам материаллардан қурилади. Бундай материаллар бино ичинн дезинфекция қилиб тuriш учун ҳам қулай бўлиши ксрак.

*Бинонинг поли* хонадаги микроиклим, санитария ва гигиеник ҳолат, молларнииг соғлифи, тозалиги, маҳсулотининг сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади. Шу-нинг учун у иссиқ, қуруқ, сув ўтказмайдиган, тозалашга қулай, мустахкам, эластик, ҳайвонларнинг сирпаниб кетишига нўл қўй-майдиган, дезинфекция қилиш қулай бўлиши керак.

Бино полининг муҳим кўрсатгичн ўзидан сув ўтказмаслик хусусиятидир. Ҳайвон сийдигини канализация томон оқиб тушиши учун у бир оз нишаб, ҳар бир метрда 1—2 см баландроқ бўлиши керак.

*Тахта пол* иссиқ бўлгани билан ўзидан намни ўтказади, 3—5 йилда ишдан чиқади ва дезинфекция қилиш учун ҳам ноқулай ҳисобланади. *Асфальт пол* ўзидан нам ўтказмагани ҳолда анча совуқ бўлади.

*Бетон пол* мустаҳкам бўлади, ўзи орқали сув ўтказмайди, ле-кин ҳайвон учун совуқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда барча талабларга жавоб бера оладиган полимерланган керамзит асфальтобетон, аглопоритобетон, керамзитобетон поллар ишлаб чиқиш конструкциялари тавсия этилган.

*Бинонинг эшиги* молларнинг кириб чиқиши, ем-хашак олиб кириш, қолдиқ озиқларни чиқариб ташлашга мос бўлиши, шунинг-дек, турли хилдаги озиқ ва ем-хашакларни олиб кирадиган ва унинг ифлосланган ҳамда қолдиқ кисмини чиқариб ташлайдиган транспорт воситалари учун ҳам қулай бўлиши керак. Эшиклар-нинг икки табақали бўлиши мақсадга мувофиқдир,

*Бино деразалари* шундай қурнилиши керакки, қуёш нури ҳайвон кўзига тушмасин, лskin хона ёруғ бўлсин. Узбекистон районлари шароитида молхопа ойналарини ёз қунлари очпб кўйнлади, бу эса бино ичкарисини шамоллатишга ёрдам беради. Дераза ойналари тез-тез тозаланиб, дезинфекция қилиниб турилади.

## МОЛХОНАЛАРДАГИ ЁРУҒЛИКНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ

Барча чорвачилик биноларида табиий, сунъий ва аралаш ҳолдаги ёруғликдан фойдаланилади. Ёруғликнинг ҳайвон организми учун аҳамияти каттадир. Ёруғлик ҳайвонлар учун иссиқлик, нур ва химиявий таъсир кўрсатади. Иссиқлик бўйича асосан инфра-қизил ва қизил нурларни аҳамияти катта. Бу нурлар ҳайвон танасига бир неча см гача кириб боради. Фермаларда бундай нурлардан касал ҳайвонни иситиш ва ёш моллар танасини чиниқтириш мақсадида фойдаланилади. Маълум бўлишича ультрабинафша нурлар ҳайвон терисига 0,7—0,9 мм гача кириб боради ва химиявий таъсир кўрсатади.

Ҳамма ҳайвонларда кўз ва тери орқали қабул қилинадиган ёруғлик нурлари бош мия пўстлоғидаги кўриш марказларига ва у орқали эндокрин системасига ҳамда бутун танага таъсир этади.

Ҳайвонлар учун қуёш нурининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. У бактерицидлик хусусиятига эга. Бундан ташқари ҳайвон организмида модда алмашув жараёнларини тезлаштиради. Бунинг натижаснда ҳайвоннинг иштаҳаси кучаяди, овқат яхши ҳазм бўлади, қон айланиши ва қондаги шаклий элементларнинг ҳосил бўлиши жадаллашади. Шунингдек, газ алмашуви ва кислороднинг тўқималарга етиб бориши яхшиланади.

Агар қуёш нуридан нормал фойдаланилса ҳайвон танаси соғлом, ҳаракатчан ва чиникан бўлади, маҳсулдорлиги ошади. Қуёш нури ҳаивон терисини бир қатор касалларига чидамлигини оширади, жун қатламишининг ўсишини тезлаштиради, яраларини тез тузалишига ёрдам беради.

Қуёш нури ҳайвонларнинг урчишига ва жинсий органларига ижобий таъсир кўрсатади, ёш ҳайвонлар учун қуёш нури ва ёруғлик етарли бўлмаса урчиш органларининг ривожланиши сусаяди, катта ёшдаги ҳайвонларда жинсий активлик пасаяди ва серпуштлик хусусиятн яхши натижади.

Юқорида келтирилган ёруғлик ва қуёш нурининг ҳайвон организмига кўрсатадиган ҳамма ижобий таъсирларини яхши билган чорвадорлар ўз молларини боқиши, асрар, сақлаш ва парваришлардаги илмий тавсияларга алоҳида аҳамият берган ҳолда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Молхоналарни ёритиш биринчи навбатда бинони жойланиш хусусиятига, дераза ойналарининг сатҳига боғлиқ бўлади. Молхоналарнинг ёруғлиги «ёруғлик коэффициенти» билан белгиланади.

*Ёруғлик коэффициенти* деб молхонага ёруғлик тушиб турадиган дераза ойнасининг сатҳини пол сатҳига бўлган нисбатига айтилади. Бу нисбат турли хил чорва моллари учун турлича бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, парваришлардаги чорва моллари ва паррандалар учун ёруғлик коэффициентини тузишда уларнинг ёши, маҳсулот йўналиши ва физиологик ҳолати хисобга олинади.

Чанг ва уни ҳайвон организмига таъсири. Атмосферада бўлганидек, молхоналардаги ҳавонинг таркибида ҳали маълум микдорда чанг бўлиши мумкин. Чанг асосан қуруқ озиқлар берилганда, молларнинг танаси ва ости тозаланганда, хоналар супирилганда ҳосил бўлади.

Чорвачиликни саноат асосида жадал ривожлантирилаётган айни пайтда молхоналарда ва чорвачилик комплексларида ҳайвонларни жуда зич

жойлашиши ва кўпайиб кетиши натижасида ҳавонинг таркиби бузилиб, чанг микдори ортиб кетиши мумкин. Сўзиз буни олдини олиш керак бўлади. Бу борада, молхоналарни тоза тутиш, ҳайвон танасинн тозалаб туриш, хоналарни вақтида шамоллатиш, дезипфекция қилиш ва куёш нуридан, қиш вақтларида эса ультрабинафша нурлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Гўнг чиқариш **ва** сақлаш. Молхоналарнинг санитарлик ва гигиеник ҳолатинн нормал бўлиши учун гўнг ва бошқа қолдиқларни ўз вақтида ташқарига чиқариб ташлаш муҳым аҳамиятга эга. Чорвачиликнин жадал усулда саноат асосида ривожлантириш ва чорвачилик комплекслардаги ҳайвонлар гўнг-шалтоғи ва бошқа зарарли қолдиқ ҳамда чиқиндишларни оз меҳнат сарфлаган ҳолда механизация ёрдамида ташқарига чиқариш тавсия этилади. Гўнг-шалтоқ тўпланадиган чуқурларнинг девори сув ўтказмайдиган (бетон каби) материаллар билан қопланиши ва молхонадан кўпи билан 10 м узоқликда бўлиши лозим, Унн ҳар 20—30 кунда бир марта тозалаб, ийифилган гўнг-шалтоқни ва сув қолдиқларидан холи қилиш талаб этилади.

Кейинги вақтларда гўнг турли хилдаги транспортерлар ёрдагмида чиқарилмоқда. Лекин гўнг-шалтоқ тўла ҳолда тозаланмасдан молхоналардаги микроиқлимнинг бузилиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик керак.

Гўнгхоналар молхоналардан камида 200 м узоқликда қурилади. Бунда гўнгхопа томонидан эсадиган шамолнинг йўналиши молхона томонга бўлмаслиги хисобга олинади. Гўнгхоналарни катталиги, чуқурлиги ва унда гўнг сақлаш муддати молларнинг сони ва муҳит шароитига қараб турлича бўлиши мумкин.

## ҲАВО РЕЖИМИНИНГ ҲАЙВОН ОРГАНИЗМПГА ТАЪСИРИ

Ҳаво режими ҳайвон организмига ҳар томонлама таъсир этади. Метеорологик шароитлардан қор ва ёмғир вақтинча таъсир қўр-сатса, айримлари яъни: ҳарорат, намлик, шамол ва ҳавонинг ҳа-ракати кабилар доимий таъсир этади.

Об-ҳавонинг ҳайвои соғлиғига ва маҳсулдорлигига катта таъ-сир қилиши кўплаб тажрибаларда аниқланилган. Қескин ўзгарув-чан об-ҳаво ва иқлим ҳайвон организмига кучли ва салбнн таъсир қиласи. Айниқса ёш моллар ташқи муҳитни кескин ўзгаришига чидамсиз бўлади.

Иттифоқимизнинг турли зона ва республикаларида бокилаётган ҳайвон турлари ўз шароитига яхши мослашган бўлади. Шунга кўра уларнинг физиологик функцияси, клиник кўрсаткичлари, мод-да алмашуа жараёнлари, овқат ҳазм қилиш, урчиш ва кўпайиш хусусиятлари муайян ҳолда талабга жавоб беради. Лекин бир-би-ридан кескин фарқ қиласидан зоналарга олиб борилган ҳайвон-ларда ташқи муҳит шароитига мосланиш даврида бир қанча ки-йинчиликларга дуч келинади. Совук иклимда ҳайвонлар совуқдан қийналса, иссиқ иклим шароитида уларнинг танаси кизиб кетади, нафас олиши ва юрак фаолияти оғирлашади.

Ҳайвон организми учун фасллар ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Айрим фаслларда юқумли, юқумсиз ва шшазион ка-•салликлар кўпайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам чорвачилик комплексларини куришда ва бошқа ишларнн планлаштиришда технологик жараёнлар диққат марказида турмоғн лознм. Маса-лан, бу борада чорвачилик комплекслари атрофини кўкаламзор-лаштириш, сув билан таъмнилаш, комплекс биноларида микроиқ-лии, иснтувчи иосламалар, вентиляция, канализация, хайвоилар-нн зичлиги, маҳсулот йўналишн, ёши ва бошқалар шулар жуила-сидандир.

*Микроиқлим* деганда молхоналардаги ҳаво мухитининг физик ҳолати ва химиявий таркиби комплекси тушунилади. Бунга бир қанча факторлар, яъни ҳавонииг ҳароратн, таркиби, налиги, ҳа-ракати (шамол), еруғлик, газ, ҳавонинг чангланиши ва бошқалар сўзсиз таъсир кўрсатади. Бундан ташқари теварак-атрофнинг қандай бўлиши масалан, қир-аднрми ёки боғ-роғларми, кўкалам-зорларми, пастлик ёки тепаликмн, молхоналардаги ишларнн механизация ёрдамида бажарилиши, ҳайвонлар зичлигини норма-тивалар асосида бўлиши ҳам микроиқлим ҳолатига таъсир кўр-сатади.

Чорвачиликни саноат асоснда ривожлантирувчи йирик чорва-чилнк комплексларида микроиқлнмга бўлган талаб инҳоятда кат-тадир. Чунки юқори маҳсулдор моллар ва зотлар, ўсувчан группа-лар микроиқлимга жуда талабчан бўлади. Акс ҳолда, яъни уларга ўрнашиб олиб, уларни турли хил касалликларга чалинтиради.

Чанг таркибидаги турли хил юқумли касаллик — чума, куйдирги, туберкулез, яшур микроблари ҳам бўлиши аниқланған. У ҳамма ҳайвонлар учун хавфли ҳисобланади. Шунга кўра бунга қарши. курашиш учун молхоналарни шамоллатиш ишларини тўғри йўлга цўйиш талаб этилади. Бундан ташқари ҳайвон танасини пневма-тик усулда механизмлар ёрдамида тозалаш ёки молхонадан таш-қарида, очиқ ҳавода қўл билан тозалаш лозим. Чунки ҳайвон та-наси ҳамма вақт, тоза ҳавода бўлганида ҳам ифлосланиб туради.

Оптимал даражадаги микроиқлим ҳайвонларнинг соғлигини яхшилашга, жинсий фаолиятилинг нормал бўлишига, уларнинг ўсиши ва ривожланишига, сут, гўшт, жун ва тухум маҳсулотини ортишига, ҳаракатчанлигининг гокори бўлишига каратилиши ло-зим.

Шундай килиб, хозирги вақтда автоматлар томонидан бошқа-рилиб турувчи нормал даражадаги микроиқлим яратиб берувчи қурилмалар бўлмоғи керак ва улар барча турдаги ҳамда типдаги чорвачплик комплексларида ўз ишини муайян ҳолда давом эттир-моғи лозим.

Молхоналарни шамоллатиш ишлари (вентиляция). Хоналарни шамоллатиш дегзнда ундаги эскирган заарли ҳавони ташқарига чиқариб, унинг ўрнига тоза ҳаво киритиш тушунилади. Хоналарни шамоллатиш микроиқлим ташкил этиш билан чамбарчас боғли^дир. Хоналарни шамоллатиб туриш туфайли талаб этилган ҳарорат, на.млик ва ҳавонинг ҳаракати вужудга келтирилади, шунинг-дек, заарлн ва захарли газлар тоза ҳаво билан алмашинади.

Агар молхоналар яхши шамоллатилмаса, заҳарли ва заарли газлар микдори, намлик ва ҳавонинг ҳарорати ортиб кетади, бу эса ҳайвонларнинг соғлиғига ва маҳсулдорлигига салбип таъсир кўрсатади.

Ҳавонинг харакати кўп жиҳатдан ҳавонинг ҳарорати ва нам-лигига боғлик бўлади. Масалаи, ҳавонинг ҳарорати паст бўлса, ҳавонинг ҳаракати тезлашади, бу эса ҳайвон танасидан кўплаб иссиқлик ажralиб чиқишига олиб келади, бунинг натижасида ай-рим ҳайвон вакиллари шэмоллаш касаллигига дучор бўлади. Ле-киа иссанқ кунларда меъёрида бўлган шамол ҳанвон тапасини қизиб костишдан саклайди ва соғлпгшиш яхшилайди.

Лгар молхоналарни сунъий усулда шамоллатишнинг имкони бўлса, ёз ойларида юқоридаги кўрсатгичлар маълум даражада юқори бўлиши мумкин.

Молхонага қпсман бўлсада тоза хаво дсвор ғоваклари ёркк-ларидаи эшик дсраза ва том оркали ўтади. Лскин молхоналарда маҳсус встиляцион аппаратлар бўлмаса ифлосланган ҳавони тез-да тозалаб бўлмайди. Айрим фермаларда сунъий шамоллатиш ишларини табиий шамоллатиш билан қўшма ҳолда олиб борилади.

## **ҲАВО МУҲИТИГА БУЛГАН ЗООГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ**

Ҳайвон организмига таш^и муҳитнинг деярли ҳамма фактор-лари таъсир кўрсатади. Айниқса ҳавонинг намлигн, таркиби ва ҳарорати, шамол ва унинг тезлиги, ёруғлик, тупроқ, хонанипг мик-роиқлими кучли таъсир этади. Булардан ташқари ҳайвонларни озиқлантириш, сугориш, асраш ва сақлаш тадбирлари ҳам ҳайвон организмига ва унинг маҳсулдорлигини ортишига ёки аксинча пасайишига олиб келади.

Молхоналарда боқиладиган ҳайвонларга ҳаво муҳити, унда тўпданган газларнинг таркиби, ҳавонинг ҳарорати ва намлиги, чанг, ҳаводаги микроорганизмлар микдори сўзсиз ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳаво таркибининг гигиеник аҳамияти. Атмосферадаги ҳаво тар-кибида турли хил газлар аралашмаси, сув буғлари ва мсханик қўшилмалар бўлади. Агар атмосфера ҳавосинн 100% деб олсак, унинг 78,09% азот, 20,95% кислород, 0,03% карбонат ангидрид ва 0,88% эса гелний, аргон, неон ва турли хил инерт газлар йифнинди-сидан иборат.

Сув буғларининг микдори 0,01—4,0% атрофида бўлиши мумкин.

Ҳайвон ўпкасидан чиққан ҳавода кислород 16,5%, карбонат ангидрид 3,5%, азот 80% бўлиши аниқланган. Шунинг учун ҳам молхоналардаги ҳаво таркибида юқорида келтирилган газларнинг нисбий микдорини ўзгариб бориши табиийдир. Булардан ташқа-рн молхоналарда аммиак, водород сульфид, углсрод оксиди, ме-тан ва бошқа заарли газлар учрайди.

Ҳаво ҳарорати ва намлигининг гигиеник аҳамияти. Барча тур-даги чорва молларининг нормал ҳаёти ва маҳсулдорлиги учун молхоналардаги ҳарорат, намлик ва ҳавонинг харакати фасллар бўйича деярли оптимал даражада бўлиши керак. Маълумки, ҳай-вонларнинг ҳамма органлари (мускулатура, жигар, буйрак, без-лар, ўпка, нерв системаси) да оксидланиш жарасни бориши туфай-ли иссиқлик ажralади.

Ҳайвонлардан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш ҳамда уларнинг соғлиғи яхши бўлни учун қуидаги оптимал даражадаги ҳарорат тавсия этилади: жумладан, сигирхоналарда 10—15°C, бузоқхоналарда 12°C, чўчқаҳоналарда 12°C, эмизувлик чўч-қалар боқиладиган чўчқаҳоналарда 16°C, қўйхоналарда 3—5°C, товуқхоналарда 12—16°C, куркаҳоналарда 12—16°C, ўрдак ва ғозлар боқиладиган хоналарда 7—14°C, қуёнхоналарда 16°C нормал ҳисобланади.

*Хонанинг намлиги* ҳайвон организмига катта таъсир кўрсата-ди. Молхоналарда доимо сув парлари бўлади. У асосан ҳайвон-ларнинг нафас чиқаришидан, териси юзасидан, шунингдек, гўнг ва сийдигини парланишидан вужудга келади. Масалан, вазни 500 кг ва кунига 5л сув ичадиган сигир суткасига 11 кг атрофида, вазни 200 кг ксладиган она чўчқа эса болаларн билан суткасига 7,7 кг сув бу/и ажратади. Умуман ҳайвонлардан ажралиб турадиган сув буғлари уларнинг вазни ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Шунингдек, бу буғлар ташқи муҳитдан, пол юзасидан сув идишлари ва нам озиқлардан ҳам ажралиб туради. Бундан ташқари молхоналарда ҳайвонлар сони кўп бўлса ва хона шамоллатиб турилмаса ҳамда канализация ишлари яхши йўлга қўйилмаган бўлса сув буғларининг миқдори ошиб кетади.

Умуман молхоналардағи ҳавонинг намлиги 50—70% бўлса нормал ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда фасллар ўртасида намлик қисман ошиби ҳам мумкин. Масалан, сигирхоналарда 85% гача, бузоқхоналарда 75% гача, чўчқаҳоналарда— 70—75%, қўйхоналарда— 80% гача; паррандаҳоналарда 60—80% ва қуёнхоналарда эса 60—75%. Молхоналарда намлик ортиб кетса уни шамоллатиш, канализация лишларини тсишили йўлга қўйиш, қиши ойларнда зса хонани иситиш яхши натижади.

## ЧОРВА МОЛЛАРИНИ СУГОРИШ ГИГИЕНАСИ

Сув, ҳамма чорва моллари учун муҳим ахамиятга эга бўлган факторлардан бири ҳисобланади. У ҳайвон соғлиғи ва маҳсулдор-лигига бевосита боғлиқдир.

Ҳамма тирик организмларда юз бсраладиган модда алмашинуви жараёнларида сув муҳим вазифани бажаради. Сув ёрдамида организм бўйлаб озиқ моддалар харакатланади ва кераксиз мод-далар ажратиб турилади. Сув туфайли организмда химиявий рс-акциялар ўз фаолиятини давом этдиради,

Сувнинг миқдори организмнинг физиологик ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, ёш организмларда сув кўпроқ учраса, катта ёшли ҳапвонларда эса танасига нисбатан камроқ бўлади. Кузатишлардан маълум бўлишиб янги туғилган бузоқ танасининг 72—75% қисмини сув ташкил қилса, 1,5 ёшлигига 61%, катталашганда 52% га тушиб қолади. Лекин ҳайвон эмбрионининг 97% и сувдан иборат бўлади.

Агар ҳайвонлар сув билан етарли миқдорда таъмин этилмаса, улар организмида овқат ҳазм бўлиши, моддаларнинг шимилиши, тананинг иссиқлик ажратиб туриши каби жараёнлар сусайиб кетади.

Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, агар ҳайвон организмидаги сув 10% га камайса, юракнинг фаолияти пасаяди, лштахаси нўқолади, тананинг ҳарорати қўтарилади ва титроқ ҳо-сил бўлади. Организмдан 20% ва ундан кўпроқ сувнинг йўқолиши уни нобуд бўлишнга олиб келган.

Шундай қилиб, ҳайвонларни вэктида қондириб суғориш улар-нинг маҳсулдорлигини ошириш ва соғлиғини яхшилаш борасидаги муҳим омиллардан хисобланади.

Чорва молларига ичириладиган сув тиник, ҳидсиз, мазаси яхши, органик ва чиринди маҳсулотларидан холи бўлиши керак. Уннинг таркибида заҳарли хнмиявий моддалар, патоген микроорганизм-лар, гельминтларнинг тухуми бўлмаслиги лозим. Агар фойдаланилиши лозим бўлган сув санитария талабларига жавоб бера ол-маса у ҳолда сувни тозалаш ва зарарсизлантириш тадбирлари кўл-ланилади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, турли хил ҳайвонлар 1 кг қуруқ озикни нормал ҳазм қилиши учун турли миқдорда сув истеъмол килади. Масалан, сигирлар 4—6 л, бўрдоқига боқилаётган қорамол 3—4 л, бузоқлар 7—9 л, отлар 2—3 л, чўчкалар 6—8 л қўй 2 л сув ичади. Шунингдек, сутка давомида турли хил ҳайвонлар сувни турли хнл миқдорда талаб этади. Масалан, сигирлар 80 л, катта ёшдаги бузоқлар 30 л, ёш бузоклар 20 л, эркак чўчқа-лар, бўғоз ва қочмаган чўчқалар 25 л, болалаган чўчқалар 60 л>-гўштга боқилаётганлари 15 л, катта ёшдаги қўй ва эчкилар 10 л., қўзи ва улоқлар 5 л, катта ёшдаги йилқилар 60—70 л, тойлар 40 л^. ўрдак ва ғозлар 1,75, бошқа турдаги паррандалар 1 л, қуёнлар 3 л сув талаб этадилар.

## ЕМ-ХАШАКЛАРГА ҚУИИЛАДИГАН ЗООГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

Ташқи муҳит факторлари ичida ҳанвонларни озиқлантириш энг муҳим ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чорва моллари ва пар-рандалар сифатли озиқлар билан етарли миқдорда таъмнн этил-маса уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетади, касалвон бўли& қолади, ориқлайди ва хўжаликка иқтисодин зарар етказилади. Ҳайвонларнинг ориклаб кетиши уларни турли хилдаги юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларга берилувчан қилиб қўяди, касаллик қўзғатувчи микроб ва вирусларга организм кўрсатадиган; қаршилнгинн бўшаштириб юборади. Шунга қўра чорва ҳанвонла-рини ва паррандаларни сифатли озиқлар билан тўйдириб бокиш; фақатгина маҳсулдорлигини оширибгина қолмай, балки маҳсулог сифатини яхшилади, серпуштлигини кўпайтиради, организмни чиниқтиради, касалликларга қаршилик кўрсатиш хусусиятини мустахкамлайди ва чорвачилик самарадорлигини ҳар томонлама кўтариш имконини беради.

Хўжаликларда жамғариладиган ва сақланадиган ем-хашакларнинг юқори сифатли ва тўйимли бўлиши муҳим ахамиятга эга.. Айрим вақтларда молларга мөғор босган ва таркибида заҳарли ўсимликлар ҳамда уларнинг дони бўлган озиқлар берилиши ва бунииг натижасида кўплаб молларнинг заҳарланиши ва организмининг жароҳатланиши кузатилади.

Хайвонларга бериладиган ем-хашак "таркибида тупроқ, қум, майда тош бўлаклари, металл парчалари (мих, сим, темир бўлак-ларн)нинг бўлиши ҳам кўплаб қўнгилсиз ва бахтсиз ходисаларга олиб келади. Ем-хашакда касаллик цўзғатувчи патоген замбуруғлар бўлиши ҳам турли хил касалликларга ва ҳайвонларнинг жароҳатланишнга сабаб бўлади. Ем-хашак орқали ҳайвон организмига юкумли ва юқумсиз касалликларнинг микроорганизмлари ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳамма чорва молларига ва паррандаларга бериладиган ем-хашак сифати жиҳатидан зоогигиена талабларига жаводастлабки ишлов бериш **муҳим** аҳамиятга эга. Бундан ташқари, озиқ турларидан ўз вақтида ва унумли фойдаланиш ҳам салмоқли ўрин тутади.

Агар ем-хашак таркибида сифати ва тозалиги жиҳатидан гу-мон қилинган нарсалар бўлса, яхиси уни ҳайвонларга бермас-лик керак ва имкони бўлса, уни маҳсус лабораторияларда текши-риш лозим.

Ем-хашакнинг сифатини баҳолашда унинг таркибидаги намлик муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Чунки намлиги нормадан ортиқ бўлган ем-хашак тез бузилади, моғорлайди, айрим вақтларда унинг таркибида заҳарли замбуруғлар пайдо бўлади.

Пичаннинг намлиги 15% дан ортиқ бўлмаса, ўзининг тўйимлилик хусусиятини йўқотмаган ҳолда узоқ вақт сақланади. Сифатли пичаннинг ранги яшил, ҳиди ёқимли бўлади. Пичаннинг сифати унинг ботаник таркиби бўйича ҳам аниқланади. Агар унинг таркибида 1% дан ортиқ заҳарли ўсимликлар пояси бўлса, у ҳолда бундай пичан ҳайвонларга едириш учун яроқсиз ҳисобла-нади.

*Сомон ва похол* қандай ўсимлик поясидан таиёрлапганлигига қараб ўзига хос ҳид ва рангга эга бўлади. Унинг сифати биринчи навбатда ялтироқлик хусусиятига қараб белгиланади. Агар бу хилдаги озиқнинг сифати паст ёки бузилган бўлса, унинг ҳиди ёқимсиз бўлади. Намлиги 14% гача бўлган озиқ сифатли ҳисобланади. Сомон ва похол таркиби турли ҳилдаги ёт моддалардан ҳам холи бўлиши керак.

*Озиқабон* ун ўзининг сифатига қўра ҳамма турдаги ҳайвоилар учун тўйимли озиқ ҳисобланади. Уннинг намлиги 14% дан ошиб кетса сифатига путур етади. Агар унинг намлиги юқори ва сифати бузилмаган бўлса, уни моллар учун тезроқ ишлатиб юбориш ло-зим, чунки узоқ туриб қолса, моғор босади ва чирий бошланди.

*Омухта* ем бир неча турдаги дон, кепак, ун ва бошқаларниг қўшилмасидан иборат бўлганлиги учун, унинг намлиги 14,5% даи ошмаслиги керак. Ранги одатда, оқ, кул ранг, ҳиди еқимли бўлади.

*Ёрма* доннинг ҳиди ёқимли ва хушбўй, намлиги эса 15% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Кислоталик даражаси ҳам  $4^{\circ}$ — $5^{\circ}$  дан ошиб кетмаслиги лозим.

*Кунжара* ҳамма турдаги ҳайвонлар учун тўйимли озиқ ҳисоб-ланади. Унинг сифати — ранги, ҳиди, мазаси ва таркибида мине-рал ҳамда металл парчалари бор-йўқлигига қараб белгиланади. Айрим кунжаранинг таркибида заҳарли моддалар бўлиши мум-кин. Нам жойда сақланган кунжаранинг ранги қораяди.

Хулоса қилиб айтганда ҳамма турдаги түйимли озиқ (концен-трат) ларни куруқ, тоза, ҳавоси яхши алмашиниб турадиган хо-наларда, паст ҳароратда сақлаш тавсия этилади.

*Силос* барча турдаги кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг асосий озиғи ҳисобланади. Силоснинг сифатн, уни қанчалик түғри бости-рилганлигига, сақланганлигига боғлиқ. Сифатли силоснинг ранги яшил, баъзан сарғиш-яшил бўлади. Шунингдек, сифатли силоснинг ҳиди ёқимли, тузланга карам ёки қора булка нонникига ўхшаш кетади. Сифатли силос таркибида pH—4, 0—4,2 дан ошмаслиги керак ва мой кислота, шунингдек, тупроқ, қум ёки бошқа ёт нарсалардан холи бўлиши лозим.

Сенаж дуккакли ва бошқа ўсимликлар пояснни сўлитиб, май-далаб. маҳсус бетон чукурларга босилган хушбўй, витамиилар ва оқсилга бой озиқ ҳисобланади. Унинг ҳиди ёқимли, янги ўрилган ўт ҳидига ўхшаш бўлиши керак. Сифатли сенажнимг таркибида силосникига ўхшаш механик ва бошқа қўшнмчалар хам бўлмас-лиги мақсадга мувофиқдир.

*Илдизмевалар* (лавлаги, картошка, сабзи, турп, шолғом ва бошқалар) ҳамма турдаги ҳайвонлар учун витаминли озиқ ҳисоб-ланади. Уларнинг сифатли бўлниши бир қанча факторларга боғлиқ бўлади. Масалан, илдизмевалар механик шикастланмаганлиги, лой ва қум аралашмалари йўқлиги, моғор босмаганлиги уининг сифатлилигидан дарак беради. Илдизмевалар кесилган, яъни бир нача бўлакчаларга бўлнинган ҳолда ҳайвонларга бсрилади.

*Ҳайвонот маҳсулотларидан тайерланган озиқлар* (қон унн, суяқ уни, қон-суяқ уни аралашмаси, еғи олинган сут, сут зардобн, таорог ўзига хос специфик хусусиятларга, яъни маълум ҳидга, рангга ва таркибга эга бўлади. Лекин қандай озиқ тури бўлишидан қатъи назар, унинг сифати юқори бўлиши керак,

*Озиқ-овқат саноати чиқиндилари* (пиво бардиси, лавлаги тур-пи, кепак, мева-консерва ва вино заводи чиқиндиларн) ҳайвонлар учун озиқ сифатида фойдаланилади. Бу хил озиқлар ҳам юқори-да баён этилган озиқлар каби сифатли ва хушбўй бўлиши лозим. Акс ҳолда ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органлари фаолияти-га салбий таъсир кўрсатади. Умуман уларни ҳайвонларга бериш-дан аввал текшириб кўриш, сифат даражасини аннқлаш мақсадга мувофиқдир. Шундагина улардан олинадиган натижа юқори ва кўнгилдагидек бўлади.

*Ўт уни (пичан. уни).* Ўт уни витаминли кўкатлардан, кўк бедадан ва бошқа ўсимликлар поясидан маҳсус машина ёрдамида тайёрланади. У ҳайвон ва паррандаларийинг маҳсулдорлигини оши-ради. Ҳар 1 кг пичан уни таркибида ўртача 16—18% протсин, 200—250 мг каротин бўлади. Беданинг шоналаган ва гуллай бош-лаган пайтда ўриб олинган кўк массасидан тайёрланган ўт уни ниҳоятда сифатли бўлади.

*Брикет ва донадор (гранулланган) озиқлар.* Ўсимликларни қуритиб брикетлаш ва донадор озиқ тайёрлаш ҳайвонларни түйимли озиқлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ҳозирда қўлланилаётган янги техника ва технология ўсимликлар таркибидаги озиқ моддаларни деярли ҳаммасини

(93—96% ини) сақлабгина қолмай, балки уларга қўшимча моддалар қўшиш билан тўйимли-лигини ошириш имконини беради.

Молларни озиқлардан касалланиши олдини **олиш**. Турли хил озиқ таркибида механик қўшимчаларпинг бўлиши уларни ҳайвон-ларга едириш учун ярамаслигинн кўрсатади. Акс ҳолда ҳайвонлар бу хилдаги озиқлардан жароҳатланади ва нобуд бўлади. Уларниг сифатини, тўнимлилигини, санитария холатини назорат қилиб бориш ҳар бир чорвадорнинг мухим вазифаси ҳисобланади.

Ем-хашак **сифатини** назорат қилиш, Ем-хашакнинг сифати тўйимли моддаларга бой бўлиши билангина эмас, балки тозалиги ва софлиги билан белгиланади. Шунга кўра, озиқ турларини сифат-ли бўлиши бир қанча факторларга боғлиқ бўлади. Жумладан, уларни ўз вақтида ўриб, йигиб олиш ва жамғариш, яхши сақлаш, озиқлар таркибида мих, сим, шиша синиқлари, темир парчаларини бўлиши жуда хавфли ҳисобланади.

Агар дон, қунжара, пичан уни таркибида механик қўшилма-лар мавжудлиги аниқланса, уларни элакдан ўтказиш ёки электро-магнит курилмалари ёрдамида металл парчаларидан тозалаш ке-рак.

Яйловларда ёки бедапоя ва пичанзорларда захарли ўсимлик-лар борлиги аниқланса, уларни таг-томири билан юлиб олиб йўқотиш лозим.

Чигит қунжарасида 0,02—0,2% атрофида ҳамма турдаги ҳайвонлар учун заҳарли ҳисобланган *гликозид-госсипол* бўлади. Моллар узлуксиз кўп миқдорда чигит қунжара билан боқилганда улар шу заҳарли моддадан шикастланади.

Госсиполдан заҳарланган молларнинг иштаҳаси йўқолади, ов-қат ҳазм бўлиши ёмонлашади, ич кетади, қорни шишади ва ахла-ти баъзан қон аралаш тушади. Шунингдек, ҳайвонда нафас олиш, қон айланиш ва нерв системаларининг нормал фаолияти бузилади. Бунинг натижасида ҳайвон ориқлайди, маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

Ҳайвонларни озиқлантириш гигиенаси. Турли хил озиқларни молларга беришдан аввал уларни молларга едириш учун тайёр-ланади. Бундай тайёргарлик чорвачилик фермаларидағи маҳсус озиқ цехида амалга оширилади. Озиқ цехидаги ҳамма асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар ҳамма вақт тозаланиб турилиши ва вақт-вақти билан дезинфекция қилиниши лозим.

Молхоналарда охурларнинг тозалигига ва унда қолдиқ озиқ,-ларнинг узоқ туриб қолмаслигига алоҳида эътибор бериш керак. Охурларни ўз вақтида ювиб, вақт-вақтида дезинфекциялаб ту-риш озиқлантириш гигиенасидаги асосий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ҳайвонларни озиқлантиришда маълум кун тартибига риоя қилиш лозим. Хўжаликда моллардан фойдаланиш хусусиятларига қараб уларга озиқ бериш, озиқ турлари ва уларни алмаштириб туришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ҳамма турдаги озиқлар (ем, пичан уни, суюқ, донадор, пичан, силос, сенаж, илдизмева ва бошқалар)ни молларга беришда тозаликка ва барча зоогигиена талабларига қатъий риоя қилиш чорвадор ходимлар-нинг дикқат марказида бўлмоғи лозим.

Чорвачилик комплекслари ва күшхоналар қуришга қўйиладиган гигиена талаблари. Чорвачилик комплекслари, күшхоналар ва чорвачилик маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари (сут заводлари ва х. к. лар) қуриш учун жойни тўғри танлаш катта ахамиятга эга. Йирик чорвачилик фермалари ва комплекслари қуришда ҳайвонлар учун барча гигиеник шароитлар бўлиши, сув билан таъминлаш, тупроқ инфекциясини бўлмаслиги, шунингдек ўлка рельефи, шамол йўналиши, ер ости сувларини чуқур (2—3 м) жойлашиши назарда тутилади. Бинолар қуриладиган майдон текис, атмосфера сувларини тўпланиб қолмаслиги учун, бир оз нишаб бўлиши мақсадга мувофиқдир. Танланган ерга қуёш нурлари бемалол туша оладиган ва кучли шамоллардан химояланган бўлиши керак. Қисқаси танланган жой ўзининг барча хусусиятлари бўйича бино қуриш учун мос келиши лозим.

Чорвачилик комплекслари, аҳоли яшаб турган жойдан камида 200—300 м нарида бўлиши керак. Бунда шамолнинг йўналишини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Чорвачилик комплекси шундай жойлаштирилиши керакки, бунда фермадан чиқадиган гўнг, сий-дик ва бошқа заарли ҳидлар аҳоли яшайдиган жойга эмас, ша-мол ёрдамида бутунлай қарама-қарши томонга йўналган бўлиши керак.

Шунингдек, чорвачилик бинолари шундай ерларга қурилиши керакки, у аҳоли яшаб турган ва хўжалик ишлаб чиқариш секторларидан қисман пастроқда, лекин санитария ва ветеринария пункт-ларидан, гўнг ва сийдик тўпланадиган жойдан баландроқда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари чорвачилик комплексларини қуришда бошқа қўшни фермалар, саноат комплекс-лари, ҳайвонот маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари, ҳайвон-ларни сўйиш ва гўштини жўнатиш муассасалари ҳамда бошқа тур ҳайвон фермаларидан камида 150—200 м нарида жойлашган бўлиши керак. Қўёнчилик ва мўйнали ҳайвонлар фермаси эса бошқа ферма ва комплекслардан камида 1500 м узоқлиқда бўлиши лозим. Биотермик чуқурлар ферма ва комплекслардан 1000 м, ҳайвонлар маҳсулотини қайта ишлаш корхоналаридан 1500 м узоқлиқда бўлгани маъқул.

Чорвачилик комплекси териториясидаги чорва биноларини бир-биридан қанчалик узоқлиқда жойлаштиришда улар ўртаси-даги алоқадорлик, механизация ёрдамида ем-хашак тарқатиш, канализация ёрдамида ҳайвонлар ахлатини гўнгхоналарга чиқа-риш каби турли хилдаги ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобга олиниши лозим.

Илмий тавсияларга кўра, чорвачилик комплексидаги барча тур-даги бинолар комплект холда қурилгани маъқул. Чунки улар ўртасида транспорт воситалари учун асфальт йўлга жой қолдирилиши, сув ва водопровод иншоотлари учун маълум ер бўлиши назарда тутилади. Хоналар ёруғ ва кенг бўлиши керак. Комплекс-даги бинолар оралиғи, йўлларнинг четки қисми ва бинонинг атрофи кўкаламлаштирилиши зарур. Айниқса республикамизнинг ис-сиқ иқлимли шароити, жумладан, ёз ойларида ҳавонинг харорати хаддан ташқари 40—45°С гача ва ундан ҳам юқори қизиб кетиши ҳисобга олипиши лозим. Бунинг учун сув ресурсларидан максимал фойдаланиш яхши натижада беради. Масалан, микроиклим ташкил қилиш мақсадида кўплаб сув

фонтанчалари, душлар ёки бошқа совитувчи аппаратлардан фойдаланишга тўғри келади. Булар эса хизматчилар ва чорва моллари учун гигиеник шароитларни яра-тишда катта аҳамият касб этади.

Хоналарни шамоллатиб туриш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлниши керак. Бу ишлар маҳсус аппаратлар ва механизмлар ёр-дамида узлуксиз бажарилиши лозим. Шунингдек бир хонадан чиқсан сассиқ ҳавони иккинчи хонага киришини олдини олиш ло-зим.

**Күшхоналар** қуриш учун қуруқ, ер ости сувлари чукур жойлашган текис ерлар танланиши керак. Олиб бориладиган ишлар учун санитария ва гигиена шароитлари яратилиши лозим. Шуннингдек, транспорт воситаларини бемалол харакати учун кенг ва асфальт-ланган йўллар б\*ўлиши керак.

Күшхонанинг атрофи камидаги 2 м баландликда девор билан ўралиши ва майдони қўкаламзорлаштирилиши керак. Сув билан таъминланиши юқори даражада бўлиши ва аҳоли яшаб турган жойдан камидаги 50—200 м нарида жойлаштирилиши керак.

## **РЕСПУБЛИКАМИЗ САНОАТ ЧОРВАЧИЛИГИДАГИ ЗООГИГИЕНА ТАДБИРЛАРИ**

Иттифоқимизнинг ҳамма зоналаридаги бўлганидек, республика-мизда ийрик чорвачилик комплексларининг ташкил этилиши, бар-ча турдаги молларни интенсив боқиш, сақлаш, семиртириш ва кўп-лаб сифатли маҳсулот этиштириш борасида, ўлка шароитини ҳисобга олган ҳолда зоогигиена тадбирларини кўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачиликни саноат асосига қўчириш, марказлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш биринчи галда замонавий лойихалардан, арzon ва пишиқ қурилиш материалларидан, оптималь даражадаги микроиклимини вужудга келтирувчи механизмлардан, шунингдек, молларни боқиш ва сақлаш технологияси ҳамда гигиеналаридан тўғри ва унумли фойдаланишни тақозо қиласди, Акс ҳолда хайвон организмининг бўшашиб, қувватсизланиб бориши, турли хилдаги касалликларга чалинувчанлигини ошиши, маҳсулдорлигининг кескин пасайиб кетиши табиийдир. Чунки бунга молхоналардаги молларнинг зичлиги, ҳаво мухитининг нормал ҳолда бўлмаслиги, озодагарчиликка сабаб бўлади.

Маълумки, хозирги вақтда саноатимиз ишлаб чиқараётган барча турдаги механизмлар, чорвачилик бўйича қурилиш-loyихалари чорвачиликни жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиши билан бирга улар иттифоқимизнинг Европа шароитига мўлжаллангандир. Уларни республикамизнинг иссиқ иқлими шароитига мослаштириш, муайян технологик нормативларни ишлаб чиқиш, молларни ёши, тури, маҳсулотининг йўналиши, қандай мақсад учун боқилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда барча фасллар учун **мик-роикли** параметрларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Узбекистон чорвачилик ва ветеринария илмий-текшириш институти олимлари томонидан бир қанча кузатув ишлари олиб борилмоқда ва фойдали тазсиялар

ишлаб чиқилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ветеринария илмий-текшириш институти олимлари (Ш. Рўзиев ва бошқалар)нинг кузатишлирага қараганда, қиши ойларида молхонанинг ҳарорати  $13,3-15,2^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг намлиги  $52,4-72,5\%$ , ҳаво (шамолнинг) ҳаракати  $0,09-0,18$  м/сек бўлган. Баҳор ойларида эса бу кўрсаткичлар:  $19,1-29,5^{\circ}\text{C}$ ,  $63,0-79,5\%$  ва  $0,29-0,65$  м/сек ни ташкил қилган.

Лекин ёз ойларида микроиқлим параметрлари кескин ўзгарган, яъни:  $23,7-35,7^{\circ}\text{C}$ ,  $50,1-59,8\%$ ,  $0,40-0,85$  м/сек ни ташкил қилган, аммиак концентрацияси  $13,8-26,5$  мг/м<sup>3</sup>, ис гази  $0,211-0,277\%$  бўлган. Июль ойида молхона микроиқлимида жиддий ўз-гариш кузатилган, яъни ҳавонинг суткалик ҳарорати ўртacha  $27,8^{\circ}\text{C}$  бўлгани ҳолда кундузи  $32,6^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган, ҳавонинг нам-лиги  $46\%$  бўлган. Шу вақтда ташқаридаги ҳавонинг ҳарорати  $31,4^{\circ}\text{C}$  ва намлик  $45,1\%$  бўлган.

Куз келиши билан бу кўрсаткичлар бир оз нормага яқинлашган. Яъни ҳавонинг ҳарорати  $18,7-23,9^{\circ}\text{C}$ , намлиги  $58,8-67(67)$ , ҳавоннинг ҳаракати  $0,35-0,51$  м/сек бўлган. Ташқаридаги ҳавонинг ҳарорати бу вақтда  $19,9-25,6^{\circ}\text{C}$ , намлиги  $64\%$  ни ташкил этган.

Республикамиз шароитида молхоналар микроиқлимининг энг асосий кўрсаткичи ҳавонинг ҳарорати хисобланади. Ҳозирги вакт-да молхоналардаги микроиқлимни тўғри бошқариш учун КИО-12,5А маркали кондиционерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда ҳавонинг намлиги  $15-20\%$  ортади, ҳавонинг ҳарорати эса  $6-9^{\circ}\text{C}$  га камаяди ва ҳаво алмашини жараёни яхши боради.

Кейинги йилларда республикамиздаги лойиҳалаш институтла-ри ва ташкилотлари Узбекистон чорвачилик ва ветеринария илмий-текшириш институтлари билан хамкорликда, хайвонларни биоло-гик хусусиятларини, ўлка иқлим шароитини ва зонал талаблар асосида янги замонавий, пишик ва арzonга тушадиган чорвачилик биноларини лойиҳалашга киришганлар.

## ҲАЙВОНЛАР УЧУН МОЦИОН ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Моцион — молхоналарда боқиладиган ҳайвонларни очиқ ҳавода яйратиш ва ҳаракат килдириш демакдир. Кейинги вақтларда ҳамма турдаги чорва молларини саноат асосида кўпайтириш ва ривожлантириш, йирик чорвачилик кимплексларини қуриш ва деярли ҳамма ҳайвонлар кечаю-кундуз чорва биноларида бокилиши ча сақланиши туфайли улар учун моцион ташкил этиш жуда катта ахамиятга эга. Агар моцион бўлмаса, ҳайвонлар боғланган ҳол-да кечаю-кундуз молхоналарда қимиirlамасдан ётаверади, уларнинг иштаҳаси паст бўлади, маҳсулоти юқори бўлмайди ва уму-ман бу хол уларнинг соглнғига салбий таъсир кўрсатади.

Моцион барча турдаги ҳайвонлар учун зарур бўлган днг муҳим тадбирлардан хисобланади.

Моцион учун ҳайвонлар ёшлигидап ургатилади ва унянг кун-далик муддати тобора кўпайтирилиб борилади. Касал моллар учун моцион талаб этилмайди.

**Моцион ўтказиладиган майдонлар.** Моцион ўтказиш учун чорвачилик фермалари ва комплекслари атрофида ҳанвонларнинг бош сони ва турини хисобга олган ҳолда маҳсус майдончалар аж-ратиш талаб этилади.

Лекин моцион ўтказиладиган ерда ботқоқлик, кўлмак сувлар ёки ҳайвон учун зарарли ҳисобланган нарсаларни бўлмагани маъ-

Кўйлар учун моцион қўйхоналарнинг атрофидаги кенг ва очик майдонларда ўтказилиши мумкин. Атрофн ўралган майдон мақ-садга мувофиқ бўлади. Бу ерда уларга дағал озиқлар, см ва бош-қалар берилиши ва кун бўйи шу ерда сақланиши мумкин. Қишиш ва совук кунларда улар қўйхоналарга олинади, шунингдек, ёғингар-чилик бўлганида ҳам улар хоналарда сақланиши керак.

Чўчқалар билан моцион ўтказиш учун 1 — 1,5 км узунликдаги майдонлар имкони борича серсув ва салқин жойдан ажратилиши лозим. У ерда улар вақт-вақти билан дам оладилар ва маҳсулдор-лик қўрсаткичларини оширадилар. Чўчқа болалари учун моцион майдончаларида похол ва тагларига солиш учун озиқ тўшамалар бўлгани яхши.

Сигирлар учун моцион майдонлари чорвачилик комплекси ат-рофидаги очик, сув билан таъминланган кенг срларда бўлиши максадга мувофиқдир. Ёз кунларида уларнинг дам олиши учун ҳам салқин, дараҳтзор ерларни бўлиши катта аҳамиятга эга. Чун-кн куёшнинг иссиқ нурлари ҳайвон организмига салбий таъсир қўрсатмаслиги керак.

Сигирлар учун моцион ташкил этишда уларнн эрталабки соғин тугаганидан сўнг озиқлантириб, кейин ташқарига чиқарилади. Модион жараёнида ҳайвонлар бир-бирларини жароҳатлантирмаслиги ва шикастланиб қолмаслиги назорат остига олинади. Айниқса бўғоз ҳайвонларга нисбатан моцион вақтида кўпроқ эҳтиёткорлик талаб этилади. Об-ҳаво паст, қаттиқ совук, шамол эсаётган ва ер музлаган бўлса улар моцион учун чиқарилмайди.

Имкони бўлса ёз кунлари ҳайвонларни чўмилтириб туриш мақ-садида маҳсус душ майдончалари ташкил этиш зарур. Чунки бун-дай тадбирлар фақатгина ҳайвон соғлигини яхшилабгина қолмай уларнинг маҳсулотини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.

#### **XIV б о б. ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ (ВЕТЕРИНАРИЯ АСОСЛАРИ)**

Ветеринария асослари соғлом ва касал ҳайвонлар организмида юз берадиган ўзгаришлар, касалликларнинг сабаби, ҳолати, уларни аниқлаш усуслари, олдини олиш, даволаш ва соғломлаштириб юбориш қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Ветеринария асосларига бир неча фанлар комплекси; ҳайвонлар анатомияси, гистологияси ва эмбриологияси, патологик физиология, терапия, фармакология, хирургия, зоогигиена, микробио-логия, эпизоотология, паразитология, ветеринария қонуниятлари ва бошқа фанлар киради. Шунингдек, ветеринария фани бир қанча биологик ва зоотехния фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Масалан, биология, биохимия, ҳайвонларни

озиқлантириш, урчиши, кўпайтириш, умумий ва хусусий чорвачилик фанлари шулар жумласидандир. Бетеринария фанини камолот топишида йирик олимлардан И. И. Мечников, Н. Ф. Гамалей, Л. С. Ценковский, И. М. Садовский ва бошқаларнинг роли ниҳоятда каттадир. Улар томонидан яратилган вакциналар турли хил юқумли касал-ликларга қарши қурашда катта аҳамият касб этадн.

Касалликларнинг олдини олиш тадбирлари. Чорва моллари ва паррандалар касалликларини олдини олиш, уларни ҳамма вақт соғлом сақлаш ва асраш масаласи бир қанча вазифаларни ўз ичига олади. Айниқса, санитария ва гигиена талабларига риоя қилиш, барча ветеринария тадбирлари (хайвонларни турли хилдаги касалликларига қарши эмлаш, дорилаш, хоналарни дезинфенкция қи-лиш, иштаҳаси йўқолган ёки сусайган, физиологик ҳолати оғир-лашганларни тезда тскшириб қўриш ва бошқалар) ни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ҳамма организмлар хам ўзларининг чидамлилиги, бақувватлиги, чиниқкан-лиги ва биологик хусусиятларига кўра касалликларга ҳар хил даражада берилувчан бўлади.

Бақувват ва чини<sup>^</sup>қан организмлар турли микробларга нисбатан қаршилик қўрсатиш хусусияти жиҳатидан юқори даражада бўлади ва бу борада уларни тўғри сақлаш, асраш, парваришлиш ва озиқлантириш каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, кўпроқ ориқ, нимжон ва тўйдириб боқилмайдиган ҳайвонлар ҳар хил касалликларга берилувчан ва тезрок чалинадиган бўлади.

Умуман, ҳайвон касалликларини олдини олиш, касалланганла-рини тезда даволаш ва соғломларидан ажратиш, шунингдек ка-саллик сабабларини аниқлаш ва билиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳайвон касалликларини олдини олиш, соғлигини муҳофаза қи-лиш, маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш чорвачнлик билан банд бўлган барча ходимларнинг масъулияти-га, қанчалик жонкуярлигига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир ходим маҳсус ҳалат ва фартуклар билан таъминланган холда иш тутишлари ва молхоналарга ўзлари билан ташқаридан инфекция олиб кирмаслик учун барча чора-тадбирларни қўришлари зарур. Чорва молларининг ва паррандаларининг касалликларга ча-линмаслиги учун хоналарнинг микроиқлимига алоҳида эътибор бериш керак. Хоналарнинг тоза бўлиши, заҳарли газ\_ларнинг тўп-ланиб қолмаслиги, хонанинг санитарлик ҳолатини яхши бўлниши ва барча гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш энг муҳим омиллардан хисобланади.

Молхоналарда микроиқлимининг талаб этилган даражада бўлиши билан бирга, атроф ва ўлка рельефи, сув манбалари, қўкаламзорлаштириш, ҳайвонлар учун моционни тўғри уюштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек ёз ойларида ҳайвонларни қуёш радиациясидан сақлаш, иссиқлик даражасини кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ҳайвонларни зичлиги ва етарли даражада жой билан таъминланганлигининг ҳам роли катта. Қиши кунлари хона-ларни совиб кетишдан сақлаш, хона иситкичларидан тўғри фойда-ланиш, ҳаво намлигининг ошиб кетмаслигини назорат қилиб туриш ва

захарли газларни вентеляциялар ёрдамида ташқарига чиқариб ташлаш ишлари, шунингдек етарли даражада ёруғлик би-лан таъминлаш хам муҳим тадбирлардан хисобланади.

**Ҳайвон** касалликларининг асосий белгилари. Касалликка чалинган ҳайвонларни аниклаш унчалик қийин бўлмасдан, биринчи галда уларнинг ташки қиёфасидан билиш **мумкин**. Аввало, касал ҳайвоннинг иштаҳаси йўқолади, харакатчанлиги сусаяди, танаси-нинг ҳарорати қўтарилади, айрим вақтларда у қалтирайди, кўзидан ёш оқади, юрак уриши тезлашади. Айрим вақтларда ковш қайтарувчи ҳайвонлар ковш қайтармай қўяди. Баъзан улар но-тинчланади, типирчилайди, қорни шишади, ичи суюқ кетади ёки аксинча ичи тўхтаб қолади. Иўтал ҳайвонни қийнайди ва қисқа вақт ичидаги ориқлаб кетади. Сигирларнинг сути эса камаяди, сифати бузилади. Баъзан елинидан йиринг аралаш модда чиқади. Оёқ бўғинлари шишиб кетиши мумкин. Баъзан касалланган бўғоз ҳайвонларда бола ташлаш каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади.

Баъзи бир касалликлар оқибатида ҳайвоннинг тана ҳарорати пасаяди, юрак уриши сусаяди. Шунинг учун ҳам соғувчилар соғ-лом сигирларда тана ҳарорати, юрак уриш тезлиги, нафас олиш нормаларини билиб олишлари фойдалидир.

**Тананинг ҳарорати** ветеринар термометр ёрдамида ўлчанади. Ҳароратни ўлчашдан аввал термометр силкитилиб, вазилин сур-калади ва ҳайвоннинг тўғри ичак тешигига тиқиб, унинг учини ҳайвон думига каноп билан боғлаб қўйилади. Орадан беш минут ўтгач термометр олинади, артилади ва ҳарорат даражаси аниқла-нилади. Фойдаланилган термометрлар тозалаб ювилади, артилади ва эҳтиётлик билан сақлаб қўйилади.

Агар сигирларда тана ҳарорати  $37,5$  дан  $38,6^{\circ}$  гача бўлса, уни нормал хисоблаш мумкин. Шунингдек, отларда  $37,5$ — $38,5^{\circ}$ , туя-ларда  $36$ — $38,6^{\circ}$ , қўй ва эчкиларда  $38,5$ — $40^{\circ}$ , чўчқаларда  $38$ — $40^{\circ}$ , қуёнларда  $38,5$ — $39,7^{\circ}$ , паррандаларда  $40$ — $43^{\circ}$  бўлиши нормал хисобланади.

**Нафас олиш тезлиги** ҳайвонларнинг бурун тешигига бармоқ учларини очик ҳолда қўйиб, иккинчи қўлга секундамер ёки соатни олган ҳолда хисобланади. Нафас олиш тезлиги минутига  $^{\wedge}$ ора-молларда  $10$ — $30$ , отларда  $8$ — $16$ , қўй-эчкиларда  $16$ — $30$ , чўчқаларда  $15$ — $20$ , товукларда  $15$ — $30$  марта бўлса, уни нормал хисоблаш мумкин.

Бу хусусият айрим вақтларда ҳайвонларни ориқ-семизлигига ва тўқ ёки оч қолганлигига, шунингдек физиологик холатига боғлиқ бўлади.

Юрак уриш тезлигини аниқлаш ҳайвонни  $^{\wedge}$ уйидаги нуқталари-дан бирига бармоқ учини тегизган ҳолда ўлчанади. Масалан, ост-ки жағ артерия қон томиридан, думининг танага туташган қис-мидан, яъни дум ости артериал ва веноз қон томирларидан, шу-нингдек олдинги оёқнинг туёқса яқин орқа томонидан юрак уриш тезлигини аниқлаш мумкин. Бунда сигирларда юрак уриш тезлиги минутига ўртacha  $40$ — $80$  та бўлса, уни нормал хисоблаш мумкин. **Шунингдек**, юрак уриш тезлиги минутига отларда  $24$ — $48$ , қўй ва эчкиларда  $60$ — $80$ , туяларда  $32$ — $52$ , чўчқаларда  $60$ — $80$ , қуёнларда  $120$ — $140$  марта бўлиши **ҳам нормал** хисобланади.

Чорва молларини кузатиш ёруғ ва тоза ерларда олиб борила-ди. Бунда аввало уларнинг ори<sup>н</sup>-семизлиги, териси, жун қоплами, кўз қобуғи, бурун ва оғиз органларининг ҳолатига алоҳида эътибор берилади. Соғлом молниңг жуни силлиқ, ялтироқ, териси юмшоқ, эластик, кўз қобиғи оч пушти рангда бўлади.

Ҳайвонларни назорат қилишда улар организмининг умумий ҳолатига, ташқи муҳитга бўлган реакциясига, нотинчлигига қараш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Агарда ҳайвоннинг касал эканлиги аниқланса, уни албатта подадаги ва хонадаги соғлом моллардан ажратиб маҳсус изоляторларда саклаш ва озиклантириш лозим.

Касал ҳайвонларни даволаш тадбирларн ветеринария врачла-ри ва ветфельдшерлар зиммасига юклатилган.

**Юқумсиз касалликлар.** Чорва ҳайвонларининг юқумсиз касал-ликлари асосан икки хил — ташқи ва ички бўлиши мумкин. Бу касалликлар кўпроқ чорвачилик ходимларининг зътиборсизлиги, шунингдек ҳайвонларни озиқлантириш, саклаш, асрар, парвариш-лаш, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда зоогигиена қоидаларига риоя қиласлик оқибатидан вужудга келади.

Юқумсиз касалликларни шартли равишда икки турга бўлин-гани билан унинг давом этиши ҳайвон организмини жароҳатлан-тиради, цийнайди, оздириб маҳсулдорлигнни пасайтириб юборади. Чунки организм бир бутун бўлгани ҳолда, унинг кайси бир органи жароҳатланмасин уни таъсири сўзсиз организм бўйлаб таркалади ва ҳайвонни умумий касалликка, организмнинг нормал функциясини ўзгаришга олиб келади.

Ташқи касалликларга асосан, яралар, танани айрим ерларини қирилиб кетиши, юқумсиз тери касалликлари, кўз, оғиз, оёқ ва туёқ каби аъзоларни оғриғи киради. Чорвачилик фермаларидағи ҳар бир чорвадор бундай касалликларни олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини ҳамда барча тадбирларни ўз вактида қўллай билиши муҳим аҳамиятга эга.

**Яралар, жароҳатланиши натижасада теридан қон оқиши ва уни олдини олии.** Бунинг учун биринчи галда қон оқишини тўхтатиш керак. Қиши вақтида муз ёки қорни тоза дока ёки рўмолга ўраб қон чицаетган ерга тегизиб турнлади. Бошқа пайтда докани муздек сувга ботириб, сувни сиқиб ташлаган ҳолда ярага тегизилади. Агар қон оқиши кучли бўлса, у ер боғлаб қўйилади. Яраларни даволаш учун биринчи галда ветфельдшерлар ва ветеринария врачлари барча чораларни қўллашлари керак. Йилнинг иссиқ кунлари-да яраларга турли пашша еки бошқа ҳашаротлар тухум қўймасликлари учун унга креолин, нафталин, иодоформен дориворлари суркаб қўйилади. Айрим вақтларда йод ҳам қўлланилади.